

М. МИРТОЖНЕВ

ҲОЗИРГИ
ЎЗБЕК
ТИЛИ

*(Олий ўқув юртига кىрувчилар учун
ўқув қўлланма)*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1992

Олий ўқув юртига кирувчилар қайси олий ўқув юртининг қайси факультетига кираётган бўлмасин, улар, албатта, ҳозирги ўзбек адабий тили (она тили)дан имтиҳон топширишларига тўғри келади. Ҳозирги ўзбек адабий тилидан топшириладиган имтиҳон икки хил бўлади: 1) ёзма; 2) оғзаки.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг ёзма имтиҳони барча факультетга кирувчилардан талаб қилинади. Бу имтиҳон ўзига хос бўлиб, ўзбек адабиёти билан бирга олинади. Бунда кирувчилар ўзбек адабиётидан ишро ёзадилар.

Ишонинг имлоси, услуби, тиниш белгилари текширилиб, савбхонлигига кўра баҳоси белгиланади.

Айрим факультетларга кирувчилардан ҳозирги ўзбек адабий тилидан оғзаки имтиҳон талаб қилинади. Бу имтиҳон бир билетдаги адабиётдан бериладиган икки саволдан кейинги учинчи савол сифатида бўлади. Унинг баҳоси адабиётдан олинган баҳолар йиғиндисин билан тенг қийматга эга, яъни адабиётдан иккита «5» баҳо олиб, тилдан биэмаса (берилган мисолни грамматик таҳлил қилолмаса), умумий баҳо «3» дан юқори бўлмайди. Шунинг учун ҳам грамматик таҳлилга жиддий эътибор бериш зарур.

На узбекском языке

МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВ

СОВРЕМЕННЫЙ УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК

Ташкент «Ўқитувчи» 1992

Мухаррар *Ҳ. Юсупова*
Бадий муҳаррар *И. Обидов*
Техн. муҳаррар *Э. Вильданова*
Муҳасҳиҳа *Л. Мирзаҳмедова*

ИБ № 5816

Теринга берилди 24.02.92. Босинга руҳсат этилди 05.05.92. Формати 84/108₂. Кегль 19 шпонсев. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шарҳи 5. л. 8.82. Шарҳи кр.-отт. 8.03. Нашр. л. 8.4. Тиражи 9.000. Зан. 37.

«Ўқитувчи» нашриёти, Ташкент, Навоий кўчаси, 39. Шарҳнома 13-192-91. Ўзбекистон Матбуот дораёт комитетининг Янгиўл ишара нитоб фабрикаси, Янгиўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1992.

Бадильская аренда: восточная фабрика Госкомпечати Республики Узбекистан, Янгиўл, ул. Самарқандская, 44.

М 4602020400—166
353 (04)—92 38—92

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1992

ISBN 5—645—01635—1

СУЗ БОШИ

Ушбу қўлланма ўзбек тилининг имлоси, услуби ва тившиш белгилари юзасидан айрим маълумотлар беришни назарда тутди. Уларга оид машқлар берилди. Шу машқлар воситасида олинган маълумотлар назорат қилинади. Бундай машқларни сиз мактабда ҳам жуда кўп бажаргансиз, бироқ улардан асосий қисми V—VI синфга тўғри келиб, улар ҳам асосан унутилиб кетган. Бунинг устига сизнинг ҳам аввалги савиянгиз билан ҳозирги савиянгизни тенглаштириб бўлмайди. У пайтда ёшингизга яраша сўз бойлиги ва грамматик мураккабликлар доирасида машқлар бажаргансиз. Ҳозир эса ўрта маълумотли даражасига келиб, ёзма вутқингизда бир қатор мунозарали, билиб олишингиз қийин бўлган масалалар юзага келган. Мана шулар иншо ёзишингиз давомида анча қийинчиликлар туғдиради. Ўзбек тилининг ўзи ҳам ўзига хос хусусиятга эга. У ўз тарихий тараққиёти жараёнида араб, форс-тожик, рус тиллари билан алоқада бўлди. Улардан сўзлар ўзлаштирилди ва грамматик жиҳатдан ҳам таъсири катта бўлди. Булар ўзбек тили имлосида, услубида ва тившиш белгиларининг ишлатилишида анча мураккабликларни келтириб чиқаради. Шу боисдан айрим зарур назарий билимларни жамлаб бериш ва маълум машқларни ўтказиб бориш зарур, деб ҳисобладик. Бунда муаллиф ўзининг қабул имтиҳонлари давридаги йигирма йиллик тажрибасига суянди. Кўп йиллардан бери доимо учраб келаётган хатолар ҳисобга олинди. Уларнинг энг муҳимларини хиллаб, улардан кирувчиларни холи этиш учун назарий билимлар ва машқлар беришга ҳаракат қилди. Булар нишо ёзиш жараёнида анча асқотади.

Текширув ишларини бажариш олдида ўзбек тили орфографияси, услуби ва имлосига оид ўрта мактаб дарсликларинда берилган барча қонун-қоидаларни такроран ўқиб, ўзлаштириб олиш шарт. Аммо уларнинг ўзи етарли бўлмайди. Чунки уларда ҳозирги сизларнинг савиянгиз талаб қилган даражада қоидалар тўлиқ

берилган эмас. Биз унга яна қўмингиздаги қўлланмани
класва қилдик.

Иншонин савод жиҳатидан етук қилиб ёзини учун яна
қуйидаги ишларни ўрганиб чиқиш ниҳоятда фойдали
булар эди.

1. Раҳматуллаев Ш. Орфография қондалари — са-
водхонлигимиз асоси. Тошкент, «Фан», 1980.

2. Имло дугати. Масъул муҳаррир А. Ҳожиев, Тош-
кент, «Ўқитувчи», 1987.

3. Назаров К. Тивийи белгилари ва ёзма нутқ. Тош-
кент, «Фан», 1974.

Текширув ишларини тузишда С. Аҳмад, Ҳ. Султонов,
Р. Парфи, К. Раҳимнинг асарларидан, шунингдек,
Ҳ. Бозоров, Р. Тагор асарлари таржимасидан фойда-
ландик. Улардан мисол танлар эканмиз, кирувчилар
иншосида кўп учрайдиган хатолар ҳақида тўхташ ва
уларни тузатиш эътиборда тутилди.

ИМЛО МАСАЛАЛАРИ

АЙРИМ ҲАРФЛАР ИМЛОСИ

Ҳарфлар имлоси ҳақида гап борар экан, сўз охиридаги товушларни ифодалайдиган ҳарфлар имлоси ҳам, сўз ўртасидаги товушларни ифодалайдиган ҳарфлар имлоси ҳам ўзига хос сабаблар билан боғлиқлиги, ўзига хос хусусиятга эга бўлишини назардан қочирмаслик керак. Одатда, сўз охиридаги ундош товушларнинг жарангли ёки жарангсиз эканлигини ажратиш қийин. Чунки сўз охиридаги ундош жарангли бўлиши керак-лигига қарамай, у албатта жарангсизлашади ва жарангсиз талаффуз этилади. Бу ундаги уннинг сўниши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади, яъни жарангли ундошда уннинг йўқолиши унинг жарангсиз бўлишига олиб келади. Жарангсиз ҳолда талаффуз этилган жарангли ундош эса ўз жарангсиз эши билан бир хил бўлиб қолади. Масалан, *боб* сўзи билан *бол* сўзининг охирги ундоши бир хил талаффуз этилади. Шу ҳолат уларнинг имлосида қийинчиликни келтириб чиқаради, уларнинг қайси бири жарангли *б*, қайси бири жарангсиз *п* ҳолида ифода этилишини билмай қолиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим:

1) агар сўз маълум қўшимча билан келган бўлса, ўша қўшимча моҳиятидан келиб чиқиб аниқланади. Масалан, *юзлаб* сўзидаги *лаб* қисми сонларга қўшилувчи қўшимча. Улар охиридаги ундош ҳамма вақт жарангли бўлади. Яна равишдош қўшимчаси ҳам (*и*)-*б* бўлиб, у қўлланган ўринда ҳам фақат жарангли товуш ифода этилади. Сўз охиридаги *ч* жарангсиз товуш билан *ж* (*дж*) жарангли товушни фарқлашда ҳам шу қўл келади. Равишдош қўшимчаси *-гач* нинг сўнгги товуши фақат жарангсиз бўлади;

2) ўзбекча сўзларнинг охирида *с* товуши қўлланилмайди. У кўпинча эрон ёки рус-байналмилал сўзларида учраши мумкин;

3) сўз сўнгидаги товуш жарангли ёки жарангсиз эканини аниқлаш учун унинг кетидан унли билан бошланган ёки унлидан иборат қўшимча қўшиб кўриш ҳам мумкин. Агар сўз охиридаги ундош шунда жарангли талаффуз этилса, демак у донмо жарангли товуш сифатида ифодаланиши; жарангсиз талаффуз этилса, де-

мак. у донмо жарангсиз товуш сифатида ифодаланиши керак. Масалан, *боби* дейилганда иккинчи *б* жарангли талаффуз этилгани учун унинг ўзаги *боб* ҳолида; *бони* дейилганда иккинчи ундош жарангсиз талаффуз этилгани учун, унинг ўзаги *бон* ҳолида ёзилади.

Юқоридаги ҳолат *д* ва *т*, *б* ва *п*, *ж* ва *ч*, *г* ва *к* ҳарфларига ҳам тааллуқлидир. Бу ҳарфлар имлосини «Имло луғати» воситасида текшириб олиш ва шу имлони ёдда сақлаш жуда зарур.

Сўзнинг турли ўринларида келадиган товушларни ифодалайдиган ҳарфлар имлосига ҳам ўзига хос тарзда ёндашишга тўғри келади. Бунда айрим товушларнинг фақат четдан кирган сўзларда бўлиб, шу сўз ўзбек тилига қабул қилинган, тилдаги мавжуд яқин товуш билан алмаштириб юборилиши орқали юзага келадиган имло чалкашлиги назарда тутилади.

Ўзбек тилининг ўз сўзларида *ф* сирғалувчи ундоши йўқ. У араб, эроний тиллардан олинган ва русча-байналмилал сўзларда учрайди, у пасти ки лабнинг тепа курак тишларига яқинлашуви орқали улар оралиғидан ҳавонинг кучли босими билан сизиб чиқиши натижасида ҳосил бўладиган жарангсиз сирғалувчидир. Аммо ўзбек тилида худди шундай талаффуз этилмайди. У сўз ичида портловчи *п* ундоши билан алмаштирилади. Масалан, *фақат* > *пақат*, *кифти* > *кипти*, *саф* > *сап* каби.

Соф ўзбек сўзларида фақат *х* сирғалувчи ундоши бор. У чуқур тил орқанинг юмшоқ танглайга яқин келиши орқали, улар оралиғидан ҳавонинг кучли босим билан сизиб чиқиши натижасида ҳосил бўладиган жарангсиз сирғалувчидир. Чет тиллардан ўзлаштирилган сўзларда яна шундай бир *х* жарангсиз сирғалувчи учрайдики, унда чуқур тил орқа эмас, балки яқин тил орқа қаттиқ танглай охирига яқинлашади. Масалан, *характер*, *бухгалтер*, *монах*, *монарх*, *хирург* сўзларидаги *х* товуши шундай талаффуз этилади. Аммо жонли ўзбек тилида у чуқур тил орқа юмшоқ танглайга яқинлаштирилган ҳолда юзага келтирилади. Шунга қарамай, улар имлоси бир хил бўлгани учун ёзма нутқда қийинчилик туғдирмайди. Яна шунга ўхшаш бўғиз сирғалувчи жарангсиз ундоши борки, унинг талаффузида ҳам жонли ўзбек тилида чуқур тил орқа юмшоқ танглайга яқинлашади. Натижада у *х* товуши каби талаффуз этилади. Лекин улар тамоман фарқ қилувчи фонемалар бўлиб,

бошқа-бошқа ҳарфларда ифода этилиши керак. Чуқур тил орқа сирғалувчи товуш *х* ҳарфида, бўғиз сирғалувчи товуш эса *ҳ* ҳарфида ифодаланган. Жонли тилда уларнинг бир хил талаффуз этилиши шу ҳарфлар имлосининг чалкашиб кетишига сабаб бўлади. Бу ўринда бўғиз сирғалувчиси бўлган *ҳ* ундовин ўзбек тилининг ўз сўзларида бўлмаслигини эса сақлаш ёки имло лугати ёрдамида ўрганиш лозим.

Рус тилидан ёки рус тили орқали Европа тилларидан ўзлашган сўз бўғини охиридаги *в* сирғалувчиси ҳам жарангсизланиши мумкин. Бу товуш пастки лабнинг тепа курак тишларига яқинлашиши ва улар орасидан ҳавонинг кучли босим билан сизиб чиқиши натижасида ҳосил бўлувчи жарангли ундошдир. Ўзбек тилига ҳос *в* шундай лаб-тиш оралиғида ҳосил бўлмай, лаб-лаб оралиғида ҳосил бўлганлиги учун, ўзлашган сўзга ҳос товуш талаффузи ноқулай бўлади. Шунинг учун у жарангсизланади ва лаб-лаб оралиғида амалга оширилади. Айрим ҳолларда эса уни портловчига айлантириб юбориши мумкин. Масалан, *актив>актиф>актип, автор>афтор>аптор, Тошев>Тошиф>Тошип* сўзлари талаффузидагиға ўхшаш. Бироқ бу товуш ўзгариши фақат жонли тилда содир бўлади. Улар асл ҳолатида ёзилиши керак. Бу ҳодиса русча-байналмилал сўзлардагина учрайди.

Ўзбек сўзларида ҳам айрим товушлар иккинчи бир товуш билан алмашилиши ва бу имлода қийинчилик туғдириши мумкин. Масалан, сўз бошидаги *б* товуши айрим шеваларда *п* ёки *м* товуши билан, баъзан эса *э* товуши билан алмашинади. Яъни *бунча>мунча, бурни>мунни, пич>бич, бор>вор* каби. Бундай ҳолларда ҳам имлода *б* товуши ўз қимматини сақлаган ҳолда ифода топади. Лекин айрим ҳолларда *мунча* сўзидагиға ўхшаш алмашинган товуш шу сўзда қатъий ўрин олган бўлса, имлода ҳам у ўз ифодасини топади.

Араб тилларидан ўзлашган айрим сўзлар борки, уларнинг учинчи бўғинидаги унли *и* ҳолида талаффуз этилади, лекин ёзувда у *а* ҳарфи билан қайд этилади. Масалан, *мулозамат, мулоҳаза, муносабат* сўзларининг учинчи бўғин унлиси *а* ҳарфи билан ифодаланган, аммо у талаффуз этилганда *и* товуши ҳолатида бўлади.

Ўзбек тилида айрим ҳарфлар имлоси шундай-ки, сўзда иккинчи бир ҳарф билан уйғун, яъни эш ҳолатда акс этади. Масалан, сўздаги *э* (*е*) ҳарфидан кейин, албатта, *ҳ* ҳарфи, *и* ҳарфидан кейин эса, албатта, *х* ҳарфи

қўлланади. Демак, бу ҳарфлар баъзи сўзларда бири-бири билан боғлиқ ҳолда ёзилади. Яъни *эхтимол* сўзининг бошида э ҳарфи қўлланган. Шунинг учун ундан кейинги ҳарф х бўлиши мумкин эмас, ҳ бўлади. *Ихтилоф* сўзининг ёзилишида эса биринчи ҳарф и бўлганлиги учун ундан кейингиси ҳ ҳарфи эмас, х ҳарфи бўлган. Бундай ўринларда аксинча ҳам изоҳлаш мумкин. Яъни шу сўзнинг ёзилишида х ҳарфидан олдин қонуниятга кўра и ҳарфи қўлланган. Айрим ҳолларда бу қонуният бузилиши ҳам мумкин. Масалан, *зиҳ*, *қабих* сўзларида эса и ҳарфидан кейин ҳ ҳарфи қўлланган. Аммо и ва ҳ ҳарфларини бундай олдинма-кейин қўлланиши фақат шу уч сўзда бўлиб, бошқа ўринда учрамайди.

Сўзларда э (*e*) ҳарфи айриш белгиси (*ъ*) билан ҳам эш қўлланади. Бунда ҳам э (*e*) аввал келиб, кейин айриш белгиси (*ъ*) ишлатилади. Масалан, *эълон*, *эътиқод*, *эътироз* сўзларининг ёзилишида биринчи ҳарф э бўлиб, кейин айриш белгиси келган. *Меъда*, *меъёр*, *меъмор*, *неъмат*, *феъл*, *шеър* каби сўзларнинг ёзилишида эса иккинчи ҳарф э (*e*) бўлиб, ундан кейин айриш белгиси берилган. Айриш белгиси фақат э (*e*) ҳарфидан кейин эмас, ў ҳарфидан кейин ҳам қўлланади. Масалан, *мўътабар*, *мўътадил*, *мўъжаз* каби. Аммо бу қонуният эмас. Баъзан талаффузда қайд этилгандай, у ҳарфидан кейин қўлланиши ҳам мумкин. Масалан, *шуъла*, *шуъба* каби.

Ўзбек тилидаги сўзларда баъзан иккинчи бўгин унлисининг қандай ҳарф билан берилиши биринчи бўгин унлисининг қандай ҳарф билан ифодаланишига боғлиқ бўлади. Бу ўринда қуйидагиларга эътибор берилш керак:

1) сўзларнинг иккинчи бўгини унлиси ёзувда *y* ҳарфи билан бир неча ҳолларда қайд этилади: а) аввалги бўгин унлиси *y* бўлган ҳолда, кейинги бўгин ёпиқ бўлса, унинг унлиси *и* эшитилса ҳам, *y* ҳарфи билан қайд этилади. Масалан, *бутун* сўзининг биринчи бўгинида *y* унлиси бор, иккинчи бўгинида эса *и* унлиси келган, бироқ бу бўгин ундош билан тугаган ёпиқ бўгиндир. Шунинг учун ёзувда шу кейинги бўгин унлиси ҳам *y* ҳарфи билан берилган. Шунини ҳам айтиш керакки, бу қонда, асосан, ўзбек тилининг ўз сўзларига хосдир. Масалан, *мумкин*, *мунир*, *мушфиқ*, *мусиқа*, *мунис*, *мудир* сўзларининг иккинчи бўгинида *и* унлиси талаффуз этилган ва *y* *и* ҳарфи билан қайд этилган.

Ваҳоланки, бу сўзларнинг биринчи бўғинида *у* товуши бер ва иккинчи бўғин ҳам ёпиқ.

Айрим ҳолларда сўзларнинг биринчи бўғин унлиси *у* бўлиши, кейинги бўғин унлиси эса *и* талаффуз этилиши ва *у* очиқ бўғинда бўлгани ҳолда *у* ҳарфи ёзилиши ҳам кузатилади. Масалан, *уйқу, буғу, туйғу* каби сўзларнинг биринчи бўғин унлиси *у* бўлиб, иккинчи бўғинда эса *и* унлиси талаффуз этилган, лекин *у* ҳарфи ёзилган. Шу иккинчи бўғин эса очиқдир. Бу ўринда турган гапки, кейинги бўғин унлисидан аввал *ғ, қ* каби чуқур тил орқа ундоши келиши ҳам роль ўйнаган. Қолган ҳолатларда эса иккинчи бўғиндаги *и* унлиси талаффузига мослаб *и* ёзилади. Масалан, *туртки, тушки, кулги* сўзларидаги каби. Бу сўзларнинг аввалги сўзлар тузилишидан фарқи шуки, уларнинг иккинчи бўғини унлисидан аввал чуқур тил орқа ундоши эмас, балки яқин тил орқа ундоши қўлланган. Ҳуман *-ки, -ги* қўшимчаси воситасида ясалган сўзларда биринчи бўғин унлиси *у* бўлса ҳам, иккинчи бўғин унлиси талаффузига мос ҳолда *и* ҳарфи билан берилади.

Сўзларнинг иккинчи бўғини унлиси *и* талаффуз этилса ҳам, *у* ҳарфи билан берилиши учун биринчи бўғин унлиси *о* бўлиши мумкин. Бу ҳолда иккинчи бўғин *в* ундоши билан бошланган бўлиши шарт. Масалан, *совуқ, овул, довул* сўзларининг биринчи бўғини унлиси *о* товушидан иборат. Уларнинг иккинчи бўғини эса *в* ундоши билан бошланган ва шунинг учун *и* талаффуз этилса ҳам, *у* ҳарфи ёзилган. Агар иккинчи бўғин *в* ундошидан ташқари ундош билан бошланганда эди, иккинчи бўғин унлиси талаффузига мос ҳолда *и* ҳарфи ёзиларди. Масалан, *зоҳир, оқин, моҳир* сўзларининг биринчи бўғини унлиси *о* бўлиб, иккинчи бўғинида талаффуз этилган *и* унлиси ўзига мос ҳолда *и* ҳарфи билан берилган. Чунки шу иккинчи бўғин *в* ундоши билан эмас, балки *ҳ ёки қ* ундошлари билан бошланган. Сўзнинг биринчи бўғини унлиси *о* бўлгани ҳолда, иккинчи бўғини унлисидан кейин *в* ундоши келса, шу бўғин унлиси *и* эмас, *у* унлиси сифатида талаффуз этилади ва шунга мос *у* ҳарфи билан қайд этилади. Масалан, *ёзув, тотув, боқув* каби сўзларнинг биринчи бўғини унлиси *о* бўлиб, иккинчи бўғинида *у* унлиси талаффуз этилади. Чунки шу бўғин охири, яъни унлисидан кейин *в* ундоши келган. Шунинг учун *у* талаффузига мос ҳолда *у* ҳарфи билан берилади. Бу албатта, шу сўзнинг ясовчи-

ен в ундоши хусусиятидан келиб чиққан. Бундай ҳолда и унлиси *у* унлиси билан алмашилади.

Кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғини унлиси *у* бўлгани учун, иккинчи бўғин унлиси *и* талаффуз этилса ҳам, *у* ҳарфи билан қайд этилгани ҳолда, учинчи бўғинда *у* такрорланиши шарт эмас. Масалан, *уччиқ, чўғурчиқ, буришиқ* каби. Бу сўзнинг биринчи ва иккинчи бўғини унлиси *у* ҳарфи билан қайд этилган. Ваҳоланки, иккинчи бўғин унлиси *и* дан иборат. Учинчи бўғин ҳам *и* унлиси билан талаффуз этилган, бироқ *у* ҳарфи билан эмас, *и* ҳарфи билан қайд этилган;

2) сўзларнинг биринчи бўғини унлиси *ў* бўлса, иккинчи бўғин унлиси *у* билан талаффуз этилса ҳам, *и* ҳарфи билан қайд этилади. Масалан, *тўқим, сўқим, ўтин* каби. Бу сўзларнинг биринчи бўғинида *ў* унлиси бор. Уларнинг кейинги бўғини ёпиқ келган. Улар очиқ бўлган тақдирда ҳам бўғин унлиси *и* ҳарфи билан қайд этилаверади, аммо *у* унлиси билан талаффуз этилмайди. Масалан, *ўқи, тўти, тўқи* каби. Шунинг ҳам айтиш керакки, биринчи бўғин унлиси *ў* бўлган тақдирда ҳам, иккинчи бўғин *в* ундоши билан тугаган бўлса, ёзувда ундан аввал ҳамма вақт *и* ҳарфи эмас, фақат *у* ҳарфи ёзилади. Масалан, *ўқув, тўсув, тўқув* каби. Бу ўринда ҳам иккинчи бўғинда *у* унлиси қўлланиб, у шунга мос ҳолда *у* ҳарфи ёзилиши шу унлидан кейинги *в* ундошининг қўлланиши билан боғлиқдир;

3) кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида *о* унлиси келар экан, кейинги бўғинида ҳам *а* унлиси эмас, *о* унлиси қўлланади. Одатда, бу ўзбек тилининг ўз сўзларига хосдир. Масалан, *томон, бормоқ, бошоқ, бошмоқ* сўзларидаги каби. Бу қонуният четдан ўзлашган *осмон, осон, омон, дoston* сўзларида ҳам маълум даражада акс этади. Шунинг ҳам айтиш керакки, икки бўғинли сўзларнинг ёзилишида ҳар икки бўғинида ҳам *о* ҳарфи қўлланиши кейинги бўғиннинг фақат ёпиқ келиши билан боғлиқдир. Очиқ бўғин билан тугаган сўзларнинг кейинги бўғинида *о* унлиси келиши ўзбек тилининг ўз сўзларига хос бўлмайди. У фақат ўзбек тилига чет тиллардан ўзлашган сўзларда бўлиши, ҳар икки бўғиндаги унли *о* ҳарфи билан қайд этилиши мумкин. Масалан, *доно, ошно, додҳо, гоҳо, оро* сўзларига эътибор беринг. Ўзбек тилининг ўз сўзларида, гарчи кейинги бўғини ёпиқ келса ҳам, биринчи бўғинида *о* унлиси келишига қарамай, иккинчи бўғинида *о* унлиси эмас, балки *а* унлиси қўлла-

ниши ва у *a* ҳарфи билан қайд этилиши мумкин. Бунда кейинги бўғин ясовчи қўшимча бўлади ва ундан туркум ўзгармайди. Масалан, *боғлам*, *соғлом* каби сўзларда шундай.

Одатда, ўзбек тилининг ўз сўзларидаги биринчи бўғинида *a* унлиси келса, кейинги бўғинида *o* унлиси қўлланмайди. Масалан, *дала*, *арра*, *қара*, *ача*, *қала* сўзларидаги каби. Лекин кейинги бўғин ёпиқ бўлгани ҳолда унинг унлиси чуқур тил орқа ундошлари билан ёнма-ён қўлланса, у *o* бўлиши ва бу имлода ҳам акс этиши мумкин. Масалан, *арқон*, *талқон*, *айғоқ* сўзларидаги каби. Бу сўзларнинг биринчи бўғин унлиси *a* бўлиб, кейинги бўғин унлиси *o* дир. Чунки кейинги бўғин ёпиқ ва ундан олдин чуқур тил орқа ундош келган. Имлода ҳам бу сўзлар шундай қайд этилган. Бошқа ҳолатларда ҳам, яъни кейинги бўғин чуқур тил орқа ундоши билан бошланмаган ҳолатларда ҳам, биринчи бўғин унлиси *a*, иккинчи бўғин унлиси *o* бўлган ҳолларни учратамиз, аммо улар доимий тартиб эмас. Масалан, *аёл*, *талон*, *саксон* каби сўзлар имлоси шундай бўлиб, улар эса бармоқ билан санарли миқдорни ташкил қилади.

Кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида *a* унлиси, иккинчи бўғинида *o* унлиси қўлланиши, айниқса, ўзбек тилига эроний ва араб тилларидан ўзлашган сўзларга хос бўлиб, улардаги қатъий тартиб ҳақида бирор сўз айтиш қийин. Бу ўринда кўпроқ имло луғатига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Баъзан сўз товушларини ўрин алмаштириб қўлланганини ҳам учратиш мумкин. Масалан, *турпоқ*, *қўлпоқ* (*турроқ*, *қўлқоп*) каби. Бундай хатолар айрим шеваларга хос бўлиб, ўша шева вакилига жуда сингиб кетган бўлади. Шева вакили ўзи қўллаётган сўзнинг нотўғри эканини ажрата олмайди. Бундай ўринда қўлланаётган сўзни ўзак ва қўшимчага ажратиб, маъносини таҳлил этиб кўриш керак. Шунда ўқувчи қайси ҳолат тўғри эканлигини ажратиб олади, яъни, *қўлқоп* олинса, унинг негизлари «қўлнинг қопи» деган маънони кўрсатиб беради. Иккинчи сўзга ҳам шундай ёндашиш керак.

СЎЗЛАРНИ БЎҒИНГА АЖРАТИШ ИМЛОСИ

Сўзларни бўғинга ажралиши ҳақида фикр юритиллар экан, ўзбек тили сўз бойлигини икки гуруҳга ажратиб, шу гуруҳларни алоҳида эътибор бериш орқали талқин қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз: ўзбек тилининг ўз сўзлари, эрон ҳамда араб тилларидан ўзлашган сўзлардаги бўғин ажралиши; рус-байналмилал сўзлардаги бўғин ажралиши. Бундай сўзларда бўғин ажралиши қонуниятлари ўзига хос бўлиб, ўзаро фарқли томонлари бор.

Ўзбек тилининг ўз сўзлари, эрон ҳамда араб тилларидан ўзлашган сўзлар бўғин ажралиши қонуниятига кўра ўзаро ўхшаш. Уларда бўғин ажралиши қуйидаги қонуниятларга амал қилади:

1) сўзларнинг икки унлиси ўртасида бир ундош келса, шу ундош кейинги бўғиннинг биринчи товуши бўлади. Масалан, *ка-сал, ба-ҳор, ча-қил, қа-тор, ки-тоб, о-қин* ва ҳоказо;

2) сўзларнинг икки унлиси ўртасида қўш ундош келса, уларнинг аввалгиси олдинги бўғин охири, кейингиси кейинги бўғин боши бўлади. Масалан, *мактаб, қув-гин, тўл-қин, ош-кор, дас-тор, хун-хўр* ва ҳоказо;

3) сўзларнинг икки унлиси ўртасида уч ундош келса, уларнинг иккитаси аввалги бўғин охири, фақат биттаси кейинги бўғин боши бўлади. Масалан, *турт-ки, наст-лик, қирқ-та, санч-қи, ба-ланд-лик, банд-ча, маэж-ли* каби;

4) сўзлардаги бўғин ажралишида *нг* ҳарфлари бир ундошни ифода этиши ҳамма вақт эътиборда тутилади. Агар у икки унли ўртасида яқка ўзи қўлланса, кейинги бўғиннинг биринчи товуши сифатида ажралади. Масалан, *кўнғил* сўзидаги икки унли ўртасида *нг* товуши келган. *У* кейинги бўғиннинг биринчи товуши бўлиб қолади: *кў-нгил*. Агар у икки унли ўртасида бирор ундош билан бирга келса, шу ундошдан ажралган ҳолда, ўз ҳолатига кўра маълум бўғин таркибига киради. Масалан, *кўнғилим* сўзидаги икки унли ўртасида *л* ундоши билан *нгл* тартибида келган. Шунинг учун у биринчи бўғин охири бўлгани ҳолда, *л* ундоши кейинги бўғин боши сифатида келади. Яъни, *кўнғ-лим*. Агар *нг* ҳарфлари икки ундошни ифода этиб, икки унли ўртасида келса, иккига ажратилиб, *н* товуши олдинги бўғин эхи-

ри, 2 товуши кейинги бўғин боши бўлади. Масалан, *сен-га, мен-га* каби;

5) сўзда айриша белгиси (ъ) қўлланар экан, сўз шу белгидан бўғинга ажрალიшни кўрсатади. Масалан, *бидъ-ат, санъ-ат, аъ-ло, маъ-но* сўзларидаги каби;

6) сўзларнинг ёзилишида *е, ё, ю, я* графемалари қўлланар экан, улар сўздаги кейинги бўғин бошини кўрсатади. Масалан, *фарёд* сўзида *ё* графемаси билан қуйидагича бўғинга ажратилади: *фар-ёд*. Агар унинг кетидан товуш бўлмаса, ўзи икки товушдан иборат бир бўғин ҳисобланади. Чунки графема ундош ва унлидан иборат товушларни ($e = \dot{y} + \text{э}$, $\dot{e} = \dot{y} + \text{о}$, $\text{ю} = \dot{y} + \text{у}$, $\text{я} = \dot{y} + \text{а}$ каби) кўрсатувчи белги ҳисобланади. Масалан, *ҳадя/ҳад-я, дарё/дар+ё, дунё/дун+ё* ва ҳоказо;

7) сўзлар бўғинга ажралар экан, бўғин бир унлидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *мат+ба+а, а+сар, и+диш* каби.

Сўзларнинг бўғинга ажрალიши қонуниятини бўғин кўчиришининг ўзи деб тушунмаслик керак. Албатта, бўғин кўчириш ҳам сўзларнинг бўғинга ажрალიши қонуниятидан келиб чиқади. Фарқи фақат шундаки, бўғин кўчириш сўзнинг ёзувдаги қайди билан боғлиқ ҳолда тушунилиб, у бир ҳарф ҳолатида амалга оширилмайди. Агар сўз бўғини бир ҳарф билан қайд этиладиган бир ёки икки товуш ифодаси бўлса ҳам, ўзи якка ҳолда янги қаторга кўчирилмайди. Масалан, *ҳикоя, ҳимоя* сўзларининг охириги бўғини икки товушни ифода этувчи бир *я* ҳарфида акс этади. Аммо улар асосида бўғин кўчирилмайди, яъни: *ҳимо-я, ҳико-я* тарзида эмас, *ҳи-моя, ҳи-коя* ҳолида бўғин кўчириш керак бўлади. Шунингдек, *жамо-а, нуқта-и* тарзида эмас, *жа-моа, нуқ-таи* ҳолида бўғин кўчирилади.

Ўзбек тилидаги русча-байналмилал сўзларнинг бўғинга ажрალიши юқоридагидан бошқачароқ қонуниятларга амал қилади ва тартиб ҳосил қилади. У қуйидагича:

1) русча-байналмилал сўзларда ҳам икки унли ўртасида бир ундош келса, у кейинги бўғин боши бўлади. Масалан, *агент* сўзи *а-гент* ҳолида бўғинга ажралади;

2) сўзларнинг икки унлиси ўртасида қўш ундош келса, уларнинг иккиси ҳам кейинги бўғиннинг боши бўлади. Масалан, *а-грар, ги-дрит, ди-фтонг, ди-спут* каби. Агар бу қўш ундошларнинг биринчиси *й, в, л, р, м, н* ундошларидан бири бўлса, улар аввалги бўғин охи-

ри бўлиб, кейинги ундош иккинчи бўғин боши сифатида ажралади. Масалан, *автор, архив, банкир, бомба, корпус* сўзлари *ав-тор, ар-хив, бан-кир, бом-ба, кор-пус* тарзида бўғинга ажратилади. Агар сўзнинг икки унлиси ўртасидаги қўш ундошнинг кейингиси *е, ё, ю, я* графемаларидан бири бўлса, у ўздан аввалги ундош билан бирга кейинги бўғин боши бўлади. Масалан, *валюта, брошюра, дворян, заряд, козел* каби сўзлар қуйидагича бўғинга ажратилади: *ва-лю-та, бро-шю-ра, за-ряд, дво-рян, ко-зёл*;

3) сўздаги икки унлининг ўртасида уч ундош қатор келса; уларнинг ҳаммаси кейинги бўғиннинг бош қисми бўлади. Масалан, *гастрит, маситаб, дефрит* каби сўзларнинг икки унлиси ўртасида уч ундош қатор келган ва улар ўздан кейинги унли билан бўғин ҳосил қилган. Яъни: *га-стрит, ма-ситаб, де-фрит*, каби. Агар бу қатор ундошларнинг ҳам биричиси *й, в, л, р, м, н* каби ундошларидан бири бўлса, у аввалги бўғин охири бўлиб, кейинги қўш ундош кейинги бўғин боши сифатида ажралади. Масалан, *вер-стак, бан-крот, ней-трал, мар-шрут* каби. Сўзнинг икки унлиси ўртасидаги уч ундошдан сўнгиси графема таркибида қайд этилувчи *й* ундоши бўлиши, ҳамма ундошнинг кейинги унли билан бўғин ҳосил қилиши учун таъсир этмайди. Масалан, *ду-блёр, о-твёртка, о-тряд, ко-стюм* каби;

4) сўзнинг икки унлиси ўртасида учдан ортиқ ундош бўлиши ҳам мумкин, ammo бўғинга ажрალიш уч ундош қатор келгандаги ажрალიш принциpidан фарқ қилмайди;

5) сўзнинг икки унлиси ўртасида чўзиқ ундош қўлланса, унинг пасаяувчи ўрни бўғинга ажрალიш ўрни бўлади. Масалан, *агрессив, аппарат, аффикс, баррикада, коммуна* каби сўзларда *с, н, ф, р, м* товушлари чўзиқ қўлланган. Шунинг учун уларнинг пасаяувчи ўрнида бўғин ажралади. Яъни: *агрес-сив, ап-парат, аф-фикс, бар-ри-када, ком-муна* каби;

6) сўзларда унлилар ёнма-ён қўлланар экан, бўғин улар ўртасидан, яъни зарбнинг ҳар бири алоҳида бўғинга ажралган бўлади. Масалан, *театр, электроэнергия, биохимия* сўзларида икки унли ёнма-ён қўлланган. Шунинг учун улар икки бўғинга ажралади. Яъни *те-атр, электро-энергия, би-охимия* каби. Агар сўзда ёнма-ён қўлланган унли дифтонг ҳолатда бўлса, улар бир бўғин таркибида келади, яъни улар ўртасида бўғин аж-

ралеши бўлмайди. Масалан, *азростат, авиатор* сўзларидаги қўш унли алоҳида-алоҳида бўгин ҳосил қилмай, ҳар иккиси бир бўгини таркибига киради. Уларнинг бўгинга бўлиниши ва талаффузи *аз-ро-стат, а-виа-тор* каби бўлади;

7) сўзларнинг ёзилишида *ь, ъ* белгилари қўлланган бўлса, шу сўзлар шу ўриндан бўгинга ажралган бўлади. Масалан: *адъ-ю-тант, аль-бом, объ-ек-тив, рель-еф, субъ-ект, фель-е-тон* сўзларидаги каби. Лекин *съезо, лагеръ, съёмка, табель* каби сўзларнинг ёзилишида қайд этилган *ь, ъ* белгилари шу сўзларнинг шу ўринда бўгинга ажралганлигини кўрсатмайди. Улар фақат товуш хусусиятини ифода этган;

8) русча-байналмилал сўзларни бўгинга ажратишда негизни бутун сақлаш қонуниятини ҳам мавжуд. Масалан, *спортсмен* сўзи *спорт-смен* ҳолида бўгинга ажралади. Ваҳоланки, рус тилидаги бўгинга ажратиш шартига кўра *спор-тсмен* ҳолида ажралоши керак. Негизни бутун сақлаш қонуниятига кўра бўгинга ажратишнинг мазкур шarti бу ўринда қимматга эга эмас.

Бу ўзлашган сўзлардаги бўгин кўчириш тартибни ҳам ўзбек тилининг ўз сўзлари, эрон ва араб тилларидан ўзлашган сўзлар бўгин кўчирилишига ўхшашдир. Улар, асосан, бўгин ажралошига тенг келади. Шунингдек, ўша қисмда қайд этилган фарқли ўринлар бу ўринда ҳам қатъий принцип сифатида қолади.

НЕГИЗ ВА ҚЎШИМЧАЛАР ИМЛОСИ

Негизга маълум қўшимчалар қўшилар экан, ё негизда, ё қўшимчада, ё ҳар иккисиди ҳам айрим ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгаришлар товуш ўзгариши, товуш тушини, товуш орттириши ҳолатлари юз бериши мумкин.

Негиз ва қўшимча муносабатидаги товуш ўзгаришлари ҳақида тўхтаб ўтамиз.

1) одатда, қ товуши билан тугаган негизга г товуши билан бошланувчи қўшимча орттирилса, қўшимчадаги шу товуш қ товуши билан алмашади. Масалан, *қишлоқ-га > қишлоққа* каби. Агар негиз к товуши билан тугаган бўлса, г билан бошланувчи қўшимча орттирилганда қўшимчадаги бу товуш к товуши билан алмашади. Масалан, *билак + га > билакка, кичик + гина > кичиккина* каби;

2) одатда, *-га, -ган, -гина* каби *г* товуши билан бошланувчи қўшимчалар тил орқа ва чуқур тил орқа ундошлари билан тугаган негизлар билан муносабатга киришар экан, улар портловчи ва жарангсиз товушлар билан мослашади, у имлода ҳам ўз аксини топади. Масалан, *боғ-га* > *боққа*, *чоғ-га* > *чоққа*, *соғ-гина* > *соққина*, *ёғ-ган* > *ёққан*, *соғ-ган* > *соққан*; яна шунингдек, *барг-га* > *баркка*, *эг-ган* > *эккан*, *туғ-ган* > *туккан*, *тег-гач* > *теккач* ва ҳоказолар каби. Шунини ҳам айтиш керакки, бу қўшимчалар русча-байналмилал лексикага ҳос негизларига қўшилган экан, юқоридаги каби фонетик ўзгариш бўлмайди. Яъни *архипелаг-га* > *архипелагга*, *невролог-га* > *неврологга* каби бўлади. Ўзбек тили лексикасига онд негизларга шу каби қўшимчалар қўшилганда, юқоридаги каби товуш ўзгаришига учраса, маънога путур етади, бундай ўзгариш имлода акс этмайди. Масалан, *буг-га* > *буққа*, *бўғ-ган* > *бўққан* каби. Улар *бугга*, *бўгган* ҳолида қолдирилади. Негиз охири *х* ундошдан иборат бўлса ҳам, юқоридаги каби қўшимчалардан кейинги фонетик ўзгариш имлода акс эттирилмайди. Масалан, *шоҳ-га* > *шоққи* эмас, *шоҳга* бўлади;

3) *-ган, -га, -гина, -гач* каби қўшимчалар охири *ғ, қ, г* товушларидан ташқари товушлар билан тугаган негизларга қўшилар экан, ҳеч қандай товуш ўзгариши имлода акс этмайди. Масалан, *от-га* > *отга*, *тур-ган* > *турган*, *эз-гач* > *эзгач*, *қиз-гина* > *қизгина* каби бўлади;

4) *-гир, -гин, -гич, -гиз* каби қўшимчалар негизлар билан муносабатга киришар экан, негиз ва қўшимчанинг биринчи товушлари жаранглилик ёки артикуляция ўрни жиҳатидан ўзаро мослашади. Масалан, *кес-гир* > *кескир*, *уч-гир* > *учқир*, *ўз-гир* > *ўзгир*; *тур-гин* > *тургин*, *бос-гин* > *босқин*, *туш-гин* > *тушқун*; *қир-гич* > *қиргич*, *суз-гич* > *сузгич*, *оч-гич* > *очқич*, *юр-гич* > *юргич*; *оч-гиз* > *очқиз*, *ўт-гиз* > *ўтқиз* кабиларга эътибор бериш мумкин. Мисоллардан кўринадики, ясовчи қўшимчалар билан негизлар муносабатида товушларнинг ўзаро мослашуви ниҳоятда фаол бўлиб, унинг имлода ҳам ўз аксини топиши ниҳоятда изчил боради. Лекин шунини ҳам айтиш керакки, юқорида берилган *-гир, -гин, -гич* қўшимчалари ҳақиқатда ҳам ясовчи бўлиб, *-гиз* қўшимчаси феъл нисбати қўшимчаси. Бу қўшимча тусловчилар қаторида қаралади. Аммо тилшуносликка онд илмий ишларда нисбат қўшимчалари ясовчилар

қаторига қўйилади; Унинг юқоридаги хусусияти ҳам ясовчи деб изоҳлашга имкон беради;

5) негиз ва қўшимча муносабатида икки унли ўртасида ундош қўлланиб қолиши мумкин. Бу ундош жарангсиз портловчи товушдан иборат бўлса, айрим хусусиятларини ўзгартиради. Бу ўзгариш қуйидагича бўлади: а) жарангли товушга айланади: *этак-и* > *этаги*, *юрак-и* > *юраги* каби; б) сирғалувчига айланади: *қила бермоқ* > *қилавермоқ*; в) ҳам жаранглилашиб, ҳам сирғалувчига айланади: *ўртоқ-и* > *ўртоғи*, *қишлоқ-и* > *қишлоғи* каби. Булардан, айниқса, «а» ва «в» ҳодисалар изчил бўлиб, имлода, албатта, ўз аксини топади. «б» ҳодиса унча фаол эмас. Бу ҳодисалар бошқа товушлар доирасида ва бошқача товушга ўзгариш ҳолатида қўллаб учрайди, бироқ имлода ўз аксини топмайди. Шунинг учун ҳам улар ҳақида тўхташни лозим топмадик;

6) баъзи негизлар билан қўшимчалар муносабатида негиздаги маълум товуш ёки товушлар тушиб қолиши кузатилади. Масалан, *ўғил* негизига эгалик қўшимчаси қўшилар экан, негизнинг иккинчи унлиси туширилади. Яъни *ўғил-и* > *ўғли*. *Сариқ* негизига феъл ясовчи *-ай* қўшимчаси қўшилар экан, негиздан иккинчи унли туширилади. Яъни *сариқ-ай* > *сарғай*. Бу сўзда яна қ ундоши унли таъсирида ҳам жаранглилашиб, ҳам сирғалувчи товушга айланган. Товуш тушишида негиз ва қўшимча муносабати сабаб бўлишидан ташқари, иккинчи бир қонуният ҳам ундан ортиқроқ роль ўйнайди. Бунинг учун тушувчи унли тор бўлиши ва иккинчи бўгин урғусиз қўлланиши шарт. Бундай товуш тушиши, албатта, имлода ўз аксини топади;

7) айрим негизлар билан қўшимчалар муносабатида негиз ва қўшимча ўртасида бир товуш орттирилади. Бу товуш *н* ундошидан иборат бўлади. Масалан, *бундан* > *бундан*; *ўша-га* > *ўшанга* каби. Бу ҳодиса фақат унли билан тугаган олмошларга, жўналиш, чиқиш, ўрин келишиклари қўшилгандагина кузатилади. У имлода ҳам ўз аксини топади.

СЎЗ ЯСАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИМЛО

Айрим сўз ясовчи қўшимчалар ўзаро ўхшаш бўлиб, вазифасига кўрагина фарқланади. Айримлари турли қўшимчалар билан ўхшаш шаклга келиб қолади. Баъзи ҳолларда ясама сўз ёки қўшма сўзларни ёндош тил



дадилларидан ажратиб бўлмай қолади. Уларнинг эса вазифа хусусияти: маъноли қисмларнинг фонетик, морфологик тузилиши, ифода томони билан ажратиш ва шунга кўра имлосини белгилаш мумкин:

1) маъхум ёки белги оти ясовчи *-лик* қўшимчаси сифат ясовчи *-ли* қўшимчаси билан қориштирилади ва имлода адашилади. Одатда, сифат ясовчи *-ли* қўшимчаси отларга қўшилиб келганда негиздан англашилган нимагадир эгалликни ифода этади. Масалан, *пардали* сўзи пардага эга ёки парда тутилган маъноларини англатиб келади. Маъхум ёки белги оти ясовчи *-лик* қўшимчаси эса негиздан англашилган маънони маъхумлаштиради, умум ҳолатга хос қилиб қўяди. Масалан, *текислик* сўзи текис ҳолат маъносини англатган. Яъни белги ҳолатини кўрсатган. Бирор сатҳга хос белгини ундан ажратиб олиб, умум ҳолат ҳолида ифода этган. Шунга ўхшаш *кийимлик* сўзининг негизи аниқ буюمنى билдиргани ҳолда *-лик* қўшимчаси воситасида шу кийимга умуман мос ниманингдир ифодаси англашилган. Умуман *-ли* ва *-лик* қўшимчалари маънолари жиҳатидан шундай фарқланади. Улар грамматик, яъни бошқа сўзлар билан алоқага киришиши нуқтан назардан ҳам фарқланади. Яъни *-ли* қўшимчаси билан ясалган сўзлар гап таркибида асосан отлар билан бирикиб, гапда ё аниқловчи, ё кесим вазифасида келади. Масалан, *нақшли эшик* бирикмасида *нақшли* сўзи *эшик* сўзи билан бириккан ва унинг аниқловчиси вазифасини бажарган. Агар *эшик нақшли* деб олинса, *нақшли* сўзи *эшик* сўзи билан предикатив алоқага киришган бўлиб, предикат вазифасини ўтаган ва унинг субъекти *эшик* сўзида ифодаланган. *-лик* қўшимчаси билан ясалган сўзлар гап таркибида асосан феъллар билан боғланиб келади. Улар билан кўпинча қўшма феъл ҳосил қилинган ҳолда қўлланади. Масалан, *қўполлик қилмоқ* қўшилмаси қўшма феълдир. Ундаги етакчи маъно *қўполлик* сўзида ифода топган бўлиб, *қилмоқ* сўзи *қўполлик* сўздан англашилган ҳолатнинг амалга ошувини билдиради. Кўрнадикки, *-лик* қўшимчаси билан келган сўз деярли феъл билан бирикади ва баъзан от кесимлик функциясини ўташи ҳам мумкин. *-ли* ва *-лик* қўшимчаларини юқорида кўрсатилган хусусиятлари орқали фарқлаш ва имлосини аниқлаш мумкин;

2) сифат ясовчи *-ги* қўшимчаси билан эгалик билдирувчи *-и* қўшимчаси баъзан қориштирилади. Уларга

сўз маъноси, грамматик хусусияти шу қўшимчали сўз билан келган бирикма хусусияти, қўшимча негизини синоними ёки антоними кабилар билан алмаштириш орқали фарқлаб олиш мумкин. Сифат ясовчи *-ги* қўшимчаси негиздан англашилган нимагадир хослик ифодасини беради. Масалан, *тонгги туман* бирикмасидаги *тонгги* сўзи тонгга хос маъносини берган, *-и* эгалик қўшимчаси эса негиздан англашилган ниманидир нимагадир қаршилилигини билдиради. Масалан, *бу куннинг тонгги* бирикмасидаги *тонгги* сўзи тонгга оид, қарашли (бу кунга) маъносини берган. *-ги* қўшимчаси билан ясалган сўз сифат бўлгани ҳолда *-и* эгалик қўшимчаси қўшилган сўз от туркумида бўлади. *-ги* қўшимчаси билан ясалган сўз от билан аниқловчи вазифасида бирикади ва ундан элдин келади. *У* деярли шундай вазифа ўтагани ҳолда *ўз* ҳоким сўзи билан камданкам эга+кесим сифатида бирикиб, кесим бўлиб келади. Масалан, *туман—тонгги*. *-и* эгалик қўшимчаси билан келган сўз ҳамма вақт қаратқичнинг қаралмиши вазифасида бирикма ҳосил қилади. Масалан, юқоридagi мисолда *тонгги* сўзи қаралмиш сифатида *куннинг* қаратқичли аниқловчи билан бирикма ҳосил қилган ва ниҳоят, *тонг* сўзини сўйгги товуши *нг* бўлмаган *сахар* сўзи билан алмаштириб қўраимиз. Яъни *сахар* сўзидан сифат ясаймиз: *сахар+ги>сахарги*: у билан *сахарги туман* бирикмаси тузилиши мумкин. Энди *сахар* сўзига эгалик қўшимчаси қўшамиз: *сахар+и>сахари*. Бў сўз билан *бу куннинг сахари* бирикмаси тузилади. Уларнинг бирикмалардаги ўрнини алмаштириб бўлмайди, яъни *сахари туман* ва *бу куннинг сахарги* деб бирикмалар тузилмайди. Кўрдикки, контекстдаги *тонг* сўзига ўхшаш *нг* товуши билан тугаган сўзга *-ги* ёки *-и* қўшимчаларидан қайси бири қўшилганини аниқлаш учун, *сахар* сўзи каби бирор сўз билан алмаштирамиз. Шунда *-ги* қўшимчаси қўшила олса, *тонг* сўзига ҳам *-ги* қўшимчаси қўшилади ва *тонгги* сўзи ёзилишида *г* ҳарфи иккита бўлади. Агар унда *-и* қўшимчаси ўрин олса, *тонг* сўзига ҳам *-и* қўшимчаси қўшилади ва *тонги* сўзи ёзилишида *г* ҳарфи биттагина қолади. Яъни сифат ясовчи *-ги* ва эгалик *-и* қўшимчаларининг имлоси уларни фарқлай билиш билан боғлиқ бўлади;

3) одатда, қўшма сўзлар сўз бирикмалари билан қоринштирилади. Чунки қўшма сўзлар сўз бирикмалари

тараққиёти натижасида бир маъно ифодаловчи бир бутун ҳолда, бир сўз ҳолига келиши — лексикализацияси натижасидир. Шунинг назарда тутиб, имло қондаларини тартибга солганда, қўшма сўзларнинг сўз бирикмалари билан ёндош ўринларининг худди сўз бирикмалари каби ажратиб ёзиш учун қондалаштирилган. Қўшиқда шу қондаларни тўла келтиришга ҳаракат қиламиз. Қўшма сўзларнинг қўшиқдаги турлари қўшиб ёзилади:

а) бир тушунчани ифодаловчи ва бир лексик урғу билан айтиладиган қўшма сўзлар: *ишбай, томорқа, билагузук, гулраёно, гулбеор, эркемар, ўқилон, маккажўхори, ошқозон* ва бошқалар;

б) иккинчи қисми сифатдош шакли *-ар* қўшилиб келган қўшма сўзлар: *отбоқар, бешиктерватар, ўринбосар, тезоқар, эртапишар, эркесвар* ва бошқалар;

в) иккинчи қисми турдош отлардан бўлган географик номлар: *Сирдарё, Қорасув, Олтинқўл, Олтиариқ, Қўқбулоқ, Жалақудуқ, Мирзачўл, Каттақўрғон, Яккабоғ, Ҳамзаобод, Янгибозор, Уртаовул* ва бошқалар;

г) таркибида *аро, умум, бутун* сўзларидан бири бўлган қўшма сўзлар: *ўзаро, халқаро, умумшаҳар, умумхалқ, бутуниттифоқ* ва бошқалар. Аммо *Умум Европа, Умум Россия* каби иккинчи қисми атоқли отдан иборат бўлган қўшма сўзлар ажратиб ёзилади;

д) кўмакчи ва тўлиқсиз феъллар билан қўлланган сифатдош, равишдош, ҳаракат номи кабиларда бирор товуш қисқаришига учраса, қўшиб ёзилади: *қила олмоқ > қиллолмоқ, кўра олмоқ > кўролмоқ, борар эди > борарди, юрак экан > юраркан, кўрар эмиш > кўрармиш, борган эмас > борганмас, туриш эмиш > туришмиш* ва бошқалар;

е) *алла, қай* элементлари ҳам ўзи қўшилиб келган сўз билан бирга ёзилади: *қайбир, қайвақт, аллаким, аллақайси* ва бошқалар.

Қўшма сўзларнинг қўшиқдаги турлари ажратиб ёзилади:

а) таркибида қариндошлиқ, лақаб, касб ва бошқа маънодаги изоҳловчилари бўлган сўзлар: *Турди ака, Карима хола, Абдуқодир найчи, Жўра жаллоб, Пўлкан шоир, Юсуф ачиган* ва бошқалар;

б) таркиби сифат+отдан иборат географик номлар: *Юқори Чирчиқ, Урта Осиё, Жанубий Америка, Шимоллий Кавказ, Эски Тошкент, Қўҳна Урганч* ва бошқалар;

в) от+от таркибли сифатлар; *дўтор бўйин, ҳаво*

ранг, бодом қовоқ, шумоли бел, қўй кўз ва бошқалар;

г) даража-миқдор равиши+сифат таркибли қўшма сифатлар: *оч пушти, тим қора, тўқ қизил, жиққа ҳўл, қоқ қуруқ, ланг очик, ним пушти* ва бошқалар;

д) сон ва сифат таркибли қўшма сифатлар: *уч элементли, қўш тавақали, бир жинсли, икки уйли, беш бурчакли, бир хонали* ва бошқалар;

е) равишдош билан бирор феълнинг бирикишидан ясалган қўшма феъллар: *кўра бошламоқ, ишлай қолмоқ, ўқиб чиқмоқ, туртиб юбормоқ, итқитиб урмоқ* ва бошқалар;

ё) от, сифат, сон, олмош ва равишлардан *ҳар, ҳеч, ҳамма, баъзи, ғайри, бир* каби сўзлар билан ясалган қўшма сўзлар: *ҳар бир, ҳеч қайси, ҳамма вақт, баъзи бир, ғайри табиий, бир қанча* ва бошқалар;

ж) иккинчи қисми *е, ё, ю, я* графемалари билан ёзилиб бошланадиган қўшма сўзлар: *шу ер, муз ёрар, иш ёқмас, шер юрак, ҳар ер* ва бошқалар.

Юқорида бир тушунчани ифодаловчи ва бир лексик урғу билан айтиладиган қўшма сўзлар қўшиб ёзилиши айтилди. Аммо қўшма сўзларнинг сўз бирикмаларидан қайси хусусиятларига кўра ажралиб туриши ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Аввало, биз қўшма сўз имлосига оид қоидадан юқорида кўчириб берганимиз «а» банди ҳам унча англашилари эмас. Чунки «бир тушунчани ифодаловчи ва бир лексик урғу билан айтиладиган қўшма сўзлар қўшилиб ёзилади» дейилишидан «қолган турлари қўшилиб ёзилмайди» деган фикр ҳам келиб чиқади. Ваҳоланки, ҳамма тур қўшма сўзлар шу хусусиятга эга. Қўйида унинг хусусиятларини ҳам тўла санашга ҳаракат қиламиз:

а) бир тушунчани ифода этади. Унинг бир бўлаги иккинчи қисми маъносини торайтирувчи бўлиб хизмат қилмайди. Масалан, *олтингурут* сўзи — элемент номи. У сўзнинг биринчи бўлагидан ифодаланганидек *олтин* ҳам, иккинчи бўлагидан ифодаланганидек *гурут* ҳам эмас. Шунинг учун бу сўз қўшма сўз ҳисобланади. *Олтин қошиқ* эса бирикма бўлиб, унинг биринчи бўлагидан буюмни ифода этган, иккинчи бўлагидан эса шу буюм материални ифода этган, яъни буюм ифодасини олтиндан қилингани доирасида чегаралаган;

б) ягона лексик урғуга бўйсунди. Масалан, *олтингурут* қўшма сўзида бир лексик урғу бўлиб у охириги бўғинга тушган. *Олтин гурут* бирикмасининг биринчи

сўзида биринчи бўғинда, иккинчи сўзида эса иккинчи бўғинида урғу бор;

в) бирикманинг бўлаклари ўртасидаги грамматик алоқани кўрсатувчи шакл йўқолган бўлади. Масалан, *музни ёрар* бирикмасининг бўлаклари ўртасидаги бошқарув муносабатини кўрсатувчи тушум келишиги қўшимчаси тушиши қўшма сўз ясалишига сабаб бўлган: *музёрар*;

г) бирикма бўлаклари ўртасида синтактик муносабат бўлгани учун ундаги бирор бўлакни уюшган ҳолда ҳам қўллаш мумкин. Масалан, *олтин, ёғоч, пластмасса қошиқ* деб бирикма тузса бўлади, бироқ *олтингугурт* қўшма сўзини бундай кенгайтириб бўлмайди;

д) бирикманинг бўлаклари ҳамма вақт маълум маъноси билан алоқага киришган бўлади. Бу ҳақда юқорида *олтин қошиқ* бирикмасининг бўлаклари маъносини ва маънодаги ўзаро муносабатни кўрсатиб ўтган эдик, қўшма сўзлар қисмлари эса ўз маъносини сақламаган ва бир бутун ҳолда маълум бир маънони ифода этган бўлади.

4) Жуфт сўзлар амалда қўлланаётган имло қоңдасига кўра, қисмларини ёзувда дефис билан ажратиш орқали ёзилади. Улар ўзбек тилида қуйидаги турларда учрайди:

а) бўлаклари ўзаро синоним бўлади. Масалан, *бахтсаодат, шод-хуррам, ғам-андух, сарсон-саргардон, кучқувват* каби;

б) бўлаклари ўзаро антоним бўлади. Масалан, *келди-кетди, яхши-ёмон, баланд-паст, очин-тўқин, катта-кичик, бор-йўқ* каби;

в) бўлаклари бири-иккинчисининг инкоридан иборат бўлади. Масалан, *керак-нокерак, бўлар-бўлмас, содиқ-носодиқ* каби;

г) бўлаклари ўзаро яқин маъноли сўзлардан иборат бўлади. Масалан, *қозон-товоқ, қир-дала, қалам-дафтар, сигир-бузоқ, от-улов* каби.

д) бўлаклари бир сўзнинг такроридан иборат бўлади. Масалан, *бир-бир, қоп-қоп, югур-югур, аста-аста, қатор-қатор* каби;

е) бўлакларнинг иккинчиси биринчисининг фонетик жиҳатдан ўзгарган кўриниши бўлади. Масалан, *дон-дун, майда-чуйда, икир-чикир, қора-қура, арзон-парзон* каби.

Кўрдикки, жуфт сўзларнинг кўрсатилган барча тур-

лари бўлаклари дефис билан ажратилган ҳолда ёзилган.

Ўзбек тилидаги *инженер-конструктор, киловатт-соат, генерал-майор* каби русча-байналмилал сўзлар ҳам ва калька қилинган *чанелагич-пуркагич, киловатт-соат* каби сўзлар ҳам жуфт сўзлар ҳисобланиб, жуфт сўзлар имлоси асосида ёзилади. Шунингдек, *вице-, экс-, унтер-* элементли ўзлашган қўшма сўзлар ҳам жуфт сўзлар имлосида берилади. Масалан, *вице-президент, унтер-фрейтор, экс-чемпион* каби.

БОШ ҲАРФЛАР ИМЛОСИ

Бош ҳарфларнинг ёзилиши имло қондаларида расмийлаштирилган. Биз ўқишга кирувчилар учун шу бош ҳарфларнинг ёзилишига оид имло қондаларини тўла келтиришни маъқул кўрдик. Токи улар «имло қондалари» эълон қилинган газета, имло лугати, қўлланма кабиларни қидириб юрмасинлар. Бунинг устига ўша қондалар бўлимлари қаторида келтирилиши унутилган айрим ўринларни ҳам бериб кетамиз. Бош ҳарфларнинг ёзилиши биз тўлдирганлар билан бирга қуйидаги қондаларга бўйсунishi керак.

1. Ҳар бир хат боши, ҳар бир гап ва шеърларнинг ҳар бир мисраси бош ҳарфлар билан бошланади.

2. Атоқли отлар бош ҳарфлар билан бошланади. *Алишер Навоий, Ҳамид Олимжон; Ўзбекистон, Чирчиқ.*

Э с л а т м а: Атоқли отлардан ясалган илмий тушунча ва сиёсий оқимни кўрсатувчи сўзлар, шунингдек, турдош отга айланган ва жамликни билдирувчи ҳамда аниқловчи вазифасида келган атоқли отлар кичик ҳарф билан бошланади: *дарвинизм; ватт, ампер, маузер; чкаловлар, расковалар, фарҳодлар; муслимка, напален, ризамат, Юсупов* каби. Аммо *Ньютон қонуни, Яблочков лампочкаси* каби бирикмалар таркибидаги атоқли отлар бош ҳарф билан бошланади.

3. Планета ва юлдузларнинг номлари бош ҳарф билан бошланади: *Юпитер, Миррих, Марс, Ҳулкар* каби. Аммо *қуёш, ер, ой* сўзлари планета маъносида қўллангандагина бош ҳарф билан бошланади.

4. Миллий ва мухтор жумҳуриятнинг олий давлат ҳамда ташкилот номлари таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади.

5. Олий давлат мансабини билдирувчи номлар, шу-

ингдек, олий фахрий унвоннинг ҳар бир сўзи бош ҳарф билан бошланади.

6. Сўзларнинг фақат биринчи товушларидан олинган қисқартма отлар фақат бош ҳарфлар билан ёзилади.

7. Муҳим расмий ҳужжатлар ва йнгилишларнинг номлари таркибдаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: *Стокгольм Мурожати, Қрим Конференцияси, Умум Европа Кенгаши, Техрон Кенгаши* каби.

8. Ўлка, автоном область, область ва районларга аталиб қўйилган номлар бош ҳарф билан бошланиб, уларнинг ўзи ифодаланган сўзлар кичик ҳарфларда қайд этилади: *Краснодар ўлкаси, Хаккасия автоном области, Удмурт автоном области, Фарғона области, Навоий области, Кува райони. Бувайда райони, Чуст райони* каби. Қўриниб турибдики, *ўлка, автоном область, район* сўзлари кичик ҳарф билан бошлангани ҳолда, уларда берилган номлар бош ҳарфлар билан бошланган.

9. Академиялар, институтлар, илмий-текшириш муассасалари, музейлар, трестлар, театрларга аталиб қўйилган номлар бош ҳарф билан бошланиб, уларнинг ўзи ифодаланган сўзлар кичик ҳарфларда қайд этилади: *Самарқанд Давлат университети, Қитоб палатаси, Ботаника институти, Тилшунослик институти*. Бу атоқли отлардаги *музей, университет, палата, институт* қисмлари турдош бўлиб, улар кичик ҳарфларда қайд этилади. Уларга берилган атоқли номлар эса *Халқлар, Давлат, Қитоб, Ботаника, Тилшунослик* сўзларида акс этиб, улар қайд этилганда бош ҳарф билан бошланади. Бу атоқли отлар аниқловчилар билан ҳам келган. Улар ҳам ёзувда бош ҳарф билан бошланади: Булар қисқартирилиб, биринчи товушлари билангина ифодаланса, уларнинг ҳаммаси фақат бош ҳарфларда акс эттирилади. *НДУ* (Нукус Давлат университети). Уларнинг бирор бўлаги биринчи товуш билан эмас, бир бўгин ва бирор қисми билан ифода этилса, унинг биринчи товуши бош ҳарфда, қолганлари кичик ҳарфда қайд этилади: *ТошДУ* (Тошкент Давлат университети). Бу қисқартманинг биринчи бўгин бўлаги бўлгани учун фақат бош ҳарф билан бошланган, кейингилари эса биринчи товуш бўлгани учун бош ҳарфлардагина қайд этилган.

10. Завод, фабрика, театр, кинотеатр, газета, журнал, китоб, мактаб кабиларга берилган номлар ёзувда

бош ҳарф билан бошланади ва қўштирноққа олинади: «Уртоқ» фабрикаси, «Қизил тўқимачи» станцияси, «Шарқ Юлдузи» журнали. «Майсаранинг иши» операси, «Қизил деҳқон» колхози каби.

11. Муҳим тарихий воқеа ва байрамларнинг номлари бош ҳарф билан бошланади.

12. Расмий муносабатда бир томон иккинчи томонга алоҳида ҳурмат билдирган сиз, ўзингиз, ўзлари олмошлари ёзувда бош ҳарф билан бошланади.

ИМЛО МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ТЕКШИРУВ ИШЛАРИ

Имло масалалари юзасидан иккита текширув иши топширилади: 1) айрим ҳарфлар имлоси ҳақида; 2) бўғинга ажратиш, негиз ва қўшимчалар муносабати, сўз ясаш билан боғлиқ имлолар ҳақида.

1- текширув иши

1-§. Нуқталар ўрнига *х* ёки *ҳ* ҳарфларидан мосини қўйиб кўчиринг:

за...а, за...ар, за..., за...ил, ма...фий, ма...сус, ла...за, за...мат, ма...дум, ма...луқ, жа...л, а...ир, ма...си, э...тирос, и...тисос, э...тиёт, и...тиёр, э...сон, и...чам, э...тиром, и...тиро, э...тимол, бе...ншт.

2-§. Нуқталар ўрнига *о* ёки *а* ҳарфларидан мосини қўйиб кўчиринг:

ж...ҳон, т...мон, ҳаш...мат, бол...ҳона, ҳашар...т, т...моша, т...мом, ...тоқли, баён...т, б...ёқиш, б...шоқ, ҳалов...т, д...вон, д...вом, дил...ро, д...во, д...стон, диён...т, дилов...р, мукоф...т, ж...воҳир, мулоқ...т, авт...мат, т...мат,

3-§. Нуқталар ўрнига *и*, *э* ёки *е* ҳарфларидан мосини қўйиб кўчиринг:

б...ҳи, д...абет, ...ҳтиёт, д...атез, ...ҳтиром, д...л, д...гизмоқ, ...хтиро, д...аметр, д...фровка, ж...мп...р, з...фир, м...ҳр, с...ҳр, ид...ал, ном...р, м...ҳрибон.

4-§. Нуқталар ўрнига *и* ёки *у* ҳарфларидан мосини қўйиб кўчиринг:

кўнг...л, қут...лмоқ, сўқ...р, юг...рмоқ, тўс...қ, бук...р,
ўс...қ, бўг...н, булд...р...қ, бўғ...з, бўлт...р, ўт...н, вуж...д,
кўп...к, қоронғ...и, қувғ...н, қўрқ...нчи, уйқ...и, қулл...қ,
тўқ...м, қул...пнай, гул...в, тўқ...в.

5-§. Нуқталар ўрнига *а* ёки *и* ҳарфидан мосини қўйиб кўчиринг:

музок...ра, мулоз...мат, мулоҳ...за, муом...ла, мурож...ат, мусоб...қа, мусод...ра, мустамл...ка, мутол...а, мушоҳ...да, муҳок...ма, муҳоф...за.

6-§. Нуқталар ўрнига *д* ёки *т* ҳарфларидан мосини қўйиб кўчиринг:

мада...и, оқибат...и, докла...и, ҳайбат...и, жаса...и, расама...и, табобат...и, аса...и, надомат...и, ҳасан...и, қомат...и, жади...и, заб...и, таҳди...и, соби...и, зон...и, гар...и, қас...и, дар...и, танқид...и, сульфид...и.

7-§. Нуқталар ўрнига *б* ёки *л* ҳарфларидан мосини қўйиб кўчиринг:

ада...и, за...и, ғазал...и, юзла...и, қолди...и, прора...и, ал...и, ниша...и, лиқо...и, чойша...и, пешиво...и, лақа...и, сиром...и, мазҳаб...и, укром...и, зе...и, ноё...и, аса...и, ажи...и, майи...и, тур...и, коси...и, тў...и.

8-§. Нуқталар ўрнига *ж* ёки *ч* ҳарфларидан мосини қўйиб кўчиринг:

ғир...и, ва...и, хо...и, фала...и, рўка...и, зи...и, маҳра...и, кўма...и, саз...и, сира...и, ҳа...и, риво...и, ав...и, ғар...и, эҳтиё...и, қуло...и, хори...и, омо...и, лан...и, плив...и, кар...и, лун...и, раво...и.

10-§. Нуқталар ўрнига берилган сўзлардан мосини қўйиб, кўчиринг:

а) *хил-хил* ва *ҳил-ҳил*.

Турли олмалар ранг-баранг, ... бўлиб пишибди. Шўр-вадаги гўшт роса пишганидан ... бўлиб кетибди.

б) *бурч* ва *бурж*.

Ошиқ-маъшуқларга дунёнинг нариги ...и ҳам бир, оғайни. Галлей кометаси тонгда сунбула ...лари томонда кўринади.

в) *боб* ва *бон*.

С. Аҳмад романининг охириги ...ида айтилган. Ҳаётнинг энг ...и ҳалол меҳнат билан кун кечириш.

г) *вангилламоқ* ва *ванҒилламоқ*.

Ит туни билан асабни бузар даражада ...б чиқди. Машинанинг қулоғини бурасанг, лаганча гир-гир айланиб; ашула, дутор-танбур ...йверади.

д) *бод* ва *бот*.

Пирнафас ака қумда ... касалини тамом йўқотаёзган эди. Бу йил ёз иссиқ келгани учун гўзалар ... авж олди.

е) *уриш* ва *уруш*.

Жон олиб, жон берилаётган даҳшатли ... йиллари эди. Узидан кичикни турткилаш ва ... ёмон хулқнинг натижасидир.

ё) *довон* ва *диван*.

Самарқанд шаҳридан Китоб шаҳрига ҳамма вақт ... орқали ўтилади. Уйнинг этагида қизил духоба сирилган ... қўйилган эди.

ж) *аср* ва *асир*.

Турдиев ...ни тўғри батальон штабига олиб жўнади. Утган ...нинг сўнгги кузи Қорабулоққа очиқ чеҳра билан келди.

з) *лахча* ва *лахжа*.

Биз ўз қишлоғимизда доимо қипчоқ ...сида сўзлашамиз. Тандирдаги ... чўғни олиб, ўти сўниб қолган самоварга солди.

и) *жоди* ва *жоду*.

У беда боғларини ечар ва ... орасига олиб қирқиб ташларда. Йигит ва қизга мафтункор боқиб, ... кўзларининг асири бўлиб қолганди.

2-текширув иши

1-§. Қуйидаги матнни кўчириб ёзинг ва ҳар бир бўғинни тик чизиқча билан ажратиб кўрсатинг.

Намуна: *туй/ғу, Ю/го/сла/ви/я, ме/тро, қўр/қинч/ли, а/дво/ка/ту/ра.*

абсолютизм, абстракт, авжланмоқ, авиабаза, авиаконструктор, авиатранспорт, адолатлилик, адъютант, кассир, костюм, амплитуда, антициклон, арслон, сиртлон, бадбахт, безътибор, блюминг, брошюра, бурундиқ, бўйинтуруқ, вазли, войвойламоқ, воқеанавис, галстук, гангимоқ, кўнгил, ванилламоқ, ғинғилламоқ, геоцентр, гидроплан, гугуртчўп, гунгалак, уринган, дарахтсимон, дардлашмоқ, дарё, октябръ, диафрагма, ефрейтор, жўяли, изолятор, ҳадялик, кафедра.

2-§. Қуйидаги сўзларга қавсда берилган сўз ўзгартирувчи қўшимчалардан мосини қўшиб, имлога мослаб ёзинг.

Н а м у н а: *куртак(га) — куртакка.*

боғ(га), ёғ(га), чўғ(га), ўртоқ(га), тоқ(га), туғ(га), барг(га), япроқ(га), қишлоқ(га), плуг(га), каталог(га), хирург(га), гудок(га), кубок(га), кет(ган), ўт(ган), сот(ган), оч(ган), туғ(ган), чиқ(ган), соч(ган), ошиқ(ган), ютақ(ган), тўлиш(ган), кечик(ган), туг(ган), тег(ган), чек(ган), бир(та), боғ(ча), эк(гин), туг(гин), бўғ(гин), тег(гач), чўк(гач), очиқ(гач), тиқ(гач), эк(гач), ёғ(гач), кичик(гина), бақалоқ(гина), очиқ(гина), гулдек(гина), яхши(гина), тут(газ), ўт(газ), соч(гиз), кеч(гиз), бот(гиз), чўк(қиз), от(гиз), тут(гани), оқ(гани), тот(гани), бос(гани), эк(гани), тўк(гани), чиқ(гани).

3-§. Қуйидаги сўзларга қавсдан берилган ясовчи қўшимчалардан мосини қўшиб, имлога мослаб ёзинг.

Н а м у н а: *тут+қич — тутқич* каби.

Кеч(гир), уч(гир), ўз(гир), топ(гир), суз(ғич), бил(ғич), тут(ғич), қис(ғич), еч(ғич), ёп(ғич), сурт(ғич), тўл(гин), тут(гин), сур(гин), тош(гин), уч(гин), қоч(гин), шош(гин).

4-§. Матндаги қўшимча қўшиб ёзиладиган сўзларни имлога мослаб ёзинг ва ўзакда қандай ўзгариш бўлганини билдиб олинг.

Сен билсанг эди юрак (имни) фақат сенга ёрганимни. Ки гулюз хок(идан) яна гул унмиш. Бувим... энг сўнгги эртақ(ин) айтди ўша кун. Сизга ўхшаб соддалик(им) бор. Соғлиқ(и) хўп саз. Гулларга одамнинг қучоқ(и) тўлар. Армоним сен, тилак(им) ўзинг, якка-ёлғиз юрак(им) ўзинг, икки дунём керак(им) ўзинг. Ўртоқ(им) аниқроқ(ини) айтсам, ён қўшнимиз. Бақалоқ қора портфелининг семизлик(и) китоб-дафтари-нинг кўплик(идан) эмас. Иссиқ(и) борга ўхшайди. Оқ симни ёнғоқ палласининг пўчоқ(ига) тиқди. Комид эсанманидир сезгандай приёмник(ига) қулоқ тутди. Синф эшик(и) олдида Расул ака турарди.

5-§. Матндаги сўзларга қавс ичидаги қўшимчаларни қўшиб, кўчириб ёзинг. Қўшимчалар қўшилгач, негизда бўлган ўзгаришга эътибор беринг.

Сингл(им) ўз ўрни(и)ни бўшатиб нари сурилди. Бир огиз ширин сўзи кўнғил(им)ни тоғдай кўтарди. Бу воқсалардан огиз(и) очилиб қолди. Билмадим, унинг негадир бурун(и) кўтарилиб кетган эди. Дўстим хатосини дарров бўйин(и)га олди. Иш кўплигидан тушда ҳам овқатланмаган, қорин(и) пиёзнинг пўсти эди. Кечаги йиғитлар бугун анча улуг(ай)иб қолган. Куз тушиб, япроқлар сарға(ай)ган. Бугунги мажлис қизиқ(ин) муҳокама асосида ўтди. Кўннинг ярим(и) ўтган эди. Келиннинг бир қайин(оға)си ва уч қайин(ини)си бор. Совуқдан дийдираб турган болани у дарҳол бағир(и)га олди.

6-§. Қуйидаги сўзларга қавс ичидаги қўшимчалар қўшилганда орттириладиган товушни ҳам қўшиб ёзинг.

у(га), бу(дай), (ўша)да, у(дан), ўша(га), бу(га), ўшз(дай), анави(дан), анави(га), у(ча), бу(ча), анави(ча), иш(ча), беш(нчи), тўрт(нчи), эллик(нчи), юз(нчи).

7-§. Қуйидаги матнга эътибор қилинг ва айрим товушларнинг ўрни алмашган сўзларни аниқланг, кейин имлога мос ҳолда маттни кўчиринг:

Юрган-дайро, ўтирган-бўйра...— Ая, қўлпоқимни топиб беринг!— деди Зебо. Трикотаж буюмлар магазинида турли хил пайпоқлар бор. Ошга сабзи тўғради. Сигири ёмон ялмоғич чиқиб қолган. У мен билан: Аҳволларинг яхшими?— деб сўрашди.— Аварада борибмиз-а,— деди.

8-§. Қуйида қўшма сўз, жуфт сўз, бирикма кабилар негизлари берилган. Уларни имлога мослаб кўчиринг:

авиа транспорт, авто база, бад башара, баланд парвоз, беш бадтар, беш бурчак, генерал майор, дала сичқон, дала боғ, елим баллқ, ер тандир, ён бош, ён лугат, жар ёқа жигар пора, зар печак, икки хонали, кўп бурчак, кўп болали, йўғон ичак, нав баҳор, номоз шом гул, оёқ қўл, аждаг гул, баланд паст, гул карам, гул беор, гул ариқ, дев печак, ер парчин, ер тўла, ёқа вайрон, илдиз поя, кўп ҳадли, аччиқ ичак, ингичка ичак, кўр сичқон, нари бери, нарх наво, озиқ овқат, ола пўчоқ, айри бош, айри шох, банги девона, бир ёқлама, гул тожи хўроз, дўппи дўз, дўппи фуруш, зар гул, зар бел боғ, низом нома, тош буваки, пушти ҳусайин, келин

бармоқ хусайни, ой болта, ой мома, афт ангор, бел курак, бир неча, гул чехра, олам жаҳон, ола тўғаноқ, ола чалпоқ, беш бармоқ, гул даста, зина поя, олтин гугурт, олтин қошиқ, олтин зирак, девор соат, бир карра, зоғора пон, зоғора ун, оташ курак, от ўйин, гул коса барг, барги карам, амиркон махси, амиркон пахта, аҳли дил, аҳли аёл, банда бечора, бош ҳарф, вали аҳд, вали неъмат, гирди капалак, ғовур ғувур, даст хат, даст панжа, ер ёнгоқ, ел қанот, ёғ завод, жигар ғўша, жигар сўхта, жўжа хўроз, заҳар заққум, зиён заҳмат, илпқ несипқ, ип газлама, ип арқоқ, нон ангур.

УСЛУБ ҲАҚИДА

СЎЗ ИШЛАТИШ

Сўз ишлатишда кўпроқ иккита муҳим хато кўзга ташланади: 1) сўзни ўрнида қўлламаслик; 2) сўзни ноўрни қўллаш, такрор. Буларнинг ҳар иккиси ҳам услубда ғализлик туғдиради, ўқувчининг ғашига тегади, сийқалаштиради. Шунинг учун бу хатоларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Сўзларни ўз ўрнида қўлламаслик фақат ўқувчилар вишоларида эмас, баъзан омма учун нашр қилинган асарларда ҳам учраб туради. Уларни бир қараганда пайқаб олиш қийин. Масалан, Ж. Усмоновнинг 1987 йилда нашр этилган «Адабиёт музейи ва дарс» номли китобида шундай бир гап бор. *Адабиёт кишининг маънавий дунёси ва ҳиссиётини бойитади* (5-бет). Тўғри, адабиёт киши маънавий дунёсини бойитади. Аммо «унинг киши ҳиссиётини бойитиши»ни қандай тушуниш керак? Ҳис, бизга маълумки, ташқи дунёдаги ниманидир киши онгида таъсир этиши бўлади. *Ҳиссиёт* сўзи эса шу ҳис сўзининг кўплигидир. Таъсир этишни бойитишни қандай тушуниш керак? Кўрнадикки, бу ўрнида сўзни нотўғри қўллаш шу мантиқсиз фикрни келтириб чиқарган. Бу гапда *ҳиссиёт* сўзини эмас, *таассурот* сўзини қўллаш керак эди. *Адабиёт таассуротини бойитади*. Ундаги ҳаёт лавҳалар, манзаралар, тасвирлар айни шу таассуротни бойитиш мақсадига қаратилган бўлади. Муаллиф ҳам асарда шунини мўлжаллаган, аммо сўз маъносининг моҳиятига етмай, сўзни нотўғри танлаган.

Мазкур асарнинг ўша бетида шундай абзац учрайди: *Бугунги кунда ҳар бир мактабда адабиёт хонаси ташкил қилинган. Улар программа ва ўқув-методик талаблар асосида намунали жиҳозланган.* Биринчи гапда қайд этилишича, адабиёт хоналари ҳамма мактабда ташкил қилинган экан. Иккинчи гапда қайд этилишича эса, улар намунали жиҳозланганбди. Бунда шундай савол келиб чиқади: ҳўш, ким ёки кимлар учун намунали? Намунали жой намунали жойлар учун намунали бўла олмайди-ку?! Бошқалар эса у ердан намуна олмайди, чунки уларда бундай жиҳозлашлар учун мақсади ҳам, вазифаси ҳам йўқ. Аммо муаллиф бу ўринда жиҳозлашнинг сифати ҳақида гапирмоқчи бўлганлиги табиий. У фикрни бўрттириб айтиш учун юқоридagi *намунали* сўзини танлаб, хато қилиб қўйган, аслида эса ўша сифатни ифодалаш учун *яхши, кўнгилдагидек* каби сўзлардан бирини қўллаш керак эди. Бундай фикр бўрттириб ифода этилмаса ҳам, тўғри ифодаланган бўларди. Ваҳоланки, асар бадий эмаски, фикрни бўрттириб ўқувчига етказилса, илмий-методик асарларда фикрлар ҳеч қандай безаксиз ифода этилиши керак.

Кўринадикки, сўз маъноси қамровини ҳисобга ола билмаслик ва унинг гап мазмуни ҳажмига сиғиш-сиғмаслигига эътибор бермаслик ифодадаги мантиқсизликни келтириб чиқаради.

Сўз бирикмасида ҳам сўзларнинг ўзаро маъно мослиги ҳамма вақт эътиборга олинади. Акс ҳолда, бирикмадан мантиқ чиқмайди, акс маънони ифода этади. Масалан, *Умуман, музейдаги дарс синфда ўтказиладиган машғулотга нисбатан ўта кўرғазмали, мазмундор ва ҳаётий бўлади* (ўша асар, 4-бет). Бу ўринда диққатни *ўта кўрғазмали* бирикмасига қаратмоқчимиз. Унда муаллиф кўрғазмага бой маъносини бермоқчи бўлган, аммо мақсадига эриша олмаган. Чунки *ўта* сўзи *жуда, ғоятда, ниҳоятда, бағоят* сўзлари каби маъно кучайтириш вазифасини бажаради, лекин улар каби шу вазифа билан чегараланиб қолмайди. У салбий мунсабатни ҳам билдиради. Муаллиф ўша бирикмадан максимум кўрғазмали ифодасини кўзлагани ҳолда даредаги кўрғазма миқдорини шу даражага етказиб тасвирлаганки, у фақат кўрғазмалардан иборат бўлиб, даренинг маълумот берувчи ва бошқа қисмлари ҳам кўрғазманинг ичига босилиб кетгандай англашилиб қолган. Унинг ўринига бирикманн *бой кўрғазмали* деб

тузиши керак эди. Бунда ҳам *бой* маъно кучайтирувчи, шунингдек, миқдор ортиқчилигини кўрсатувчи маъно берган бўларди. Шу ўринда тилшунос проф. И. Қўчкортоев айтган бир фикрни келтириб ўтишга тўғри келади. Сўзлар, ҳатто, субъектив муносабат ифода этишига қараб мослашган ҳолда бирикмага киришади. Масалан, *чиройли чехраси* деган бирикма тузиш мумкин, ammo *чиройли башараси* деб бирикма тузиб бўлмайди ёки *хунук чехраси* деб ҳам бирикма тузилмайди. Чунки *чиройли* ва *чехра* сўзлари ижобий субъектив муносабатга эга бўлгани ҳолда, *хунук* ва *башара* сўзлари салбий субъектив муносабатга эга. Бундай ўринларда бирикма бўлаklarини ҳеч вақт синоним билан алмаштириб бўлмайди. Улар алмаштирилладиган бўлса, субъектив муносабат билдирувчи томонлари салбий ва ижобийлик жиҳатдан бир хил бўлиши шарт.

Айрим ҳолларда шундай гаплар тузилганлигини кузатиш мумкинки, унда юқоридаги нисбатан унутилган — мантқиқ изи йўқотилган гапга боғлаш учун сўз қайд этилади. Бунда унинг ортиқчилиги яққол сезилиб туради. Масалан, яна ўша асарда шундай гапни кўрамиз: *Адабиёт ва тарих музейлари мавжуд бўлган шаҳарларда адабиёт дарсларининг айрим бу хил машғулотлари музейларда ўтказила бошланди* (5-бет). Бу гап хат бошидан бошланган. Шундай бўлгач, ундаги *бу хил* сўзи қайси гапда ифодаланган жараёнга ишора қилинган бўлади? Албатта, бу мавҳум. Шунга кўра гапда уни қўллаш учун ҳеч қандай асос йўқ. Ҳ. Назаровнинг «Қарим девонани излаб» асари таржимасидан олинган шунга ўхшаш гапни таҳлил этайлик: *Бизнинг оиламизда тўрт ўғил бола, беш қиз бўларди*. Бу гапда да аввал *тўрт ўғил бола* ва кейин эса *беш қиз* бирикмаси келтирилган. *Бола* сўзи гапда яққа қўлланганда гарчи «ўғил» маъносини ифода этса ҳам, *қиз* ёки *ўғил* сўзларининг аниқланмиши вазифасини ўтаса, ҳамма балоғат ёшига етмаган одам маъносини беради. Юқоридаги гапда ҳам худди шу маънода келган. Ammo у *қиз* сўзининг аниқланмиши сифатида қайд этилмаган. Бизга маълумки, уюшиқ бўлаklar гапда бир хил бўлиши шарт.

Бу ўринда яна бир нарсани ҳисобга олишга тўғри келади. *Уғил* ва *қиз* сўзлари жинс ифодасини бериш билан балоғатга етмаган одам маъносини ҳам беради. Шунга кўра гапда *бола* сўзини қўллаш ортиқча бир

ҳолдир. Лекин уни қўлласа ҳам бўлади. Қўлланган тақдирда эса *ўғил* ва *қиз* сўзларидаги мавжуд маънони кучайтириб келади. Бу ўринда эса шу вазифани бажара олмайди. Чунки гапда бунинг учун зарурият ҳам, имконият ҳам йўқ. Шундай бўлгач, бу гапда бола сўзини қўллан ортиқча бўлиб қолади. Гап тузилар экан, ҳамма вақт тилнинг ўзига хос бўлган сўзни тежаб қўллаш қонуниятини ҳисобда тутиш зарур. Аке ҳолда, гапни суюқлаштирувчи юқоридаги ҳолат юзага келади.

Нутқдаги маълум гапда айни бир сўзни такроран қўллаш ёки бир маънони икки сўз билан такрорлаш **тавтология** дейилади. Бу ҳодиса кирувчилар ишосида жуда кўп учрайди. Буни айрим алаббетларда ҳам кузатиш мумкин. Булар услубни ғализ, дағал ҳолга келтиради. Ундан қутулиш учун тавтология қайси ўринларда қандай содир бўлишини ўргатиш ва уни барта-раф этиш йўлларини кўриш лозим.

Тавтология, аввало, айни сўзни такроран қўллашдан келиб чиқади. Бунинг учун ҳам «Карим девонани излаб» асари таржимасидан мисол келтирамиз: *Одамлар афсоналарни завқ билан тинглагач, афсона тарихига доир саволлар берадилар.* Бу гапда *афсона* сўзи икки ўринда такроран келган. Ваҳоланки, ундан осонгина қутулиш мумкин эди. Бунинг учун кейинги *афсона* сўзидан кечиш керак. Унинг ўрнида эса *унинг* олмошидан фойдаланиш мумкин. *Касал унинг рангига таъсир этган бўлса ҳам, у ҳали тетик, кўзлари чақнаб турарди* гапига эътибор берайлик. Бу гапда эса III шахс бирликни кўрсатувчи *у* олмоши икки ўринда такрор қўлланган. Бундай ҳолатда олмошнинг ўрнини бошқа сўз билан алмаштириб бўлмайди. Унинг биттасидан кечишга тўғри келади. Турган гапки, кейинги шахс олмошини қисқартиш иложи йўқ. Чунки у гапнинг эгаси вазифасини ўтаган. Бу сўзнинг гапда қайд этилиш зарурияти ойдинлашишига сабаб бўлган. Шунинг учун гапда аввалги III шахс олмошини қисқартишга тўғри келади. Унинг вазифасини қаралмиши бажариши мумкин.

Тавтология кўпроқ бир сўз орқали берилган маънони иккинчи бир сўз орқали такрорлашда кўрилади. Масалан, *Мана, мана, шоир Каримнинг қabri шудир* («Карим девонани излаб» таржимасидан) гапда ишора маъноси ҳам *мана* олмоши, ҳам *шу* олмоши орқали бе-

рилган. Ваҳоланки, ишора уларнинг бири орқали ифодаланса, етарли эди. Гапдан *мана* олмошини олиб ташлаш ҳам мумкин. Бироқ бунда гапдан мақсад қабр кимники эканлигини айтиш бўлиб қолади. Ишора эса кейинги ўринга ўтади. Аслида эса гапни тузишдан мақсад қабрни кўрсатишдир. Шунинг учун *мана* олмошини гапда сақлаб, *шу* олмошини қисқартириш мақсадга мувофиқ. Шунда гапдан кўзланган мазмун раво ва аниқ бўлади. *Шу* олмоши билан *-дир* боғламасининг ҳам қисқариши гап мазмунига аралашаётган гумон маъносини йўқотади. Яъни, *Мана, шоир Каримнинг қабри*. Шунга ўхшаш гап «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ҳам учради: *Худди шундай нуқсонлар бир марта эмас, жуда кўп содир бўлмоқда* (3. 07. 1987). Бу гапнинг бошланишида аввалги гапга боғлаш учун ҳам *худди*, ҳам *шундай* сўзлари қўлланган. Бу ўринда фақат *шундай* сўзининг ўзи қўлланса ҳам, қиёслаш маъноси тўла ифодаланган бўларди. Унинг олдида берилган *худди* ўша қиёслашдан бошқа ҳеч қандай маъно қўшмайди. Шунинг учун, уни қўлламаса ҳам, гап мазмунига путур етмайди. Гапдан *шундай* сўзини олиб ташлаб, *худди* сўзини қолдириш ҳам мумкин эмас. Чунки гап мазмуни учун кўрсатиш маъноси ҳам зарур. Бу маъно *худди* сўзида йўқ. *Шундай* сўзида қиёслаш ифодаси ҳам мавжуд. Кўриниб турибдики, бир маънодаги икки сўзнинг қўлланиши ортиқчадир.

Баъзан гапда бир ҳаракатни ифодалаб, кейин шу ҳаракатга хос ҳолат берилади. Шунда ҳам бир маъноли сўзлар такрорланиб, услубни бузиши мумкин. Бунда ўша ҳаракатни келтириб чиқарувчи ҳаракатни ифодалайдиган сўз берилиши мумкин. Шунда кўзда тутилган ҳаракат мантиқан англашилади ва гапда тавтология бўлмайди. Яна ўша газетадан мисол келтирайлик: *Шу сабабдан ҳам ким биринчи бўлиб жойга ўтирган бўлса, ўшаларгина ўтириб кетишиди*. Бу гапда *ўтирмоқ* феъли такрор қўлланган. У аввал ҳаракат ифода этган бўлса, кейин ҳолат ифода этган. Бу такрордан қочиш учун *ўтирмоқ* ифодасидаги ҳаракатдан аввалги ҳаракатни гап ифодасига киритиш керак эди. Чунки аввалги ҳаракат бажарилса, кейингисига имкон туғилади. Бунинг устига аввалги ҳаракат берилиб, кейинги ҳаракатдан чиқувчи ҳолат ифодаси берилса, кейинги ҳаракат ўз-ўзидан англашилади, яъни автобусга аввал

чиққан одам, албатта, ўтирган бўлади. Шунинг учун гап *Шу сабабдан ким биринчи бўлиб автобусга чиққан бўлса, ўшаларгина ўтириб кетди* деб тузилса, тавтология содир бўлмайди. Юқоридаги гапда мантиқ ҳам бузилган. Чунки фақат биринчи бўлиб ўтирган одам эмас, умуман ўтириб олганнинг ўзи жойини эгаллаган бўлади. Бу ўринда қандай навбат билан жой эгаллаш аҳамият касб этмайди.

Тавтология сўз ясашда ҳам аке этади. Баъзан айни бир маъноли икки ясовчини бир негизга қўшган ҳолда сўз ясаб, нутқда қўлланишини учратамиз. Масалан, Ж. Усмоновнинг «*Адабиёт музейи за дарс*» асаридagi бир гапда шундай сўз қўлланган: *Музейларда уюштирилаётган машғулотлар мактабдаги адабиёт дарсларига қараганда ниҳоятда серкўрғазмали бўлади* (6-бет). Бу гапдаги *серкўрғазмали* сўзининг негизи *кўрғазма* бўлиб, от туркумига оид. Ундан сифат ясаш учун *-ли* қўшимчаси қўшилган. Шу билан *кўрғазма* воситаси билан маъноли сифат ясалади. Яна унга *сер-* сифат ясовчи қўшимчаси қўшилган. Кўриниб турибдики, бу қўшимча маъноси *-ли* қўшимчаси маъносидан миқдорий ортиқликни кўрсатиши билан кенгроқдир. Бу маъно *-ли* қўшимчасида такрорланган. Агар ўша сўздаги *-ли* қўшимчасининг баҳридан ўтилса ҳам, ясама сўзга юкланадиган маъно ўз ифодасини топган бўлар эди. Эътибор қилинг: *серкўрғазма*. Гапда шундай сўз олдиндан *ниҳоятда* сўзи қўлланганки, у ўзидан кейинги сўз маъносига миқдорий ортиқлик маъносини бўрттириши мумкин. Бу ҳолда эса *серкўрғазмали* сўзидаги *сер-* қўшимчаси ортиқча бўлиб қолади. Қиёс қилинг: *ниҳоятда кўрғазмали* ва *серкўрғазма*. Бундай ясашдан баъзи ҳазилкаш одамлар юмор воситаси сифатида ҳам фойдаланишади. Масалан: *до остановкагача бораман* каби. Аммо жиддий хабарда бундай сўзларни қўллаш, тавтологияга йўл қўйиш, сўз ясаш имкониятларини билмасликдан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам у жонли тилда учраб туради. Масалан: *бригадирчи, футболлистчи, намли, ашборлар* каби. Жонли тилга хос, ҳато қўлланадиган бундай сўзлар абитуриентларнинг иншоларида ҳам аке этиб қолади... *Бригадир* сўзининг ўзи бригада бошлиғи маъносини билдирадиган от. Унга яна шахс оти ясайдиган *-чи* қўшимчаси қўшилган. Шунга ўхшаш *футболист* сўзи ҳам «футбол ўйнайдиган шахс» маъносини беради. Унга ҳам *-чи* қўшимчаси қў-

шилган. Ваҳоланки, *-чи* қўшимчаси *футболист* сўзининг футбол негизига қўшилса ҳам, «футбол ўйнайдиган шахс» маъносигаги *футболчи* сўзи ясалган бўларди. Демак, бу икки сўзда айни бир вазифадаги икки қўшимча бўлиб, улардан бири ортикча — тавтологиядир. *Нам* сўзи ўзи «сув зарраларига бой» маъносини беради. Унга яна *-ли* қўшимчасини қўшиш шу сўздаги «бой» маъносини такрорлаш бўлади. *Ашъор* сўзи эса *шеър* сўзининг кўплигидир. Унга яна *-лар* кўplik қўшимчасини бериш ортикча ҳисобланади. Шуниси қизиқки, бу ҳатто шоирларнинг шеърларида ҳам учраб туради. Аммо нисо ёзишда бундай услубий хатоларга йўл қўймаслик зарур.

ҚУШИМЧАЛАР ВАЗИФАСИНИ ФАРҚЛАШ

Бир турдаги қўшимчалар вазифаси ўзаро яқин ўринларда бир-бири билан қориштирилиши мумкин. Бундай қориштириш сўз ўзгартирувчи қўшимчаларда ҳам, сўз ясовчи қўшимчаларда ҳам кузатилади. Сўз ўзгартирувчи қўшимчалардан, айниқса, келишик шаклларида уни кўпроқ кузатилади. Келишиклардан қаратқич билан тушум, жўналиш билан ўрин, чиқиш билан тушум, қаратқич билан чиқиш, ўрин билан чиқиш вазифаларини фарқлай олмаганлик сабабли, бирининг ўрнида бошқасини қўллаб юбориш ҳоллари учраб туради. Шунинг учун келишик қўшимчаларини ўзаро қиёслаб, фарқли томонларини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

Қаратқич келишиги билан тушум келишиги аксарият ҳолларда қориштириб юборилади ва бирининг ўрнида иккинчиси қўлланилади. Бунинг сабаби асосан битта. Уларнинг ҳар иккиси учун ҳам ўзбек жонли тилида фақат *-ни* қўшимчаси қўлланади, яъни улар шаклан фарқланмайди. Бу келишиклар шакли ёзма нутқ, умуман адабий нутқда фарқ қилади. Киши нутқ жараёнида, уларни фарқлаб қўллашга одатланмагани учун, қориштиради. Уларни фарқлаш учун эса шу келишик билан келган бирикма моҳиятига эътибор қилиш керак. Қаратқич келишикли отлар ҳамма вақт отлар ёки от вазифасидаги сўзлар билан бириккани ҳолда тушум келишикли отлар ҳамма вақт феъллар билан бирикма ҳасил қилади. Бунинг учун қуйидаги гапни таҳлил қилиб кўрамиз. *М Салимнинг бу саволини эшитиб, ўғли*

томонга йўғирилди. Бу гапдаги *Салимнинг* қаратқич келишикли сўзи қаратқич келишиги билан қўлланган. Шунинг учун ҳам у от туркумидаги *саволи* сўзи билан бирикмага киришган ва *Салимнинг саволи* қаратқичли бирикмаси тузилган. *Салим* сўзидаги қаратқич ҳамма вақт у бириккан *савол* сўзидаги *-и* эғалик қўшимчаси билан реалдир. Шу эғалик қўшимчаси қаратқичга нисбатан қаралмиш қўшимчаси деб ҳам аталади. Яъни қаратқич бор гапда, албатта, қаралмиш ҳам бўлади. *Саволини* сўзи тушум келишиги билан ҳам қўлланган. Шунинг учун ҳам у феъл туркумидаги *эшитиб* сўзи билан бирикмага киришган ва *саволини эшитиб* бошқарув боғланишли бирикма тузилган. *Савол* сўзидаги тушум ҳамма вақт уни бошқариб келган *эшитмоқ* феълининг ўтимли экани билан боғлиқ, унинг талаби билан юзага чиқади. Яъни тушум келишиги ўтимли феъллар билан боғлиқ. Агар бизга *Бувим (?) расми (?) чизаман* мисолини бериб, сўроқ белгилари ўрнига *э* қаратқич, *ё* тушум келишиги қўшимчаларидан бирини қўйиб кўчиринг, дейилган бўлса, албатта, қўшимча оладиган сўз билан боғланган сўзга эътибор берамиз. Яъни *бувим* сўзи *расми* сўзи билан боғланиб келган. *Расми* сўзи эса *-и* эғалик қўшимчаси билан қўлланган. Шундай бўлгач, *бувим* сўзи қаратқич билан қўлланган деб қаралади. Айтганимиздай, эғалик қаралмиш ҳисобланиб, у қаратқичсиз қўлланмайди. *Расм* сўзи эса *чизаман* сўзи билан бирикмага киришган. *Чизаман* сўзи ўтимли феълдир. Ўтимли феъл ҳамма вақт тушум келишикдаги отни талаб қилади. Шундай бўлгач, *расми* сўзи тушум келишиги билан қўлланган деб ҳисобланади. Демак, юқоридаги гап *бувимнинг расмини чизаман* деб тузатилиши керак.

Жўналиш келишиги билан ўрин келишиги қўшимчалари ҳам қориштириб юборилади. Уларни қориштириш бошқариб келган феъл маъноси ва маъно моҳиятига ета билмаслик ёки эътибор бермаслик билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Жўналиш келишикли отларни бошқариб келган феъл донмо нимагадир қаратилган ҳаракатни, руҳий ҳолатни ифодалаб келади. Масалан, *У мақоласини газетада бостирди* гапида *газетада* сўзи ўрин келишиги билан қўлланган. Агар шу сўзни жўналиш келишиги билан берса, хато бўлмасмиди? Яъни: *У мақоласини газетага бостирди. Газета* сўзи жўналиш келишиги билан қўлланган гапга эъти-

Бор берсак ҳам, ўрин келишиги билан қўлланган гапга эътибор берсак, ҳам, тўғрига ўхшайди. Бундай бўлиши эса мумкин эмас. Чунки ҳар икки келишкнинг вазифаси бир эмас, улар ўзича мустақил. Бунини эса шу сўзларни бошқариб келган феъл маъноси моҳиятига эътибор қилиш орқали аниқлаш мумкин. *Бостирмоқ* феъли бирор нарсага қаратилган ҳаракатни эмас, балки маълум замон ва мақонда содир бўлувчи ҳаракатни ифода этган. Шундай бўлгач, бу гапда *газета* сўзи ўрин келишиги билан қўлланиши тўғри деб қаралиши керак. Шунга ўхшаш *Варраklar дарахтлар шохига илиниб қолар*, гапига эътибор берсак, ундаги *шохига* сўзи жўналиш келишигида қўллангани тўғрими ёки ўрин келишигида қўлланса, тўғри бўлармиди деб иккиланиб қолишимиз мумкин. Бунда ҳам, уни бошқариб келган феъл маъносига эътибор бериш орқали, жўналиш ёки ўрин келишигида қўлланишини биламиз. *Шох* сўзини бошқариб келган сўз эса *илинмоқ* феълидир. *Илинмоқ* феъли эса нимагадир қаратилган ҳаракатни ифода этади. Шундай бўлгандан кейин *шох* оти жўналиш келишиги билан *шохига* ҳолатида қўллангани тўғри деб ҳисобланиши керак.

Чиқиш келишиги билан тушум келишиги қўшимчалари ҳам аралаш қўллаб юборилади. Чиқиш келишигидаги отларни бошқариб келган феъл ўзлаштириш, қўллаш ёки ижро ифодаларини бериб, улар бир бутун, бир йўла эмас, қисман ёки бош қисмидан бошлаб ижро этилиш маъносини бера олиши керак. Агар улар тўлалигича ифода берса, тушум келишикли отни талаб қилади. Масалан: *Отамиз байт айтар носвойдан отиб*, гапига эътибор берайлик. Ундаги *носвойдан* сўзи чиқиш келишигида бўлиб, шу отни тушум келишигида қўллаш ҳам мумкин. Бироқ *отмоқ* феълидан англашилган ҳаракат шу ҳаракатни бажарувчи кишидаги мавжуд ҳамма носвойга қаратилиб қолади. Ундаги *носвой* бир шишача бўлиши мумкин. Уни бир йўла чекиб, яъни отиб бўлмайди. Мавжуд носвойни фақат қисмини, яъни бир отимни отилади. Бу маънони гапда ифода топтириш учун эса *носвой* сўзига чиқиш келишиги қўшимчаси қўшилиши керак. Яна *туққану илондек бўйнимдан бўлган* гапига *бўйнимдан* сўзи чиқиш келишигида қўлланган. Бу сўзни ҳам тушум келишигида қўлласа бўлади. Бироқ унда бўғилган бўйин бўлиб, бўйиннинг эгаси алоқасиздай қолади. *Бўйин* гўё мус-

тақил каби ҳаракат бажарилган нарсага айланади. *Бўйин* сўзи чиқиш келишигида келса, бўғиш ҳаракати одамда бўлиб, у *бўйиндан* бошлаб амалга оширилган ҳолат англашилади. Аслида ҳам шундай. Шунинг учун *бўйин* сўзи чиқиш келишигида келган.

Умуман чиқиш ва тушум келишиклари ҳаракат улушга ёки бутунга қаратилганлигига нисбатан ўзаро фарқланади. Масалан, *узумдан емоқ* бирикмасида ҳаракат узумнинг маълум улушига қаратилган, *узумни емоқ* бирикмасида эса ҳаракат узумнинг ҳаммасини ўз ичига олган. Шу маънога кўра бирикмада ё чиқиш, ё тушум келишиги қўлланишини белгилаб олинади.

Қаратқич келишиги билан чиқиш келишигида келган сўзлар ҳам от ёки отлашган сўзлар билан бирикма ҳосил қилади. Масалан, *ўйинчилардан бири* ва *ўйинчиларнинг бири* бирикмалари ўзаро деярли фарқ қилмайдиганга ўхшайди. Ҳатто, бирикмадаги грамматик тавсиф ҳам ўзаро жуда яқин. Ҳар иккиси бириккан сўз ҳам эгаллик қўшимчаси билан келади. Шу қўшимча воситасида келишикли сўз билан грамматик алоқага киришади. Аммо улардаги маъно муносабати ўзига хос фарққа эга. Агар бирикма қаратқич келишикли бўлса, қаралмиш ҳамма вақт қаратқичдан англашилган тўдага ёки нарсага онд қисм ифодасини беради. Масалан, Қ. Сандмуродов шеърларидан бир мисра келтирайлик: *Тулпорларнинг тулпориман, мен ҳақиқий отдирман*. Бу гапдаги *тулпорларнинг тулпориман* бирикмасида сўзларнинг грамматик муносабатида қаратқич келишиги асосий роль ўйнаган. Маъно нуқтаи назардан эса, *тулпорлар* қай даражада зотли бўлса, *ўшаларнинг* биттасиман, деган ифода берилган. Яъни иккинчи сўз ифодаси биринчи сўз ифодасига кирган, лекин сўз такрори бирикмани юзага келтиргани учун ифодани кучайтириш ҳам амалга оширилган. Агар қаратқич келишиги ўрнида чиқиш келишиги қўлланиб, *тулпорлардан тулпорман* бирикмаси тузилганда эди, «тулпорлар қайси даражада зотли бўлса, бу улардан ҳам ортиқ тулпор» деган маъно англашилар эди. Яъни иккинчи сўз биринчи сўз берган маънодан ортиқ маънони англаган бўларди. Кўринадики, қаратқичли бирикмада таркибдаги қисм ифодаланса, чиқиш келишикли бирикмада таркибдан ажратиб олинган қисм ифода толади.

Кўрдикки, қаратқич келишиги ва чиқиш келишиги

ўртасидаги муносабат бутун ва бўлак ўртасидаги муносабатни ифода этувчи бирикмалар шаклланишида ўзаро яқин бўлади. Бошқа ўринларда улар вазифасини қориштириш эҳтимолли кутилмайди. Масалан: *Димонингни ёради* аста конвертдаги гулларнинг иси. Бу гапдаги *гулларнинг иси* бирикмасида келган қаратқични чиқиш келишиги билан алмаштириб бўлмайди. Чиқиш келишликли бирикмалар эса қолган ўринларда равиш ёки феъл бошқарувини шакллантиради. Бундай ҳолда чиқиш келишигининг ўрнида қаратқични қўллаб бўлмайди. Чунки қаратқичли бирикмалар фақат от+от типидеда тузилади. Масалан: *Эл ўғлидан боғ қоладир*. Бу гапдаги *ўғлидан қоладир* чиқиш келишликли бирикма ўрнида қаратқичли бирикмани қўллаб бўлмайди.

Ўрин келишиги билан чиқиш келишиги, вазифалари яхши тушунилмаганлиги ёки ажрата олинмаганлиги учун, бир-бирига қориштирилади ва бирининг ўрнида иккинчиси қўллаб юборилади. Буларнинг қориштирилиши келишиклар вазифаси, улар маъноси билан боғлиқ эканлиги ва унга эътибор этилмаслиги орқали келиб чиқади. Умуман олганда, келишликли от феълдан англашилган ҳаракат манбаи бўлади. Бундай ҳолда от ҳаракатни ўз таъсирида ушловчи манбаи ёки унга таъсирини ўтказган манбаи эканлигининг фарқига бориладмай қолади. Натижада бири ўрнига иккинчиси қўйил этилиб қолади. Масалан: *Ҳаётдан мўъжиза кутардим, ҳайҳот!* Бу гапда чиқиш келишликли бирикма *ҳаётдан кутмоқ* бўлиб, *кутмоқ* феълидан англашилган ҳолатга ўз таъсирини берган. Унга асос бўлган тушунча *ҳаёт* сўзида ифодаланган. Агар чиқиш келишиги ўрнида ўрин келишиги қўлланганда эди, ўрин келишликли *ҳаёт* оти феълдан англашилган ҳолатнинг лойтини кўрсатиб келган бўларди. Яна бир мисол: *Порлоқ осмонингда қузғунлар учди*. Бу гапдаги *осмонингда учди* бирикмасининг шаклланишида ўрин келишиги асосий роль ўйнаган. Бирикмадаги ўрин келишиги ўрнида чиқиш келишигини қўллаш ҳам мумкин. Бир қараганда, унда мазмунга ҳалал етмайдиганга ҳам ўхшаб кўринади. Аммо улар маъно жиҳатдан фарқ қилади. Гапда келган бирикмада эса *учмоқ* феълидан англашилган ҳаракат учун *осмон* сўзидан англашилган кенглик ўрин бўлади. Агар бирикмадаги келишлик чиқиш бўлиб *осмонингдан учди* бўлганда эди, *учмоқ* феълидан англашилган ҳаракат бўлиб ўтган, ҳаракат йўналган кенглик

осмон сўзида ифода этилган бўларди. Қўринадикки, ҳар икки келишиқ билан тузилган бирикмада ҳам келишиқли сўз қандайдир ўрни ифодасига кўра бир-бирига жуда ўхшайди. Урин келишиқли от ҳаракатни ўз туювчи манбани билдирса, чиқиш келишиқли от эса ҳаракатни ўз ўрни сатҳи, кенглигидан йўналтирган, жарраёнинни ўтказган манбани англатади. Бу манба ўрин бўлмай, пайт ифодасида бўлиши ҳам мумкин. Албатта, унда феълдан англашилган ҳаракат характери роль ўйнайди.

Жўналиш келишиғи билан тушум келишиғидағи бирикмалар қориштирилиши ҳам келишиқларнинг вазифаси ифодаси билан боғлиқ эканлиғи ва унга эътибор этилмаганлиғи орқали келиб чиқади. Масалан, *отга минмоқ* ва *отни минмоқ* бирикмаларининг ҳар иккисинда *минмоқ* феълдан англашилган ҳаракат *от* сўзидан англашилган улов билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Аммо улар маъносининг туб моҳиятида тафовут бор. Яъни *от* сўзи тушум келишиғи билан қўлланса, у феълдан англашилган ҳаракат бажарилган уловни ва шу улов ҳаракат учун ўзлаштирилганлиғини билдиради. Аниқроғи, от миниш учун олиниб, уни минилган бўлади. Агар *от* сўзи жўналиш келишиғи билан қўлланса, у феълдан англашилган ҳаракат қаратилган уловни билдиради. Аниқроғи, от миниш учун ўрин бўлади: *У кўксига ўйиб ёзган Глезосга ва Нозимга ўхшайди*. Бу гапда жўналиш келишиғи билан шаклланган *кўксига ёзмоқ* бирикмаси бор. Ундағи *ёзмоқ* ҳаракати қаратилган ўрин *кўкс* сўзида ифодаланган. Лекин гап мазмунига кўра, *ёзмоқ* феълдан англашилган ҳаракат *кўкс* отидан англашилган ўринга қаратилган эмас, балки *кўксинда* ўз аксини топган ҳаракат феълда ифода этилганлиғини кўраимиз. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бирикманинг тобе қисми бўлган от жўналиш келишиғи билан эмас, тушум келишиғи билан қўлланиши керак эди. Масалан: *Дераза ортидан бир жувон энтиқиб кўкларга қарайди*. Бу гапдағи жўналиш келишиғи воситасида тузилган бирикма *кўкларга қарайди*. Бирикмадағи феълдан англашилган нигоҳ қаратилган кенглик *кўк* сўзида ифода этилган. Шу бирикма воситасида тузилган гап мазмунига кўра ҳам, жувон нигоҳи йўналган томон тасвир этилган. Шоир жувон кўкни кўраётгани ҳақида ҳеч нарса демоқчи эмас, кўзи ўша томонда-ку, ўзи хаёлга берилган деб тасвирламоқчи.

Агар кўрини учун кўкка кўз ташлаганини тасвирлаганда эди, жўналиш келишигини тушум келишиги билан алмаштирган бўларди ва гап қуйидагича бўларди: *Дераза ортидан бир жувон энтиқиб кўкларни қарайди.* Аммо шоир ўз мақсадига кўра юқоридаги мисолда жўналиш келишигини тўғри қўллаган.

Ўрни келганда, жўналиш келишиги ноўрин қўлланган бир хил ҳодиса ҳақида ҳам тўхтаб ўтишга тўғри келади. Бу кўпроқ рус тилидан таржима қилиш билан боғлиқ ҳолатда келиб чиқиб, ҳозир услубиятда умумий хато сифатида учрайдиган бўлиб қолди. Масалан: *... меҳнат унумдорлиги 1985 йилдагига қараганда икки фоизга ўсди. (Л. Жамолов.)* Бу гапда *фоиз* сўзидан кейин жўналиш келишиги кўшимчаси ўринсиз қўлланган. Ўзбек тилида жўналиш келишиги ҳаракат йўналган нарсани кўрсатиши керак. Бироқ бу ўринда *ўсди* феълдан англашилган ҳаракат йўналган нарса *фоиз* сўзидан ифода топмаган. Шундай бўлгач, *-га* кўшимчасига ҳожат йўқ.

Кўшимчалар вазифасини бир-бирига қориштириш ясовчиларда ҳам мавжудлигини юқорида айтган эдик. Бу, айниқса, от туркумига оид негизлардан сифат ясовчи кўшимчалар вазифасини ажрата олмасликда кўпроқ кузатилади. Чунки бу ясовчиларнинг бири фақат негиздан англашилган нарса — буюмга эгалликни ифода этса, бири негиздан англашилган нарса — буюмга эгаллиги ортиқ миқдорда эканлигини билдиради. Бунинг устига айрим кўшимчалар айни пайтда бир негизга қўшилиб, ундан англашилган предметга эгалликни, иккинчи негизга қўшилиб, ундан англашилган предметга эгаллиги ортиқ миқдорда эканлигини билдиради. Масалан, негиздан англашилган нимагадир эгалликни ифода этувчи *-ли, -дор, сер-* каби кўшимчалар борки, улар маъно жиҳатдан ўзаро фарқланиб туради. Улар воситасида ясалган сифатлар нутқда қўлланар экан, гап талабига қараб, маълум бири воситасида ясалган сифат танланиши керак. Одатда *-ли* кўшимчаси негизга қўшилгач, ундан англашилган нимагадир эгаллик англашилади. Масалан, *жозибали бўлар эртага* гапидеги *жозибали* сўзи фақат «жозибага эга» маъносини ифода этган. Агар шу кўшимча ўрнида *-дор* кўшимчаси қўлланганда эди, бу эгаллик маъноси ортиқ даражада эканлиги англашилади. Яъни, *Жозибадор бўлар эртага. -ли* кўшимчасининг ўзи ҳам негиздан англашилган нима-

гадир ортиқ эгаликни ифода этиши мумкин. Бироқ бунда у ўзи эга бўлинган ниманидир эгалигини ортириш учун хизмат қилиши керак. Масалан, *кўкракли йигит* дейилганда йигит кўкраги кенг эканлиги англашилади. Шу кенг ифодаси *-ли* қўшимчаси маъноси сифатида илова қилинган. Чунки ҳар қандай одамда ҳам кўкрак бўлади. *-ли* қўшимчаси эса шу эгаликни кучайтириш учун хизмат қилган. Бу қўшимчанинг ўрнида *-дор* қўшимчасини қўллаш ҳам мумкин. У эса эгалик маъносини яна ҳам кучайтиради. Масалан, *кўкракдор йигит* дейилганда йигит кўкраги фақат сезиларли кенг эмас. «кенглик ва қабариклиги яққол кўриниб турган кўкракка эга» маъноси ифода топган. Ўз ўзидан кўриниб турибдики, *-дор* қўшимчасининг эгалик маъносини кучайтириб бериши *-ли* қўшимчасидагидан ортиқ бўлади. *-ли* қўшимчаси ҳамма вақт ҳам негиздан англашилган ниманингдир ортиқлигини ифода этиши, уни яна ҳам кучайтириш учун *-дор* қўшимчаси билан алмашиб келиш имконияти бўлавермайди. У фақат негиздан англашилган нимагадир эгаликни кўрсатиши ва уни кучайтириш ёки миқдорий ортиқлигини англашиш бошқа қўшимча воситасида ҳам мумкин бўлмаслиги кузатилади. Масалан, *тўкиб солган қонли ёшини* гапидаги *қонли ёши* бирикмасида қўлланган *қонли* сўзи *-ли* воситасида ясалган бўлиб, фақат «қонга эга» маъносини беради. Бу маънони кучайтириш ҳам, миқдорий ортиқликни ифодалайдиган қилиб бериш ҳам мумкин эмас.

-ли ясовчиси ўрнини *сер-* қўшимчаси билан алмаштириш ҳам мумкин. Бунда маъно миқдорий ортиқликни ифодалашни кучайтиради. Масалан, *сермева дарахт* ва *мевали дарахт* бирикмалари маъносига эътибор бериш мумкин. Булардан *мевали дарахт* бирикмасидаги *мевали* сўзи «мевага эга» ёки «мева берадиган» маъносини ифода этади. *Сермева дарахт* бирикмасидаги *сермева* сўзи эса «кўп мева берадиган» деган маънони англатади. Бу бирикмадаги *мева* сўзига қўшилган *-ли* қўшимчаси ўрнини *-дор* қўшимчаси билан алмаштириш мумкин эмас. Чунки миқдорий ортиқлик ифодаси кўпроқ *сер-* қўшимчасига хосдир. *Сермева зардолулари* сўзлари бир бирикма бўлиб, ундаги аниқланмишнинг ўзи *мевали дарахт* номидир. Унга *сермева* аниқловчисининг қўшилиши мевасининг кўплигини ифодалаш учун хизмат қилган.

Негиздан англашилган нимагадир эгаллик маъносини кучайтириш фақат *-ли* қўшимчасини *-дор* ёки *сер-* қўшимчаси билан алмаштириш орқалигина бўлмайди. Балки *-ли* қўшимчали сўз олдида *ғоятда*, *ниҳоятда*, *жуда* каби даража ифодали сўзлар орттириш орқали содир бўлади. Масалан, *жуда бахтли эдинг у билан гапдаги бахтли сўзи -ли* қўшимчасига эга бўлгани учун «бахтга эга» маъносини беради. *Жуда* сўзи эса шу маънони кучайтиради.

Хуллас, бирикма тузиб, у иштирокида гап тузилар экан, ҳамма вақт бирикмани грамматик жиҳатдан шакллантиришда асосий роль ўйновчи қўшимча вазифасини тўғри англай билиш керак. Бунинг учун тузиладиган бирикма маъносига эътибор бериш зарур.

ГАПДАГИ БЎЛАКЛАР МОСЛИГИ

Гапдаги бўлақлар мослиги дейилганда, одатда, эга ва кесимнинг шахс-сон жиҳатидан бир хиллиги; агар қўшма гаплар бўлса, улар кесимидаги шахс-сон, замон, замон давомийлиги кабиларнинг ўзаро муаносиблиги назарда тутилади. Гапда, айниқса, эга ва кесим мослиги муҳим бўлиб, гап мантиқи марказида туради. Лекин қизиқи шундаки, ишро топширган абитуриентларнинг услубий хатолари жуда кўп ҳолларда мана шу мослантиришни бузганликларида кўринади. Бу ҳол гапни ниҳоятда узун тузганлик билан боғлиқдир. Ўзбекларда бир мақол бор: нўноқнинг қатими узун бўлади. Фикрни ихчам гапларда қайд этиш ўрнига, уларни бир-бирига улаб, узундан-узоқ гап тузиб, ўз мўлжалини қайд этишга ҳаракат қилинади. Натижада фикрлар қалайтириб ташланади-ю, улардаги бош бўлақлар мослиги, изчиллиги эътибордан четда қолди.

Эга баъзан бирдан ортиқ бўлгани ҳолда, у I шахс ва III шахс, ёки II шахс ва III шахс ёки I шахс ва II шахс ёки ҳар уч шахсдан ҳам иборат бўлади. Шундай ҳолларда кесим қайси шахсда эканлигини англаб бўлмай қолади. Натижада, эга ва кесим мослиги бузилади. Бундай адашниш фақат абитуриентлар ишроендагина эмас, газеталар, бадний асарлар, айрим қўлланмаларда ҳам учратиш мумкин. Ёшлар газетасида шундай бир гап берилган: *Курсимиздаги барча сту-*

дентлар, юқори курсдан бир неча қиз ва мен экскурсияга бордим. Бу гапда қайд этилган эга III шахс кўплик. III шахс кўплик ва I шахс бирликдан иборат. Яъни у шахс жиҳатидан ҳам, сон жиҳатдан ҳам икки хил олинган. Бундай ҳолда ё I шахс, ё III шахс танлангани керак. Эга сон жиҳатидан икки хил бўлса, фақат кўплик олинади. Шу нуқтадан назардан олинса, юқоридаги гапнинг кесими, албатта I шахсда берилиб, сон жиҳатидан кўпликда қайд этилади. Юқоридаги гапнинг эгаси эса I шахс бирлик билан келтирилган. Бундай ҳолда учинчи ўринда келтирилган эга учунгина кесим берилган бўлиб, ундан аввалги икки эга учун кесим алоқасиз ҳисобланади. Шунинг учун гапдаги кесим I шахсда қолдирилиб, уни фақат кўпликка айлантириш кифоя қилади. Бундай ҳолларда кесим I шахс билан берилишининг ўз сабаби бор. Ҳамма вақт сўзловчи тўда ичида сўзлар экан, ҳаммани ўз қамрови доирасида ушлайди. У қамровидаги ҳамма билан бирга иш бажарса, улар I шахс билан биргалашган бўлади. Шунинг учун кесим ҳам шахс жиҳатидан бирга шаклланади. Агар иш бажаришда I шахс четда қолса, у ҳам шахсларни II шахс, яъни тингловчи билан бирга қайд этади. Чунки тинглаётган II шахс бўлгач, уни асосий эътиборга олиши табиийдир. Бундай ҳолда кесим, турган гапки, II шахс қилиб олинади. Масалан, *улар ва сен бўлдинглар* гапида кўплик фақат кесимда акс этади. Чунки эга кўпликда бўлган. Эга I, II III шахсларда фақат бирликда бўлса ҳам, кесим ҳамма вақт кўпликда бўлади. Чунки эгалар фақат бирликда уч шахсда алоҳида-алоҳида келган бўлишига қарамай, улар кесим учун бирдан ортиқ — кўпликда. Масалан, *мен, сен ва у келдик* бўлади.

Айрим ҳолда гапдаги эга бир сўз билан ифодалангани ҳолда, улар шахс жиҳатидан мос бўлса ҳам, сон жиҳатдан фарқли ифодага эга бўлиши ҳам мумкин. Эга I шахс ёки II шахсда бўлса, ҳамма вақт кесим сон жиҳатидан эга билан мос бўлади. Аммо эга III шахс ҳолида келса, бундай келавермайди. Агар у III шахс бирликда қўлланса, турган гапки, сон жиҳатидан кесимдан фарқ қилмайди. Эга III шахс кўпликда келган тақдирда эса кесим III шахс кўплик билан берилиши ҳамма вақт ҳам шарт қилиб қўйилмайди. Масалан, *одамлар келди*. Бу гапдаги эга кўплик, кесим бирликда қўлланган. Лекин бу мослиқнинг бузилиши грам-

мантиқ жиҳатдан бўлса, мантиқ жиҳатдан тўғри ҳисобланади. Гапдаги кесимнинг кўпчилик томонидан бажарилганига алоҳида таъкид берилган бўлса, эга ва кесим, албатта, кўпликда мослашади. Яъни, *одамлар келдилар*. Кесим бирликда бажарилган ҳаракатни ифода этса, эга ва кесим таъкид олмаган тақдирда ҳам, сон жиҳатидан, албатта, мосликни сақлайди. Бироқ бунда кесимнинг кўплик маъноси кўплик қўшимчаси орқали ифодаланмайди, балки биргалик нисбати қўшимчаси воситасида ифодаланади. Масалан: *одамлар келишди*. Биргалик нисбатида кўпликнинг бундай берилиши билан кўплик қўшимчаси воситасида кўпликнинг ифодаланиши ўртасида, маъно жиҳатидан, албатта, фарқ бор. Кесимнинг кўплик қўшимчаси билан келиши, таъкид ифодасига эга бўлишидан ташқари, ҳаракатнинг бир вақтда эмас, балки олдин-кейин, турли вақтларда бажарилган ҳолатини ҳам ифодалайверади. Кесимнинг биргалик нисбати феълидан иборат эканлиги эса ҳаракатнинг фақат бир вақтда, ҳамкорликда бажарилганлигини ифодалайди.

Эга кўплик қўшимчаси билан келиб, бу қўшимча ҳурмат ифодасида қўлланиши мумкин. Бу ҳол фақат II ва III шахсдан иборат эгалардагина кузатилади. Турган гапни, сўзловчи ўз нутқида ўзига ҳурмат билан гапирмайди. Бу ҳолларда II шахс кўпликда келган эга II шахсга ҳурмат маъносини ифода этса, унинг кесими ҳам худди шу хусусиятга эга бўлади. Масалан, *Сиз борингиз* гапидаги эга II шахс кўпликда келиб, II шахсга нисбатан ҳурмат маъносини бирликда ифодаланапти. Унинг кесими ҳам II шахс кўпликда берилган бўлиб, II шахс бирлик ҳурмат маъносини ифодалаган. Агар эга III шахс кўплиги ҳурмат маъносини ифода этса, у кесими билан мослашмаслиги ҳам мумкин. Масалан: *Жаббор акамлар келди*. Агар ҳурмат таъкид билан айтиладиган бўлса, эга ва кесим кўплик қўшимчаси билан мослаштириб берилади. *Жаббор акамлар келдилар*. Баъзи ҳолларда эса эгада ифодаланадиган ҳурмат кўплик қўшимчасисиз унинг ўзида бўлиб, кесимда ифодаланадиган ҳурмат кўплик қўшимчасида бўлиши ҳам кузатилади. Масалан: *Жаббор акам келдилар*. Бундай ҳолда эга ва кесим сон жиҳатидан грамматик мослашмаган бўлади.

Фаргона водийсидаги бир қатор шеваalarda кесимдаги ҳурмат ифодаси адабий тилдагидек кўплик қў-

шимчасида эмас, балки биргалик нисбати қўшимчасида ифодаланади. Масалан, *Дадам келишди*. Бу гапдаги феълнинг биргалик нисбати қўшимчаси фақат ҳурмат ифодаси билан қўлланган. Аммо бу грамматик ифодани адабий тил нуқтаи назаридан деб ҳисобланмайди. У оддий шева хусусиятидир. Ҳатто *дадамлар* ҳолатида эгадаги ҳурмат ифодасини кучайтириш учун *-лар* қўшимчасини орттириб, кесимни биргалик нисбати шаклида ҳурмат ифодаси билан бериш ҳам мумкин. Яъни: *Дадамлар келишди*. Аммо бу ҳам адабий тил меъёри ҳисобланмайди. Иншода бундай шева хусусиятларидан узоқ бўлиш зарур.

Гаплардаги эга билан кесим мослаштирилар экан, кесимни таркиб тоқтирган феъл нисбатига ҳам эътибор бериш керак. Маълум нисбатдаги феъл отлашаркан, ўзига хос шаклни олади. У шу шаклида нутққа кирилади. Масалан, «Қарим девонани излаб» қиссаси таржимасида шундай гап учрайди: *Мен унинг уйидан узоқлашим билан Қарим девона аллақандай бир шеър ўқиди*. Бу қўшма гапнинг биринчи қисми *Мен унинг уйидан узоқлашим билан* эргаш гапни бўлиб, унинг эгаси *мен* олмоши, кесими эса ҳаракат отидан иборат. Аммо *узоқламоқ* феълнинг ҳаракат оти шакли *узоқлаш* эмас. Унинг охирида *-и* аффикси ҳаракат маъносини кучсиз ва давомий ифодага эга этиш учун қўшиладиган қўшимча ҳисобланади. Ундан ҳаракат оти ясаладиган бўлса, яна *-иши* қўшимчаси қўшилиши лозим. Шундагина кесим тўғри тузилган ҳаракат номи функционал шаклидаги феълдан иборат деб қаралади. Яъни *Мен унинг уйидан узоқлашишим билан* деб эргаш гап тузилиши керак эди.

Боғловчисиз боғланган қўшма гаплар тузилар экан, таркибидаги ҳар бир содда гап кесими ўзаро замон ва ҳаракат давомийлиги жиҳатидан мос бўлиши керак. Акс ҳолда қўшма гап мантиқсиз, услубий ғализ бўлиб чиқади. Яъни қўшма гап таркибидаги биринчи содда гап кесими қайси замонда бўлса, иккинчи содда гап кесими ҳам шу замонда бўлади. Масалан, бир гап келтирамиз: *Кўзимни тўрт томонга тикма, кўнглим қувончга тўлди*. Гап мазмунидан кўриниб турибдики, биринчи содда гапдан англашилган жараён бажарилган, иккинчи содда гапдан англашилган жараён содир бўлиши керак. Аммо гап кесимларидаги замон кўрсаткичи эса аксинча берилган: биринчи содда гап кесими

келаси замон, иккинчи содда гап кесими ўтган замон қўшимчалари билан тусланган. Бу мантиқан тўғри эмас. Бундай ҳолда бу кесимлар бир хил замон кўрсаткичига эга бўлиши зарур. Шунда бирин-кетинлик мазмуни тўғри ифодаланган бўлади. Яъни ҳар икки содда гап кесими ҳам келаси замон қўшимчасини олса, улар ҳозирги замон давом ифодасини бериб, тасвир учун раванлик туғдиради. Яъни: *Кўзимни тўрт томонга тикаман, қўнғилим қувончга тўлади* ҳолатида берилши мақсадга мувофиқдир. Бу изчиллик ҳамма ҳолатда ҳам сақланиши керак. Масалан, юқоридаги таржима асаридан келтирилган қўйидаги қўшма гапнинг биринчи содда гап кесими ўтган замон, иккинчи, учинчи, тўртинчи содда гап кесимлари эса келаси замон кўрсаткичларига эга: *Баҳор келди: ўтлар кўкаради, кун илийди, гуллар очилади*. Бир қараганда бунда мантиқ бөр: тўё биринчи навбатдагиси амалга ошган эди, шунинг учун қолганлари ҳам бирин-кетин амалга ошаверади. Аммо содда гап мазмунларини мантиқан таҳлил этиб кўрайлик: *Баҳор келди*. Бу фаслнинг амалга ошуви шу билан намоён бўладики, у кун илиган, ўтлар кўкарган, дарахтлар куртаклаган, гуллар очилганлиги билан тавсифланади. Бироқ гапда қайд этилишича, бу ҳодисалар энди амалга ошади. Унда баҳорнинг келганлиги нимада кўринади? деган савол қўндаланг келади. Демак, қўшма гап таркибидаги барча содда кесимлар бир замонни кўрсатиши керак. Уларнинг биринчиси кесими ўтган замон кўрсаткичига эга экан, қолганларининг кесими ҳам ўтган замон кўрсаткичига эга бўлса, айни мантиқ талабидай бўлади. Яъни: *Баҳор келди: кунлар илиди, ўтлар кўкарди, гуллар очилди*. Бу ўринда иккинчи ва учинчи содда гаплар ўрни ҳам алмаштириб қўйилди. Чунки воқеалар бориши изчиллиги шунини тақозо этади. Бу қўшма гап таркибидаги содда гаплар кесимини келаси замон кўрсаткичи билан қайд этиш мумкин. Бироқ бунда биринчи содда гап кесими шахсон ва замон билан тўла шакллантирилмайди. Балки у тугалликка эга бўлмаган ҳолатдаги интонацияли кўрсаткич билан, сифатдош — эгалик — ўрин келишиги ҳолида келувчи келаси замон қўшимчаси билан келади. Чунки шунда у кейинги содда гаплар учун мазмун умумийлигини беради. Эътибор қилайлик: *Баҳор келганида кунлар илийди, ўтлар кўкаради, гуллар очилади*. Бу қўшма гап таркибида биринчи содда гап эргаш ҳолида

шаклланган бўлиб, қолган содда гаплар учун умумий пайт ифодасини берган. Бошқача қилиб айтганда, кейинги содда гаплар уюшган ҳолатда келиб, пайт эргаш гапининг бош гапи вазифасини ўтаган. Улар эргаш гап замони каби изчиллик билан фақат биргина келаси замон ифодасини бериб келган.

Кўрдикки, боғловчисиз боғланган ва боғловчили боғланган қўшма гаплар таркибидagi содда гапларда нафақат шахс-сон жиҳатидан, ҳатто, замон жиҳатидан ҳам изчиллик сақланиши керак. Буни иншо ёзилаётганда доимо эътиборда тутиш керак.

Гапда уюшиқ бўлақлар ҳамма вақт ўзаро синтактик ва морфологик жиҳатдан мос бўлади. Улар бир бўлақка тенг боғланади, маъно жиҳатидан ҳам тенг ҳуқуқли бўлади. Масалан: *Ҳамма эрта тонг билан дарахт япроқларини, гул баргларини, тунука томлар юзини оппоқ қиров боғанидан воқиф бўлди.* Бу гапда *дарахт япроқларини, гул баргларини, тунука томлар юзини* бирикмалари уюшиқ бўлақ бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам ўрин ҳоли вазифасида қўлланган, ҳар бири тўғридан-тўғри кесимга боғланган, II шахс эгаллик ва тушум келишиги билан турланган, кесимдан англашилган ҳолат ўрнини кўрсатиб келган. Булардан бирортасида бу бузилаар экан, гал мазмунига ҳам пуртур етади. Масалан: *Босмачиларнинг бир қисми Тўда қишлоғига, қолган қисми бу ерда пистирма қурган бўлса, ажаб эмас («Қарим девонани излаб»).* Бу гапдаги *бир қисми Тўда қишлоғига* ва *бир қисми бу ерда* бирикмалари уюшиқ бўлақ бўлиб, биринчиси жўналиш келишиги билан, иккинчиси ўрин келишиги билан турланган. Улар гарчи гапининг бир хил бўлаги вазифасида тўғридан-тўғри кесимга боғланганлиги, маъно жиҳатидан тенг ҳуқуқлилигига қарамай, морфологик жиҳатдан мос эмас. Бўлақларнинг ҳар бири ё жўналиш келишигида, ё ўрин келишигида бир хил турланган бўлиши шарт.

ГАП БЎЛАҚЛАРИ ТАРТИБИ

Ўзбек тилидаги гап бўлақлари қатъий тартибга деярли эга эмас, деб қаралади. Бўлақларнинг ўринлашуви маълум услубий талаблар билангина аке етади деб тушунилади. Бу қарашлар маълум даражада тўғри. Масалан: *Кеча мен мактабга бордим* гапидаги бўлақлар тартибини ҳоҳлаганча ўзгартиш мумкин.

Яъни уни *Кеча мактабга мен бордим* деб ўзгартирса ҳам ёки *Мен мактабга кеча бордим* деб ўзгартирса ҳам бўлади. Ҳатто унинг кесимини биринчи ўринга қўйиб, гап бўлаклари таркибини белгилаш ҳам мумкин: *Бордим кеча мен мактабга*. Бу тўрт кўринишнинг ҳаммасида ҳам мазмун бир хил қолган, хабар бир хил берилган. Фақат услубий жиҳатдан улар кескин фарққа эга. Улар диққат қаратилган бўлакни диққат қаратиладиган ўринда қайд этиш мақсади билан ўзига хос тартибга олинган. Одатда, диққат қаратилган бўлакнинг ўрни кесим олдида бўлади. Шу нуқтаи назардан биринчи кўринишда ҳаракат бошқа жойга эмас, мактабга қаратилганлиги англашилади. Иккинчи кўринишда эса ҳаракатни бажарувчи фақат *мен* эканлиги алоҳида уқдирилган. Учинчи кўринишда эса диққат ҳаракат вақтига қаратилган. Ҳаракат асосий ўринга ўтадиган, борганлиги таъкидланадиган бўлса, кесим гапнинг бошида берилади. Булар шуни кўрсатадики, гап бўлакларининг тартиби мазмун эмас, услуб жиҳатдан ҳал этувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам кўпгина тилшунослар шундай хулосага келишган. Аммо бу фикрни қатъийлаштириб бўлмайди. Айрим бўлаklar қатъий ўз ўрнига эга. Агар улар ўз ўрнини ўзгартирса, бошқа бўлак билан боғлиқ бўлиб қолса, гапнинг янги бўлагига айланади, грамматик моҳияти ўзгаради, гап мазмуни ўзгаришига сабаб бўлади. Уни бир неча ҳолатларда кузатиш мумкин.

Ўзбек тилида белги ифода этадиган сўзлар икки туркум доирасида учрайди. Чунки белги ифода этувчи сўзлар предмет белгисини кўрсатиши ҳам, ҳаракат-ҳолат белгисини кўрсатиши ҳам кузатилади. Предмет белгисини ифода этадиган сўзлар сифат туркумига, ҳаракат-ҳолат белгисини ифода этувчи сўзлар равиш туркумига оид ҳисобланади. Бу икки туркум сўзлар мана шу белги ифода этиш манбаи жиҳатидан ҳам фарқланади. Улардан бири иккинчисига ўхшаб белги ифодаси манбаига эга бўлиб қолса, ўша иккинчисининг вазифасини бажаришига ўтган, деб қаралади. Шуниси қизиқки, предмет белгисини ифода этувчи сўзлар ўрни билан шу предметнинг ҳаракат-ҳолати белгисини, ҳаракат-ҳолат ифода этувчи сўзлар шу ҳаракат-ҳолатга оид бўлган предмет белгисини ифода этиб кетаверади. Яъни равишлар сифатга, сифатлар эса равишга осонлик билан кўчади. Улар шу иккинчи туркумга кўчар

экан, ҳеч қандай морфологик ўзгаришга учрамайди. Тўғрироғи, ўзбек тилида сифат ва равиш туркумига онд сўзларнинг ҳеч қандай морфологик кўрсаткичи йўқ. Ҳар бир туркумга онд сўз ўзак ҳолида учрайди, ҳеч қандай туркум белгиловчи кўшимчаси бўлмайди ва иккинчи туркум вазифасида қўлланса, шундай ўзгаришсиз бошиқа сўз билан алоқага киришаверади. Айниқса, ҳолат равишлари билан ҳолат белгисини билдирувчи сифатлар ўртасида қатъий чегара йўқ. Уларда вазифа кўчиши, бирининг иккинчаси ўрнида қўлланиши ниҳоятда кучли. Шундан келиб чиқиб, гапда уларнинг ўрни бузилиши эса маънонинг ўзгариши, синтактик маънонинг кўчиши ва гап мазмунига путур етишига сабаб бўлади. Масалан: *Унинг сўнги саҳифасигача бирдек юракни энтиктиради (Ҳ. Султонов)*. Бу гапда *бирдек* сўзи ўзи онд бўлакка хос ўринда келган эмас. У *энтиктиради* кесимига боғланиб, ҳаракат-ҳолатини кўрсатиши, равиш ҳоли вазифасида келиши керак эди. Аммо у ўздан аввалги тўлдирувчи билан алмаштирилиб, унинг аниқловчиси вазифасига кўчиб қолган. Натижада *бирдай* сўзи ҳам морфологик, ҳам синтактик вазифаси жиҳатидан ўзгарган, ҳам гап мазмуни мақсадга мувофиқ чиқмай қолган.

Бир гал апил-тапил қалласини сувга пишаётганида, қоровул чолнинг кўзи тушиб қолиб, байбайлади (Ҳ. Султонов) гапидаги *апил-тапил* сўзи ҳам ноўрин ишлатилган. У эргаш гапнинг *пишаётганида* сўзидан иборат кесими олдидан келиб равиш ҳоли вазифасини ўташи зарур эди, аммо бу ўринда ҳам тўлдирувчидан аввал берилиб, унинг аниқловчисига айланиб қолган. Шу билан бирга, *апил-тапил қалласини* деган аниқловчилли бирикма тузилган ва у бемаъни ифода берган. Бу гапда *апил-тапил* сўзи ўз ўрнини топмаган, мўлжалланган бўлак ҳолида шаклланмаган бўлса ҳам, ундан кўзланган грамматик вазифани, маънони қийинчиликсиз билиб олса бўлади. Чунки у фақат ҳаракат белгисини ифодалайди. Агар сўз предметга ҳамда ҳаракат-ҳолатга онд белгини ифода этганда эди, бунинг иложи бўлмасди. Масалан: *Назарида, вужуди симобдек эриб тушиди (Ҳ. Султонов)*. Бу гапдаги *симобдек* сўзи *эриб тушиди* феълининг белгисини билдириб, равиш ҳоли вазифасини бажарган, яъни *эриб тушиши* симоб ҳолатига қиёсланган. Агар у *вужуди* сўзидан олдидан келганда эди, равиш ҳоли вазифасида эмас, эганинг аниқ-

ловчиси вазифасини бажарар эди. Бу ўринда у *вужуд* билан қиёсланган бўларди. Бунда гап мазмуни симобга ўхшаш вужуд эриб тушди ҳолатида ифода тәпарди. Эътибор беринг: *Натижада, симобдек вужуди эриб тугиди.*

Гап бўлаги ўз ўрнига қўйилмаса, бу бўлак равиш ҳоли вазифасидан аниқловчи вазифасига ўтиши шарт қилиб қўйилмайди. Сўз сифат бўлиб, гапда аниқловчи вазифасида келиши кераклиги ҳолда, у қандай туркум ва қандай бўлаклигидан қатъи назар, фақат ноўрин қўлланиши гап мазмунининг бузилишига олиб келади. Масалан, *Кўп ўтмай тарона тиниб, мулойим аёл товуши янгради.* (Х. Султонов.) Бу гапдаги *мулойим* сўзи *товуш* сўзининг аниқловчиси вазифасида қўлланиши керак эди. Чунки у ерда тарона, оҳанг, куй ҳақида гап кетяпти. Белги ҳам шу ифодалардан бирига қаратилиши керак эди. Ёзувчининг мақсади ҳам шундай бўлган, аммо мазкур сўзни *аёл* сўзидан олдин бериб юборган. Натижада, мулойимлик белгиси аёлга хос бўлиб қолган. Ваҳоланки, радиодан эшитилаётган қўшиқдан аёлнинг мулойим ёки номулойимлигини билиб бўлмайди. *Мулойим* сўзининг аниқловчи ўрнида эмас, эганинг қаратқичли аниқловчиси сифатловчилик қиладиган бўлак ўрнида ишлатилиши нотўғри тушунишга сабаб бўлган. Шунга ўхшаш: *Натижада 70 мингдан зиёд қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланди.* (Л. Жамолов) гапига эътибор берайлик. Бу гапда аниқловчи вазифасидаги *70 мингдан зиёд* бирикмаси эга вазифасидаги *аҳоли* сўзи билан боғланиши ва унинг миқдорини кўрсатиши керак эди. Бироқ у эганинг белгисиз қаратқичли аниқловчиси бўлган *қишлоқ* сўзидан аввал берилиб, унинг миқдорини, яъни қишлоқнинг шунча миқдорда эканини кўрсатиб келган. Аммо Ўзбекистонда бунча қишлоқ йўқ. Шунинг учун гап *Натижада қишлоқларнинг 70 мингдан зиёд аҳолиси иш билан таъминланди*, деб тузилиши керак эди.

Кўринадикки, бундай маъноли, яъни белги билдирувчи сўзлар ўзи боғланиши керак бўлган сўз (бўлак) олдидан, у ўзаро боғлиқ ҳолда келиши шарт. Акс ҳолда, ундан мўлжалланган маъно аниқ бўлмайди.

Ўзинча маъно билдирмайдиган, бирор сўзга бирикиб, унинг маъносини кучайтириб ифодаловчи даража миқдор равишига ўхшаш сўзлар ҳам ўша маъноси кучайтирилиши керак бўлган сўзлар билан ёнма-ён, ол-

дида қўлланиши зарур. Масалан: *Жуда ҳам майдонда болалар кўп* деб гап тузилиши нотўғри. Чунки *жуда ҳам* даража равиши *кўп* миқдор равишининг маъносини кучайтириш учун қўлланилган. Юқоридаги тартибда эса ундай эмас. *Жуда ҳам* даража равиши *гўё майдонда* сўзининг маъносини кучайтириши керакка ўхшаб қолган. Бундай ҳолда мантиқ чиқмайди. Кўринадики, гапда келтирилган сўзларнинг вазифа ва маънолари ўзаро бевосита жипс боғланиши зарурияти бор экан, улар ҳамма вақт, иложи борича, ёнма-ён жойлашуви керак. Шунда гап бўлақларининг ифода изчиллиги таъминланган бўлади.

Ўзбек тилидаги гапларда ўрин ифода этувчи бўлақлар феъл-кесимга, умуман кесимга оид бўлса, тўғридан-тўғри ўша феъл-кесим олдидан, у билан боғлиқ ҳолда қўлланади ва ўрин ҳоли вазифасини бажариб келади. Агар ўрин ҳоли билан кесим оралигида бирор жараённи ифода этувчи бўлақ келиб қолса, ўрин ифодадаги сўз боғланган бўлақ ва унинг ифода вазифаси ўзгариб кетади. У энди кесимдан англашилган ҳаракат-ҳолат ёки мавжудлик ўрнини эмас, орага кириб қолган жараён ифодаси ўрнини билдириб келади. Чунки у билан бирикмага киришган бўлади. Масалан, эркин мавзуда ёзилган иншолардан бирида шундай гап учради: *Уйимизда қилинган чеканканинг ҳисоботи бор эди*. Бу гап, маъноси нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, *уйимизда* сўзи *қилинган* феълдан англашилган ҳаракат ўрнини кўрсатиб келган. *Қилинган* сўзи эса *чеканка* сўзи билан бирга қўшма феъл ҳисобланади ва *чеканка* маъносини беради. Мантиқ нуқтаи назаридан ёндашилганда эса, ҳеч кимнинг уйида чеканка иши бажарилиши мумкин эмас. Чунки ғовлаб ўсиб кетган пахта чеканка қилинади. Кўриниб турибдики, иншо ёзувчи гап мазмунига, тўғрироғи, мантиққа эътибор қилмаган. Бу билан иккита хатога йўл қўйган: 1) эга ўз аниқловчиси билан гапнинг бошида берилиши лозимлигини ҳисобга олмаган; 2) *уйимизда* сўзи кесимнинг эмас, аниқловчининг ўрнини ифода этадиган бўлақка айланиб қолган. Гап бўлақлари тўғри жойлаштирилганда, яъни эга ўз аниқловчилари билан гап бошида берилиб, гап охиридаги кесим олдидан ёндош ҳолда ўрин ҳоли келганда, жумла тўғри тузилган, эътиломоқчи фикрни тўғри ифодалаган бўларди, яъни *Қилинган чеканкани ҳисоботи уйимизда бор эди*. Худ-

ди шунга ўхшаш гапни ёзувчи Х. Султонов асарларидан ҳам келтириш мумкин: *Бир оз ўзига келганига қадар алоҳида хонада ётармиш*. Бу гапдаги *алоҳида хонада* бирикмасидан иборат ўрин ҳоли кесим вазифасида келган *ётармиш* феъл билан бирикма ҳосил қилган ва у билан ёндош қўлланган. Шунинг учун у феълдан англашилган ҳолат ўрнини билдириб келган. Агар *алоҳида хонада* бирикмаси гапнинг бошида берилса, гап мазмуни бошқача ифода этилган бўларди. Унда бироз ўзига келиш жараёнининг ўрни алоҳида хона эканлиги бўларди. Яъни ёзувчининг мақсади ўзига келгунча алоҳида хонада ётишини тасвирлаш бўлгани ҳолда, кейинги кўринишда алоҳида хонада ўзига келгунча бўлиши ифода этиларди. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўрин ифода этувчи бўлак қайси бўлакдан англашиладиган ҳаракат-ҳолат ва мавжудликни ифодалайдиган бўлса, албатта, шу бўлак олдидан, у билан ёндош ҳолда берилиши шарт. Акс ҳолда, айтилмоқчи фикр ўз ифодасини топмайди, топганда ҳам услуб жиҳатидан мақсадга эришиш имконияти бўлмайди.

Ўзбек тилидаги гапларда феъл-кесим ҳаракат ёки ҳолат ифода этар экан, шу ҳаракат ёки ҳолатни ифода этувчи шахс кўпинча эга вазифасини ўтовчи сўзда ифодаланади. Гапда ундан ташқари яна эга билан биргалликда ҳаракат ёки ҳолатни амалга оширувчи ва нимадир ифода этувчи бўлак ҳам бўлади. Бу бўлак гапда воситали тўлдирувчи вазифасида қўлланади ва ҳамма вақт феъл-кесим олдидан, у билан боғлиқ ҳолда қўлланади. Агар орага бирор бўлак кириб қолса, у ҳам ўша воситали тўлдирувчининг таркибий қисмига айланар, яъни у ҳам воситали тўлдирувчи каби ҳаракат ёки ҳолатни бажарувчи шахсга ёрдамлашувчилардан бири, уларга қўшилиб келувчи каби маъноларни ифода этувчи сўз бўлиб қолади. У бошқача бўлиши ҳам мумкин. Воситали тўлдирувчи ёндош бўлак таркибига қўшилиб кетиши, яъни ҳаракат ёки ҳолат қаратилган ниманидир ифода этган сўз билан уюшиқ бўлак таркиб топтириши кузатилади. Масалан, *Мен дўстимникига Вали билан бордим* гапида *бормоқ* феъл-кесимдан англашилган ҳаракатни бажарувчи шахс эга вазифасидаги *мен* сўзида ифодаланган. *Вали* сўзи эса ҳаракат бажарилишида эгадан англашилган шахсга ёрдамлашувчи, унга биргалашувчи шахсни билдиради. Аниқроғи *Вали* сўзи ҳаракат бажарилишига бажарувчи

учун восита бўлувчини кўрсатади. У гапда воситали тўлдирувчи вазифасини ўтайди. Бундай воситали тўлдирувчилар гап таркибида ҳамма вақт *билан* кўмакчисини олиб келади. Гапдаги *дўстимникига* сўзи эса ҳаракат қаратилган, йўналтирилган жойни ифода этган. Гапдаги бўлақлар таркибига эътибор берилса, ҳаракат ифодаланган феъл-кесим охириги ўринда, уни бажарувчи шахсни кўрсатувчи эга гап олдида бўлиб, ҳаракат бажарилишида восита бўлган шахсни англатган воситали тўлдирувчи вазифасидаги *Вали* сўзи кесим билан ёндош ҳолда қўлланган ва ўрин ҳоли вазифасидаги *дўстимникига* сўзи эга ва тўлдирувчи ўртасида келган. Шу тартибга кўра, кўзланган фикр тўғри ифодаланган. Агар воситали тўлдирувчи *Вали* сўзи билан ўрин ҳоли *дўстимникига* сўзи ўрин алмашса, воситали тўлдирувчи *билан* боғловчиси воситасида ўрин ҳоли билан боғланган ва шу бўлақ уюшиб, шу бўлақ таркибига кирган бўлади, яъни у ҳам ўрин ҳолига айланади. Эътибор қилинг: *Мен Вали билан дўстимникига бордим*. Бу гапда ҳам *бормоқ* феъли кесим вазифасида келган. Ундан англашилган ҳаракатни бажарувчи гап эгаси бўлган *мен* олмошида ифодаланган. Лекин гапда ҳаракат бажарилишида восита бўлган шахсни кўрсатувчи воситали тўлдирувчи йўқ. Фақат ҳаракат қаратилган жойларни ифода этган уюшиқ ўрин ҳоллари мавжуд. Бу ўрин ҳоллари *Карим* билан *дўстимникига* сўзларидан таркиб топган.

Яна шунга ўхшаш *Аҳмад пайраҳаларни таёқ билан суриб қўйди*, гапда *суриб қўйди* феъл-кесимдан англашилган ҳаракатни бажарувчи гап эгаси *Аҳмад* сўзида ифодаланган. Бу ҳаракат ижросида восита бўлган предмет воситали тўлдирувчи вазифасидаги *таёқ* сўзидан англашилади. *Пайраҳаларни* сўзи эса ҳаракат қаратилган предметни кўрсатувчи воситасиз тўлдирувчидир. Бу гапда ҳам *билан* кўмакчиси орқали шакланган воситали тўлдирувчи билан феъл-кесим ўртасига воситасиз тўлдирувчи бўлган *пайраҳаларни* сўзини ўрнаштириб бўлмайди. Агар шундай қилинса, *таёқ* ва *пайраҳа* сўзлари уюшиқ ҳолдаги воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажаради. Эътибор қилинг: *Аҳмад таёқ билан пайраҳаларни суриб қўйди*.

Кўрдикки, бундай ўринда гап бўлагининг ўрни гап мазмунининг ифодаланишида ҳал қилувчи қимматга эга. Воситали тўлдирувчи кесим билан боғлиқлигини

йўқотар экан. у ҳам кесимга алоқадор бўлган бўлак вазифасини олади. У энди ҳаракат бажарилишида воқитанинг ифодасини эмас, ҳаракат йўналган предмет ифодасини билдиради.

УСЛУБ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ТЕКШИРУВ ИШЛАРИ

Услуб масалаларига оид уч текширув иши топширилади: 1) сўз ишлатиш ва гап бўлаклари мослиги; 2) қўшимчалар вазифасини фарқлаш; 3) гап бўлаклари тартиби, моҳияти кабилардан иборат.

3- текширув иши

1-§. Маълум бир гапда бир маъноли икки сўзнинг қўлланиши, бир сўзнинг такрор келиши ёки бир қўшимчанинг такрорланиши тавтология бўлиб, у услубни дағаллаштиради. Сиз қўйидаги гапларни ўқиб, тавтологияга йўл қўйилган ўринларни топинг ва тузатган ҳолда гапларни кўчириб ёзинг:

Москвадаги ҳуқуқ академиясидаги таҳсил кўрилган йиллар ўтиб кетди. Гўё худди бировдан ранжиган эди. Худди шунингдек, яширин рақамлар Қарим девонанинг шеърларида ҳам бўлиши шак-шубҳасиз. Гапа-гапа бўлиб учаётган жўрлар кўкда парвоз қилиб сайрамоқда. У ёши етмишга бориб қолган бўлса ҳам, аммо ҳали тетик ва соғлом. Ниҳоят тоқатсизланиб менинг зориқиб кутганим Саидали бобо Сатторовнинг саломатлиги ҳақида сўз кетди. Ҳаёт унинг юзига ўз нақшини солган бўлса ҳам, аммо Сатторов ҳали бардам, дадил ва хушчақчақ. У қадимий, нодир қўлёзма китобларга эга. Бизлар писта, бодом дарахтлари орасидан юриб, таги кўринмас даралар, равон булоқлардан қадам ташлаб ўтиб борар эдик.— Бу киши Душанбадан келибдилар.— деди ҳисобчи ўзи ўтдан тушмай. Сўнгги йилларда республикамизда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсish суръатлари кескин пасайиб кетди. Ёки бошқа бир мисолни олинг. Бир томонда бўш, экинмай, қолган ерлар... кўзга ташланади Теракларнинг сап-сарик япроқлари ерга тўкилган, унда-бунда тўпланиб ётган хазон кўзга ташланади.

2-§. Гапларда мазмун талабига кўра сўз танланиб қўлланади. Бу сўз шу гапдаги бошқа сўзлар билан мос бўлиши, уларнинг маъносини очиши керак. Акс ҳолда,

у гап мазмунини бузиши ва услуб жиҳатидан ғализликни юзага келтириши мумкин.

Аллақаердаги экинзордан қовун ва ҳандалакнинг хиди димоққа урар. Оёқларим карахт оғрийди. Совуқдан баданим жимирлаб кетди. Афеуски, бир неча фурсат менинг ишим юришмади. Ҳозир бу чўл бошдан-оёқ чаманга айланган. Қодир лўли кичик қаландарнинг қаерда ва нечук яшаётганини муфассал гапириб берди. Ота вафотидан кейин Қарим девона Жўракдан йўқолди ва ўн беш йил уни кўролмадик. Қалин, қоронғи туман тарқаган эмас. Яйловларда, фермаларда моллар маҳсулдорлиги ҳам муайян даражада ошади. Ҳосилдорлик ҳар гектар бошига 24,6 центнердан ошмади. Мана шу соҳаларда маҳсулотнинг кўпгина турларини умумиттифоқ фондига етказиб бериш режалари бажарилмаяпти. Ўтган йили республикамиз пахтакор хўжаликларининг 30 фоиздан кўпроғида гўзанинг синалган навларини ўстиришга эътибор берилмади. Республикамизда алмашлаб экиш жараёнлари ҳам чўзилиб кетди. Сарфланаётган ем-хашак етиштирилаётган маҳсулот бирлигидан икки баравар ошиб кетяпти. Сабзавотчилик, соҳибкорлик ва боғдорчилик паст. Қўшимча топшириқлар ва ҳар хил қоғозбозликлар устига-устак бўлмақда. Деҳқонларимиз эндиликда юқоридан берилаётган ҳар хил тавсияларга, маслаҳатларга кўр-кўрона эргашаётганлари йўқ.

3-§. Қўйдаги гапларга эътибор беринг, унда қўшма гаплар кесимлари, уюшган кесим ва бошқа бўлақлар ўртасида эга ва кесим муносабатида ё замон, ё шахс, ё давомлилик, ё отларнинг турланишида мослик бўлмаган, ё нисбат нотўғри ифодаланган. Шуларни аниқлаб, тузатиб, гапларни кўчириб ёзинг:

Тоғ шамоли борган сари зўрайиб, қуриган чокули ва равоч барглари бир-бирига шарақлаб урилди. Суҳбатда ўтирганларнинг кўпчилиги адабий қайтмас жафокар ўтмишни хотирлай оламиз. Ишни бажариш учун янги усул қўлландик. Бунинг бош сабаби ирригация-мелиорация ишларининг сифати паст, иншоотлар қурилиши бир йўла олиб борилмаяпти. Хотинлар томдеворларга юзларини беркитиб, болалар дарахтларга чирмашиб, ажиб манзарани томоша қилар экан. Бир неча от ва магазиндан талаб олинган молларни қўлга тушириб, Тўда қишлоғи томон йўл олдик. Қамишзорда

ёввойн чўчқалар, қоплан, йўлбарс ва ботқоқликда илонлар тўла эди. У доим оёқ яланг ва йиртиқ кийим кийиб юрарди. Улар кўчада кетаётган пидедаларни, пахта, галла ортиб кетаётган арава, машиналарга кўз ташларди. У сариқ соқолли, узун тўп кийиб юрарди. Ховлига паст бўйли, пўнакли кулоҳ кийиб, оқ салла ўраган чол кириб келди. Ёз кунларининг эндигина бошланган иссиғида қизиб кетган саҳролар, қуёш тафтига чидаёлмаган арпа, буғдой бошоқлари қовжираб ерга тўкилади. Ниҳоят, учинчи хусусияти шеърларининг шакли, қофия, вазнининг равлонлиги ёдлаш ва эсда сақлаш учун қулайлик туғдиради. Цехда маҳсулот танвархи бир фонд пасайса, ишчиларни рағбатлантириш фонди бир фондга кўпаяди. А?!— деди юзида ясама табассум ўйшатиб, қаҳри ҳам захри ҳам баъзида эса олижаноблиги бор Мастура. Ҳ. Ҳ. Ниёзий номли 14-мактаб иккинчи, Киров 2-мактаб командаси учинчи ўринни эгаллашди.

4-текширув иши

1-§. Қуйидаги матнни ўқинг ва сўроқлар ўрнига қаратқич ёки тушум келишиги кўшимчасидан мосини қўйиб, матнни кўчиринг:

— Дада, анжир (?) гули (?) кўрганмиёсиз?

Пешайвонда китоб ўқиб ўтирган Ёрмат ака кўчадан чешиб келган Салим (?) бу саволи (?) эшитиб, ўгли томонга ўгирилди. Кўзойнаги (?) олиб столга қўйди-да, ўрнидан турди. Кейин пича ўйга толди.

— Сенга айтсам, умрим бино бўлиб, анжир (?) гуллаганини (?) кўрган эмасман,— деди Ёрмат ака,— Олим бобосиз бу (?) билиб ололмаймиз.

Салим индамай дадаси (?) кетидан эргашди. Олим бобо хомтоқ қилиб юрган экан. Ёрмат ака бобо билан сўрашиб, Салим (?) саволи (?) айтди.

— Дунёда дарахт-у ўт-ўлан (?) гулламайдигани йўқ,— деди бобо оппоқ соқоли (?) тутамлаб.— Илло улар (?) меваси ҳар хил бўлганидек гуллари ҳам рангбаранг. Тол баргак ёзади, ёнғоқ кучаласи (?) чиқаради. Анжирга келсак, у гули (?) сиртига чиқармайди. Гули ғунчаси (?) ичида етилиб, ўша ерда очилади, уруғлайди. Мана, ҳозир анжир (?) гуллаган пайти,— бобо анжир (?) бир тугунчаси (?) узиб олди-да, ўртаси (?) ёрди,— Мана, кўринг!

Анжир (?) ичида бир-бирига чирмашган томирчалар гуж-гуж эди. Томирчалар (?) ичида эса кичик-кичик тугунлар... Салим кўриб ўйлаб қолди: агар ўртоқлари билан баҳслашмаганда ва дадасидан сўрамаганда анжир (?) қандай гуллаши (?) бир умр билмай қоларди-я.

2-§. Қуйидаги мисраларни ўқинг ва сўроқлар ўрнига жўналиш ёки ўрин келишиқ қўшимчаларидан мосини қўйиб, матнни кўчиринг.

Узоқ-узоқлар (?) кетади учиб варрақлар... Ёшлиқнинг қувноқ эрмаги дарахтлар шохи (?) қолар илиниб. Пахтазор чети (?) ботади қуёш. Ул шу ҳаёт гирдоби (?) азал-абад таянч нуқтадир. Фарзандларнинг эътиқоди (?) холисона ва қатъий таъбир. Ҳаво (?) шуълали бир йўл қуради. Ерга уруғ қадаб кун кўрган эл (?) беадад тошқинлар қўл келди кўпроқ. Тўлиб оқсам дейди дарёлар Ўзбекистон водийлари (?). Мен (?) одамликни қолдирди мерос. У гўё ҳозиргина уммондан чиқиб қуёш (?) тобланган буюк Эстебен. Узоқ узоқларда сув ёқаси (?) чўзилиб ётар Пабло Неруда. Умрим боғли ой у офтоби, дарё, дала, дарахтлари (?). Ялпизларни қучоқлаб сархуш, муҳаббат (?) чулғанар қалбим. Рейхстаг усти (?) қадалди байроқ... Яна гул экканди боғ (?) одамзод. Онамиз сочи (?) оралади оқ. Қўлларинг (?) қовушмас қалам. Ҳаяжон (?) ошно нафасим. Қулоғим (?) сеҳрли эртақ навдаларнинг нозик нафаси.

3-§. Қуйидаги мисраларни ўқинг ва сўроқлар ўрнига чиқиш ёки тушум келишиги қўшимчалардан мосини қўйиб чиқиб, матнни кўчириб ёзинг.

Имон билмас фашистнинг илон боши (?) янчиб. Ёндирса ҳам Саҳрои Кабир вило ҳисси бўғзим (?) тутмас. Кўз-лабинг (?) ким боғлаган? Еч! Ҳам лаънати ер (?) эслатма менга! Туққан-у илондек бўйним (?) бўлган. Палид кимсалар (?) қирмоқлик учун, ажал бўлмоққа ҳам мен эдим тайёр. Синфдошларим илк шеърларим (?) ўқирди. Дил дарди (?) қўшиқ даволар. Ичдим ўтли шамоллар (?) мен, севдим гулу аёллар (?) мен. Ва ҳаёт (?) ёниб куйладим. Дарахт кулгуси (?) кўрганман, кўрганман кўз ёшлари (?) ҳам. Тинч кў-

чалар (?) кезиб термилламан ойнинг рақсига. Она юрт (?) куйламоқ учун худди шеърга берилди юрак. Қора-Мавр ўғли — телба Отелло буюк садоқат (?) бермоқда сабоқ. Менга одамлик (?) қолдирди мерос. Бугунги кун мағзи (?) чакдим. Ортиғи (?) олиб камга етказар. Сибир наҳрлари (?) у бурмоқ истар. Чол бу йўл (?) кўп марта юрган. Булутлар меҳри (?) тўкади ийиб, майсалар бўйини кўрган сайини. Қува анорига берар ранги (?) саратон тафтини эмган ёноқлар. Упади деҳқоннинг қадоқ кафти (?) Фақат кўчириб оламан: қўлингиздан оташ, лабингиздан ором, сочларингиз иси (?). Бир қўшиқки, нақ эсинг (?) оғдирар. Сенга зарларим (?) айтмасдим балки, Исёни (?) кенгликларга сөчмоқ бўлиб қолгандир.

4-§. Қуйидаги мисраларни ўқинг ва сўроқлар ўрнига қаратқич ёки чиқиш келишиги қўшимчаларидан мосини қўйиб, матни кўчириб ёзинг:

Ўмринг (?) эллик йилни сарфлабсан, отам. Қуёш ён бағирлар (?) эришибгина қураганда қорин. Сара (?) сарасин ажратиб берган. Унда майин қўлларинг (?) изи бор. Чириди, тани (?) кетди қуввати. Ўт гуллари бўлсин қалби (?) Қурбонлар топганди бизлар (?) ҳаёт. Менинг заманим (?) ҳароми ўғли. Бу пок сайёра (?) бокира қизни хўрламоққа қайдан тополдинг ҳуқуқ?! Гунг жаноблари (?) ҳоқонимизга бўлган чексиз ақидаларининг рўёбга чиқишига тилакдошимиз. Улар (?) ҳар бири Шарқий Туркистоннинг шоҳи бўлишини ватан ва миллатдан аъло билган шухратпараст, мансабпараст шахслар эди. Қизлар (?) бири сув қуйиб, иккинчиси дунги тутиб турар эди.

5-§. Қуйидаги мисраларни ўқинг ва сўроқлар ўрнига ўрни ёки чиқиш келишиги қўшимчаларидан мосини қўйиб, матни кўчириб ёзинг:

Ўйчан кўзлари (?) донолик аён, Ноталар (?) кўзгадди Моцарт ва актёрнинг қўлида титроқ кўзин ечди. Эгилиб титрайди ёшгина ниҳол бешафқат шамолнинг забти (?). Тинкаси қурийди, нафаси қайтиб саратон қуёшин тафти (?). Кумуш мисол қизлар ўтди, хандон уриб кўча (?). Ойлар кулбаси (?) шовқин кўчмай-

ди, ойлаб кулбаси (?) чироқ ўчмайди. Янги тонг олам (?) оҳанглар терар. Тонг нурининг тўлқини (?) жим юрагимга киради юлдуз. Кўзим (?) тирқираб кетди ёш. Ортинг (?) мен боқарман чўл йўлида. Ҳозир ун (?) дарвоза ўриш, йўлақлари ва кенг саҳнининг нишонлари бор. Унинг ичи (?) китобга ўхшаган бир нарса кўринди. Тянь-шаннинг баланд қорли чўққилари қуёшнинг дастлабки нурлари (?) қизара бошлади.

6-§. Қуйидаги мисолларни ўқинг ва сўроқлар ўрнига жўналиш ёки тушум келишиги қўшимчаларидан мосини қўйиб, мисолларни кўчириб ёзинг:

Ҳеч яшолмас муҳаббат айрилиқ (?) ўрганиб. Мулла қозининг ништардай сўзлари (?) ҳам, лаганбардорларнинг аччиқ кулгиси (?) ҳам парво қилмади. Қарғалардай,— деди у саллаликлар (?) нмо қилиб,— тайёр гўнг еб минг йил яшагунча, бургутдай гўшт еб бир кун яшаган афзал! Ҳавохоннинг тўйи (?) ўйнаб бўлибмизда. Дардамти қишлоғидаги кўпгина уйлар (?) қаралса, пойдевори анчагина кўтарилиб солинган. Шу аснода Мойимхон салом бажо қилиб, устозининг қўлига сув қуйиш (?) улгурди. Оёғим илдам юрганлиги учун мазали ошга улгурганлигим (?) қаранглар? Жасур қиз қаватма-қават ҳалқаланган душман сафи (?) ёриб кирган.

5- текширув иши

1-§. Битишув боғланишли бирикмаларнинг тобе бўлаги ўз ҳоким бўлаги олдида берилади. Бошқа сўз олдида берилса, ўша сўзнинг белгисини кўрсатади ва гапдан кўзланган мазмун англашилмай қолади. Бу ерда келтирилган мисоллар эса мана шу қайд этилган қонуниятга зид бўлиб, тобе бўлак ўз ҳоким бўлаги олдида эмас, бошқа бўлак олдида қайд этилган. Натижада гап мазмуни бузилган. Шундай ўришларни аниқланг, тўғри тартиби билан мисолларни кўчириг:

Қарим девона ҳўл дарахтнинг навда-шоҳларини тинимсиз ўчоққа қаларди. У қўшиқлар айтиб, пиёда, эшакка мишмай борарди. Тасодифан кўзим дўппига тушди. Устимдаги кийим, чарм пальто айниқса халақит берар эди. Ҳалим ота эллик етти ёшлар чамасидаги

сарик соқол киши бўлиб, кўзлари чақнарди. Деҳқонларнинг подаси поймол қилмасин учун, эҳтиёт билан атрофга назар солар эдим. Узи бевосита қатнашган босмачиларга қарши курашлар тўғрисида камтарлик билан ҳикоя қиларди. Дарров бирон нарсага фикр билдириш учун ошиқмайдилар. Дарҳол уни суяб бироз бошини кўтардим. Тез-тез қизиқарли савол-жавоб кечаларининг, учрашувларини ўтказиб туриш одат тусига кирган. Шуниси ачинарлики, жиноят қилган болаларнинг кўпчилиги кейин бу йўлдан қайта олмайдилар. Бу бирдамликка шитилувчи барча ер юзидаги кишиларнинг байрамидир. Бу антиқа «интервью» бўрилларнинг аниқ сонини билиш имконини берди. Шунинг учун ҳам жамоа донмо бундай кишиларни ҳурмат қилади ва қадрлайди. Тезда ишлар жонланиб қолди. Дарҳол бу хатарли вазиятни бартараф этилмади. Ҳатто, унинг юз хотираси учун, ёлғондан бўлса ҳам, хўп демади.

2-§. Одатда, ўрпн ҳоли кесим олдида келади. Акс ҳолда, у бошқа хабар учун хизмат қилади. Бу параграфда келтирилган мисоллар эса мана шу қайд этилган қонуниятга зид бўлиб, ўрин ҳоли билан кесим орасига бошқа бўлак кириб қолган. Натнжада гап мазмунни ногўғри талқин этилган. Шундай ўринларни аниқланг, уларни кесим билан ёндош ҳолатга келтириб, мисолларни кўчиринг.

Ўт ёриғида хирмонга келадиган йўл яққол кўринди. Тошкентда Америка имперналистлари Гренадага қилган босқинчилиги муносабати билан митинглар бўлиб ўтди. Бугун бизнинг мактабимизда зилзиладан жафо кўргани учун Газли аҳолисига ёрдам уюштирилди. У институт қабулида она тилидан яхши билмагани учун ишонни «2» баҳога топширди. Тепа устида ястанган ям-яшил ўтлоқ яққол кўринар эди. Ҳали ҳам қулоғимда ўтиб бораётган поезд овози гупиллаб турар эди. Шаҳарда Улуғ Ватан урушида қатнашган 1300 дан зиёд киши рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг турар жой шаронти тез кунда яхшиланади. Яқинда Ҳиндистон чегарасидаги Панжоб штатида қўпоровчилик қилаётганларга қарши операциялар ўтказилди ва 48 нафар террсрчи қамоққа олинди.

3-§. Гапда кесимдан англашилган иш ҳаракатни бажаришда биргалашувчини билдирган бўлак ҳамма вақт кесим олдида, у билан ёндош ҳолда жойлашиши керак. Аке ҳолда, у қайси сўз олдида қўлланса, ўша сўзни ўзи билан бир хил вазифа бажарувчи бўлакка айлантиради. Қўйидаги мисолларда учраган шундай хатоларни тузатган ҳолда мисолларни кўчириб ёзинг:

Носирнинг отаси ўз ўртоқлари билан амалдорнинг жазосини бериш учун унинг ҳовлисига бостириб кирдилар. Оила аъзолари билан олма дарахтининг ортиқча шохларини кесиб турган чол бизни кутиб олди. У вилка билан қошиқни нарироққа туртиб қўйди. Мен Аҳрор билан музика соҳасида узоқ суҳбатлашдим. Шукур бобо очиқ чеҳра билан менга қаради. Мен қариялар билан суҳбатни давом эттирдим. У тортишиб ўтирмай, қўли билан уни тўхтатди. Сафаров етмиш ёшлар чамасидаги чол билан ҳовлининг боғ расталаридан айланиб юрар эди. Талабноманинг охирига яна қера сиёҳ билан тушъ керак деб ёзиб қўйди. Шу кунлардан мактабимизда бўлсангиз, ўқувчилар билан янги ташкил этилган атеистик музей гавжум эканлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳаваскорлар ёқимли ашулалари билан маҳаллий аҳлини хурсанд этдилар. Йигилганлар қарсақлар билан уни муборакбод этишди.

ТНИШ БЕЛГИЛАРИ ИМЛОСИ

Тниш белгилар ёзма нутқ мақсадини аниқ ифодалаш, унинг тушунишини осонлаштириш учун қўлланади. Улар ёзма нутқнинг мазмун, грамматик, интонацион муносабатларини, синтактик бўлинишларини аке эттирувчи услубий раванлигини таъкидловчи кўрсаткичдир, воситадир. Тниш белгилари оғзаки нутқнинг ёзув билан қайд этилганидан қолган имкониятларидан айримларини аке эттирувчи восита ҳисобланади. Оғзаки нутқда товуш билан ниманидир баён қилишдан ташқари темп, товуш кучи ва баландлиги, пауза, урғулар, улар қаторида мимика кабилар ҳам борки, булар сўзловчининг ҳис-ҳаяжони, мақсади, ўз нутқига бўлган муносабати, руҳий ҳолатини ҳам кўрсатади. Ёзма нутқда эса бу вазифаларни тниш белгилари бажаради.

Тниш белгилари нуқта (.), сўроқ (?), ундов (!),

вергул (,), қавслар (), [], { }, нуқтали вергул (;), кўп нуқта (...), тире (—), қўштирноқ ва тирноқлар (« »), (), икки нуқта (:) кабилардан иборатдир. Унинг қаторига биз, гарчи орфографик белги бўлса-да, дефис (-) ни ҳам киритмоқчимиз. Бу билан дефис тиввиш белгиси деб қайд этилмоқчи эмас: Уни фақат тиввиш белгиларини олдиан бериш мумкин.

Куйида дефис ва тиввиш белгиларининг қўлланиши-ни кўриб ўтамыз.

Чизиқча (дефис)нинг қўлланиши

Чизиқча (дефис) куйидаги ўринларда қўлланади:

1) бўғин кўчиришда. Варақдаги қаторнинг охиридаги сўз шу қаторга сиғмай қолса, сиғмаган бўғин кейинги қаторга кўчирилади. Ундан аввалги, яъни юқори қаторда қолган охириги бўғиндан кейин чизиқча қўйилади. Масалан, *далаларда* сўзининг биринчи икки бўғини юқори қатор охирига тўғри келиб, кейинги икки бўғини кейинги қаторга ўтадиган бўлса, юқори қатор охирида жойлашган *дала* бўғинларидан кейин дефис қўйилади, лекин кейинги қаторга кўчган *-ларда* бўғинларининг олдиан чизиқча қўйилмайди. Айрим кирувчилар *-ларда* бўғинидан олдин чизиқча қўйиб, хатога қўй қўядилар. Бўғин кўчиришда қўлланадиган чизиқча ҳам биргина кичик чизиқча (-) дан иборат. Бу чизиқча юқорида қолган сўнги бўғин охирига тақаб қўйилади ва ихчам ҳолда берилади. Баъзи кирувчилар юқорида қолган сўнги бўғиндан сўнг қўш чизиқча (=) қўллаб хато қиладилар. Бу эса нашриёт ва босма-хоналарда чизиқча (дефис) ўрнида қўлланадиган шартли белгидир.

Бўғин кўчириш сўзнинг бўғинга ажралиши қондаларига бўйсунди. Шунга кўра, бўғин моҳияти сақланиб, юқори қаторда бўғин ёки бўғинлар қолдирилади. Охириги бўғиндан сўнг чизиқча келтирилади. У бўғин охиридаги товуш бутунлигидан кейин ёки аввал берилади. Масалан, *кўнги* сўзининг *кўн-* қисмидан кейин чизиқча берилиб, қолган қисми кейинги қаторга ўтмаслиги керак. Чунки бу сўздаги *-нг* ҳарфлари бир товушни ифодалайди. У кейинги бўғиннинг биринчи товушидир. Шунинг учун *кўнги* сўзининг *кў-* бўғинидан иборат қисми юқорида қолдирилиб, кетига чизиқча қўйилади ва *-нги* бўғини кейинги қаторда берилади.

Маъно ва *суръат* каби сўзлардаги бўғин кўчирилишида *ʼ* белгиси аввалги қаторда қолиб, унинг кетидан

дефис берилишини ҳам эсда тутини керак. Чунки *э* белгисининг ўзи худди дефис каби сўзнинг бўғинга ажралиш ўрнини кўрсатувчи белгидир. Шунинг учун ҳам *э* белгиси, дефис юқорида қолган бўғин кетида берилганидай, аввалги бўғин кетида қайд этилади.

2) жуфт ва такрорий сўзларнинг ёзилишида ҳам негизларни ажратиб кўрсатиш учун чизиқча қўлланади. Масалан: *қозон-товоқ, келди-кетди, қўша-қўша, аста-аста* ва ҳоказоларда. Шунга ўхшаш такрор сўзларнинг кейингиси биринчи товушни ўзгартириб, *чай-пой* каби қўлланса ҳам, такрорлар чизиқча билан ажратилиб қайд этилади.

Бу ўринда ҳам чизиқча орфографик қимматга эга эканлигини унутмаслик керак. Масалан, *Улар келди-кетди* тарзида гап тузганимизда *келди-кетди* жуфт сўзи негизларини чизиқча билан ажратиб берсак, жуфт сўз ҳақиқатда ҳам жуфт сўзлик қимматини сақлаган ҳолда «келиб турган кишилар, меҳмонлар» маъносини беради. Агар чизиқча ўрнида вергул қўлласак, жуфт сўз йўққа чиқади, яъни: *Улар келди, кетди*. Бу ўринда уларнинг келганлари ва кетганлари ҳақида хабар берилган бўлади.

2) айрим юкламалар ўзи бирга қўлланган сўздан чизиқча дефис билан ажратиб берилади. Масалан, *-чи, -ку, -у(-ю), -а(-я), -да* каби юкламалар олдидан чизиқча қўйилади. Яъни *майли-я, сиз-ку, ташлаймиз-у* каби. Бунда чизиқча юкламанинг ўзи бирга қўлланган сўздан алоҳида сўз эканлигини ёзма нутқда қайд этиш учун хизмат қилади. Яъни *ишчи* сўзида *-чи* юклама эмас, ясовчи қўшимча. У *иш* негизига қўшилиб сўз ясаган. Бу сўз *иш* негизидан англашилган жараёни бажарувчи шахсни кўрсатган. *Иш-чи?* сўзида эса *-чи* қўшимча эмас, сўроқ юкласи. Унда *-чи* юкласи *иш* сўзидан англашилган жараён, хабар ҳақида сўроқ билдириятти. Шу билан чизиқча *-чи* юклама эканлигини ёзма нутқда кўрсатиб келган.

Агар жуфт сўз таркибидаги биринчи негиз кетидан *-у(-ю)* юкласи қўшилса, юклама сўздан чизиқча билан ажратилиб, кетидан белги берилмайди. Масалан, *қозон-у товоқ, жийда-ю бодом, қўй-у қўзи* каби. Бу ўринда охириги мисолга алоҳида эътибор бериш керак. *Қўй-у қўзи* сўзи *қўю-қўзи* деб берилмайди. Чунки ундаги *қўй* сўзи от туркумида бўлиб, *-у* боғлама ва-зифасидаги юкламалар. Улар қўшиб *қўю* ҳолатида

қайд этилмайди. Бу ўринда ҳам чизиқча *y* юкламасининг мустақил сўз эканлигини кўрсатиш вазифасини ўтаган. Кўрсатилган сўз жуфтликларида юклама кетидан вергул қўйилмаслигининг ҳам ўз мантиқи бор. Бунда *-y (-ю)* юкламаси *ва* боғловчиси вазифасини бажарган. Бу тенгловчи боғловчидан кейин эса белги қўлланмайди. Бу ўринда яна шунга эътибор бериш керакки, жуфт сўзларнинг биринчи негизи кетидан *-y (-ю)* юкламаси берилар экан, шу юклама воситасида ўзаро боғланган икки сўз мавжуд. Жуфт сўз бунда ўз қимматини йўқотган бўлади. Ўзаро бундай боғланиб келган сўзлар ўртасига *қўю-қўзи* ҳолида чизиқча берилиши ҳам хато бўлади.

4) қисқартиб қўлланган айрим кўмакчилар ҳам ўзи бирга қўлланган сўздан чизиқча билан ажратилади. Масалан, *қисқич-ла қисмоқ, сен-чун олдим* каби. Бирок *юргандим* сўзидаги *эдим* тўлиқсиз феълнинг қисқарган *-дим* қисми, *сенмас* сўзидаги *эмас* тўлиқсиз феълнинг қисқарган *-мас* қисми ўзи қўшилган сўздан дефис билан ажратилмайди.

5) кучайтирма даража сифатларнинг бошидаги такрорланувчи қисми чизиқча билан ажратилади. Масалан, *яп-ялонғоч, тунпа-тузук* каби. Фақат *олпоқ* кучайтирма даража сифатида дефис қўлланмайди. Айрим луғатларда *жимжит* кучайтирма даража сифатида ҳам чизиқча қўлланмай берилган. Бу ҳам тўғри. Чунки кучайтирма даража шаклида фонетик ўзгаришга учраган. Асли *жип-жим* бўлиши керак. Агар у *жип-жим* ҳолида қўлланганда, чизиқча қўлланиши шарт эди. Масалан, *кўм-кўк* сифатидагига ўхшаш.

6) ўзак такрор келган сўзлар феълдан бошқа туркумда бўлса, такрор ўзаклар ўзаро дефис билан ажратилиб қайд этилади. Масалан, *ич-ичидан, юрак-юрагидан, хил-хиллари* каби сўзлар от туркумида бўлгани учун, уларнинг такрор қўлланувчи *ич-ичи, юрак-юрак, хил-хил* ўзаклари жуфтлиги чизиқча билан ажратилган. Агар такрор ўзакли сўз феъл бўлса (*қаҳқаҳламоқ, ҳайҳайламоқ, чиқчиқламоқ* каби) такрор ўзаклар чизиқча билан ажратилмайди.

7) етакчи ва кўмакчи феъллардан тузилган таркибли феълларнинг етакчиси ҳам, кўмакчиси ҳам бир хил тўсланган бўлса, улар чизиқча билан ажратилиб қайд этилади. Масалан, *гапирди-қўйди, кузатди-қолди, қаради-турди* ва ҳоказо. Бундай феълларнинг биринчи

қисми етакчи бўлиб, мустақил маъно беради; иккинчи қисми кўмакчи бўлиб, қўшимча маъно беради. Дефис таркибли феълларнинг шундай маъно беришини ёзма нутқда ифодалайди. Аке ҳолда бундай бир шаклди феъллар уюшқ ифодали, мустақил бўлади.

8) Агар *-у (-ю)* юклагаси қўнма гап таркибидан содда гап кесимга қўшилиб келса, у кесимдан дефис билан ажратилади ва кетидан вергул ҳам қўйилади. Масалан: *Унинг ишини бошқалар бажаради-ю, у ўзгаларнинг ҳаётиса тушишугини суқиб юради (Р. Тагор.)*

Нуқтанинг қўлланиши

Нуқта қуйидаги ўринларда қўйилади:

1) дарак гаплар охирига қўйилади. Масалан: *Юрагим жиз этиб кетди (Ў. Умарбеков)*. Бу гап хабар маъносини берувчи дарак гапдир. Шунинг учун унинг охирига нуқта қўйилади. Нуқтани ҳар қандай дарак гап охирига қўйиладиган белги деб қараш керак. Аммо шунини ҳам айтиш керакки, дарак гап матн сарлавҳаси бўлса, нуқта қўйилмайди. Чунки нуқта дарак гапнинг тугалланганлиги ҳақида ҳам маълумот берувчи белгидир. Бу зарурат матн ичида бўлади. Ундаги дарак гаплар ўзаро ажралиб туриши зарур. Аке ҳолда, бир хабар иккинчи хабар билан қоршиб кетиши мумкин. Уларни ажратиб кўрсатиш вазифасини нуқта бажаради. Сарлавҳада эса фақат бир гапдан иборат бўлади. Шундай экан, унинг тугаллигини кўрсатувчи белгига зарурият йўқ.

2) баъзан буйруқ гаплар охирига ҳам нуқта қўйилади. Бироқ бунда у илтимос, ялиниш, истак, маслаҳат, огоҳлантириш, даъват, руҳсат каби маъноларни ифода этади. Масалан: *Утир, чой ичиб оламмз. (Ў. Умарбеков)*. *Келиб туринглар (Ў. Умарбеков)*. Бу гаплар буйруқ гаплар бўлса ҳам, уларнинг биринчисида огоҳлантириш, иккинчисида илтимос маънолари бор. Шунинг учун улар охирида нуқта қўйилади. Бундай гаплар матн сарлавҳаси бўлиб келса, худди дарак гапдаги каби, кетидан белги берилмайди.

3) диалоглар олдиндан персонажлар номи берилса ҳам, номдан кейин нуқта қўйилади. *Шавкат. Йўқ. Энди қарорим қатъий! Маҳфуза. Ачиняпсизми? Шавкат. Бу ачинишдан эмас. Сизни ... севаман! Маҳфуза. Шун-*

ча гапдан кейин-а? *Шавкат. Ҳа. Маҳфуза. Сиздан катта бўлсам ҳам-а? Шавкат. Ҳа. (У. Умарбеков)*. Бу диалоглар олдидан *Шавкат* ва *Маҳфуза* каби персонажлар номи келтирилиб, кетидан уларнинг нутқи қайд этилган. Шунинг учун персонаж номи ва улар нутқини ўзаро ажратиб қайд этиш мақсадидан персонажлар: *Шавкат* ва *Маҳфуза* номларидан кейин нуқта берилган.

4) ёзма нутқ давомида қисқартиб берилган сўз ёки фамилиялардан (умуман номлар) кейин ҳам нуқта қўйилади. Масалан: *М. Т. Ойбекнинг йигирма томли асарлари эълон қилинди («Ўзб. ад. ва санъати»)*. Бу гапдаги *М. Т.* эса Ойбек ва отасининг номи қисқартмасидир. Шунинг учун улар кетидан нуқта қўйилган; *Ўзб. ва ад. қисқартишлари Ўзбекистон* ва *адабиёт* сўзларидан олинган. Улар кетидан ҳам нуқта келтирилган. Яна *Ҳ. О., С. А., А. Қод.* ва ҳоказолар каби ёзувчи номларини қисқартиб берилишида ҳам нуқта қўлланади.

5) Кўчирмалардан кейин унинг қаердан олингани қайд этилганда ёзувчи, асар, нашр қилинган жой номи, йил ва бетлардан кейин ҳам нуқта қўйилади. Масалан: *Назаров Қ. Тиниш белгилари ва ёзма нутқ. Тошкент, 1974. 35-бет* каби. Бу мисолда аввал ёзувчи номи, асар номи, нашр этилган жой, йил, бетлар қайд этилиб, ҳар бири кетидан нуқта қўйилган.

6) рақамлар тартибни кўрсатиб келса, улар кетидан ҳам нуқта берилади. Масалан: *1. Ойбек, 2. Ғ. Ғулом, 3. Ҳ. Олимжон, 4. Уйғун, 5. А. Қаҳҳор* ва ҳоказолар. Бу мисолда ёзувчилар номи тартиб билан қайд этилган. Шу тартиб рақамларда акс этган. Шунинг учун улар кетидан нуқта берилган.

7) маълум кунлар кўрсатилганда кун, ой ва йил рақамидан кейин нуқта қўйилади: *1. 09. 1987*. Бу ўринда биринчи нуқта кун кўрсаткичи, иккинчи нуқта ой кўрсаткичи, охириги нуқта йил кўрсаткичи рақамларидан кейин қайд этилган. У кун, ой ва йил рақамларини ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилган.

8) баъзан кўпайтирув аломати сифатида ҳам нуқта қўйилади: $3 \cdot 3 = 9$. Бу ўриндаги нуқта эса 3 ни 3 га кўпайтирилишини кўрсатади.

9) ҳаммага маълум, яъни расмийлашган қисқартилган сўзлар кетидан нуқта келтирилмайди. Масалан, *ТонДУ, колхоз* каби.

Сўроқ белгисининг қўлланиши

Сўроқ белгиси сўроқ ифодасини билдириб, қуйидаги ҳолларда қўлланади:

1 соф сўроқ маъносини билдирган гаплар охирига сўроқ белгиси қўйилади. Масалан: *Қайдан келдинг, эй офатижон? (Уйғун.) Унинг касал бўлиши мумкин эмасми? (У. Умарбеков.)* Бу гаплар соф сўроқ маъноли гаплар бўлиб, биринчисида сўроқ олмоши воситасида, иккинчисида сўроқ юкламаси воситасида сўроқ маъносини аниқлаган. *Мен ёрдамлашай? (У. Умарбеков.)* гапида эса оҳанг воситасида ифодаланган.

2) қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг бири сўроқ, яна бири бошқа мақсад билан тузилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда бош гапга қаралади. У сўроқ маъносида бўлса, гап охирига сўроқ белгиси қўйилади. Масалан: *Қайси динда бўлсанг ҳам, сени қардош билурмиз. (Ҳ. Олимжон)* гапи охирига сўроқ белгиси қўйилмайди. Чунки сўроқ маъносини берувчи сўз эргаш гапда бўлиб, бош гап даражасида маъносини билдирган. *Кўчадан ўтганингда, ерга қарасинми эл? (Ҳ. Олимжон)* гапи охирига сўроқ белгиси қўйилади. Чунки бош гапда сўроқ юкламаси бўлиб, у сўроқ маъносига эга. Эргаш гап қандай мақсадда тузилган бўлишидан қатъи назар, бу қўшма гап сўроқ гап деб қаралади. Қўшма гаплар таркибидаги ҳар икки содда гап бир йўла сўроқ мазмунини бўлмайди. Мантиқ шуни тақозо этади.

3) тақриз ва кўчирмаларда бирон сўз ёки гап тушунарсиз, шубҳали туюлса, унинг кетидан қавс ичида сўроқ белгиси қайд этилади. Масалан: *Сайловчилар билан бўлган учрашувимиз клуб йўқлигидан ... кўчада (?) ўтди (Газетадан).* Бу гап хабар маъносини аниқлаб, гап охирида нуқта қўйилган. Аммо гап бўлакларидан бири *кўчада* (ўрин холи) сўзидан кейин кетидан эса қавс ичида сўроқ белгиси берилган. Чунки гап мантиқига кўра шу сўз маъноси — ноўрин. Нонб билан учрашув ҳеч вақт кўчада бўлмайди. Кўча транспорт ва одамлар қатнови билан тўла бўлади. У *ташқари, ҳовли* каби сўзлардан бирининг маъносида қўлланган бўлса керак. Руслар умуман ёниқ жойдан ташқари *ни на улице* деяверади. Юқоридаги гапда *кўчада* сўзининг қўлланиши шунинг таъсирида бўлиши ҳам мумкин. Ўзбек тилида эса бу сўзни қўллаш маъно меъёрига сиғмайди. Шунинг учун *кўчада* сўзининг қўлланишига

тақризчи шубҳа билдириб, унинг кетидан қавс ичида сўроқ белгиси қўйган.

4) ўқилган асар ёки матнлар четига сўроқ белгиси қўйилган бўлса, бу шу ўринда берилган фикр нотўғрилиги ёки унда хато борлигини билдиради. Сўроқ белгиси якка ҳолда шу маънода қўлланади.

Ундов белгисининг қўлланиши

Ундов белгиси кўпроқ ҳис-ҳаяжон ифодасини билдириб, қуйидаги ҳолатларда қўлланади:

1) ундов гаплар охирига ундов белгиси қўйилади. Масалан: *Бу ифлосни отган мен бўламан! (Яшин.)* Бу гап, асосан, дарақ мазмунини билдирса ҳам, унда ҳис ифодаси бор. Шунинг учун гап охирида ундов белгиси қўйилган.

2) муомала-муносабатини, тасдиқ ёки инкорни, хитоб ёки ташвиқни, кўрсатишни билдириб, кучли ҳис-ҳаяжон ифода этувчи ундов гаплар охирига ҳам ундов белгиси қўйилади. Масалан, *Салом Феруз!—Марҳабо! (Ҳ. Олимжон.)—Йўғ-эй!—деди йигит. (Ў. Умарбеков.)—Тавба!—дейдир (Ҳ. Олимжон.)* Бу гапларнинг биринчисида *муомала*, иккинчисида *инкор*, учинчисида *ажабланиш* маънолари ҳаяжон билан айтилган. Шунинг учун улар кетига ундов белгиси қўйилган.

3) номинатив гаплар ҳам ҳис-ҳаяжон ифодасига эга бўлса, улар охирига ундов белгиси қўйилади. Масалан: *Ширинсой оқшомлари! Нақадар жозибадор, нақадар оромбахш! (Ў. Умарбеков.)* Бу гапдаги *Ширин сой оқшомлари* атов гап бўлиб, ҳис-ҳаяжон ифодасига эга. Ундан сўнг ундов белгиси қўйилган.

4) сўроқ гаплар ҳис-ҳаяжон ифодасига эга бўлса ҳам, ундан кейин ундов белгиси қўйилади. Масалан: *Қани ўша, ўша ҳамроҳинг! (Уйғун.)* Бу гап бўлақлари маъносидан келиб чиқиб қаралса, сўроқ мазмунига эга. Лекин у шундай оҳангга эгаки, шу оҳанг асосида гап ўша ҳамроҳ йўқлиги ҳақидаги хабарни ҳаяжон билан ифода этган. Шунга кўра, гапнинг охирида ундов белгиси қўйилган.

5) Буйруқ гаплар охирига ундов белгиси қўйилади. Бироқ бунда у ҳақиқий буйруқ мазмуни ва оҳангига эга бўлиши керак. Ундан илтимос, ялиниш, истак, маслаҳат, огоҳлантириш, даъват, руҳсат каби мазмун аёнлашилса, соф буйруқ ифодаси чиқмай қолади. Масалан: *Ёзни бурда-бурда қил! (Ҳ. Олимжон)* гапи соф буйруқ-

қа эга бўлиб, илтимос, ялиниш, истақ, маслаҳат, огоҳ-лантириш каби маънолар англашилмайди. Шунинг учун ундан кейин ундов белгиси қўйилган.

Вергулнинг қўлланиши

Вергул қўидаги бир қатор ҳодисаларнинг ёзувда берилишини ақс эттиради.

1. Уюшиқ бўлақлар ўзаро вергул билан ажратилади. Масалан: *Хароб бўлди Пайканд, Нақшоб, Бухорэ.* (Ҳ. Олимжон.) Бу гапда *Пайканд, Нақшоб, Бухоро* сўзлари гапдаги уюшган эга бўлиб, улар ўзаро вергул билан ажратилган ҳолда қайд этилган. Агар уюшган бўлақ бириктирув боғловчиси билан боғланган бўлса, улар қайдида вергул қўлланмайди. Лекин зидлов ва айирув боғловчилари қўлланган ўринда эса ундан аввал вергул қўйиб ёзилади. Масалан: *Сен мана бу бой ва гўзал элга боқ!* (Ҳ. Олимжон.) гапдаги *бой ва гўзал* сўзлари уюшиқ бўлақлар бўлиб, улар ўртасида бириктирув боғловчиси *ва* қўллангани учун, ёзувда вергул берилмайди. *На сен, у, на оллоҳинг келар бас* (Ҳ. Олимжон.) гапда эса *на айирув боғловчиси* такроран қўлланган. *У сен, у, оллоҳ* сўзларидан иборат уюшган эгани боғлаб келган. Бундай ҳолда эса уюшган бўлақлардан кейин ёзувда вергул берилади ва юқоридаги мисолда ҳам у қайд этилган. *Ҳаво булутланди, лекин ёғмади* гапда эса *булутланди, ёғмади* феълларни уюшган кесимлар бўлиб, улар ўзаро *лекин* зидлов боғловчиси билан боғланиб келган. Шунинг учун ёзувда зидлов боғловчисидан олдин вергул қўлланган.

2. Рўйхат кетма-кет, изчил ёзилганда улар бир-бирдан вергул билан ажратилади. Масалан: *Олинган нарсалар: чойнақ, пиёла, тарелка, рюмка, қошиқ, вилка, коса, лаган, ваза.* Кўриниб турибдики, идиш номлари рўйхатидан ҳар бир номдан кейин вергул қўйилган. Чунки рўйхат кетма-кет ва изчилликка эга.

3. Ундалмалар ўзи бирга келган гапдан ёзувда вергул билан ажратилади. Масалан: *Тақсир, сен ҳам сабр қилгин бир нафас.* (Ҳ. Олимжон.) Бу гапдаги *тақсир* сўзи ундалма бўлиб, у ёзувда ўзи бирга қўлланган гапдан вергул билан ажратилган. *Қани, Фирдақ, нима билан хушлайсан?* (Ҳ. Олимжон.) гапдаги *Фирдақ* сўзи ундалма бўлиб, у гап ўртасида келган. Шунинг учун унинг икки томонидан вергул қўйилган. *Қани элга кенгаи кўрсат, доно қиз!* (Ҳ. Олимжон.) гапда

эса ундалма (*доно қиз*) гап охирида келган. Ёзувда унинг олдидан вергул қўлланган.

4. Киришлар ва кириш бирикмалар; тасдиқ ёки инкорни билдирувчи *ҳа, ҳўп, йўқ* сўзлари; ундов сўзлар, ажратилган бўлақлар ўзи оид бўлган гаплардан вергул билан ажратилади. Масалан: *Тўғри, жуда оғир жафо тортдинг сен. (Ҳ. Олимжон.) Ишдан кейин ювмиз. албатта. (Ҳ. Умарбеков.) У, эҳтимол, йўнагани немус қилар. (Ҳ. Олимжон.)* гапларининг биринчисида *тўғри* кириш сўзи бўлиб, у гапнинг бошида, иккинчисида эса *эҳтимол* кириш сўзи бўлиб, у гапнинг ўртасида келган. Уларнинг биринчиси кетидан, иккинчисининг икки томонидан вергул берилган. *Йўқ, Баттолга бугун сўроқ кунимас. (Ҳ. Олимжон.) Ҳа, калхат бўлиб учиб кет. (Ҳ. Олимжон.)* Бу икки гапда инкор билдирувчи *йўқ* сўзи ва тасдиқ билдирувчи *ҳа* сўзи гап бошида келган. Ёзувда шу сўз кетидан вергул қўйилган. *Вой, суолмай кетинг сиз! (Ҳ. Умарбеков.)* гапида эса гап бошида *вой* ундов сўзи қўлланган ва вергул билан ажратилган. *Мен йўша куниеқ, сизни кўрган куним, буни сезган эдим. (Ҳ. Умарбеков.)* гапида эса ўртада *сизни кўрган куним* бирикмасидан иборат ажратилган бўлақ қўлланган. Шунинг учун ёзувда унинг икки томонидан вергул қўйилиб, гапдан ажратилган. Кўрдикки, бундай сўз ёки бирикмалар гап бошида бўлса, кетидан, ўртасида бўлса, икки томонидан, охирида келган бўлса, олдидан вергул қўйилади.

5. Зидлов ва айирув боғловчили қўшма отларда боғловчилардан аввал, эргаштирувчи эргаш гапдан кейин вергул қўйилади. Боғловчисиз қўшма гаплардаги содда гаплар ҳам вергул билан ажратилади. Масалан: *Унинг ҳеч кишиси йўқ, лекин неваралари галма-гал қарашиб туришган. (Ҳ. Умарбеков.)* Бу гап зидлов боғловчили қўшма гап бўлиб, ундаги зидлов боғловчисининг *лекин* сўзидир. Ёзувда қўшма гап таркибидаги содда гаплар ундан аввал вергул қўйилган ҳолда ажратилган. *Боғаро қўйсам қадам, бир ғунча қолмай хандадир. (Муқимий.) Пенсияга чиқибдик, ҳар кун шу аҳвол. (Ҳ. Умарбеков.)* гаплари эса эргаш гапли қўшма гаплардир. Уларнинг биринчиси шарт майлли феъл-кесим воситасида бош гапга боғланган эргаш гапли қўшма гап бўлиб, иккинчи *-ки* юкламаси воситасида бош гапга боғланган эргаш гапли қўшма гапдир.

6. Поэзия талабига кўра, сўзлар қайта-қайта кетма-

кет қўлланганда ҳам, улар ўзаро вергул билан ажратилади. Масалан: *Кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк.* (А. Олимжон.) *Кўзларимга нур беради, нур.* (F. Фулом.) Мисолларнинг биринчисида *кўм-кўк* сифати миқдор ортиқлигини кўрсатиш мақсадида бир неча марта такрорланган ва бу такрорлар ўзаро вергул билан ажратилган; иккинчисида эса *нур* сўзини таъкидлаш учун гап кетидан қайта берилган ва олдидан вергул қўйилган.

Қавснинг қўлланиши

Қавс уч хил бўлиб, улар кичик қавс (()), ўрта қавс ([]), катта қавс ({ }) деб аталади. Ўрта қавсنى баъзан квадрат қавс деб ҳам номланади. Улардан, асосан, кичик қавс қўлланиб, «қавсга олинади» дейилганда фақат у эътиборда тутилади. Қолган қавслар эса асосан математик мисолларда қўлланиб, улар босқичли қимматга эга, яъни кичик қавс ўзидан катта қавс ичига олинади. Масалан: $(4 \times 2) + 3 \times 4$ каби. Кичик қавсдаги амал аввал бажарилиб, кейин ундан йирик қавс ичидаги амаллар ҳал қилинади. Яъни юқоридаги мисолнинг кичик қавс ичидаги 4×2 амали бажарилиб, чиққан 8 га 3 қўшилади. Бу эса ўрта қавс ичида ҳисобланади. Улар ҳал этилгач, қавсдан ташқаридаги 4 га кўпайтирилади. Кўринадики, қавсларнинг бу босқичли турлари математик мисоллардаги амалларнинг бажарилиш изчиллигини кўрсатиш учун хизмат қилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, қавс турларининг бу вазифасини белгиларга хос вазифа эмас. Тиниш белгилар ёзма нутқда маълум ифода бериш вазифасини бажариши билан аҳамиятлидир. Унинг тиниш белгиларга хос вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Қавс айрим бўлақларга аниқлик бериш учун келтирилган сўз ёки қурилмаларни алоҳида кўрсатиш мақсадида, уларнинг икки томонига қўйилади, яъни улар олдидан қавс очилиб, кетидан ёпилади. Масалан: *Бугун «Пахтакор» стадионида «Пахтакор» (Тошкент) ва «Локомотив» (Москва) командалари учрашади.* Бу гапда қавс ичида кўрсатилган сўз *командалар* қарерники эканлигини изоҳлаган, унга аниқлик киритган ва шунинг учун қавс ичига олинган. Чунки «Пахтакор» ва «Локомотив» командаси бир неча. Мисолдаги команда номи кетидан қавс ичида жой номи келтирилиши эса, шунинг билан қавс ичидаги аниқлаштирилган.

2. Қўчирмалар келтирилганда у олинган манба ҳам қавс ичида берилади. Масалан: *Кўз ёшим дарё бўлиб, балиқлари ютсин сени (Кўшиқ).* Ҳолва деган билан *огиз чучимас (Мақол)* қабила. Бу гаплар охирида улар қасрдан олинганлиги келтирилган ва шунинг учун манбани кўрсатувчи *қўшиқ* ва *мақол* сўзлари қавсга олинган.

3. Асарнинг қайси жанрга мансублигини билдирувчи *роман, повесть, ҳикоя, қисса, очерк, фелъетон* каби сўзлар газета ва журналлардаги ҳавола қилувчи сўз ёки жумлага муаллифнинг турли муносабатини билдирувчи сўроқ, ундов белгилари «сўроқ» + «ундов» тарзидаги қўша белгилар қавсга олинади. Жанрни билдирувчи сўзлар асар номидан кейин қўллангандагина мундарижа таркибида, матн ичида «*Кўшчинор чироқлари*» (роман) тарзида қавс ичида берилади. Агар «*Кўшчинор чироқлари*» романи деб қайд этилса, жанр билдирувчи сўз қавсга олинмайди. Муаллиф муносабатини билдирувчи белги эса муносабат билдирилган сўз ёки гап кетидан қавсда берилади. Масалан: *А. Лутфуллаев «Доиранинг так-така туми қалблирга ғулғула (?) солади, ўзига ром этади» деб гап тузиши нотўғри.* Бу гапда муаллиф *ғулғула* сўзи кетига қавс ичида сўроқ белгиси қўйган, чунки А. Лутфуллаев бу ўринда сўз танлашда хато қилган, *ғулғула* ўзига ром кўлмайдди. Муаллиф қавс ичидаги белги билан сўз нотўғри қўлланганини ифодалаб ўтган. Агар сўроқ қавсга олинмаганда, у сўзга хос тиввиш белги бўларди. Аммо у муаллифга хос. Шунинг учун қавсга олинган.

4. Гап таркибидаги киритма бирикмалар ва баъзан ажратилган бўлақлар ҳам қавс ичида берилади. Масалан: *Ансамблга Қашқадарё область маданият бошқармаси (бошлиғи И. Тўхтамишев) ва Китоб шаҳар ижроия қўмитаси (раиси М. Султонов) зудлик билан ёрдам қўлини чўзиши керак.* Бу гаптаги бошлиғи *И. Тўхтамишев* ва раиси *М. Султонов* қурилмалари мисол тариқасида келтирилган гаптаги киритма қурилмадир. Шунинг учун қавсда берилган.

Тиренинг қўлланиши

Тире кўпинча дефис билан қоринтирилади. Чунки дефис ҳам орфографияга оид бўлиб, унинг қўлланишидаги хато орфографик хато ҳисобланади. Бу ҳақда биз дефис ҳақида фикр билдирган қисмимизда

ҳам айтган эдик. Шунинг учун дефис қўлланганда, сўз қайдидаги ҳарфлардан ажратилмаган ҳолда, уларга қўшиб берилади. Дефис узунлиги ҳарф энидан ортиқ бўлмайди. Тире эса дефисга нисбатан узунроқ бўлиб, икки томонидаги сўзлар қайдидан бир ҳарф ўрни билан ажралиб туради. У сўз маъносига хос эмас, гапнинг оҳанг томонига хос ифода беради, ифодаси тиниш белгиларга оиддир. Масалан: *гап-сўз* жуфт сўзида дефис ишлатилди, *Вали — қаҳрамон* гапида эса тире. Қўрииб турибдики, уларнинг ўлчамида ҳам, қайд этиш ҳолатида ҳам фарқ бор. Улар вазифаси жиҳатидан ҳам ўзаро тубдан фарқ қилади.

Тире кенг фойдаланиладиган тиниш белгидир. У қуйидаги ўринларда фойдаланилади:

1. От-кесимли гапларда эга ва кесим ўртасига ёки эга состави билан кесим состави ўртасига қўйилади. Бунда от-кесим сифат ёки сифатдошдан ташқари сўзлар билан ифодаланган бўлиши шарт. Эга эса олмош бўлмаслиги керак. Гапда боғлама қўлланмайди. Масалан: *Сўнги пушаймон — ўзингга душман* (Мақол.) гапида эга ва кесим состави ўртасига тире қўйилган. Чунки бу гап кесими сифат эмас, от билан ифодаланган от-кесим, эгаси эса олмош эмас, от билан ифодаланган; гапда эса *бўлади* боғламаси қўлланиши керак бўлса ҳам, қўлланмаган. Агар бу гап: *Сўнги пушаймон ўзингга душман бўлади*, деб ёки *Сўнги пушаймон ўзингга душмандир* деб, охирида *бўлади* ёки *-дир* боғламалари берилса, тире учун ҳожат йўқ эди. *Олма қизил* ёки *бу китоб* каби гапларда ҳам тире қўлланмайди. Чунки аввалги гапнинг кесими сифат билан, кейинги гапнинг эгаси олмош билан ифодаланган.

2. Турли ҳужжатларда асосий масалаларни таъкидлаб кўрсатиш учун, аввал хат бошидан тире келтириб, кетидан бирор масала қайд этилади. Масалан:

- ҳозирги чегараларнинг даҳлсизлиги;
- ички ишларга аралашмаслик;
- тенглик;
- мустақиллик;

(— куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таъкид қилишдан воз кечиш. Бу гапларнинг хат бошида тире билан қайд этилган ҳар бир қаторида алоҳида масала берилган бўлиб, бу масалалар фақат санаб ўтилган эмас, балки алоҳидадан таъкидлаб кўрсатилган. Бу эса юқоридаги матнда тире орқали ифодаланган.

3. Замон, макон, миқдор тушунчаларининг икки қутбини, яъни маълум нуқтасидан иккинчи нуқтасигача — оралиқ чеккаларини кўрсатувчи сўзлар, рақамлар ўртасига тире қўйилади. Масалан, *1927—1988* йиллар еки *XVII—XIX асрлар* деб кўрсатилганда 1927 йилдан 1988 йилгача, *XVII асрдан XIX асргача* ифодаси берилган. Шунинг учун улар орасига тире қўйилган. Яна асарлар охирида *Тошкент—Фарғона* деб ёзилган бўлса, асар шу шаҳарларда ёзилган бўлади. Транспортларга ёки улар билетига *Тошкент—Қозон—Москва* деб ёзилса, шу шаҳарлар оралиғи қатновни ифодаланади, тире шу маршрутлар уланишини кўрсатиши учун хизмат қилади.

4. ажратилган бўлақлар ўзи онд бўлган гапдан тире билан ажратилади. Масалан: *Опам Қаромат биби ҳам — паранжисиз ёш қиз — мактабдан қайтади.* (Ойбек.) *Уста Турдиали бўламан — колхозда арабасоз.* (А. Қаҳҳор.) Бу гапларнинг биринчисида ажратилган бўлақ гап ўртасида келиб, икки томонидан; иккинчисида гап охирида келиб, фақат олдидан тире билан ажратилган.

5. Шеърятда бир синтагма ёки бирикма ярмидан узиб олиниб, кейинги қаторга ўтказилса, аввалги қатордаги қисмидан кейин тире қўйилади. Масалан:

То ергача унинг бошлари —

Хам бўлар-да, ҳеч юра олмас. (Ҳ. Олимжон.)

Олдидаги бир саҳифа оқ —

Қогоз узра тинмай тўкилар. (Ҳ. Олимжон.)

Бу гаплардаги *бошлари хам бўлар* ва *оқ қогоз* бирикмалари иккига бўлинган. Кейинги бир қисми иккинчи мисрага кўчирилган. Шунинг учун ҳам ҳар икки байтнинг биринчи мисрасидан кейин тире қўйилган.

6. Тире баъзан *ва, билан* боғловчилари ўрнида қўлланиши ҳам мумкин. Масалан: *Қарпов—Қаспаров матчи, Ҳиндистон—Покистон ахбороти, «Пахтакор»—«Помир» ўйини* каби. Асли бу қурилмалар *Қарпов билан Қаспаров матчи, Ҳиндистон ва Покистон ахбороти, «Пахтакор» билан «Помир» ўйини* ифодали қурилмалар бўлиб, улардаги *ва, билан* боғловчилари туширилган ҳолда юқоридагича қайд этилган. Боғловчилар ўрнида эса тире берилган.

7. Гапдаги уюшиқ бўлақлар билан бирга уларнинг умумлаштирувчи сўзлари ҳам қўлланиши мумкин. Агар умумлаштирувчи сўз уюшган бўлақлардан кейин кел-

са, у шу уюшган бўлақлардан тире билан ажратилиб ёзилади. Масалан: *Гулзорнинг нариги томонида даро-йи, ҳусайни, яқдона, чарос, кишимши — турли узум иш-комлари бор эди (Ж. Шарипов)*. Бу гапдаги узум нав-ларини санаш уюшиқ бўлақ бўлиб, ундан кейинги *тур-ли узум* бирикмаси умумлаштирувчи сўздир. Шунинг учун ундан аввал тире қўйилган.

8. Боғловчисиз қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ниманидир ўзаро қиёс қилиш маъносига эга бўлса, улар ўртасига тире қўйилган ҳолда қайд эти-лади. Масалан: *Сув келди — нур келди (Мақол.)* Бу гап таркибидаги содда гаплар икки ҳодисани ўзаро тенг қўйиб, бир-бирига қиёслаган ҳолда ифода этган, яъни сув келиши нур келиши демакдир дейилмоқчи. Шунинг учун қўшма гап таркибидаги икки содда гап ўртасига тире қўйиб ёзилган.

9. Диалогларда эса ҳар бир персонаж нутқи хат бошидан тире билан бошланади. Масалан:

— Ойпопук қанақа қиз?

— Сизга ёқадими?

— Йўқ.

— Нега?

— Меъёр йўқ унда. (*У. Умарбеков.*)

— Бу диалог икки шахс суҳбатидан иборат. Унинг 1, 3, 5-қаторлари қиз томонидан берилган саволлар бўлиб, 2-, 4-, 6-қаторлари эса йигит томонидан қи-линган жавоблардир. Ҳар бир нутқ алмашинуви хат бошидан тире қўйилиб ёзилган.

10. Китобларнинг чиққан жойи ва йили, конвертлар-даги жой номи ва шу жой почтаси индекси қайдлари-да улар оралиғига тире қўйилган ҳолда ёнма-ён бери-лади. Масалан: *Тошкент—1975, М.,—1965, 700002—Тошкент* каби. Бу мисолларнинг 1- ва 2- си китоблар-нинг титул варағи остида берилиб, унинг чиққан жойи ва йили қайд этилган, охиригида эса конвертга бе-рилган шаҳар номи ва олдида шу шаҳар почта индек-си қайд этилган. Улардаги жой номи билан йил ёки индекс рақами орасида тире қўлланган.

Тире кўчирма гапларда ҳам қўлланади. Бироқ унда қўйиладиган тиниш белгилар тартиби анча мураккаб. Шунинг учун у ҳақда кейинроқ муфассалроқ тўхтай-миз.

Тирноқнинг қўлланиши

«Тирноқ» номи билан аталадиган тиниш белги йўқ. У икки номда: бир тирноқ ва қўштирноқ номида икки турда қўлланади. Бир тирноқ, одатда, илмий ишларда қўлланиб, жуфт ҳолатда келади. У сўз маъноларини унга ёнма-ён келтириш учун бир тирноққа олинади. Тирноқнинг биричиси сўз маъноси олдида очилиб, кетидан ёпилади. Уларнинг иккиси ҳам ҳарф қаторининг юқорисига қўйилади, яъни «...» каби. Масалан: *Навий даврида улус «фуқаро» сўзи фаол қўлланган.* Бу гапдаги *фуқаро* сўзи *улус* сўзининг маъноси ифода этиб келган. Шунинг учун у бир тирноққа олинган. Қўштирноқ белгиси ҳам жуфт қўлланидиган тиниш белгидир. Қўштирноқнинг жуфт қўлланиши деганда унинг белгиси қўша эканлиги билан адаштирмаслик керак. Белгининг қўша эканлиги қўштирноқ атамасининг ўзида ўз ифодасини топган. У шу қўша ҳолатида жуфт қўлланади. Қўштирноқ матннинг олдида ҳарф қаторининг пастида («ҳолатида») очилиб, кетидан ҳарф қаторининг юқорисидан («ҳолатида») ёпилади, яъни «...» ҳолатига эга бўлади. Унинг вазифаси бир неча бўлиб, қуйидаги ҳолатларда қўлланади.

1. Бирор муаллиф асаридан кўчирма келтирганда, шу кўчирма қўштирноққа олинади. Масалан: *Ҳамма биладики, «Тил — энг муҳим алоқа воситаси».* Бу қўшма гапнинг иккинчи содда гапи кўчирмадир. Шунинг учун у қўштирноққа олинган.

2. Асар номлари, газета, журнал ва бошқалар номи; турли мева, ўсимлик, озиқ-овқат, буюм, механизм, транспорт қабилар учун символ сифатида берилган номлар қўштирноққа олинади. Масалан: *«Гулистон» журнали, «Баҳор» вальси, «Ғалаба» узуми, «Волга» машинаси, «ТУ—104» самолёти, «Кармен» атири* ва ҳоказолар. Қўштирноқ ичидаги сўзлар эса газета, журнал, музыка, узум, машина, самолёт, атир учун берилган атоқли отлардир.

3. Синфлар, буйруқлар, қарорларнинг айрим бандларига қўшилиб ёзиладиган ҳарфлар қўштирноққа олинади. Масалан: *IX «А» синф, III «В» курс, «104—А» сонли қарор, 9-модданинг «Б» банди* ва бошқалар. Бу ўринда қўштирноқ ҳарфнинг кейинги сўзга қўшилиб кетмаслиги, қўшиб ўқиладиган бўлиб қолмаслиги учун қўлланади.

4. Орден ва медаль номлари олинади. Бу эса орден ва медаль номлари билан шу сўзлар синтактик алоқага киришмаганда ҳам кузатилади. Масалан, «*Ҳурмат белгиси*» ордени, «*Шавкатли меҳнат учун*» медали кабилар. Бу ўринда «*Ҳурмат белгиси*» бирикмаси билан орден сўзи, *шавкатли меҳнат учун* бирикма билан медаль сўзи синтактик алоқага киришган эмас. *Ҳурмат белгиси* бирикмаси ва *шавкатли меҳнати учун* бирикмаси орден ва медаль номларидир. Шунинг учун улар қўштирноққа олинган.

5. Баҳо баллари рақам билан белгиланган бўлса ҳам, сўз билан белгиланган бўлса ҳам, улар қўштирноққа олинади. Масалан, «*беи*», «*Э*», «*аъло*», «*ёмон*» ва ҳоказолар.

6. Публицистик ва бадий асарларда ўз маъносида берилмай, кўчма ёки кесатиқ маъноларида берилган маънолар қўштирноққа олинади. Масалан: *Қушларни у севарди, бор эди шундай «дарди»* (Қ. Муҳаммадий.) Бу гапдаги *дарди* сўзи ўз маъносида касалликни билдирмаган. У кўчма маънода қўлланиб, ишқибозликни ифода этган.

Нуқтали вергулнинг қўлланиши

Нуқтали вергул анча мураккаб гап ва матнларда қўлланиб, бундай гаплар маъноси ҳам мураккаб характерда бўлади. Унинг вазифаси ҳам бир неча бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Нуқтали вергул боғловчисиз қўшма гапларда кўпроқ қўлланади. Бунда боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг ўзаро боғланишида грамматик восита бўлмаслигидан ташқари, уларнинг маъно яқинлиги ҳам унча жипс эмаслиги кузатилади. Масалан, «*Адашмасам, кеча йша томонда қандайдир уйлар қурилгандай эди; биронта қишлоқ бўлса ажаб эмас*» (Ҳ. Умарбеков). Бу гап таркибидаги биринчи ва иккинчи содда гап маъноси бир-биридан анча йироқ: бири қурилиш ҳақида бўлса, иккинчиси унинг нима эканлиги ҳақидаги ҳукмдир. Шунинг учун улар ўртасида нуқтали вергул қўйилган. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар ифода этган воқеа ёки ҳодиса ўзаро қиёс мақсадига эга бўлади. Масалан: *Қўзғалган каби бўрон гувиллаб қолди осмон; яшин учгандай бўлди, пода кўчгандай бўлди* (Ҳ. Олимжон). Бу боғлов-

чисиз қўшма гап таркибидаги биринчи содда гапда эсмонда содир бўлган ҳолат тасвир этилса, ундан кейинги содда гапларда уни яшнн учгандай бўлиши, пода кўчгандай бўлишига қиёс этилади. Шунинг учун ҳам биринчи содда гапдан кейин нуқтали вергул қўйилган.

2. Гап таркибида маълум гуруҳларга бўлингад уюшиқ бўлақлар бўлиши мумкин. Уюшиқ бўлақлар ўзаро вергул билан ажратилгани ҳолда, гуруҳлари эса нуқтали вергул билан ажратилади. Масалан: *Кўҳна милтиқ, садоқ, зирҳ, тийр, кубан ёйи, ханжар ва чилзир ҳам қиличи—мангу йўлдоши; юпанчиғи, олтин қуёши—ҳеч бир нарса бузмас кўнглини.* (Ҳ. Олимжон.) Бу гапдаги биринчи содда гапнинг эгаси қатор аслаҳа номларидан иборат бўлиб, улар ўзаро уюшиб келган ва вергуллар билан ажратилиб берилган. Кесим ҳам уюшиб келгани учун, шу биринчи бирикма кесимдан кейин нуқтали вергул берилиб, қолганлари ўртасига вергул қўйилган.

3. Ярим қавс билан ажратилган, тартиб билдирувчи рақам ёки ҳарфлардан кейинги гаплар охирига нуқтали вергул қўйилади. Масалан, Фарҳод образи:

- 1) Фарҳод — шаҳзода;
- 2) Фарҳоднинг илм ва касб эгаллаш иштиёқи;
- 3) Фарҳод — дўст;
- 4) Фарҳод — вафодор ошиқ;
- 5) Фарҳод — меҳнатсевар инсон;
- 6) Фарҳод — жасур жангчи.

Бу иншо режасида ҳар бир характер ифодаловчи гапдан кейин нуқтали вергул қўлланган. Чунки гап бошида ярим қавс билан ажратилган рақам берилган ва барча гапларни умумлаштирувчи Фарҳод образи бирикмаси бошида берилиб, ундан кейин икки нуқта берилган.

4. Қўшма гап таркибида бирдан ортиқ бош ва бир неча эргаш гап бўлиб, улар ўртасидаги боғланиш ҳам ўз мураккаблигига эга бўлса, изчилликдаги боғланиш нуқтали вергул билан ажратилади. Масалан: *Хўжайинлар билан кўришди, бир-бирига тикилиб кўзлар; кўзи билан еб қўяр бўлди, оловланиб чўғ бўлди сўзлар* (Ҳ. Олимжон). Бу мисолдаги биринчи эргаш гапли бош гапдан кейин нуқтали вергул қўйилган. Қўшма гапнинг қолган содда гаплари уюшган ҳолда, қатор саналгани учун, улар ўзаро вергул билан ажратилган.

Икки нуқтанинг қўлланиши

Икки нуқта остин-устин қўйиладиган нуқталар бўлиб, қуйидаги ҳолатларда қўлланади:

1. Боғловчисиз содда гапларда қўлланиб, бунда биринчи содда гаплар якуни, уни тўлдирувчиси, изоҳлаб берувчиси иккинчи содда гап бўлади. Икки нуқта эса биринчи содда гап охирига қўйилади. Масалан: *Тонг яқинлашиб қолди: онда-сонда ҳўрозларнинг қичқириви эшитила бошлади (С. Зуннуова).* Бу гаптаги биринчи гапдан англашилган ҳодиса натижасида иккинчи содда гапда ифодаланган ҳодиса юзага келади. Шунинг учун уларнинг биринчисидан кейин икки нуқта қўйилган.

2. Гаптаги уюшиқ бўлақлардан аввал умумлаштирувчи сўз қўлланса, шу умумлаштирувчи сўздан кейин икки нуқта қўйилади. Масалан. *Қўриб чиқди уни барча: Одил, Ҳалима (П. Мўмин).* Бу гаптаги *барча* сўзи умумлаштирувчи сўз бўлиб, ундан кейин *Одил, Ҳалима* уюшган эгалари келтирилган. Шунинг учун улардан аввал икки нуқта қўйилган.

3. Уюшиқ бўлақлар гапта эга вазифасида келгани ҳолда, у кесим ва унга боғланиб келган бўлақлар кетидан қўлланса, уюшиқ бўлақлар олдидан икки нуқта қўлланади. Масалан: *Пўлат қақирди: Наргиса, Нилуфар, поезд!* Бу гаптаги *Пўлат қақирди* эга ва кесимдан иборат бўлиб, ундан кейин икки нуқта қўйилган ва кейин эга уюшиқ бўлақлар келтирилган.

4. Кўчирма ва кўчирма гаплардан аввал келган муаллиф гапидан кейин ҳамма вақт икки нуқта қўйилади. Масалан: *Идора пештоқидаги ёзув кўзга ташланди: «Пахта миллий ифтихоримиздир».* Бу ўринда аввал муаллиф гапи *Идора пештоқидаги ёзув кўзга ташланди* берилиб, кетидан икки нуқта қўйилган ва кўчирма (*Пахта миллий ифтихоримиздир*) келтирилган.

5. Матнларда баъзан *режа, асосий қисм, кириш, хулоса, мисол, масалан, қарор* каби сўзлардан кейин унга оид рўйхат саналадиган бўлса, шу сўзлардан сўнг икки нуқта қўйилади. Масалан:

Кириш: а) «Қутлуғ қон» романидан кўзланган мақсад;

б) «Қутлуғ қон» романи ақс эттирилган давр.

Асосий қисм:

а) Йўлчи образига тавсиф;

б) Гулнор образига тавсиф;

в) романдаги бошқа меҳнаткашлар образи.

Хулоса: Асарнинг тарбиявий аҳамияти.

Кўринадики, *кириш, асосий қисм* ва *хулоса* сўзлари бирикмаларидан кейин унга онд масалаларни санаб ўтилади. Шунинг учун улардан кейин икки нуқта қўйилган. Лекин шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, *хулоса* сўзидан кейин бу ўринда унга онд масала айтилса ҳам, у битта — бир нечаси саналган эмас. Шунга қарамай, *хулоса* сўзидан кейин ҳам икки нуқта қўйилади. Чунки *хулоса* сўзидан англашилган маъно натижаси унга онд масала сифатида қайд этилади. Бунинг учун юқоридagi мисолга эътибор беришимиз мумкин. Яъни, *хулоса* сўзи маъносидан англашилган натижа асарнинг тарбиявий аҳамиятидир. Икки нуқтадан кейин эса *кириш, асосий қисм* ва *хулосага* онд масалалар кичик ҳарф билан бошланади, лекин атоқли отлар катта ҳарф билан бошланади. Яъни «асосий қисм»нинг «в» банди ўрнига «уч» араб рақами қўйилган бўлса, 3. *Романдаги бошқа меҳнаткашлар образи* деб берилади. Чунки нуқтадан кейин катта ҳарф берилиши орфографиямизда қатъий қонулаштирилган. Бу ҳақда юқорида ҳам айтиб ўтилган эди.

Кўп нуқтанинг қўлланиши

Кўпгина кирувчилар кўп нуқта имлоси ҳақида билмайдилар. У уч нуқтанинг кетма-кет қўйилишидан иборат, лекин саноксиз нуқталарнинг кетма-кет қалаштириб қўйилгани деб билмаслик керак.

Кўп нуқта қуйидаги ҳолатларда қўлланади:

1. Тугал бўлмаган гаплар охирига кўп нуқта қўйилади. Масалан: *Ажабо, ерда ҳам, кўкда ҳам қум... Гўё фалакдаги булутлар қумга айланиб, саҳрога ҳужум қилаётгандай (Н. Раҳим.)* Мисолдаги биринчи гап хабарни охирига етказмаган. Унинг кетидан ҳолат ифода этувчи феъл талаб қилинаётганлиги англашилиб турибди. Шунинг учун гап охири учун талаб қилиниб, қайд этилмаган феъл ўрни кўп нуқта билан тўлдирилган.

2. Ёзма нутқда гапнинг бирор бўлаги қисқартиб, ту-

шириб қолдирикса, унинг қисқартирилган ўрнига кўп нуқта қўйилади. У гап бошида, гап ўртасида ҳам, гап охирида ҳам бўлиши мумкин. Кўп нуқтадан кейин эса матн кичик ҳарф билан бошланади. Масалан: *Ўзи яхши, лекин... нима десам экан? (А. Қаҳҳор.)* Бу ўрнида қўшма гап таркибидаги иккинчи содда гап ўз боғловчисидан кейин тўла қисқартирилган ва ўрнига кўп нуқта қўйилиб, унинг киритма бирикмаси кичик ҳарф билан бошланган. Агар қисқартирилган бўлак гап охирида бўлиб, ундан кейин янги гап бошланган бўлса, унинг биринчи ҳарфи бош ҳарф бўлади. Масалан: *Сен шаккоқлик... Муқаддас китобларни ялми мантиқни ўрганмасдан бурун ўқимок керак. (М. Осим.)* Бу ўринда биринчи гап тугалликка эга бўлмай, унинг кесими ташлаб кетилган. У қилмасан бўлиши керак эди. Шунинг учун унинг ўрни кўп нуқта билан тўлдирилган. Кетидан эса катта ҳарф билан кейинги гап бошланган.

3. Баъзан бўлиб талаффуз этилган сўзларнинг бўлинган ўрнига ёки сўзнинг ёзилишидаги айрим товуш маълум сабаб билан қайд этилмай қолган ўрнига кўп нуқта қўйилади. Масалан: — *Опа! Со... соз... қо... тиб кетдим!— Чиқмайсанми?— сўради Зумрад.— Қа... қана...қа қи...либ чиқаман? (У. Умарбеков.) Яна бе...и. зе...н, ба...ор, ...ар, и...тиёр сўзларидаги ташлаб кетилган ҳарф ўрнига х ёки ҳ ҳарфларидан бирини қўйиб кўчиринг...* Бу гапдаги сўзларнинг қайдида кўп нуқта берилган ўринларда ҳар ҳарф топшириқ мақсади билан қолдириб кетилган. Аввалги гапда эса совқотиш сабаби билан сўз бўғинларга бўлиб талаффуз этилгани учун, сўз қайдидаги бўлинган бўғинлар кетига кўп нуқта берилган.

4. Нутқда ундов сўзлар чўзиқ талаффуз этилган бўлса, ёзувда шу чўзиқ талаффуз этилган товуш ҳарфи кетига кўп нуқта қўйиш билан ифода этилади. Масалан: *Ҳа...— деди хаёлга чўмиб банк директори (У. Умарбеков.)* Бу гапдаги ҳа сўзи ундов сўз бўлиб, унинг унлиси чўзиқ талаффуз этилган. Шунинг учун ёзувда ундов сўзнинг а унлиси қайдидан кейин кўп нуқта қўйилган.

5. Матнга берилган сарлавҳаларда қўйилган масалага жавоб матндан кўтилишига ишора қилинса ва сарлавҳа учун тузилган гап нотугал бўлса, улар кетидан кўп нуқта берилади. Масалан: *Сариқ девни миниб... (Х. Тўхтабоев.)* Бу гап тугал бўлмай, сариқ дев минилгандан кейин яна қандайдир ишлар бажарилиши

сарлавҳа остидаги матндан кутилиши англашилади. Шунинг учун сарлавҳадан кейин кўп нуқта қўйилган.

Айрим тил ҳодисалари матнда қайд этилар экан, фақат бир тур тиниш белги қўлланиши билан чегараланмайди. Уларда икки ва ҳатто ундан ортиқ турдаги тиниш белги қўлланиши, улар ҳатто ундан ҳам ортиқ қайта қайд этилиши мумкин. Улар эса ўзига хос изчилликка ҳам эга бўлади. Булар ҳақида биз бирма-бир тўхталиб ўтамиз.

Тиниш белгилардан асосан ундов белгиси такроран қўлланади. Нуқта ва сўроқ белгилари эса такроран қўлланмайди. Чунки нуқта ва сўроқ белгисининг қўлланиши гап мантиқи билан боғлиқдир. Гап эса мантиқига кўра ё буйруқ, ё дарак мазмунга эга бўлади. Шу мазмунларга қараб ё ундов, ё сўроқ, ё нуқта белгиси гап охирига қўйилади. Бу мазмунларнинг эса паст-баланди бўлмайди. Ундов белгиси эса буйруқ гапдан ташқари ҳис-ҳаяжон гапларнинг ёзувдаги ифода белгиси ҳам ҳисобланади. Ҳис-ҳаяжон турли даражада намоён бўлиши мумкин. Шунга қараб уни бир, икки, уч, ундов белгиси қўйиш билан ифода этилади. Оддий ҳолатдаги буйруқ ёки ҳис-ҳаяжон гапда ўз ифодасини топган бўлса, ёзувда бундай гап охирига бир ундов белгиси қўйилади. Масалан: *Бугун бир коса сут ичиб ётинг!* (М. Осим.) Бу гап оддий буйруқдан иборат. Шунинг учун унинг кетига бир ундов белгиси қўйилган. *Қошки эди ҳамма сиздай мард бўлса!* (М. Осим.) гапига эътибор берсак, бу гап мазмунда буйруқ йўқ, фақат истақ баён қилинган. Лекин унда сўзловчининг ҳис-ҳаяжони ҳам ўз ифодасини топган ва шунинг учун ундан кейин ёзувда ундов белгиси қўйилган. Агар гапда ҳис-ҳаяжон кучли ифода этилиши керак бўлса, ёзувда ундан кейин ундов белгиси икки ёки ундан ортиқ қўйилиши ҳам кузатилади. Масалан: *Кет!!! Йўқол!!! Малъун касофат!!* (Уйғун.) Бу гапларнинг биринчи ва иккинчиси буйруқ, учинчиси ҳақорат мазмунда бўлиб, уларнинг ҳаммасида ҳам кучли ҳис-ҳаяжон ифодаси бор. Шунинг учун ундан кейин кўш ундов берилган.

Айрим ҳолларда «касаллик тарихи» варағида қайд этилган баъзи симптом (касаллик аломати) ёнига, рецептлар тепасига икки ёки уч ундов белгиси қўйилади. Бунда аломатларнинг хавфлилик даражаси, дорининг хавfli ўткирлиги даражаси кўрсатилган бўлади. Аммо

тиббийётда қўлланувчи бу ундов белгиси пунктуацияга кирмайди. У ўз доирасидаги шартли символлардир.

Икки тиниш белги ёзувда кетма-кет қўлланганини ҳам кузатамиз. Улар қуйидагича системага эга бўлади.

1. Сўроқ белгиси кетидан ундов белгиси қўйилиши мумкин. Тиниш белгининг бундай қўша қўлланиши сўроқ гаплар ҳис-ҳаяжон ифодасига эга бўлганда амалга оширилади. Масалан: *У пасткашнинг зоти ким экан?!* (Ҳ. Олимжон.) Бу гапда персонажнинг ҳис-ҳаяжон билан ҳақорати ва шу ҳақоратни тингловчидан тасдиқлатиш учун қилган сўроғи ифода этилган. Яъни, гапда туб моҳиятига кўра Омоннинг зоти кимлиги сўралмоқчи эмас, балки унинг зоти паст деб кўрсатишмоқчи ва шу томони билан уни ҳақорат қилинмоқчи. Уни яна тингловчидан тасдиқлатиб олинмоқчи. Турган гапки, бундай гапда ҳис-ҳаяжон ифодаси ётади. Гап мантиқида сўроқ бўлгани учун, унинг кетидан сўроқ белгиси қўйилиб, яна ҳис-ҳаяжон ифодасини кўрсатиш мақсадида сўроқ белгисидан кейин ундов белгиси берилган. Бундай гапларда, албатта, аввал сўроқ белгиси, кейин ундов белгиси қайд этилади. Аксинча берилиши хатодир.

2. Сўроқ белгисидан кейин кўп нуқта қўйилиши мумкин. Тиниш белгининг бундай қўша қўлланиши сўроқ мазмунидаги гапдан кейин яна бир сўроқ мазмунидаги гап келиши кутилганлигини англатади. Масалан: *Ҳамма гапни унинг юзига шартта-шартта айта солсамиз?..* (Ҳ. Олимжон.) Бу гап сўроқ мазмунига эга. Шу билан унда яна бошқа йўл тутиш мумкинлиги ва у ҳақда яна сўроқ берилиши кутилади. Шунинг учун гап кетидан сўроқ белгиси ва ундан кейин кўп нуқта қўйилган. Бу ҳолатда ҳам сўроқ белгисининг аввал берилиши шарт.

3. Ундов белгисидан кейин кўп нуқта қўйилиши мумкин. Тиниш белгининг бундай қўша қўлланиши ҳис-ҳаяжон ифода этувчи гапдан англашилган мазмун яна давом этиши мумкинлигини англатади. Шунинг учун ундов белгиси қўйилиб, ундан кейин кўп нуқта талаб қилинган. Масалан: *«Тун нақадар узун!..»— деб ўйлади Камол.* (Ж. Мирсодиқий.)

4. Вергул ва қавс бирга қўлланиши мумкин. Бу ҳолда матн қавс ичига олинган, яъни сўз ёки қурилма олди ва кетидан қавс қўйилгандан кейин вергул қўйила-

ди. Масалан: *Бундай маълумот Туркбюро (1920—1922 йиллар), Урта Осиё бюроси (1922—1934 йиллар) ва маҳаллий ташкилотлар архивларида ҳам учрамайди.* (О. Эшонов). Бу гапдаги қавс ичида берилган киритма бўлакларни олиб ташласак, *Туркбюро* сўзидан кейин вергул қўйилиши керак эди. Гапга киритма бўлак берилгани учун, *у* қавс ичига олиниб, *Туркбюро* сўзидан кейинги вергул киритма бўлакни ўз ичига олган қавсдан кейинга кўчирилди.

5. Вергул ва қўштирноқ бирга қўлланиши мумкин. Бу ҳолда ҳам вергул ёпилувчи қўштирноқдан кейин берилади. Масалан: *Қалбларга таъсир ўтказиш учун «Ўтган кунлар», «Қутлуғ қон» муаллифлари ўзлари яратган қаҳрамонларининг дардларига шерик бўлишган.* (М. Қўшжонов.) Бу гапда икки асар номи қўштирноққа олинган бўлиб, биринчи асар номи «Ўтган кунлар» қўштирноққа олингач, ёпилувчи қўштирноқдан кейин вергул қўйилган.

6. Вергул ва тире бирга қўлланиши ҳам мумкин. Бунда вергул аввал берилиб, кейин тире қўйилади. Бунга эса кўчирма гапдаги тиниш белгилар системаси ҳақида таҳлил берилганда кузатиш мумкин.

7. Гап охирида нуқта, сўроқ ёки ундов каби тиниш белгилар билан қавс қўлланиши мумкин. Бунда бирор муаллифдан бирор гап келтирилиб, унинг кетига шу гап мазмунига хос тиниш белги берилади ва у билан изчил ҳолда қавс ичида муаллиф номи келтирилади. Бу ҳолда муаллиф номидан сўнг нуқта қўйилиб, кейин қавс ёзилади. Масалан, *Қайда қолдинг, эй офатижон?* (Уйғун.) Бу гап сўроқ гап эканлиги учун сўроқ белгиси қўйилган. Гап охирида шу гап муаллифи қавсда берилади. Муаллиф номидан сўнг нуқта берилиб, қавс ёпилади. Келтирилган гап дарак гап бўлса, бу система кузатилади. Масалан: *Ҳар фаслнинг ўз зийнати бор.* (Уйғун.) Бу гап дарак гап бўлгани учун ёзувда унинг охирига нуқта қўйилди. Кейин қавс очилиб, муаллиф номи қайд этилгач, нуқта қўйилди ва қавс ёпилади. Матбуот саҳифалари ва қўлёзмаларнинг кўпгина ўринларида бу система, гап дарак мазмунида қўллansa, юқоридагидан қисман фарқ қилганлиги кузатилади: гап ва муаллиф номи кетидан берилadиган нуқталар берилмай, қавс кетидан бир йўла бир нуқта қўйилади. Яъни кейинги мисолнинг тиниш белгилари қуйидагича бўлади: *Ҳар фаслнинг ўз зийнати бор.* (Уйғун.) Кўри-

ниб турибдики, келтирилган гап охирида ҳам, муаллиф номи кетидан ҳам нуқта берилмаган. Нуқта муаллиф номини ўз ичига олган қавсдан кейин берилган.

8. Қавс ва қўштирноқ бирга қўлланиши мумкин. Бунда сўз ёки қурилма қўштирноққа аввал олиниб, кейин қавсга олинади. Бу эса кўчирма қайси асардан ёки вақтли матбуотдан олинганлигини кўрсатиш зарурати туғилганда кузатилади. Кўчирма кетидан у олинган асар ёки вақтли матбуот номи келтирилар экан, уни аввал қўштирноққа ва кейин қавсга олиб борилади. Масалан: *Ҳар тарафга отни елсанг бўлмасми?* («Гулнор пари») *Агитпоезд составида таниқли санъаткорлар, ёзувчилар, илғор ишчилар бор.* («Ўзбекистон адабиёти ва санъати») ва ҳоказо. Бу кўчирмалардан кейин келтирилган манбаларга эътибор бериш мумкин. Улар аввал қўштирноққа, кейин қавсга олинган. Манба кетидан нуқта ҳам қўйилган. У ёпилувчи қўштирноқ ва ёпилувчи қавслардан аввал берилган. Агар нуқта ўрнида сўроқ ёки ундов бўлган тақдирда ҳам, у аввал берилиб, кейин қўштирноқ ва қавс ёпилган бўларди. Масалан: *Неъмат Бобоев билан бир ҳовлида туради.* («Менинг дўстим Баббаев!») каби. Кўриниб турибдики, манба охирида ундов белгиси ва кейин ёзилувчи қўштирноқ берилган, ниҳоят эса қавс ёпилган.

Тиниш белгиларининг иккидан ортиқ тури бир тил ҳодисасининг қайд этилишида бир йўла қўлланиши мумкин. Масалан, сўроқ, ундов ва кўп нуқта кетма-кет берилади. Бунда сўроқ гапда ҳис-ҳаяжон ифодаланиши билан бирга, унинг кетидан нимадир кутилаётганлиги гапдан англашилиб туради. Яъни: *Чамбарчас пайвандми шунчалар меҳри?!..* (Ф. Исмоилова.) Гап сўроқ мазмунига эга. Шу билан бирга, унда ҳис-ҳаяжон, меҳрнинг шундай даражадалигига қойил қолиш ифодаси ҳам бор. Бинобарин, гап мазмунига муаллиф жавоби ҳам кутилади. Шунга кўра, аввал сўроқ белгиси, сўнг ундов белгиси берилган ва охири кўп нуқта қайд этилган. Шунини ҳам айтиш керакки, бундай ҳолда аввал сўроқ, кейин ундов, охири кўп нуқта берилиши керак. Бунини гап маъносига мазкур мазмунлар моҳияти ҳам, белгилар ишлатилиши системаси ҳам талаб қилади.

Бирдан ортиқ тиниш белгининг бир йўла, кетма-кет қўлланиши, айниқса, кўчирма гапларда учрайди. Кўчирма гапларда тиниш белги қўлланиши тарзи ни-

ҳоятда мураккаб ва ўрни билан турличадир. Шунинг учун бу ҳақда алоҳида маълумот беришга тўғри келади.

Кўчирма гап муаллиф гапидан аввал келиши, муаллиф гапидан кейинги ўринда бўлиши, муаллиф гапининг ўртасида келиши, муаллиф гапининг олди ҳам орқасида берилиши ва бошқа шу каби мураккаб ҳолатлар кузатилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тиниш белгилар олиш хусусиятига эга. Агар муаллиф гапи аввал келиб, кетидан кўчирма гап берилса, муаллиф гапидан кейин икки нуқта қўйилади ва қўштирноқ очилиб, кўчирма гап катта ҳарф билан бошланади; охири гапнинг тиниш белгиси қайд этилиб, қўштирноқ ёпилади. Чизмаси: Муаллиф гапи: «Кўч. гап». Масалан: *У ўйлар эди: «Мўлжал тўғри чиқди».* (С. Аҳмад.) Бу гапдаги *У ўйлар эди* гапи муаллиф гапи бўлиб, у аввал келган. Шунинг учун унинг кетидан икки нуқта қўйилган. Кетидан эса *Мўлжал тўғри чиқди* гапи келиб, у кўчирма гапдир. Шунинг учун қўштирноқ очилгандан кейин катта ҳарф билан бошланган ва охирига, дарак мазмунини билдиргани сабабли, нуқта қўйилган, сўнг қўштирноқ ёпилган.

Кўчирма гап муаллиф гапидан аввал келса, қўштирноқ очилиб, кўчирма гап бош ҳарф билан бошланади ва кетидан гапнинг тиниш белгиси қўйилиб, қўштирноқ ёпилади; кейин эса тире берилиб, кичик ҳарф билан муаллиф гапи бошланади. Охирида нуқта қўйилади. Агар кўчирма гап дарак гап бўлса, унинг кетига нуқта эмас, вергул қўйилади. Кўчирма гап дарак гапдан бошқа гаплар бўлса, кетидан ўша гапга хос тиниш белги қўйилади. Чизмаси: «Кўч. гап», муал. гапи. «Кўч. гап? (ёки!)»— муал. гапи. Масалан: *Даст-аввал Бўтабой деган балони оёқдан йиқитиш керак!*— деди Азимбойвачча зардали. (С. Аҳмад.) «*Неча жонсиз, ота?*»— деди Низомиддинов чолга ўғирилиб. (С. Аҳмад.) «*Зўр экансиз*»,— деди йигит баланд овоз билан. (Ў. Умарбеков.) Бу гапларнинг биринчисидagi *Даст-аввал Бўтабой деган балони оёқдан йиқитиш керак!*, иккинчисидagi *Неча жонсиз, ота?*, учинчисидagi *Зўр экансиз* содда гаплари кўчирма гап қисмидир. Шунинг учун улар юқорида қўштирноқ ичида берилди. Гап охирида унинг ўз тиниш белгиси қўйилиб, кейин қўштирноқ ёпилган. Уларнинг биринчиси охирида ундов, иккинчисида сўроқ, учинчисида вергул белгилари қўйилган ва

кетидан қўштирноқ ёпилиб, кейин тире қайд этилган. Тире берилгач эса, кичик ҳарф билан муаллиф гапи бошланган. Муаллиф гаплари биринчисида *деди Азимбойвачча зардали*, иккинчисида *деди Низомиддинов чолга йгирилиб*, учинчисида *деди йигит баланд овоз билан* содда гапларидир. Кўриниб турибдики, муаллиф гаплари бу уч гапда фақат *деди* сўзи билан бошланиб, биринчи сўз кичик ҳарф билан бошланган. Бу эса аксарият ҳолларда кузатилади. Муаллиф гапидан кейин, одатдагига кўра нуқта қўйилган.

Кўчирма гап муаллиф гапининг ўртасида келса, муаллиф гапи кетида икки нуқта берилиб, сўнг қўштирноқ очилади ва кўчирма гап катта ҳарф билан бошланиб, охирига шу гапга хос тиниш белги қўйилгач, қўштирноқ ёпилади, кейин тире қайд этилгач, кичик ҳарфда муаллиф гапи давом этади. Охирида нуқта берилади. Чизмаси: муаллиф гапи: «Кўч. гап», — муал. гапи. Масалан: *Машойихлар*: «Қазисан-қартасан, асл тагингга тортасан», — *деб билиб айтишган экан.* (С. Аҳм.) Бу гапдаги *машойихлар* сўзи — муаллиф гапининг бош қисми. Шунинг учун унинг кетидан икки нуқта қўйилди ва қўштирноқ очилиб, кейин катта ҳарф билан кўчирма гап (Қазисан-қартасан, асл тагингга тортасан.) қайд этилди, сўнг қўштирноқ ёпилиб, вергул берилди. Унинг кетидан тире қўйилгач эса, кичик ҳарф билан муаллиф гапининг давоми (деб билиб айтишган экан) ёзилди, охирига нуқта қўйилди. Бу мисолдаги кўчирма гап охирида қўштирноқ ёпилиб, кейин вергул қўйилган. Агар у буйруқ, ундов, сўроқ гаплардан бири бўлганда эди, унинг кетидан сўроқ ёки ундов белгиларидан бири қўйилиб, кейин қўштирноқ ёпилган бўларди. Қўштирноқдан сўнг эса тире берилиб, муаллиф гапи давом этарди. Масалан: *Муса кўса*: «Э, сасимай ўлсин!» — *деб иягини силади* (С. Аҳмад.) Кўриниб турибдики, *Муса кўса* — муаллиф гапининг бош қисмидан кейин икки нуқта қўйилиб: *Э, сасимай ўлсин!* кўчирма гапи катта ҳарф билан бошланди. Унинг кетидан ундов белгиси қўйилди, чунки гап ҳис-ҳаяжон инфодасига эга. Ундов белгисидан кейин қўштирноқ ёпилиб, тире қўйилди ва муаллиф гапининг давоми кичик ҳарф билан бошланди, тамомлангач, нуқта қўйилди. Шунини ҳам ўрнида айтиб ўтишга тўғри келадиги, деярли ҳолларда, кўчирма гапдан кейинги муаллиф гапи *демак* феълининг бирор шакли билан бошланади.

Муаллиф гапи кўчирма гапнинг ўртасида келса, кўштирноқ очилиб, катта ҳарф билан кўчирма гап бошланади ва унинг кетидан агар кўчирма гап тугалланмаган бўлса, вергул қўйилиб, кейин тире қўйилади. Муаллиф гапи кичик ҳарф билан бошланиб қайд этилгач, яна вергул қўйилиб, кейин тире қўйилади. Кўчирма гапнинг давоми кичик ҳарф билан бошланиб, қайд этилгач, унга хос тиниш белги қўйилгач, кўштирноқ ёпилади. Кўчирма гап тиниш белгиси нуқта бўлса, аввал кўштирноқ ёпилиб, кейин нуқта қўйилади. Чизмаси: «Кўч. гап,—муал. гап,—кўч. гап». Масалан: *Ефим тоғам,—деди Пўлатжон — ҳамма вақт байроқдор бўлганлар*. (Ҳ. Назир.) Бу ўринда кўчирма гапнинг эгаси — *Ефим тоғам* аввал келгани учун, у кўштирноқдан кейин бош ҳарф билан бошланди ва кетидан вергул берилиб, тире қўйилди, сўнг муаллиф гапи — *деди Пўлатжон* кичик ҳарф билан бошланиб, қайд этилди. Ундан кейин яна вергул қўйилди ва тире берилди. Кўчирма гапнинг давоми кичик ҳарф билан бошланиб, тугатилгач, кўштирноқ ва тире берилди.

Айрим ҳолларда кўчирма гап ўртасидаги муаллиф гапигача бўлган қисм тугал гап бўлиши ва муаллиф гапидан кейин яна бошқа гап келтирилиши ҳам мумкин. Бунда ҳам кўштирноқ очилиб, катта ҳарф билан кўчирма гап бошланади. У қайд этилгач, тугал гап бўлгани учун, шу гапга хос тиниш белги (сўроқ, ундов белгиларидан бири) қўйилади ва тире қўйилади. Бу ўринда ҳам кичик ҳарф билан муаллиф гапи бошланиб қайд этилади ва кетидан, албатта, нуқта қўйилиб, тире берилади. Муаллиф гапидан кейинги кўчирма гап катта ҳарф билан бошланиб тугаллангач, кўчирма гапга хос тиниш белги қўйилиб, кўштирноқ ёпилади. Кўчирма гап дарак гап бўлса, аввал кўштирноқ ёпилиб, кейин нуқта қўйилади. Чизмаси: «Кўч. гап! (ёки?) — муал. гапи.—Кўч. гап». Масалан: «*Эшак! — деди Азимбойвачча.—Шунча ишни қилиб қўйиб узр сўрамоқчимисан?*» (С. Аҳмад.) Бу ўринда аввал муаллиф гапи келган. У эса ундов гапдир. Шунинг учун кўштирноқ очилгач, катта ҳарф билан бошланиб, кейин ундов белгиси қўйилди ва тире қўйилгач, кичик ҳарф билан муаллиф гапи бошланди. Кейин эса нуқта ва сўнгра тире қўйилгач, кейинги кўчирма гап катта ҳарф билан бошланди. У сўроқ гап бўлгани учун охирига сўроқ белгиси қўйилиб, кўштирноқ ёпилди. Агар кейинги

гап буйруқ ёки ундов гап бўлса ҳам, аввал ундов белгиси қўйилар, кейин эса қўштирноқ ёпиларди. Яна шунинг ҳам айтиш керакки, муаллиф гапидан аввалги кўчирма гап буйруқ, ундов ёки сўроқ гап бўлмай, дарак гап бўлганда эди, унинг кетидан нуқта берилиб, кейин тире қўйилмас эди, балки вергул қўйилиб, кетидан тире қайд этиларди.

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб шундай қонуниятни ҳам англаш мумкинки, муаллиф гапи кўчирма гапнинг олдида келмай, ўртасида ёки охирида келса, у деярли *демоқ* феъли билан бошланади. Кўчирма гап билан муаллиф гапи чегарасини шундан ҳам ажратиш ола бўлади.

Кўчирма гапларда тиниш белгиларнинг қўлланиши бундан ҳам мураккаб томонларга эга. Кўчирма гап ҳис-ҳаяжон ифодаловчи сўроқ гаплардан, тугалланмаган гаплардан ёки кучли ҳис-ҳаяжон ифодаловчи гаплардан, қолаверса, буйруқ ва ҳис-ҳаяжон ифодаловчи гаплардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Бу билан унинг тиниш белгиларидаги мураккаблик яна ҳам ортаверади. Масалан: *Азимбойвачча титраб кетди: «Азим?!..»* (С. Аҳмад.) Бу гапдаги муаллиф гапи аввал келиб, унинг кетидан икки нуқта қўйилди. Кейин қўштирноқ элиниб, кўчирма гап бош ҳарф билан бошланган. Шу кўчирма гап эса бир бош бўлакли бўлиб, *Азим деясанми?* деган сўроқ мазмунига эга ва унда яна ҳис-ҳаяжон ўз ифодасини топган. Шунинг учун унинг кетидан сўроқ ва ундов белгиси берилган. Гап кўриниб турибдики, тўла берилмаган. Ундаги бошқа бўлақлар қолдириб кетилган. Шу сабабли икки тиниш белгидан кейин яна кўп нуқта қайд этилган. Бу билан эса кўчирма гапнинг ўзига хос тиниш белгилари қайд этилди. Кўчирма гап эса охирида қўштирноқ билан ёпилади. Юқоридаги гапнинг уч тиниш белгисидан кейин ўша қўштирноқ ёпилган. Умуман олганда кўчирма гапнинг ўзига оид ҳар қандай тиниш белгилари бўлса, у шу кўчирма гапнинг ёпилувчи қўштирноғи олдидан тўла берилади. Кейин қўштирноқ қайд этилади.

Кўчирма гаплар мураккаб тузилиш билан келиши мумкин. Бу ҳолатлар ҳам ўзига хос тиниш белги қўлланишини талаб қилади. У муаллиф гапи, кетидан кўчирма гап ва яна муаллиф гапи бўлиб, кўчирма гап билан якунланган ҳолда таркиб топган ҳам бўлади. Чизмаси: Муал. гапи: Кўч. гап.—муал. гапи.—Кўч. гап».

Масалан: *Абу Насрининг бир мулозими: «Сизга халақит берганим учун кечирасиз,— деди,— Сизни устоз чорлаётирлар».* (М. Осим.) Бу мисолдан кўришиб турибдики, муаллиф гапи аввал келгани учун, у катта ҳарф билан ҳеч қандай тиниш белгисиз бошланган. Муаллиф гапи тўла келтирилмай, фақат эга таркиби қайд этилган ва охирига икки нуқта қўйилиб, кўчирма гап учун қўштирноқ очилган. Кўчирма гап катта ҳарф билан бошланган. У натижа маъноли дарак гап бўлгани учун, ундан кейин вергул берилган ва тире қўйилган. Сўнг муаллиф гапининг давоми ҳисобланган кесими қайд этилиб, вергул ва тире қўйилган. Турган гапки, муаллиф гапининг бу қисми кичик ҳарф билан бошланган. Охириги кўчирма гап аввалги гапдан мустақил дарак гап бўлгани учун, катта ҳарф билан бошланган. Унинг охирида қўштирноқ ёпилгач, ташқарида нуқта қўйилган. Биринчи кўчирма гап охирида вергул қўйилиши иккинчи кўчирма гапининг катта ҳарф билан бошланиши учун роль ўйнамайди. Чунки биринчи кўчирма гап охирига вергул қўйилгани билан у тугал гапдир. Шунга кўра, кейинги кўчирма гап катта ҳарф билан бошланиши керак. Бундай ўрнида нуқта ўрнига вергул қўйилиши ҳақида юқорида айтган эдик. Агар аввал кўчирма гап келиб, кетидан муаллиф гапи ва яна кўчирма гап берилгани ҳолда, охири муаллиф гапи билан тугалланса, у қўштирноқни очиб, катта ҳарф билан бошланади. Кетидан, одатдагига кўра, вергул ва тире қўйилиб, кичик ҳарф билан муаллиф гапи бошланади. У қайд этилгач, яна вергул ва тире берилади. Кейинги кўчирма гап яна катта ҳарф билан бошланади. Ундан кейин гапининг тиниш белгиси қўйилиб, қўштирноқ ёпилади ва тире қўйилади. Охириги муаллиф гапи яна кичик ҳарф билан бошланади, кетидан нуқта қўйилади. Чизмаси: «Кўч. гап,— муал. гапи.— Кўч. гап», (Кўч. гап?)—муал. гапи. Масалан: *«Фойдали гиёҳларнинг номини ҳам биларсан,— устоз унинг қўлидаги бир ўтти бармоғи билан кўрсатиб— Бу нима?»— деб сўради.* Бу мисолдаги биринчи фойдали гиёҳларнинг номини ҳам биларсан кўчирма гапи қўштирноқ очилгандан кейин катта ҳарф билан бошланди ва у дарак гап бўлгани учун, кетидан вергул ва тире қўйилди. Кейин муаллиф гапи кичик ҳарф билан бошланиб, вергул ва тире қўйилди. Иккинчи *Бу нима?* кўчирма гапи катта ҳарф билан бошланиб, кетидан сўроқ бел-

гиси берилди. Чунки сўроқ гап эди. Кейин қўштирноқ ёпилгач, тире қўйилиб, муаллиф гапининг давоми қайд этилди ва нуқта қўйилди.

Юқорида қайд этилган қўшма гап қурилмаларидан бир қатор қонуниятлар кўзга ташланади. Қўштирноқ гапнинг кўчирма қисми олдида бошланиб, охириги кўчирма қисмидан кейин ёпилади. Ундан аввал ёки кейин келган муаллиф гапи қўштирноқдан ташқарида қолади, ўртадагиси эса унинг ичида бўлади. Кўчирма гап қурилмасини бирлаштирувчи муаллиф гапи фақат битта бўлиб, у бир жойда берилиши ёки икки жойга бўлиб берилиши мумкин. Кўчирма қисми учун гап миқдори жиҳатидан миқдорий чегара йўқ. Муаллиф гапи фақат бошида келса, катта ҳарф билан, қолган ўринларда кичик ҳарф билан бошланади.

1- текширув иши

Дефис (-) тиниш белги ҳисобланса ҳам, у, асосан, имло қоидаларига бўйсунган ҳолда қўлланади. Шунинг эътиборга олиб, дефис имлосини, яъни қўлланиши юзасидан текширув ишини биринчи ўринда келтирдик.

1- §. Баъзан юкламалар боғловчи вазифасини ҳам бажаради. Бундай юкламалар ўзи бирга келган сўздан дефис билан ажратилиши ҳам, ажратилмаслиги ҳам мумкин. Бу эса юкламаларни шу сўздан тик чизиқча билан ажратиб кўрсатдик. Сиз имлога риоя қилган ҳолда қуйидаги матнни кўчиринг. Агар боғловчи вазифасидаги юклама сўз жуфтлиги ўртасида қўлланмай қолса, дефис қўлланиши имлоси ёки бошқа тиниш белгилар қўлланиши қандай бўлади? Матнни кўчирингда бунга ҳам эътибор қилин.

Салдан кейин Маллаевнинг гап сўзлари ғашимга тегмай қўйди. У ёз бўйи тўй /у томошалар билан банд бўлди. Гурунг мавзуи ҳам, боя айтганимиздай, об-ҳаво/ю нарх-наво хусусига оққан эди. Тўрт томон қир-адир/у, тоғ/у тош, кимга зарур? Жиндай вақт топса, рўзғори/ю бола чақасига андармон. Таниш/у билиш-лар бир-бир келиб, Соатовни табриклай бошладилар. Адашган/у қайтиб на ота/ю онасини, на эл/у юртини кўрган. Онаминг юртини гоҳ зор/у интизор бўлиб, гоҳ умидсизликка тушиб, сабр чидам билан узоқ изладим.

Поёнисиз пахтазорлар яшил тутзорлар, боғ/у боғчалар, қадимий сардобалар, паст баланд қид-адирлар ортада қолди. Янги топишган қариндошларимиз бизни шовқин сурон иззат/у икром билан олиб кетишди. Сарупо сурук иззат икром билан кузатиб қўйишди. Дастурхонда жийда-ю писта бодом/у анор/у узум кабилар мўл/у кўл эди. Қир адирда ўтлар меннинг қўй/у қўзим. Келган меҳмонни лоақал чой/у нон билан сийламоқ — ўзбек одати бўйича, фарз.

2-§. Юкламаларнинг айримлари нутқда сўз билан бирга келиб, ёзувда ундан дефис билан ажратиб ёзилди. Бироқ, бизга маълумки, юкламаларнинг ҳаммаси ҳам шундай имлога эга эмас. Бунинг устига, бирга қўлланган сўзларидан дефис билан ажраладиган юкламалар айрим қўшимчаларга товуш тузилиши бир хиллиги жиҳатидан жуда ўхшаб кетадилар. Сиз шундай юкламаларни қўйидаги матндан аниқланг. Матни кўчираётганда уларни бирга қўлланган сўзларидан дефис билан ажратиб ёзинг.

Бош чайқаб, мийиғида кулиб қўярди/да, ювингани кириб кетарди.— Чой ичарсиз?— деб сўради аллақандай бир бегона оҳанг/да. Шу билан ишхонангиздагилар бизниқига яна қачон келишади/ю. Мен ҳам сизга уйлангунча қандоқ безорни эдим, эсингизда/ми? У Раҳматулланинг йиғирмасини жуда катта қилиб ўтказмоқчи. Бўям энди қирқ йилда бир эшак ўйини дегандек бир гап/да.— Анқовсан,— деб камситарди уни ҳар гап да. Ер ҳайдаш мавсумида трактор/чи асосий куч ҳисобланади. Кечаги мола қўшилган трактор/чи, у ҳисобдан ташқари/ми? Хотини: «Улар сизни бир тийинга олмайди»,— демоқ/чи эди, демади. Аёлнинг тунги ғамзаларига қайси эркак дош берибдики, Раҳматулло дош берсин!»— Ҳа, дарвоқе, сиз буни билмабсиз/а?— Келдим,— деди у уйга кир/а. Уф! Тагин сўрайди/я! Дадангиз темирчимас/ки! Бир қисса / ким, бунинг сўнгида севишганлар топишгусидир. Ўзимизнинг Шодасой лолалари эсингда/ми, ўтдек ёнарди/я! Отабек Зайнабнинг юзидаги маъюсликни кўриб/оқ билди.

3-§. Сифатларнинг кучайтирувчи даража кўрсаткичи чизиқча билан ажратилади; яъни, *яп-яланғоч* каби. Бироқ бундай имло қондаси ҳамма ҳолларда ҳам татбиқ этилмайди. У қўшилмаслиги ҳам мумкин. Қўйида-

ти мисолларни кўчириб ёзар экансиз, тик чизиқча билан ажратилган такрорланувчи қисмни имлога кўра, ё дефис билан ажратиб, ё зарур бўлмаса, ўзагига қўшиб қайд этинг.

Нозимахон... қоп/қора сунбул сочларини кестирмаганида, албатта тақимини ўпарди. Поезд чўлдан кўм/кўк водийга бирдан ўчиб кирди. Ҳамма ёқ сув қуйгандек жим/жит эди. Иккала кўзининг жияклари ағдарилган, авра-астарлари қип/қизил қонталаш. Ҳаёт барчага баб/баравар ризқ-рўз улашаверар экан. Бу гал оп/оқ гуллаб ётган ковул устига чалқанча йиқилди. Ариқдаги тип/тиниқ сувнинг остигача кўринарди.

4-§. Маълум сўзлар қисқартирилиб, бирор сўзга қўшиб қўлланса, ёзувда ўша сўздан ажратилади. Бироқ бу имло ҳамма қисқарган сўзларга хос эмас. Имлодаги шу қоидага эътибор берилган. Қуйидаги матни кўчириб ёзар экансиз, ажратиб турувчи чизиқчани олиб, ё ўрнига дефис қўйинг, ё қисқарган сўзни аввалги сўзга қўшиб ёзинг, ё шундай қолдириг:

Кўл/ла созлаб бўлмайдиган яратган ҳайкалимни. Заҳр/ила жонимни олмоқ сен учун шуҳратми/кан? Сиз/чун менинг юрагимда нур йўлингизни ёритсам дейман. Фақат сен/мас мени алдаган. Сўзларингга қилиб риюя, қўлларимни чўзган/дим сенга.

5-§. Айрим сўзларнинг ўзаги такрорий бўлиши ҳам мумкин. Бундай такрорий ўзақлари баъзан чизиқча билан ҳам ажратилади. Бу қоида нимага асосланишини эсланг. Матни кўчириб ёзар экансиз, чизиқчаларни ўрнидан олиб ташлаб, имлога кўра, ё қисмларни қўшиб ёзинг, ё чизиқча билан ажратинг:

Э, ана шунақа папалаб худо урдирворгансиз-да болаларни. Раҳматулла ич/ичидан ният қилди. Терилган олмаларни хил/хиллаб яшиқларга тахланади. Уйга ногоҳоний кириб қолган товукни ҳамма атрофдан киш/кишлади. Ҳисобсиз кўч/кўчлар жуда жонга тегиб кетган эди. Оти олиб қочган аравакаш йўл бўйи одамларга ҳай/ҳайлаб келарди. Кўчадан бир тўда шўх йиғитларнинг тўхтовсиз қаҳ/қаҳлаган кулгиси ва қий/қирғини эшитилар эди. Улфатларнинг бу хил ич/ичлари уни аллақачон издан чиқариб бўлган эди. Гувиллаб ёнаётган ўтнинг чирс/чирси тез ўчди.

2- текширув иши

1-§. Қуйидаги матн билан танишинг ва қўйилмай қолган вергулларни тиклаб, кўчиринг:

Ҳечқиси йўқ ахир тожикларнинг қиши шунақа-да. Лекин узоқ сафарга халақит бермайди аксинча жуда қулай. Ҳаво тиниқ ғуборсиз салқин бўлади. Мен лам-почкани ёқиб республиканинг турли бурчақларидан келган хатларни кўздан кечира бошладим. Афгани қор эмас туман босган эди. Ленинграддаги икки йиллик савдо курсини битириб тақсимот бўйича Қўрғонтепага келган экан. Ҳаммасини билиб оламиз ўртоқ Давронов. Фирдавсий Ҳофиз Жомий Ҳулолий ва бошқа классиклар бундай мазмунни турлича ифода қилганлар. Мен ёлғиз эмас эдим, албатта. Алимардон бирорта ашула айтиб бер! Эҳтимол ўн етти ёшда бўлсам керак. Ёқимли шамол билан ҳар хил гул ўтларнинг муаттар ҳиди димоққа урилар эди. У шеърхонликдан ташқари Қоратоғ Ҳисор Денов Бухоро шаҳарлари ҳаётдан сўзлаб берарди. Йўқ у бойлар хизматида бўлган эмас. У баёнлардан кўрқмай уларга қарши шеърлар тўқирди. Улар худодан ҳам, бандасидан ҳам кўрқмайди. Ҳақиқатда эса уни одамлар мазах қилиб кулар эдилар. У ғазаланиб бизларни қувар эди, аммо бирортамизни қўлга туширолмасди.

2-§. Қуйидаги матн билан танишинг ва қўйилмай қолган тирени тиклаб, кўчиринг:

Қорасирт ва қўшни қишлоқ камбағалларининг кўпчилиги улардан қарздор. Абдуғани озғин, серсоқол, камбағал бир деҳқон. Улоқ эпчил кишиларнинг кураши мусобақаси. Мулла Жўра жуда кексайиб қолган киши. Мулла Жўра маърифатпарвар олим, классик назмининг қадрдонни. Португалиядаги кўпгина кексалар уйларнинг подъездларида ёки кўчаларда очиқ ялангликда тунашга мажбур бўлмоқдалар. Ойингнинг синфдоши дугонаси бўлган боқча онанг эса дугонасига яхши кўриниш учун сени беғубор болалик заминдан юлқиб олиб, сен учун бегона ва зарарли заминга манманлик ва кибру ҳаволик илдиз отадиган ерга ўтказиб қўйди. Яхши дам меҳнатга ҳамдам. Тошкент дўстлик шаҳри. Богимиз-

да олма, нок, шафтоли, гилос ҳамма мевали дарахтлар гуллади. Қарим девонанинг Низомий, Навоий, Ҳофиз, Бедил ва бир қатор шоирларни ёд билиши катта истеъдод ва талантидан дарақ беради. Қайта қуриш даври талаби. Ҳамманинг нигоҳи ўртада рақс тушаётганларда Султон бу йиғитларнинг исмидан бошқа ҳеч нарсани кимлигию Қодирқулга қандай алоқаси борлигини билмади.

3-§. Қуйидаги матнда гаплар ўзаро чиқиқча билан ажратиб қўйилган. Шу гаплардан кўзланган мақсадга эътибор беринг ва шунга кўра чиқиқчалар ўрнига тиниш белги қўйинг. Тиниш белгиларининг турига қараб, гапларни алоҳида рўйхатга кўчиринг.

Энди бу ёғи нима бўлди / Ўрдакларнинг қорнида олтин борлигини билиб қолганми / Шундай бўлса, ўрдакларни кўрсатмаслиги—турган гап / Барчасини сўйиб юборган бўлса-чи/ Ўғ-эй/ Унда/. «ўрдакларим йўқ, сўйиб юборганман»,— дер эди/ Нима қилдик/ Мана бу йил эса амакимникига келган кунимдаёқ ёмон иш бўлган эди/ Ҳамид Нормат бобо билан шаҳарга кетган экан/ Балки у бўлганда бундай бўлмасмиди/ Энди мушуги ўлиб қолганлиги учун мени кечирмаса керак/ Дилшодга нима дейман/ Эҳ, шу Тоживой билан булоққа бормасам бўлар экан-да/ Комил қўли жуда очиқ, танти-да/ Дадаси Гавой оролларида олиб келган норжил деган ёнғоқдан иккитасини кеча менга берди/ Аввал ҳам еганман/ У роса зўр/ Норжил ўзимизнинг ёнғоқдан каттароқ/ Мағзи ҳам жуда лаззатли-да/ Мазаси оғизда қолади/ Мен у берган ёнғоқларни чақишга тушдим/ Соч ўстирган бир йиғит рюмка кўтариб, ўртага тушди/ Ҳайрон бўлдим/ У нима дейиши мумкин/ Тўй бўлса, куёв билан келини табрикларди/ Именина бўлса, туғилган кун билан табрикларди/ Бировни пичоқлаб, қамалиб келганининг йиғинида нима дейиши мумкин/ Раҳмоналининг кўнгли पोшию бўлиб келарди/ Бугун ҳам хотинини доғда қолдириб, ўша жойга борди/ У уйга яқинлашган сари баҳона топишга шошарди/ Кечаги мажлиснинг давоми бўлди деб қўя қолади/ Нега энди Азларов минбардан тушмайди/ Доклад-ку тамом бўлди/ У залга қарайди, жавдирайди, президнумга қарайди, жавдирайди/ Нима бўлди/ Ҳикоямни нима билан тугатай/ Улар шу ҳолда аҳил бўлиб кетишди, десаму, кетидан бир ишкали чиқиб қолса, нима бўлади/

Ишқали чиқмайди/ Ҳзимни танитган эдим, Қўзйвой қучоғини очиб келиб, мен билан кўришиб кетди/ Войбу/ Қовурғаларим қарсиллаб кетди-ку/ Шер деганларича бор/ Шер, шер./ Милиционер уйга киришини ҳам, кирмаслигини ҳам билмай, туриб қолди/ Дарҳақиқат милиционернинг боши қотган эди/ У ўйлаб, ўйлаб, бошини қашиганича орқасига қайтди/ У кетиши билан кўзини ишқалаб Лукмонбекнинг ўзи чиқиб келди/ Юраги ёмонроқлар тўдадан суғирилиб жўнаб қолди/ Лукмонбекнинг ўзи тилга кирди/ Ҳзи нима гап/— Улмаганмидинг/

4-§. Қуйидаги матнда ҳам гаплар ўзаро чизиқча билан ажратиб қўйилган. Бу гаплар эса мақсадга кўра икки тур қўш тиниш белгини талаб қилади. Шу тиниш белгилар нима эканлигини аниқланг ва чизиқча ўрнига уни қўйиб, матни кўчиринг.

Шунга ҳам баҳонами/ Шундай бир бахтсизлик юз берган жойга нима деб киради/ Уғрисан, деб ўликни ушлайдими/ Нима бўлди/ Улик тирилдими/ Ё Лукмонбекнинг арвоғими/ Қани бировдан садо чиқса-чи/ Халқдан ҳам дономидики қайта ишлаб/ Ахир, Султоннинг гуноҳлари озми/ Бу шафқатдан кўнгли таскин топармикин/ Э, бошингизга урасизми уни/

3-текширув иши

1-§. Қуйидаги матни ўқинг ва қолдириб кетилган тиниш белгилар қайси ўринда баён (:), қайси ўринда нуқтали вергул (;), қайси ўринда вергул (,) эканлигини аниқланг. Уларни тиклаб, матни кўчиринг:

Бинодини қандай чаққон қандай саришта-саранжом қандай мазали таомлар пиширади қандай хушсўхбат қандай мажлисоро. Унинг олдига биров дори сўраб келар биров сув ишлари ҳақида сўхбатлашар баъзилар болаларини яхшироқ маҳкамага жойлаш ҳақидаги илтимослари билан бозор қилар бошқалари ариза ёзиб беришни сўрардилар. Бузоқ сипирнинг елинини тумшуги билан туртса у меҳр билан боласини ялайди кўпроқ пийиди мўлроқ сут беради Махендронинг хафалиги ҳам шундай таъсир кўрсатди у бир жиҳатдан Раж-хокхоннинг кўнглини оғритган бўлса иккинчи жиҳатдан боласига муҳаббатини қўзғайди. Билиб турибман сиз

Махендродан аразлаб кетяпсиз қараб туринг кейинча у пушаймон бўлади. Рўзгорда тартиб-интизом қолмади хизматкорлар буюрганни эмас, хоҳлаганларини қилади. Қўз қамаштирувчи бу порлоқ парда остида нозик хассос дил уриб турарди бировга ёқин манзур бўлиш хоҳиши бу аёл қалбини қавжиратмаган эди. Ҳозир унинг олдида бир лаҳзага парда кўтарилди-да, у одатланмаган бир манзарани кўрди бахтиёр оилавий ҳаётни. У мактубни кундузи шовқин-сурон тала-тўполси ичида ўқинмай кўкрак чўнтагига юрагига яқин ерига яшириб қўйди. Майли сиз айтганча бўлади. Лекин бу уйдан ўзларингиз ҳайдаб юбормагунларингизгача шу ерда қоламан. У Махендронинг хонасига кириб кетди ахир билиш керак-да нега у ўзини бирдан «ҳайвон» деб атади бироқ дўстининг хонаси бўм-бўш эди. Уйдан ташқаридаги ҳамма нарсалар нотаниш одамлар одатланмаган шароит унинг жиғига тегиб жаҳлини чиқаргандай туюларди. Бирдан Ашанинг бошига шундай фикр келди эҳтимол Бихари Бинодиниға қаттиқ қуруқ гапиргандир ёки бошқа бирор йўсин билан уни ранжитган шунинг учун бу яна кетиш ҳақида оғиз очиб қолган. У эрининг дуосини мўъжизакор тумор ўрнида қабул қилди фикран холос. Аннапурнанинг муборак оёқларига бош қўйиб Махендросига ҳамвиша бахтиёрлик тилаб дуо қилди. Буни кўриб Аннапурнанинг ташвиши бошқа ўзанга йўналди. Нега илгари Ашанинг этагига ёпишиб олган уни деб ҳатто коллеждаги машгулотларидан воз кечган Махендро эндиликда холасини кўриш учун Банорасга йўл олибди? Бихарининг иши шундай унинг ишини бошқалар бажаради-ю у ўзгаларнинг ҳаётига тумшугини суқиб юради.

2-§. Қўйидаги матнда фақат кўчирма гапли гаплар келтирилган, бироқ уларнинг тиниш белгилари қўйилмаган. Сиз матнни кўчирар экансиз, шу тиниш белгиларини ўз ўрни билан қондада кўрсатилганидай қўйиб чиқинг.

Улар айвон олдиға етганда битта-яримта кўрганни йўқми? деб сўради. Ҳозир нир тонг-саҳарларда жойномозга тиз чўкиб ҳақ йўлдан адашган гумроҳ бандаларингга ғазаб қилма деб худоға нола қиладилар. Энди ўртоқлар деди Ботирали кетишға қўзғалганларни йўлдан тўхтатиб экишни жадаллаш керак. Далилим йўқ деди Бўтабой кўрселик билан Шунга чақирганми-

дингиз? Муса кўса Э, сасмай ўлсин деб яғини силади. У Шўро ҳукумати баҳор ёмғиридай тез ўтиб кетади деб ўйларди. Зарқинлоқликлар Максимни ўрис бўлса ҳам ўзбекдай, кофир бўлса ҳам мусулмондай бола деб аташар, уни ўз кишиларидай ёқтиришарди. У бешоғарини елкага осиб ўлсам шоҳид, ўлдирсам ғози деб қишлоқларга от сурар экан, хаёлидан Саломат нари кетмас эди. У ўзича Бўтага ҳам эмас, менга ҳам эмас деб тасалли берди. Саломат шу ҳақда ўйлар экан, Бўтабой ўз кишилари сафига қайтишга илож топди-ку, нега мен ҳам шу ишни қилолмайман деб ўзича режа тузмоқчи бўларди. Кеча Максим унга Сизни қаердадир кўрганга ўхшайман. Уйингизда отамнинг китобларини кўрдим деган эди. У хотинларнинг дилидагига қизиқмаганим бўлсин деб аҳд этди. Қишлоқда миш-миш гап Одил гипнозчи бўлиб, майдонда томоша кўрсатаётган эмиш. Унинг туғилган жойи қаерда? деб сўраяпсизми? Шу ерда, деган овоз эшитилди. Улар бир оғиздан У рустгўй ва камбағалпарвар шонр экан дедилар. Ашур донио менга Бугун бўлмаса эрта босмачилар тамом қуритилади дерди. Сал хафароқ кўринасиз дедим уни сивамоқчи бўлиб. Чол кўзларимга маъносиз тикилиб туриб Ноинсоф деди. Уртоқларим авжини сен оласан деб қолишди. Бор-э, аравангни торт деб юбордим. Умар меҳрибончилик қилиб, менинг тарафимни олди Кўп қийнама! Овқатини еб олсин! Э, бор-эй! деб кетиб қолмоқчи эдим. Ия деди офицер қошларини кериб ҳалитдан ёлғон гапираяпсанми? Чол узумни шингиллаб қўлимга тутқазиб қўйди. Малол келмаса, сенга битта ишим бор эди. Болам, илло йўқ демайсан. Етай дедикми, ота дедим норози оҳангда. Болам, деди менга қараб тарвузни бу ёққа олиб кел. Директор хижолатлик билан эътироз билдирди. Сотманг, ҳовли сотиш нимаси? Бошқа бирон иложини топиш керак. Миллиционер менга қаради. Сен бола, нима қилиб шаҳар кезиб юрибсан? Қалламга дарров баҳона келди. Имтиҳондан йиқилдим. Уйқум қочиб кетди. Э деди у ачиниш бу ишнинг чакки бўлибди.

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

ОҒЗАКН ИМТИҲОН УЧУН ҚўЛЛАЙМА

Сўз боши

Олий ўқув юртлари учун албатта, ўзбек тили ва адабиётидан имтиҳон қўйилган, бироқ, асосан, оғзаки имтиҳон филология, журналистика, ҳуқуқшунослик, мактабгача тарбия каби бир неча факультетларгагина белгиланган. Бунда билетнинг III саволи ўзбек тили грамматикасига бағишланган бўлиб, биттадан гап грамматик таҳлил этилиши сўралади. Бу гап аввал морфологик, кейин синтактик таҳлил қилиниши керак. Олий ўқув юртлари талабига кўра таҳлил қандай бўлиши кераклиги қуйида аниқ қилиб кўрсатиб ўтилади. Кирувчилар албатта шунга амал қилиши керак.

Грамматик таҳлил ўрта мактаб дастуридан чиқиб кетмайди. Бу қўлланмада шу ўрта мактаб дастурида кўрсатилган доирада грамматик билимлар бериб ўтилди, бироқ фақат таҳлиллар эътиборга олинди. Грамматик ҳодисалар ҳар томонлама олиб кўрсатилмади, балки ҳодисаларнинг ўзини олиб тушунтириш, ўзига хослигини кўрсатиш, мисоллар ичида уни фарқлаб ажрата билиш кирувчилар учун зарурлиги ҳисобга олинди. Ҳодисаларни ёндошларидан назик фарқланишлари асосий ўринни олди. Кирувчиларга оғирлик қиладиган ва олий ўқув юртлари имтиҳонларида талаб қилинмайдиган ўринлар қолдириб кетилди.

Қуйида грамматик таҳлилнинг морфологик ва синтактик томонлари алоҳида кўриб чиқилади.

МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛ. МОРФЕМИКА

Морфологик таҳлилда аввал гаптаги ҳар бир сўзни алоҳида-алоҳида олиб, унинг тузилиши аниқлаб берилди. Сўз эса тузилишига кўра икки турга бўлинди: **сода сўзлар, қўшма сўзлар.**

Сўзлар бир ўзакдан тузилган бўлса, **сода сўз** деб қаралади. Агар у бирдан ортиқ ўзакдан тузилган бўлса, **қўшма сўз** ҳисобланади. Масалан, *ўроқчи, қишлоқ, тош, ишчи* сўзларига эътибор берсак, уларнинг ҳар қайсиенда ҳам бир ўзак бор, яъни *ўроқчи* сўзининг ўзаги *ўр-*, *қишлоқ* сўзининг ўзаги *қили* сўзлари бўлиб, *тош*

сўзининг ўзи ўзакдан иборат. *Ишчи* сўзининг ўзига эса *иш* сўзидир. Кўрдикки, улар маълум бир ўзакка асосланган. Улардан бири фақат ўзакдан иборат бўлиб, қолганларида ўзакка қўшимча ҳам қўшилган.

Гулбеор, *қирқоғайни*, *итоғиз* каби сўзларда эса бирдан ортиқ ўзак мавжуд бўлиб, қўшимча сўзлар ҳисобланади. Яъни, *гулбеор* сўзида *гул* ва *ор* ўзақлари, *қирқоғайни* сўзида *қирқ*, *ога* ва *ини* ўзақлари, *итоғиз* сўзида *ит* ва *оғиз* ўзақлари бор. Кўрдикки, келтирилган уч сўз бирдан ортиқ ўзакнинг қўшилишидан ясалган.

Содда сўзлар ҳам, ўз навбатида, тузилишига кўра икки турга бўлинади: **туб сўзлар** ва **ясама сўзлар**. Туб сўзлар фақат ўзакнинг ўзидан иборатлиги ҳолда, ясама сўз ўзакка бир ёки ундан ортиқ қўшимча қўшилиши орқали ясалган сўз бўлади. Масалан, *тош*, *кел*, *от*, *кўк*, *тез* каби сўзлар ҳисобланади. Чунки бу сўзлар бошқа бирор ўзакдан ясаб олинмаган. Улар бошқа сўз ясалиши учун ўзак вазифасини бажариши мумкин. Ясама сўзлар эса мана шундай туб сўзга қўшимча қўшилиши орқали, яъни туб сўзлар ўзак сифатида олиниб қўшимча воситасида ясалади. Масалан, *кўкла*, *тезла*, *отлиқ*, *келин* сўзлари ясама сўз ҳисобланади. Чунки *кўкла*-сўзи *кўк* ўзагига, *тезла* сўзи *тез* ўзагига *-ла* феъл ясовчиси қўшилиши орқали, *отлиқ* сўзи *от* ўзагига *-лиқ* от ясовчиси, *келин* сўзи *кел*-ўзагига *-ин* от ясовчиси қўшилиши орқали ясалган. Ясама сўзлар фақат ўзакка қўшимча қўшилиши орқалигина эмас, ясама сўзга қўшимча қўшилиши орқали ҳам ясалади. Масалан, *ўроқчи*, *пичоқчи*, *босмачи* каби қўшма отлар ясама сўздан ясалган. Яъни, *ўроқчи* сўзи *ўр*-ўзагига аввал *-оқ* қўшимчаси, *пичоқчи* сўзи *пич*-ўзагига аввал *-оқ* қўшимчаси, *босмачи* сўзи *бос* ўзагига аввал *-ма* қўшимчаси қўшилиб от ясалгач, кейин уларга *-чи* қўшимчаси қўшилиб шахс отлари ясалган.

Қўшма сўзлар қаторида яна жуфт сўз ва қисқартма сўзлар ҳам бор. Қўшма сўзларнинг жуфт сўзлардан фарқи шундаки, улар бирдан ортиқ ўзакдан тузилгани ҳолда, бирорта ўзагининг маъноси ўз моҳиятини ушламайди. Ўзақлар қўшилишидан янги бир маъно юзага чиққан бўлади. Жуфт сўзларда эса ҳар икки ўзак ҳам ўз маъно моҳиятини сақлаб, шу жуфт сўз ўзагининг маънолари биргаликда умумлашма нфода беради. Жамлик, кўплик кабиларни англатади. Бунинг устига

қўшма сўз таркибида умуман бирдан ортиқ, яъни икки ва уч ўзак бўлиши мумкинлиги ҳолда, жуфт сўз таркибида фақат жуфт ўзак бўлади. Масалан, *отқулоқ*, *гул-тожихўроз* сўзлари қўшма сўзлар бўлиб, биринчиси таркибида икки, иккинчиси таркибида уч ўзак бор. Биринчисининг *от* ўзаги ҳайвонни, *қулоқ* ўзаги аъзои англатгани ҳолда, қўшма сўз ҳолида ўсимликни англатади. Иккинчисининг *гул* ўзаги ўсимлик тури, *тож* ўзаги ўсимта, *хўроз* ўзаги парранда турининг эркаги кабиларни англатса, улар бир қўшма сўз ҳолида ўсимлик турини англатади. *Қозон-товоқ* жуфт сўзининг таркибида фақат жуфт ўзак бор. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ўз маъно моҳиятини сақлаган. Шу билан бирга, қозон ва товоқ ёнидаги қоса, чўмич, қошиқ кабиларни ҳам қўшиб ифода этган.

Қўшма сўзлар билан қисқартма сўзлар ҳам маъlum фарқларга эга. Қисқартма сўзлар ҳам аслида худди қўшма сўзларга ўхшаб бирдан ортиқ ўзакка эга бўлади. Бироқ улар тўлаллиги билан қўлланмай, уларнинг ё бош товуши, ё бош бўғини, ё умуман дастлабки қисмларини олиниб, бир бутун ҳолатда қўлланади. Қисқартма сўзларнинг ўзига хос томонлари яна шундаки, унинг таркибидаги ўзақлар умуман сўз қимматида бўлиб, маъно қимматини ҳам сақлаган бўлади. Шу билан бирга, у қисқартирилмаган ҳолатида кўпроқ турғун бирикмага тенг келиб, фақат от туркумида келади. Шунинг учун уларни деярли қисқартма от деб қаралади. Тилишуносликда эса аббревиатуралар деб номланади.

Улар гап ичида таҳлил қилинар экан, уларнинг амалосига ҳам эътибор берин зарур. Қўшма сўзлар деярли қўшиб, баъзангина ажратиб ёзилади. Масалан, *бугорбўйин*, *бангидевона*; *ҳар бир*, *соф дил* каби. Жуфт сўзлар ўртасига эса дефис (-) қўйилади. Масалан, *баланд-паст*, *борди-келди*, *идиш-товоқ* каби. Қисқартма сўзлар сўзининг биринчи товушидан иборат бўлса, катта ҳарф билан, дастлабки қисмидан иборат бўлса, кичик ҳарф билан ёзилади. Масалан, *БМТ*, *ТДПИ* каби.

Сўз бир ёки бир неча ўзакдангина иборат бўлмаб, унда қўшимчалар ҳам бўлиши мумкин. Бу қўшимчалар ҳам ранг-баранг турлича эканлиги кузатилади. Шунда кўра гапдаги сўзлар бир неча маъноли қисмларга бўлинади. Масалан, *проқчаларга* сўзи *пр+оқ+ча+лар+* га ҳолида беш маъноли қисмга ажратилади. Уларнинг биринчиси ўзак ҳисобланиб, қолганлари қўшимчалар-

ди иборат. Ўзак билан қўшимча, турган гапки, туб фарққа эга. Ўзак сўзнинг асосини ташкил қилади ва сўз маъноси ҳам шу ўзак маъносига таянади, у асосида келиб чиқади. Қўшимчалар эса шу ўзакка қўшилиб келгандагина қўлланади; ўзак маъносига асосланган ҳолда маъно беради, унинг маъносига қўшимча маъно илова қилади. Юқоридаги сўзга эътибор берсак, ўзак *ши* ифодасини берган. Ундан кейинги *-оқ* қўшимчаси эса ўзакдан англашилган ишни бажаришда восита бўлувчи асбобни кўрсатадиган маънони илова қилган. Яъни, ўзак *ўр-* иш ифода этган бўлса, *-оқ* қўшимчаси ўша ишни бажариш воситаси ҳисобланган отни ясаган. *-чи* қўшимчаси ўша отдан англашилган маънони кичрайтириб ифода этган. *-лар* қўшимчаси ўша асбобнинг миқдори ортиқлигини кўрсатган. *-га* қўшимчаси эса ўша отдан англашилган нарсаларга қандайдар ҳаракат қаратилганлигини англатиб, шу сўз ҳаракатини ифодалаган сўз томонидан бошқарилганлигини билдирган, тўғривоғи, бошқариллишининг кўрсаткичи вазифасини ўтаган.

Кўрдикки, сўз маъноли қисмларга бўлинар экан, бу маъноли қисмлар ўзак ва қўшимчалардан иборат икки турга бўлинади. Ўзак сўз маъносида етакчи бўлиб, қўшимча унга яна бир маъно илова қилади. Қўшимчалар ҳам ўз моҳиятига кўра уч типга бўлинади: 1) сўз ясовчи қўшимчалар; 2) шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар; 3) сўз ўзгартувчи қўшимчалар. Уларни туб моҳиятига кўра олиб қарасак, биринчи тип қўшимчалардан иккинчи ва учинчи тип қўшимчалар туб фарққа эга, ўзаро эса бир-бирига жуда яқин. Биринчи тур, яъни ясовчи қўшимчалар ўзакка қўшилгандан кейин, гарчи у ўзак маъносига қўшимча маъно илова қилган бўлса ҳам, сўз маъноси моҳиятида ўзгариш кечади-ю. Бир туркумга хос маънодан иккинчи туркумга хос маънога ҳам ўтиши ёки ифодаланган нарса томонан бошқа бўлиши ҳам мумкин. Масалан, юқоридаги мисолга эътибор берайлик. У сўзнинг ўзиги *ўр-* бўлиб, иш билдиради. Унга *-оқ* ясовчи қўшимчаси қўшилган, энди сўз маъноси иш иш эмас, асбобни билдиради. Аммо қўшимча, юқорида айтганимиздай, ўзакдан англашилган иш маъносига уни бажариш воситаси бўлган асбоб, қурол маъносини илова қилган. Бари бир, энди сўз маъноси аввалгидай иш-ҳаракат эмас, конкрет нарса. Бу ясама сўзга яна ясовчи қўшиш мумкин: *ўроқ-чи*. Бу *-чи* қўшимчаси ҳам

Ўзи қўшилган сўз маъноси моҳиятини ўзгартиб юборган. *-чи* қўшимчаси қўшилгач, сўз аввалгидай асбобни эмас, балки шахсни ифодалайдиган бўлган. Шунга қарамай, бу қўшимча ҳам негиздан англашилган асбоб маъносига у билан иш кўрувчи шахс маъносини илова қилган.

Шакл ҳосил қилувчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчалар эса ўзи қўшилган сўз маъноси моҳиятини ўзгартирмайди, балки фақат қўшимча маъно илова қилиш билан чегараланади. Юқоридаги *ўроқ+ча+лар+га* мисолидаги ажратиб кўрсатилган қўшимчаларга эътибор бериш мумкин. Уларнинг ҳар бири ҳам сўздаги асбоб маъносини ўзгартирмайди, балки унга қўшимча маъно илова қилиш билан чегараланади. Шунга қарамай, шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар билан сўз ўзгартирувчи қўшимчалар ўзаро фарқ қилади. Шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар ўзақ маъносига қўшимча маъно илова қилар экан, соф морфологик доирада, яъни шу сўзнинг ўзида ифода топади. Масалан, *ўроқ* сўзнинг маъносига *-ча* қўшимчаси кичрайтириш маъносини илова қилган. У қўшилгач, *ўроқ* сўзида ифодаланган асбоб нормал эмас, балки кичик эканлиги англашилади. *-лар* қўшимчаси қўшилгандан кейин эса ўзақ маъносига кўплик маъноси илова қилинади. Яъни у қўшилгач, *ўроқча* сўзида ифодаланган кичик асбоб битта эмас, балки кўп эканлиги англашилади. Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар илова қиладиган қўшимча маънолар хусусияти бундай эмас. Уларнинг қўшимча маъноси эса шу сўзнинг бошқа сўз билан муносабатда эканлик хабарини беради. Масалан, *ўроқчаларга* сўзнинг сўнгги қўшимчаси маъносига эътибор бериш мумкин. Унда сўздан англашилган нарсаларга қандайдир ҳаракат қаратилганлиги ифода топган. Яъни: *ўроқчаларга қарамоқ*. Бу ўринда *-га* қўшимчаси *қарамоқ* сўздан англашилган ҳаракат *ўроқчалар* сўздан англашилган нарсаларга йўналганлигини билдиради ва феъл отини бошқариб келганлигининг кўрсаткичи вазифасини ўтайди. Умуман келишиқ ва эгалиқ қўшимчалари шу вазифани бажаради. Улар сўз ўзгартувчи қўшимчалар ҳисобланади. Эътибор бering: *столнинг оёғи, оёғини қирқмоқ, оёғига уламоқ, оёғида тутмоқ, оёғидан тутмоқ; менинг оёғим, сенинг оёғинг, унинг оёғи, бизнинг оёғимиз, сизнинг оёғингиз, уларнинг оёқлари; мен келдим, сен келдинг, у келди, биз келдик, сиз келдингиз, улар*

келдилар ва ҳоказо. Бу бирикмаларда келишик ва эгалик қўшимчалари икки сўз боғланиши учун восита вазифасини бажарган.

Ўзакка ясовчи қўшимча қўшилгач, янги сўз ясалади. Ясама сўз ҳосил бўлади. Ясама сўзга ҳам, юқорида қайд этганимиздай, ясовчи қўшимча қўшилиши, янги сўз ясалиши ҳам мумкин. Бунда қўшимча ўзакка эмас, балки негизга қўшилган бўлади. Қўринадики, ўзак билан негизни фарқлаш керак. Ўзак, юқорида айтганимиздай, сўз маъноли қисмларининг асосини ташкил қилувчи қисмидир. Негиз эса сўзнинг қўшимча қўшилгунгача қисми ҳисобланади. Масалан, *-оқ* қўшимчаси учун *ўроқ* сўзида *ўр-* ўзаги негизга тенг бўлиб келган. *Ўроқчи* сўзида эса *ўроқ* қисми *-чи* ясовчи қўшимчаси учун негиз вазифасини ўтайди. *Ўроқчилар* сўзида эса *-лар* қўшимчаси учун *ўроқчи* қисми негиз саналади. Аммо *ўроқчилардан* сўзида эса негиз *ўроқчилар* эмас, балки *ўроқчи* қисмининг ўзи бўлади. Чунки негиз таркибига сўзнинг шакл ҳосил қилувчи ва сўз ўзгартувчи қисмлари кирмайди.

МОРФОЛОГИЯ

Морфологик таҳлилда гапдаги ҳар бир сўзни алоҳида-алоҳида олиб, яна улар туркумини аниқлаш ва шу туркумга хос маъно кўрinishлари, қўшимчаларини кўрсатиш керак. Сўз туркумлари ўзбек тилида, ўрта мактаб дарсликларинда қайд этилишича, ўн иккита: от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, кўмакчи, боғловчи, модал сўз, юклама, ундов, тақлид сўз қабилардан иборат.

Мактаб грамматикасида предметнинг номини билдирадиган сўзлар туркуми *от* деб аталади, деб кўрсатилган. Бу ўринда «номини билдирадиган» дейилган иборага алоҳида эътибор бериш керак. *От* сўзи номига кўра ҳам отдир. У ҳар бир нарсанинг отини билдиради. Қондада кўрсатилган предмет сўзини кенг маънода тушуниш керак. Предмет буюм, нарса, шахс бўлиши ҳам (*қоғоз, варақ, саҳифа; кийим, калош, туфли, теши; обам, бола, ота* сўзлари каби); жой, сатҳ бўлиши ҳам (*тепа, ўтлоқ, қумлик, қишлоқ* сўзлари каби); ҳаракат, ҳолат, кечинма бўлиши ҳам (*севги, ғам, пойға, тинчлик* сўзлари каби) мумкин. У ниманинг оти бўлса ҳам отдир. Отлар ким ва нима саволларига жавоб бўлади.

Сифат деб белгини билдирадиган сўзлар туркумига аталади. У ранг-тус (*оқ, қизил, яшил* сўзлари каби); хусусият, характер (*қаттиқ, қалин, қув, муғамбир* сўзлари каби); кўлам (*баланд, узун, энли* сўзлари каби); эгалик, хослик (*ақлли, тузсиз, ашёвий* сўзлари каби) ва ҳоказо белгиларни билдириши ҳам мумкин. Сифатларга хос хусусиятлардан бири улар доимо отларга боғланиб, улар олдидан келиши ва кесим вазифасида қўлланишидир. Масалан, *майин овоз* ва *овоз — майин* бирикмаларидаги каби. Улар қандай?, қанақа? сўроқларига жавоб бўлиб келади.

Сон деб эса предметнинг сон-саногини, таркибини, чамасини билдирган сўзлар туркумига айтилади. Улар *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, қирқ, эллик, олтимиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг* сўзларидан иборат бўлиб, яна шу сўзлардан ясалган *биринчи, иккинчи, ўнлаб, юзларча, мингларча, бешталаб; ўнталаб* каби сўзлардир. Шу йигирмата сўздан тузилган мураккаб сонлар ҳам бўлади, яъни *минг тўққиз юз саксон етти* каби.

Олмош деб от, сифат, сон туркумига оид сўзлар ўрнида қўлланиладиган сўзлар туркумига айтилади. Олмош дейилганда унинг ўз маъносига эътибор бериш керак. У бошқа сўзлар ўрнида алмашиб келувчи сўздир. Яъни, *Аҳмад келди* ўрнида *У келди* дейилса, *у* олмоши от ўрнида; *яхши гапирди* ўрнида *шундай гапирди* дейилса, *шундай* олмоши сифат ўрнида; *юз бола* ўрнида *шунча бола* дейилса *шунча* олмоши сон ўрнида келган деб қаралади.

Феъл деб эса иш, ҳаракат, ҳолатни билдирган сўзлар туркумига айтилади. Иш, ҳаракат ҳолат дейилганда иш билдирувчи (*қоқмоқ, ёқмоқ, очмоқ* каби) сўзларни; ҳаракат билдирувчи (*юрмоқ, қимирламоқ, оқмоқ, киришмоқ* каби) сўзларни; ҳолат билдирувчи (*лалаймоқ, қаққаймоқ, толиқмоқ* каби) сўзларни нигоҳ билдирувчи (*кўрмоқ, тикилмоқ, бақраймоқ* каби) сўзларни; сезги билдирувчи (*эшитмоқ, билмоқ, тотмоқ* каби) сўзларни; тақлид-тасвир билдирувчи (*тақирламоқ, жимирламоқ, гумбурламоқ* каби) сўзларни тушунилади. Феълларга хос хусусият шундаки, у кўпроқ кесим вазифасида келиб, сифатлардан ташқари барча туркумдаги сўзлар билан бирикади.

Равиш иш-ҳаракат, ҳолатнинг белгисини билдирган сўзлар туркумидир. Улар деярли феълларга боғланиб,

иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиши қай ҳолда, қачон, қаерда, қай даражада ёки миқдорда эканлигини билдиради. Айрим равишлар сифатга боғланиб келиши ҳам мумкин. Улар қандай?, қачон?, қаерда?, қаердан?, қаерга?, қанча? каби сўроқларга жавоб бўлади. Кўп жиҳати билан, кўпроқ белги ва хусусият билдириши билан равишлар сифатларга жуда ўхшаб кетади. Лекин сифат отга, равиш феълга боғланиб келиши билан ўзаро фарқ қилади. Улар кўрсатилган жиҳатлари сабабли бир-бирларининг вазифасида қўлланиши ҳам табиий. Масалан, *яхши гапирди* бирикмасида *яхши* сифати равиш вазифасида, *тез одам* бирикмасида эса *тез* равиши сифат вазифасида қўлланган. Фақат сифат билан равиш туркумидаги сўзлар бирининг вазифасини иккинчиси бажариб келмайди. Сифат от вазифасида қўлланиши ҳам кузатилади: *яхшилар кўнайсин* бирикмасида эса *яхши* сифати от вазифасини бажарган. От сифат вазифасида келади. *Гунафша сиёҳ* бирикмасида *гунафша* оти сифат вазифасида келиб, ранг билдирган.

Мустақил маъноли сўзлар туркуми шу от, сифат, сон, олмош, феъл, равишлардан иборат бўлиб, гапда маълум бўлак вазифасини ўташи ва уларнинг қайси бири қайси туркумдаги сўз билан бирикшига қараб ажратиб олинади. Қолган сўзлар туркуми эса ёрдамчи сўзлар деб қаралиб кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар, модал сўзлар, ундовлар, тақлид сўзлар номи билан аталади. **Кўмакчилар** от, олмош, ҳаракат номи, сифатдошлардан кейин келиб, уларнинг бошқа сўзга тобеланиш билан боғланишини билдирадиган ёрдамчи сўзлардир. У қайси сўздан кейин келса, ўша сўз билан биргаликда бир сўроққа жавоб бўлади, ўша сўз билан бирга гапнинг бўлаги бўлиб келади. Кўмакчилар вазифаси жиҳатидан келишикларга ўхшайди. Шунинг учун баъзан унинг ўрнида келишик қўшимчаси ёки у келишик қўшимчаси ўрнида қўлланиши мумкин. Масалан, *қалам билан ёздим* ёки *қаламда ёздим* каби. Бироқ ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Масалан, *қунт билан ўрганмоқ* бирикмасидаги *билан* кўмакчисини келишик билан алмаштириб бўлмайди. Улар бирга қўлланиши ҳам мумкин, яъни *уйга томон кетди* бирикмасида ҳам келишик, ҳам кўмакчи бор.

Боғловчилар гапнинг уюшиқ бўлақларини ва қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлардир. Кўринадикки,

Боғловчилар бир сўзни иккинчи сўзга тобеламайди, балки боғлайди. Бу сўзлар, яъни боғловчи орқали боғланган сўзлар, гапда тенг ҳуқуқли, бир хил бўлак вазифасида бўлади. Қўмакчилар воситасида боғланган сўзлар эса бири иккинчисига тобеланиб, гаптаги бирининг вазифаси билан иккинчисининг вазифаси бир хил бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, боғловчи орқали боғланган сўзлар деярли бир туркумда бўлгани ҳолда, кўмакчилар орқали боғланган сўзлар эса бир туркумда бўлиши шарт эмас. Юқоридаги мисоллар ҳам шунини яққол кўрсатади.

Юкламалар эса мустақил сўз ва гапларга қўшимча маъно берадиган ёрдамчи сўзлар ва қўшимчалардир. Улар сўз ёки гапларга қўшилиб, сўроқ, таъкид, айирув, чегаралаш, кучайтириш каби қўшимча маъноларни билдиради. Масалан, *Сен келдингми? Қандай яхши эди-я?* каби гаплардаги *-ми, -я* қўшимчалари; *Сувга лиқ тўла. У худди шу ерда бўлган* гапларидаги *-лиқ, худди* сўзларни юкламалардир. Чунки улар ўзи қўшилган сўз ёки гапга сўроқ, таажжуб, таъкид маъноларини илова қилган.

Модал сўзлар сўзловчининг ўз фикрига муносабатини билдирувчи сўзлардир. Масалан, *эсга тушса ачинаман, албатта* гапидаги *албатта* сўзи модал сўз бўлиб, у гапдан англашилган мазмун шубҳасиз эканлиги ҳақидаги сўзловчи муносабатини кўрсатапти.

Ундовлар эса кишиларнинг ҳис-туйғулари, буйруқ-хитобларини, ҳайдаш-чақиришларини билдирувчи сўзлар ҳисобланади. Масалан, *Оҳ, дедим, оввора бўлдим*, гапидаги *оҳ* сўзи, *Беҳ-беҳ! — деб товуқларни донга чақирарди* гапидаги *беҳ-беҳ* сўзи ундовлар бўлиб, уларнинг биринчиси туйғу, иккинчиси чақириш маъносини билдиради.

Тақлид сўзлар эса жонли ва жонсиз предметлар ва ҳодисалар чиқарган товушга тақлидни ёки улар ҳаракати тасвирини билдирадиган сўзлардир. Масалан, *Шамол юзга ғир-ғир урар* гапидаги *ғир-ғир* сўзи; *Нигоранинг киприклари пир-пир қиларди* гапидаги *пир-пир* сўзи тақлид сўзлар бўлиб, биринчиси енгил шамол товушига тақлидни, иккинчиси киприк ҳаракати тасвирини ифода этган.

ОТ

Гаптаги сўзларнинг морфологик таҳлили, турган гапки, уларнинг туркумини аниқлаш билан чегаралан-

майди. Ҳар бир сўзнинг қайси туркумга оидлиги белгилангач, уларга хос маъно турлари ва қўшимчалари қайси категория шакли эканлиги ҳам кўрсатилиши керак. Масалан, сўз от туркумига оид бўлса, унинг маъносига кўра ва тузилишига кўра қандай отлиги айтилиб, қайси шахс, қайси сон, қайси келишик қўшимчаси олганлиги кўрсатилади.

Отлар маъносига кўра икки турга бўлинади: 1) этоқли отлар; 2) турдош отлар.

Атоқли отлар бир хилдаги предметлардан бирини ажратиб кўрсатадиган отлардир. Улар маълум шахс, бирор жой, тарихий ҳодиса, дарё ва денгиз кабилардан бирининг номи бўлади. Масалан, *Расул, Москва, Ҳимолай, Балхаш, Чирчиқ* каби отлар атоқли от ҳисобланади. Чунки шахслар кўп, лекин бирининг оти *Расул*, шаҳарлар бир турли жойлар бўлиб, бирининг оти *Москва*; кўллар сув ҳавзаларининг бир тури, лекин улардан бири *Балхаш* ва ҳоказо.

Турдош отлар деб бир хилдаги предметлар ва ҳодисаларининг умумлаштирувчи номига айтилади. Масалан, *одам, шаҳар, тоғ, дарё* каби сўзлар турдош отлардир. Чунки дунёда одамлар ҳам, шаҳарлар ҳам, тоғлар ҳам, дарёлар ҳам кўп. Одамларнинг ҳаммаси сутәмизувчилар ичидаги бир хилдаги тур ҳисоблангани учун битта ном билан *одам* деб, шаҳарларнинг ҳаммаси турар жойлар ичида бир хилдаги тур бўлгани учун битта ном билан *шаҳар* деб аталган ва ҳоказо.

Отларнинг маъно турлари ичида кичрайтиш ва эркалаш отлари ҳам мавжуд. Бундай отлар предмет ёки ҳодисаларни одатдагидан кўра кичик эканлигини билдириб ёки эркалаб ифодалаш учун қўлланади. Бундай отлар *-ча, -чак, -чиқ, -лоқ* каби қўшимчалардан бирига эга эканлиги билан ҳам кўриниб туради. Масалан, *китобча, уйча, юлдузча, келинчак, қўзичоқ, қопчиқ, бўғалоқ* каби отлар кичрайтиш ёки эркалаш отларидир. Чунки *китобча* дейилганда оддий китобни эмас, кичик ҳажмли китобни, *келинчак* деб одатдаги келинни эмас, ниҳоятда ёш келинни тушунилган ва ҳоказо.

Отлар тузилишига кўра икки турга бўлинади: 1) содда отлар; 2) қўшма отлар.

Содда отлар бир ўзакдан тузилган бўлиб, қўшма отлар бирдан ортиқ ўзакдан тузилади. Бу ҳақдаги таҳлилни биз юқорида содда ва қўшма сўзлар таҳлиллари

қилганда кўрсатиб ўтган эдик, ҳатто мисоллар ҳам отлардан келтирилган эди. Яъни *ўроқчи* отида фақат *ўр*-ўзати бўлгани учун у содда от бўлиб, *итоғиз* отида *ит* ва *оғиз* ўзаклари бўлгани учун, у қўшма отдир.

Содда отлар ҳам ўз навбатида тузилишига кўра икки турга бўлинади: туб отлар ва ясама отлар. **Туб отлар** фақат ўзакдан иборатлиги ҳолда, **ясама отлар** ўзакка бир ва ундан ортиқ ясовчи қўшимча қўшилиши натижасида ясалган бўлади. Масалан, *тош*, *кўз*, *қўл*, *қўш*. *от* отлари фақат ўзакдан иборат бўлгани учун туб отлар ҳисобланиб, *отлиқ*, *келин*, *ўроқчи*, *босмачи* отлари эса *от + лиқ*, *кел + ин*, *ўр + оқ + чи*, *бос + ма + чи* каби ўзак ва қўшимчаларга бўлингани учун ясама отдир.

Қўшма отларнинг яна бир тури сифатида жуфт отлар ҳам бор. Қўшма отлар билан жуфт отлар, қўшма сўзлар билан жуфт сўзлар қандай хусусиятларига кўра фарқ қилса, шу хусусиятларига кўра ўзаро фарқланади. Масалан, *итоғиз* ва *гултожихўроз* отлари *ит + оғиз* ва *гул + тожи + хўроз* каби икки ва ундан ортиқ ўзакдан таркиб топиб, улар ўзак маъносини сақламай, таъмадан янги маъно ифода этган ва ўзаклари қўшилиб ёзилган. Шунга қараб қўшма от эканлигини англаш мумкин. *Қозон-товоқ* оти эса жуфт ўзакдан таркиб топган бўлиб, шу ўзак маънолари сақлангани ҳолда ўзаро умумлашган ва чизиқча билан ажратилиб ёзилган. Шунга қараб жуфт от эканлигини ҳам англаш мумкин.

Одатда, қисқартма сўзларнинг ҳаммаси ҳам от туркумида бўлади. Бошқа туркумларда қисқартма сўзлар учрамайди.

От туркуми уч категорияга эга: сон категорияси, эгаллик категорияси, келишик категорияси.

От туркумидаги сўзлар **сон категориясига** кўра бирлик ва кўпликка эга бўлади. Бирликдаги отлар ноль кўрсаткичга эга бўлиб, ҳеч қандай қўшимчасиз ўз ифодасини бераверади. Масалан, *дафтар*, *қоғоз*, *барг*, *ёғоч*. *тол* сўзлари ҳеч қандай қўшимчасиз фақат бирликда ҳисобланади. *Мен уйдаги толни кесдим* гапида тол оти бирликда келган. Ундаги *-ни* қўшимчаси келишикка оид бўлиб, бошқа ҳеч қандай қўшимча йўқ. Биз гап маъносига эътибор берсак ҳам худди шундай. Кесилган тол фақат битта. Шунинг учун ҳам уни бирликда деб кўрсатамиз. Кўпликдаги отлар эса *-лар* қўшимчаси билан турланади. Бунинг учун юқоридаги гапни қайта тузишимиз мумкин: *Мен уйдаги толларни кесдим*. Бу

гаптадаги *тол* оти эса кўпликда деб қаралади. Ундаги *-ни* кўшимчаси ҳам келишикка оид бўлиб, *тол* оти ундан ташқари яна *-лар* кўшимчасини орттириб қолган. Биз гап маъносига эътибор берсак ҳам, худди шундай. Келинган *тол* энди фақат битта эмас, бир нечта. Шунинг учун ҳам уни кўпликда деб кўрсатамиз. Кўринадики, бирликдаги *отлар* ноль грамматик кўрсаткичи бўлиб, кўпликдаги *отларининг* грамматик кўрсаткичи *-лар* кўшимчасидан иборатдир.

Отлар **эгаллик категориясига** кўра сўзловчи, тингловчи ва ўзга шахс кўшимчаларига эга бўлади. **Сўзловчи** бу нутқни баён қилаётган киши ҳисобланади. Кўлинигиздаги кўлланмани сизга баён қилувчи **мен** эканман, мен сизга нисбатан сўзловчиман. Мени эшилтаётган эса тингловчидир. Яъни тингловчи сўзловчининг нутқи бевосита қаратилган, сўзловчидан ўзига қаратилган нутқни бевосита тинглаётган шахс бўлади. **Ўзга** эса сўзловчи ва тингловчидан бошқа, нутқда назарда тутилган, ҳар қандай бир шахсга айтилади. Яъни *мен сўзловчи* сифатида сизга шу кўлланмани баён қилар эканман, *тингловчи сиз* ва *сўзловчи мендан* ташқари назаримизда тутилган ёки нутқимизга олинган шахс ўзга саналади. Одатда, тилшуносликда сўзловчи, тингловчи ва ўзга номи билан аталган шахслар тартиб сөн билан аталади. Яъни сўзловчи I шахс, тингловчи II шахс ва ниҳоят ўзга III шахс бўлади. Нутқда қайд этилган от деярли ҳолда шу уч шахсдан бирига ҳос бўлиб қолади. Буни эса шу отга қўшилган кўшимчадан биллиш мумкин. Масалан, *қўл* оти сўзловчига оид бўлса, *қўлим* деб; тингловчига оид бўлса, *қўлинг* деб; ўзгага оид бўлса *қўли* деб турланади. Кўринадики, эгаллик кўшимчалари шахслар бўйича шундай экан: I шахс кўшимчаси *-им*, II шахс кўшимчаси *-инг*, III шахс кўшимчаси *-и* дир. Бу кўшимчалар уидови билан тугаган отга қўшилиб келди. Ули билан тугаган отга қўшилган эгаллик кўшимчалари эса шахслар бўйича сэд фарқ қилади. Улар қуйидагича: I шахс кўшимчаси *-м*, II шахс кўшимчаси *-нг*, III шахс кўшимчаси *-си* дан иборат.

Уч шахс бўйича эгаллик кўшимчалари ва отларнинг эгаллик кўшимчаси билан турланиши қуйидагича бўлади:

- | | | |
|-------------------------|-----------------|----------------|
| I шахс: <i>-(и)м</i> | <i>китобим</i> | <i>ручкам</i> |
| II шахс: <i>-(и)инг</i> | <i>китобинг</i> | <i>ручканг</i> |
| III шахс: <i>-(с)и</i> | <i>китоби</i> | <i>ручкаси</i> |

Эгалик қўшимчаси қўшилганда от кўплик англатиши керак бўлса, одатдагидек унга *-лар* қўшимчаси қўшиш билан чегараланади. Яъни, *китобларим, китобларинг, китоблари* каби. Бироқ эгалик кўплик англатиши керак бўлса, эгалик қўшимчасида маълум ўзгариш бўлади. Унинг қўшимчаси I шахсда *-(и)миз*, II шахсда *-(и)нғиз*, III шахсда *-лари* ҳолатида бўлади. Юқоридаги икки сўзни уч шахс бўйича кўпликдаги эгалик билан турлаб турамыз:

I шахс: <i>китобимиз</i>	<i>ручкамыз</i>
II шахс: <i>китобинғиз</i>	<i>ручканғиз</i>
III шахс: <i>китоблари</i>	<i>ручкалари</i>

Қўринадик, эгалик қўшимчалари I, II, III шахсларга оид маънони англатиб, бирликда *-(ч)м, -инг, -(с)и*; кўпликда *-(и)миз, -(и)нғиз, -лари* кабилардан иборатдир.

Отлар **келишик категориясига** кўра бош, қаратқич, тушум, жўналиш, ўрин ва чиқиш келишиги қўшимчаларига эга бўлади. Бош келишик бирор сўз туркуми томонидан бирикма таркибда бошқарилмаган ва ноль қўшимчали отлар бўлади. У шу ноль формасига кўра бошқа келишиклар билан турланган отлардан фарқ қилади. *Қаратқич келишикли* отларга *-нинг* қўшимчаси қўшилиб келади. Одатда у қўшилиб келган от ўзи бириккан сўзни қаратиб ўзига оидлигини ифода этиб кўрсатади. Масалан, *столнинг тортмаси* бирикмасида *столнинг* сўзи қаратқич келишиги билан турланган. Унинг шакли *-нинг* қўшимчасидир. Бу сўз *тортмаси* сўзини ўзига қаратиб келгани учун, қаратқич *-нинг* қўшимчаси қўшилган. *Тортмаси* сўзидаги *-си* эгалик қўшимчаси эса унинг қаралмиш эканлигини ҳам кўрсатади. Шундай қаратқичли бирикмалар деярли от+от типида бўлиб, улардан биринчи от қаратқич қўшимчасини, иккинчиси қаралмишликни берувчи эгалик қўшимчаларидан бирини орттириб келади. Бу қаратқич келишигининг ўзига хос хусусиятидир. **Тушум келишикли** отларга *-ни* қўшимчаси қўшилиб келади. Одатда у қўшилиб келган от феъл томонидан бошқарилган бўлиб, феълдан англашилган ҳаракат шу отдан англашилган предмет зиммасига, ҳисобига тушганлигини билдиради. Масалан, *болани етакладим* бирикмасида тушум келишиги *бола* сўзига қўшилган. Уни *етакладим* феъли бошқариб

келган. *Етакламоқ* феълдан англашилган ҳаракат эса *бола* отидан англашилган шахс ҳисобига тушган. Яъни ҳаракатни бажарувчи I шахс бўлса ҳам, ҳаракат тушган шахс боладир. Кўпинча қаратқич билан тушум келишиги қориштирилади. Қаратқич келишикли от даярли от билан бирикиб, шу от қаралмиш сифатида эгаллик қўшимчасига эга бўлган ҳолда, тушум келишикли от эса феъл томонидан бошқарилади. **Жўналиш келишикли** отларга *-га* қўшимчаси қўшилиб келади. У қўшилиб келган от ҳам феъл томонидан бошқарилган бўлиб, шу феълдан англашилган ҳаракат қаратилган предметни ифода этади. Масалан, *столга қўйдим* бирикмасида жўналиш келишиги стол сўзига қўшилган. Уни *қўймоқ* феъли бошқариб келган. *Қўймоқ* феълдан англашилган ҳаракат эса *стол* отидан англашилган жойга қаратилган. Яъни ҳаракат нимагадир тушган бўлса ҳам, шу нарсанинг ҳаракати столга қаратилди, йўналтирилди. Ўрин келишикли отларга *-да* қўшимчаси қўшилиб келади. У қўшилиб келган от ҳам феъл томонидан бошқарилган бўлиб, шу феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг ўрнини ёки ўрин вазифасидаги предметни ифода этади. Масалан, *студда ўтирибди* бирикмасида ўрин келишиги *студ* сўзига қўшилган. Уни *ўтирмоқ* феъли бошқариб келган. *Ўтирмоқ* феълдан англашилган ҳолатнинг ўрни эса *студ* отидан англашилган предметдир. Яъни ҳолатни III шахс бажарётган бўлса, бу ҳолат ўрин (*студ*)да кечаяпти. **Чиқинш келишикли** отларга *-дан* қўшимчаси қўшилиб келади. У қўшилиб келган от ҳам феъл томонидан бошқарилиб, шу феълдан англашилган ҳаракат бошланган ўрин ёки ўрин вазифасидаги предметни ифода этади. Масалан, *шкафдан олмоқ* бирикмасида чиқинш келишиги *шкаф* сўзига қўшилган. Уни *олмоқ* феъли бошқариб келган. *Олмоқ* феълдан англашилган ҳаракатнинг бошланмиш ўрни эса *шкаф* отидан англашилган буюмдир. Яъни *олмоқ* ҳаракатини шахс бажариб, шу ҳаракат шкафдан бошланган. Бошқача қилиб айтганда, ҳаракат тушган нимадир шкафдан чиқарилган. Кўрдикки, ўзбек тилида олти келишик бўлиб, бош келишик *иоль*, қаратқич келишик *-нинг*, тушум келишик *-ни*, жўналиш келишик *-га*, ўрин келишик *-да*, чиқинш келишик *-дан* қўшимчаларида ифодаланаяди. Жўналиш келишиги *-га* қўшимчаси ўринда *-ка*, *-қа* шакллари ҳам ўрин билан ифодаланаяверади.

От туркумига оид сўзларнинг яна бир белгиси шуки, у кўплик, эгаллик ва келишик қўшимчалари билан ҳам келади. Бу унинг грамматик хусусиятидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, шахс оти ясовчи *-кор* (*-кар, -гар, -гор*), *-каш, -дор, -бон, -боз, -паз, -хон, -шунос, -дўз, -соз* қўшимчалари; буюм-нарса оти ясовчи *-гич* (*-кич, -қич, -ғич*) *-ги, (-ки, -қи, -ғи), -к* (*-оқ*), *-иқ* (*-ик*), *-ма, -и(м), -дон* қўшимчалари; ўрин-жой оти ясовчи *-зор, -истон, -лоқ* қўшимчалари; мавҳум от ясовчи *-лик* (*лиқ*) қўшимчаси билан ясалган сўзлар ҳамма вақт от ҳисобланади.

СИФАТ

Сифат туркумига оид сўзларнинг маъноси ва тузилишига кўра қандай сифатлиги, қандай даражага эгаллиги кўрсатилади.

Сифатлар маъносига кўра икки турга бўлинади: 1) аслий сифатлар; 2) нисбий сифатлар.

Аслий сифатлар предметнинг белгисини бевосита ифодалаб, белгини даражалаб ҳам кўрсата олади. Масалан, *катта, узун, қора, яхши, семиз, жоҳил* каби сифатлар аслий бўлиб, предметнинг белгисини тўғридан-тўғри ифодалайди. Шунингдек, *кап-катта, узунроқ, қорагина* каби белгини даражалаб ҳам кўрсатади.

Нисбий сифатлар эса предмет белгисини ўрин ёки пайт тушунчасига нисбатлаш, мўлжаллаш, бошқа предметга ўхшатиш каби ҳолатларда кўрсатади, лекин белгини даражалаб ифодаламайди. *У -ий (-вий), -симон, -ли, -ги* (*-ки, -қи*), *-даги* каби қўшимчалар билан ясалади. Масалан, *тухумсимон, замонавий, табақали, кузги, ташқаридаги* каби сифатлар нисбий сифатлардир. Чунки бу ифода этилган белгилар ўзак маъносига нисбатан олинган. Яъни *тухумсимон* сифатидаги белги *тухум* сўзидаги ифодага нисбатан олиниб, тухумга қиёс қилинган; *замонавий* сифатидаги белги *замон* сўзидаги ифодага нисбатан олиниб, замонга хосликни билдирилган ва ҳоказо. Бу сифатларда ифодаланган белгиларни эса даражалаб кўрсатиб бўлмайди. Яъни *жуда тухумсимон, куп-кузги, табақалироқ* дейиш мумкин эмас.

Сифатлар ҳам тузилишига кўра икки турга бўлинади: 1) содда сифатлар; 2) қўшма сифатлар.

Содда сифатлар бир ўзакдан тузилган бўлиб, **қўшма сифатлар** бирдан ортқиқ ўзакдан таркиб топади. Масалан, *аччиқ, сучик* (*чичик*), *оқ, қизил* каби сифатлар

содда сифатлар бўлиб, *қимматбаҳо, эртапишар, баргикарам, жигар ранг* каби сифатлар эса қўшма сифатлар ҳисобланади. Чунки *аччиқ* сўзи *ачи-* ўзагидан, *сучиқ* сўзи *сучи-* ўзагидан, *қизил* сўзи *қизи-* ўзагидан ясалган ва *оқ* сўзининг ўзи ўзакдир. Яъни биргина ўзакка эга. Кейинги *қимматбаҳо* сўзи *қиммат* ва *баҳо* ўзакларидан, *эртапишар* сўзи *эрта* ва *пишар* ўзакларидан, *баргикарам* сўзи *барг* ва *карам* ўзакларидан, *жигар ранг* сўзи *жигар* ва *ранг* ўзакларидан таркиб топган — уларнинг ҳар бирида иккитадан ўзак бор.

Содда сифатлар ҳам ўз навбатида тузилишига кўра икки турга бўлинади: туб сифатлар ва ясама сифатлар. **Туб сифатлар** фақат ўзакдан иборат бўлгани ҳолда, **ясама сифатлар** ўзакка ясовчи қўшимча қўшилиши орқали ясалган бўлади. Масалан, *оқ, кўк, қора, тик, тор, кенг, катта* каби сифатлар туб сифатлардир. Чунки улар фақат ўзакдан иборат. *Аччиқ, ақлли, табақали, қориндор, сучиқ* (чучук) каби сифатлар ясама ҳисобланади, чунки улар *аччиқ < ачи + қ, ақлли < ақл + ли, табақали < табақа + ли, қориндор < қор + ин + дор, сучиқ < сучи + қ* каби ўзак ва қўшимчалардан таркиб топган. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, нисбий сифатлар фақат ясама сифатлар ҳисобида бўлади. Улар қандай қўшимчалар ҳисобига ясалиши ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Келтирилган *ақлли, табақали, қориндор* ясама сифатлари нисбий ҳисобланади.

Қўшма сифатларнинг яна бир тури сифатида жуфт сифатлар ҳам бор. Қўшма сифатлар билан жуфт сифатлар ҳам қўшма отлар билан жуфт отлар қандай хусусиятларга кўра фарқ қилса, шу хусусиятларга кўра фарқ қилади. Масалан, *баргикарам, тошбақақадам* каби сифатлар *барги + карам, тош + бақа + қадам* каби ўзакли қисмларга бўлиниб, ўзак маъноларини сақламай, ранг, тус маъноларини бергани ҳолда *узун-қисқа, катта-кичик* сифатларида эса ўзаклар маъноси сақланиб, улар ўзаро умумлашган маъно ифода этган. Шунинг учун аввалги мисол қўшма сифат бўлиб, кейинги мисоллар жуфт сифатлардир.

Сифат туркумида фақат даража категорияси мавжуд. Сифатлар шу даража категориясига кўра: икки даражага эга: ожайтirma даража, кучайтirma даража. **Ожайтirma сифатлар** ўзакдан англашилган рангнинг, белгининг озлигини, камлигини билдиради. Улар эса қўидаги қўшимчалар билан ясалади: *-иш, -имтир*

(-мтир); -гина, -(қина), -роқ каби; *кўкиш, оқимтир, кўпгина, кичкина, қуруққина, каттароқ, сучуқроқ* ва бошқалар. Сифат маъносидан кўриниб турибдики, кўкнинг ўзи эмас, балки кўкликка мойиллик бор, оқнинг ўзи эмас, оққа мойилроқ, кўкнинг ўзи эмас, сал кўк ва ҳоказо ҳолатда белгининг меъёрини камайтириб берилган. Озайтирма даража фақат қўшимчалар воситасида эмас, *ним, оч, сал* каби сўзлари воситасида ҳам ясалди. Масалан, *нимпушти, нимсариқ, оч сариқ, оч қизил, сал кўк, сал қора* каби. **Кучайтирма сифатлар** ўзақдан англашилган рангин, белгини кучайтириб, орттириб ифода этади. Улар сифатнинг биринчи унлисигача қисми *n* ёки *m* товушлари билан биргалликда сўз бошида такрорланади ва чизиқча билан ажратиб қайд этилади. Масалан, *кап-катта, ям-яшил, сип-силлик, қип-қизил, сап-сариқ* ва ҳоказо. Бу мисолларда *катта, яшил, силлик, қизил, сариқ* сифатларидан англашилган белгилар кучайтириб ифода этилган. Сифатнинг биринчи унлисидан кейин қўшиладиган *n* ёки *m* товушлари ўрнида *ппа* товуш комплекси бўлиши ҳам мумкин: *тўппа-тўғри, тинпа-тик* каби. Кучайтирма сифатлар *тўқ, жиққа, тим, ғирт, жуда, ўта* сўзлари воситасида ҳам ясалди. Масалан, *тўқ қизил, жиққа ҳўл, тим қора, ғирт аҳмоқ, жуда катта, ўта иссиқ* ва ҳоказо.

Даража категорияси фақат сифатларга хос бўлиб, сифат туркумидаги сўзларни белгиловчи хусусиятлардан биридир. Сифат *-ли, -сиз, -ий (-вий), -ги (-ки, -қи), -чан, сер-, ба-, бе-, на-, -ик, -симон* каби қўшимчалар билан отлардан; *-гир (-қир, -кир, -ғир), -ма, -(и)қ, -қи, -қоч* қўшимчалари билан феъллардан ясалди. Яъни шу қўшимчалар билан ясалган сўзлар ҳам сифат туркумига онд деб ҳисобланади.

СОН

Сон туркумига онд сўзларнинг маъноси ва тузилишига кўра қандай сонлиги кўрсатилади.

Сонлар маъносига кўра бир неча турга бўлинади: 1) бутун сон, 2) каср сон, 3) аралаш сон, 4) миқдор сон, 5) дона сон, 6) тартиб сон, 7) чама сон, 8) жамловчи сон, 9) тақсим сон. Сонлар маъносига кўра тўққизта турга бўлингани учун ҳам, кўпчилик кирувчилар уларни тўла санаб бера олмайдилар. Лекин уларни тўла эгаллаш маълум йўналишдаги факультетларга имтиҳон топширувчилар учун ниҳоятда шарт. Бунинг учун

сонларнинг маъносига кўра турларини, яхшиси, ёдлаб олиш керак. Уларнинг моҳияти эса номларидан осон англашилади.

Бутун сон предметнинг саногини, миқдорини, унинг бутунлигини сақлаган ҳолда ифодалайди. Масалан, *бир, беш, йигирма, ўттиз беш* ва ҳоказо. **Каср сон** эса предметнинг саногини, миқдорини, унинг бутун бўлмаган, бутуннинг бўлаги бўлган ҳолда ифодалайди. Масалан, *ярим, чорак, ним чорак, чорак кам бир* каби бўлак ифода этувчи сўзлар ёки *иккидан бир, учдан икки, тўққиздан тўрт* каби таркибли сўзлар каср сонлардир. Бутун сон билан каср сон биргаликда қўлланса, **аралаш сон** дейилади. Масалан, *бир ярим, ўн чорак* каби. Қўринадик, бутун сон, каср сон ва аралаш сонларни бир йўла эсга олиш ва қиёсан англаш мумкин. Шунга кўра сонларнинг уч турини яхши ўзлаштирган бўлади.

Миқдор сон билан **дона сон**ни ўзаро қиёслаб эсда сақласа бўлади. Миқдор сон бир турдаги предметларнинг умумий сонини, миқдорини билдиради. Масалан, *ўттиз бола, йигирма кило* ва ҳоказо. Бу ўринда сон предметнинг доналаб саналадиган умумий сонини билдиради. **Дона сон** ҳам предметнинг умумий миқдорини кўрсатади, бироқ бу умумий миқдор ичидаги предметнинг ҳар бири алоҳида эканлиги англашилиб туради. Масалан, *ўнта дафтар, йигирмата студент* ва ҳоказо. **Дона сон** -та қўшимчаси билан келади. Баъзан эса -та қўшимчаси ўрнида *дона, нафар, жуфт* сўзлари қўлланиши ҳам мумкин. Миқдор сонлар эса бу сўзлар ва -та қўшимчаси билан келмайди. Улар *кун, ой, йил, кечакундуз, соат, туп, беш, миллиметр, сантиметр, минут, секунд, километр, қадам, қарич, энли, грамм, килограмм, центнер, тонна, литр, коса, стакан, пиёла, қошиқ, ҳўплам, ҳовуч, тийин, сўм* каби сўзлар билан қўлланади ва улар билдирган ўлчовнинг умумий миқдорини кўрсатади. Қўринадик, *дона* ва *миқдор* сўзлари айни ифодасига монандир.

Чама сон, жамловчи сон ва тақсим сонларни эса яна алоҳида ўзаро қиёслаб ўрганиш мумкин. **Чама сон** нарса-буюмларнинг тахминий сонини билдиради. **Жамловчи сон** эса нарсанинг доналаб саналишидан ҳосил бўлган миқдорни жамлаган ҳолда ифода этиб, **тақсим сон** предметларнинг тақсимланиш миқдорини кўрсатади. Масалан, *йигирматача, юзларча, минглаб* сонларчи **чама сон** бўлиб, миқдорни аниқ эмас, тахминий, **чама-**

лаб қайд этган. *Беш-ўнта* деб миқдор кўрсатиш ҳам чама ифодасини беради. *Учов, тўрттала* каби сонлар эса жамловчи сон бўлиб, маълум миқдорнинг биргалликда, жамланган ҳолда эканлигини билдирган. *Бештадан, саккизтадан, йигирматадан* каби сонлар тақсим сон бўлиб, ниманингдир тақсимланиш миқдорини кўрсатган. Чама сонлар *-тача, -ларча, -лаб* каби қўшимчалар миқдор сонга қўшилиши, жамловчи сонлар *-оз, -ла, -ала* каби қўшимчалар миқдор сонга қўшилиши, тақсим сонлар *-тадан* қўшимчаси миқдор сонга қўшилиши билан ясалади. Кўринадикки, чама сон чамани, жамловчи сон жамлашни, тақсим сон тақсимланиш миқдорини билдириши билан ўзига хосдир.

Тартиб сон сонларнинг маъносига кўра турларни ичида ўзига хос бўлиб, ифода ҳусусияти билан ҳам бошқаларидан фарқ қилади. У нарсаининг саноқдаги тартибини билдиради ва миқдор сонга *-(и) нчи* қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Масалан, *ичинчи, еттинчи, ўн бешинчи* ва ҳоказо. Бу сонлар саноқда шу сон билан боғли тартибда кимдир турганлигини кўрсатади.

Сонлар тузилишининг кўра икки турга бўлинади: 1) содда сонлар; 2) таркибли сонлар.

Содда сонлар фақат бир ўзакка эга бўлган (*тўрт, саккиз, тўқсон* каби) сонлар бўлиб, **таркибли** сонлар бирдан ортиқ сонлардан таркиб топган (*ўн беш, йигирма икки, минг тўққиз юз саксон етти* каби) сонлардир. Одатда, таркибли сонлар қўшма сонлар деб аталади. Бунинг мактаб дарсликларинда кўриш мумкин. Қўшма сўзларда эса, таркибдаги ўзак маъносидан қатъи назар, таркиб топган сўзининг ўзига хос маъноси юзага келган бўлади. Масалан, *бангидевона* қўшма сўзида на *банги*, на *девона* ўзаги маънолари сақланган, у ўсимлик маъносини ифода этган. Таркибли сонларда эса ҳар бир ўзак ўз маъноси билан ўзгартиришсиз қўлланган ва бир бутун сон сифатида ифода топган, яъни *ўттиз олти* таркибли сонинда *ўттиз* ҳам, *олти* ҳам ўз маъноси билан қўлланиб, *ўттиз олти* сонини яхлит билдирган. Содда сонлар ҳам туб ва ясама сонларга бўлинади. Ўзбек тилида туб сонлар *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттüz, қирқ, эллик, олтинчи, етминчи, саксон тўқсон, юз, минг, ярим, чорак* сўзларидан иборат. Сонларнинг қолган маъно турларини эса ясама сонлар ҳисобланади, чунки уларда ясовчи қўшимча бор. Масалан, *юзларча, минглаб, бешов, ўнта, еттита.лаб* ва ҳоказолар.

Кўрдикки, ўзбек тилида сонлар шу юқорида айтилган йиғирма икки сўз ҳисобида бўлади. Шулар ўзак бўлиб келса, фақат сон туркумига онд сўз ҳисобланади.

ОЛМОШ

Олмош туркумига онд сўзларнинг маъносига кўра ва тузилишига кўра қандай олмошлиги кўрсатилади.

Олмошлар маъносига кўра бир неча турга бўлинади: кишилик олмоши, ўзлик олмоши, кўрсатиш олмоши, сўроқ олмоши, белгилаш олмоши, бўлишсизлик олмоши, гумон олмоши.

Кишилик олмоши шахсни билдирадиган олмошлардир. Улар *мен, сен, у, биз, сиз, улар* сўзларидан иборат. Бу олмош I, II, III шахс бирликни ва I, II, III шахс кўпликни ифода этиб келгани учун от ўрнида келган олмошлар бўлиб, отлар каби келишик билан турланади. Масалан, *элда бори — сенда бори (Мақол.)* мақолида *сен* кишилик олмоши ўрин келишиги билан қўлланган.

Ўзлик олмоши нарсани аниқлаб ёки таъкидлаб кўрсатиш учун ишлатиладиган *ўз* сўзидир. У номи билан ҳам фақат *ўз* сўзидан иборат. Бу олмош ҳам фақат от ўрнида қўллангани учун, от каби шахс, сон ва келишик билан турланиб келади: *ўзим, ўзинг, ўзи, ўзимиз, ўзингиз, ўзлари; ўзининг, ўзини, ўзига, ўзида, ўзидан* каби. У келишик қўшимчаси билан турланганда бу қўшимчадан аввал, албатта, III шахс бирлик эгалик қўшимчаси бўлади. Масалан, *ўзига боқма, сўзига боқ* эгалик қўшимчаси ва ундан кейин жўналиш келишик қўшимчасини олиб келган.

Кўрсатиш олмоши предметни кўрсатиш учун ишлатиладиган олмошлардир. Улар *у, бу, шу, ўша, ана, мана, ана шу, мана шу, анави* сўзларидан иборат. Бу олмошлар ҳамма вақт III шахс бирлик кишилик олмошига тенг келади. Унинг бу хусусияти грамматик жиҳатдан бўлиб, маъно жиҳатдан предметни кўрсатиш учун қўлланади. Турдош от ўрнида келади. Улар от ўрнида келгани учун ҳам эгалик, сон, келишик қўшимчалари билан турланади. Масалан: *Мана буларни кўтариб, сен олдинроқ боравер* гапидаги *буларни* олмоши ҳам кўплик, ҳам тушум келишиги қўшимчасини олиб келган. Агар кўрсатиш олмоши сифат ўрнида қўлланса, ҳеч қандай қўшимча олмайди, балки отлардан аввал келади ва у ифода этган нарсага ишора маъноси-

ни беради. Бу ўлкада ҳар нарса бордир (Ҳ. Олимжон) гапидаги бу оломши сифат ўрнида келган кўрсаткич оломшидир.

Сўроқ олошлари бирор нарса, белги ёки сон ҳақидаги сўроқни билдирадиган олошлардир. Улар *ким, нима, қандай, қанақа, қайси, қанча, неча, нечаничи* каби сўзлардан иборат. Бу олошлардан *ким, нима* олоши от ўрнида алмашиб келганлиги, тўғрироғи, отларни аниқлаш учун бериладиган сўроқ бўлгани сабабли отлар каби сон, эгаллик ва келишиқ қўшимчалари билан турланиши мумкин. Масалан: *Музейда нималарни кўрдингиз?* гапидаги *нималарни* олоши отларни аниқлаш учун берилган. Шу нуқтаи назардан ҳам сон ва келишиқ қўшимчалари билан турланган. Қолган сўроқ олошлари бу хусусиятга эга эмас. Чунки улар сон ва сифат ўрнида келади. Сон ва сифатлар турланмайди. Сифат категориясини эса унинг ўрнида келган олошлар қабул қилмайди.

Белгилаш олошлари предметни белгилаш учун ишлатиладиган олошлардир. Улар *ҳамма, барча, бари, жами, бутун, ҳар ким, ҳар нима, ҳар бир, ҳар қайси* сўзларидан иборат. Булардан *ҳамма, барча* олошлари кўплик маъносига эга: *Ҳамма борди. Барча кўрди* каби. Шунга қарамай, кўплик қўшимчасини ҳам олиши мумкин: *ҳаммалари, барчалари* каби. Белгилаш олошлари от ўрнида алмашиб келгани сабабли сон, эгаллик ва келишиқ қўшимчалари билан қўлланади. Масалан: *Ҳаммасининг бир истаги бор* (Ҳ. Олимжон) гапида *ҳаммасининг* белгилаш олоши қараткич ва эгаллик қўшимчаси билан келган.

Бўлишсизлик олоши инкор маъносини билдирган олошлардир. Уни *ҳеч* сўзи ҳосил қилиб, *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қанақа, ҳеч қандай, ҳеч қайси, ҳеч нарса, ҳеч бир, ҳеч қаерда* каби олошлар бўлишсизлик олошлари ҳисобланади. Бу олошлар сонда қўлланадиган экан, феъл кесим ҳам бўлишсиз бўлади. Бўлишсизлик маъноси асли феълнинг бўлишсизлик қўшимчаси *-ма* да бўлиб, бўлишсизлик олоши шу маънони кучайтиради. Масалан: *Қинога ҳеч ким келмади* гапида *келмади* феъли *-ма* қўшимчаси билан қўлланиб, бўлишсизлик билдирган ва *ҳеч ким* бўлишсизлик олоши эса шу маънони кучайтирган.

Гумон олошлари ноаниқлик ва гумон маъноларини билдирадиган олошлардир. Улар *аллаким, алланар-*

са, алланима, аллақачон, аллақандай, аллақанча, бироз, кимдир, нимадир, қандайдир каби олмошлардан иборат. Кўринадики, гумон олмошлар алла- ва -дир қўшимчаларини олмошларга қўшиш билан ясалади. Гумон олмошлари ҳам от ўрнида алмашиб келса, сон, эгалик ва келишик қўшимчалари билан қўлланиши мумкин. Масалан: *Тошхон деразадан аллакимларни кўрди (Уйғун)* гапда аллакимларни гумон олмоши бўлиб, у кўплик ва тушум келишиги билан турланиб келган.

Олмошлар ҳам содда ва қўшимча олмошларга, уларнинг тузилиши эътибори билан бўлинади. Бу ўринда ҳам олмошларнинг бир ўзакли ёки бирдан ортиқ ўзаклигига эътибор қилинади.

Кўринадики, олмошларнинг ўзига хос хусусияти улар аниқ ифода этмай, ҳамма маъноли гуруҳларида ҳам, кўрсатиш ва ишора қилиш маъноларига эгаллигида ҳисобланади.

ФЕЪЛ

Феълга онд сўзларнинг хусусиятларига ўтимили ва ўтимсизлиги, қайси функционал формада эканлиги, нисбати, майли, замони, шахси, сони кабилар киради.

Феъллар тузилишига кўра бир неча турга бўлинади: 1) содда феъллар; 2) қўшма феъллар; 3) таркибли феъллар.

Содда феъллар бир ўзакдан иборат феъллардир. Масалан, *кел, тур, ўтир, югур* каби феъллар содда ҳисобланади. Чунки улар бир ўзакдан иборат. **Қўшма феъллар** эса бирдан ортиқ ўзакдан таркиб топиб, ўзига хос маънога эга бўлган феъллар бўлади. Масалан, *айрибошла, қонталаш, ёнбошла, войдодла* каби феъллар қўшма бўлиб, улар бирдан ортиқ ўзакдан таркиб топган. Яна *кета бошла, кўриб қўя қол, танлаб қоча қол, ола бошлаб, тура ол* каби феъллар ҳам борки, уларни ҳам дарсликларда қўшма феъл деб кўрсатилади. Бироқ улар бирдан ортиқ ўзакдан таркиб топган бўлса ҳам, уларнинг биринчисидан қолгани кўмакчи феъл маъносига ўзгармай қўлланади. Уларнинг биринчиси ҳам ўзгаришсиз мустақил маънода келган. Фақат улар маъноси умумлашган ҳолда гапда бир мазмунга бирлашган. Шунинг учун уларни **таркибли феъл** деб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Дарсликда феълларни ўтимили ва ўтимсиз турларга

ҳам бўлиб кўрсатилган. Гарчи у дарсликда берилган бўлса ҳам, қабул имтиҳонида талаб қилинмайди. Чунки ўтимли-ўтимсизликка хос сўзга қўшиладиган қўшимча йўқ. Шунинг учун морфологик категория сифатида санаш унча тўғри эмас. У фақат матнда, бирикиб келган сўзлари воситасида аниқланади. **Ўтимли феъллар** тушум келишикли отларни бошқариб келгани ҳолда, **ўтимсиз феъллар** тушум келишикли отлар билан муносабатга кириша олмайди. Яна уларнинг маъноси билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари ҳам борки, у ҳақда ўрта мактаб ўқувчиларига билим бериш оғир. Шунинг учун ҳам йигирма йиллик қабул имтиҳони тажрибасида кирувчилар феълнинг ўтимли-ўтимсизлиги ҳақида қониқарли жавоб берганини билмайман. Уларнинг шу ўриндаги билимини эса баҳолаш пайтида доимо эътиборга олмадик.

Феъллар бўлишли ёки бўлишсиз шаклда келади. **Феълнинг бўлишли шакли** нуль қўшимча билан аке этади. Ундан эса ўзакда ифодаланган ҳаракат ёки ҳолат амалга ошганлиги англашилади. Масалан: *Ҳар баҳор ҳам шундай йтади* (Ҳ. Олимжон.) гапидаги *йтади* феъли бўлишли шаклда келган. Чунки унинг *-ади* қўшимчаси шахс-сон ва замон кўрсаткичи бўлиб, бўлишлилик учун қўшимча йўқ. У бунинг учун нуль кўрсаткичга эга. Феълдан англашилган ҳаракат эса амалга ошганлиги ўз ифодасини топган. **Феълнинг бўлишсиз шакли** эса *-ма* қўшимчасида ўз ифодасини топади. Унда ўзакдан англашилган ҳаракат амалга ошмаслиги қайд этилади. Масалан: *Баланд тоғлардаги қор ёзда ҳам эримайди* гапидаги *эримайди* феъли бўлишсизлик формасида келган. Бу феълнинг *-йди* қўшимчаси шахс-сон ва замон кўрсаткичи бўлиб *-ма* қўшимчаси бўлишсизлик кўрсаткичидир. *Эримоқ* феълдан англашилган ҳолат эса юқоридаги гапда амалга ошмаслиги ифодаланган. Кўринадики, феълнинг бўлишли ёки бўлишсизлигини *-ма* қўшимчаси қўшилганлик ёки қўшилмаганлиги орқали ажратилади.

Феъллар уч замон кўрсаткичи билан кузатилади:

1) ўтган замон; 2) ҳозирги замон; 3) келаси замон.

Ўтган замон шаклида келган феъл шу феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат нутқ пайтидан аввал бўлганлик маъносига эга бўлади. У қуйидаги қўшимчалар билан келади:

I шахе бирлик	-дим	-ганман	-ган эди	-р эдим
II шахе бирлик	-динг	-гансан	-гач эдинг	-р эдинг
III шахе бирлик	-ди	-ган	-ган эди	-р эди
I шахе кўплик	-димиз	-ганмиз	-ган эдимиз	-р эдимиз
II шахе кўплик	-дингиз	-гансиз	-ган эдингиз	-р эдингиз
III шахе кўплик	-дилар	-ганлар	-ган эдилар	-р эдилар
I шахе бирлик	-ибман	-иб эдим		
II шахе бирлик	-ибсан	-иб эдинг		
III шахе бирлик	-ибди	-иб эди		
I шахе кўплик	-ибмиз	-иб эдимиз		
II шахе кўплик	-ибсиз	-иб эдингиз		
III шахе кўплик	-ибдилар	-иб эдилар		

Масалан: *Мен келган эдим* гапидаги *келган эдим* феъли ўтган замон кўрсаткичи билан қайд этилган. Чунки у *-ган эдим* замон кўрсаткичи билан келиб, келганлик ҳақидаги хабар нутқ вақтидан аввал эканлиги билдирилган.

Ўрта мактаб дарслигида ўтган замон феълларини яқин ўтган замон феъли, узоқ ўтган замон феъли, ўтган замон давом феъли, ўтган замон ҳикоя феъли деб тўрт турга бўлиб кўрсатилган. Биз ўтган замон феълларини бундай майда қисмларга бўлиб ўтирмаймиз. Чунки ўтган замон феълени бундай майда қисмларга бўлиб кўрсатиш, аввало, ўзини унчалик оқламайди. Масалан, *-ган эдим* узоқ ўтган замон ясайди деб қаралади. Аммо *ҳозир келган эдим* гапида эса бундай деб бўлмайди. У кўп контекст билан боғлиқ. Бунинг устига ўтган замон феълени бундай майда қисмларга бўлиб ўзлаштириш ўқувчилар учун оғир. Бу кирувчилардан ҳам талаб этилмаслиги керак.

Ҳозирги замон шаклида келган феъл шу феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат нутқ пайтида бажарилаётганлигини билдиради. Турган гапки, шу ҳаракат ёки ҳолат нутқ пайтидан аввал бошланган бўлади ва кейин тугайди. У қуйидаги қўшимчалар билан келади:

I шахе бирлик	-а + ман	-й + ман		
II шахе бирлик	-а + сан	-й + сан		
III шахе бирлик	-а + ди	-й + ди		
I шахе бирлик	-яп + ман	моқда + ман	а + ётиб + ман	
II шахе бирлик	-яп + сан	-моқда + сан	-а + ётиб + сан	
III шахе бирлик	-яп + ти	-моқда	-а + ётиб + ди	
I шахе кўплик	-а + миз	-й + миз		
II шахе кўплик	-а + сиз	-й + сиз		

III шахс кўплик -а +дилар -и +дилар
 I шахс кўплик -яп +миз -моқда +миз -а +ётиб +сиз
 II шахс кўплик -яп +сиз -моқда +сиз -а +ётиб +миз
 III шахс кўплик -яп +тилар -моқда +лар -а +ётиб +дилар

Масалан: *Мен келяпман* гапидаги *келяпман* феъли ҳозирги замон кўрсаткичи билан тусланган. Чунки у *-япман* замон кўрсаткичи билан келиб, келганлик нутқ вақтида эканлиги хабари берилган.

Ҳозирги замон феъли *-ётиб* қўшимчаси ўрнида *-ётир* қўшимчаси қўлланиши билан ҳам ясалади. Лекин у ҳозирги адабий тилда жуда кам қўлланади. Шунингдек, яна *ёт-, юр-, тур-, ўтир-* кўмакчи феъллари воситасида ҳам ҳозирги замон феъли ясалади. Масалан, *ишлаб турибди, ишлаб юрибди, ишлаб ётибди* каби. Кўришиб турибдики, улар равишдошларга қўшилиб, *-ибди* қўшимчасини олган бўлади.

Урта мактаб дарслигида ҳозирги замон феълени ҳозирги-келаси замон феъли ва ҳозирги замон давом феъли, деган турларга бўлиб кўрсатилади. Биз кирувчилардан ҳозирги замон феълени бундай майда бўлиб сўрашни ҳам ортиқча деб ҳисобладик.

Келаси замон шаклида келган феъл шу феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат нутқ пайтидан кейин бажарилишини билдиради. Бу вазифани кўпроқ ҳозирги замон феъл шакли бўлган **-аман, -асан, -ади, -амиз, -асиз, -адилар** қўшимчалар нутқ имконияти билан бажариши мумкин. Масалан: *Боланг ... кейин ўрганиб кетади* (А. Қаҳҳор) гапида ўрганиб кетади феъли келаси замон ифодасини билдирган. Бунинг учун гапдаги кейин сўзи ҳам роль ўйнаган. Яна ўзбек тилида **-арман, -арсан, -ар, -армиз, -арсиз, -арлар** қўшимчалари ҳам келаси замон шакли вазифасини бажаради. Масалан: *Шу атрофда юргандир, келиб қолар* (С. Анорбоев) гапидаги *келиб қолар* феъли III шахс бирликда келаси замонни ифода этган.

Феълларда ҳам сўзловчи, тингловчи ва ўзгани кўрсатувчи I, II ва III шахс қўшимчалари мавжуд. Шунингдек, унда бирлик ва кўплик ифодаси ҳам бўлади. Бироқ улар замон кўрсаткичлари билан бирга, уларнинг фонетик хусусиятидан келиб чиқиб, уларга мос кўрнишда қўлланади.

Бу шахс ва сон формаларини, ўрни билан, замон қўшимчаларини кўрсатиш жараёнида қайд этиб ке-

тилади. Замон қўшимчаларидаги кейинги қисм шахс-сон қўшимчалари бўлиб, улар бир қўшимчанинг ўзида қайд этилади. Қуйида шахс-сон қўшимчалари алоҳида ажратиб берилади:

I шахс бирлик	-ман	-(и) м
II шахс бирлик	-сан	-(и) нг
III шахс бирлик	—	—
I шахс кўплик	-миз	-миз (-к)
II шахс кўплик	-сиз	-(и)нғиз
III шахс кўплик	-лар	-лар

Шу қўшимчалар бир пайтнинг ўзида ҳам шахс, ҳам сон кўрсаткичи сифатида вазифа бажаради.

Феълларда майл категорияси ҳам мавжуд. Феъл майли сўзловчининг иш-ҳаракат ёки ҳолатга бўлган муносабатининг ифодаланишидир. Ўзбек тилидаги феъллар бир неча майл турларига эга: 1) **хабар майли**; 2) **буйруқ-истак майли**; 3) **шарт майли**; 4) **мақсад майли**.

Хабар майлидаги феъллар иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг уч замондан бирида бажариллиши ёки бажарилмаслигини билдиради. Яъни бирор замон кўрсаткичи билан келган феъл хабар майлида деб қаралади. Масалан: *Шу заҳотиёқ ёмғир қуйиб берди* гапидаги *қуйиб берди* феъли хабар майлида келган. Чунки у III шахс бирлик, ўтган замон кўрсаткичи билан тусланган. Бу кўрсаткич *-ди* қўшимчасидир. Қўринадики, хабар майлидаги феъллар фақат уч замондан бирини эмас, қайси шахс ва сонга ҳосликни ҳам ифода этади.

Буйруқ-истак майлидаги феъллар иш-ҳаракат ёки ҳолат ҳақида буйруқ, истақ, маслаҳат, илтимос каби маъноларни билдиради. Буйруқ-истак майлидаги феълларнинг I шахси истақ, маслаҳат маъноларини англатиб, унли билан тугаган феъл ўзагига *-й*, ундош билан тугаган феъл ўзагига *-ай* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади. Масалан, *турай-, пиший-, тушай-, очай-, тўқий-, тотий-* ва ҳоказо. I шахснинг кўплиги эса I шахс бирлигига *-лик* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади. Масалан, *турайлик, пишийлик, тушайлик, тўқийлик* ва ҳоказо. Агар истақ майлини кучайтириш зарурияти бўлса, I шахс бирлигига *-ин* қўшимчаси қўшилади. Масалан, *турайн, тотийин, ичайин* ва ҳоказо. Буйруқ-истак майлидаги феълларнинг II ва III шахс-

лари буйруқ, истак, илтимос, маслаҳат маъноларини билдиради. Буйруқ-истак майлидаги феълларнинг II шахс бирлиги феъл ўзак-негизига тенг келади. Масалан, *ёз-, кел-, ишла-, айт-* ва ҳоказо. Баъзан буйруқ маъносини кучайтириб ёки бўшаштириб, илтимосни, таъкидни билдириш учун II шахснинг бирлигига *-гин (-кин, -қин)* қўшимчаси қўшилади. Масалан, *ўқигин, ишлагин, экин, боққин* ва ҳоказо. II шахснинг кўплиги *-(и)нғиз* қўшимчаси феъл ўзак-негизига қўшиш билан ясалади. Масалан, *ўқинғиз, ишланғиз, кечинғиз, тотинғиз* ва ҳоказо. Буйруқ-истак майлидаги феълларнинг III шахс бирлиги феъл ўзак-негизига *-син, кўплиги -синлар* қўшимчаси қўшиш билан ясалган бўлади. Масалан, *юрсин, турсинлар* ва ҳоказо.

Шарт майлидаги феъллар бирор иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиши учун ундан аввал бажарилиши шарт бўлган иш-ҳаракат ёки ҳолатни, бирор иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги ҳақида истак, маслаҳат каби маъноларни англатади. Улар феъл ўзак-негизига *-са* қўшимчаси қўшиш билан ҳосил бўлади. Масалан, *ўқиса, ўқимаса* каби. Шарт майлидаги феъллар қуйидагича тусланади:

Бирлик

Кўплик

I шахс: *-сам юрсам, тўласам*

-сак юрсак, тўласак

II шахс: *-санг юрсанг, тўласанг;*

-санғиз юрсанғиз, тўласанғиз

III шахс: *-са юрса, тўласа;*

-салар юрсалар, тўласалар

Мақсад майлидаги феъллар иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиш мақсадини, ниятини, мўлжалини билдиради. Улар феъл-негизига *-моқчи* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади. Масалан, *югурмоқчи, элмоқчи* ва ҳоказо. Мақсад майлидаги феъллар қуйидагича тусланади:

Бирлик

Кўплик

I шахс: *-моқчиман олмоқчиман*

-моқчимиз олмоқчимиз

II шахс: *-моқчисан олмоқчисан*

-моқчисиз олмоқчисиз

III шахс: *-моқчи олмоқчи*

-моқчилар олмоқчилар

Хабар майли феълдан ташқари ҳамма майлдаги феъллар ҳамма вақт келаси замонга қаратилган бўла-

ди. Бу уларга ҳос мантқиқ билан боғлиқдир деб қаралади.

Феълларда нисбат категорияси ҳам мавжуд. Феъл нисбати феълда иш-ҳаракат ёки ҳолат билан унинг бажарувчиси орасидаги муносабатнинг ифодаланishiдир. Улар беш турга бўлишади: 1) **аниқ нисбат**; 2) **ўзлик нисбати**; 3) **мажҳул нисбат**; 4) **биргалик нисбати**; 5) **орттирма нисбат**.

Аниқ нисбат қўшимчалари бўлмаган феъл бўлиб, унда фақат замон ва шахс-сон қўшимчалари бўлиши мумкин. Масалан: *боққа кирдим, олмалар қип-қизариб пишибди* (З. Диёр) гапидаги *кирдим, пишибди* феъллари аниқ нисбатида келган. Чунки уларнинг биринчисинда ҳам *-дим*, иккинчисинда ҳам *-ибди* замон ва шахс-сон қўшимчаси бор, бироқ бошқа нисбат ифода этувчи қўшимча йўқ. Қўринадек, аниқ нисбат ноъл шаклга эга. Аниқ нисбат феълларининг яна ўзига ҳос хусусияти шундаки, уларда иш-ҳаракат ёки ҳолатни бажарувчи уни тўғридан-тўғри адо этади. Уни бирозга бажартирмайди. Юқоридаги икки феълда ҳам фақат шу ҳол кузатилади.

Ўзлик нисбат феълларида иш-ҳаракат ёки ҳолат бажарувчининг ўзида адо этилганлиги англашилади. Улар феъл ўзакларига *-(и) н* ёки *-(и) л* қўшимчаси қўйиш билан ясалади. Масалан: *Тоғ орасидан аста шамол кўтарилди* (Ойбек.) гапидаги *кўтарилди* феъли ўзлик нисбатидадир. Чунки кўтарилмиш ҳаракатини шамол бажарган бўлиб, шу ҳаракат шамолнинг ўзидадир. Шунга ўхшаш яна *чекланди, ачинди, тутинди, судранди* феъллари ҳам ўзлик нисбатида келган.

Мажҳул нисбат феълларида иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарувчиси аниқ билинмайди. Улар ҳам феъл ўзакларига асосан *-(и) л* ва баъзан *-(и) н* қўшимчаси қўйиш воситасида ясалади. Масалан: *Алданибман яна бир сафар* (Уйғун.) гапидаги *алданибман* феъли мажҳул нисбатдадир. Чунки бу феълдан англашилган руҳий ҳолатни юзага келтирувчи номаълум, яъни сўзловчининг алдаган шахс феълдан англашилмайди. Қўрииб турибдики, ўзлик нисбати қўшимчаси билан мажҳул нисбати қўшимчаси бир хил. Яъни улар морфологик жиҳатдан фарқ қилмайди. Лекин маъно жиҳатидан фарқ қилади. Бу фарқ шундаки, ўзлик нисбатида ҳаракат ёки ҳолатни бажарувчи шахс маълум, мажҳул

нисбатда эса номаълум; яна ўзлик нисбатиди ҳаракат ёки ҳолат бажарувчи шахснинг ўзида кечади, мажҳул нисбатда эса ҳаракат ёки ҳолат кимда бўлса ҳам, бажарувчи бошқа — номаълум шахсдир. Юқоридаги феълга ўхшаш яна *ювилди, таралди, кийилди, безалди* феъллари ҳам мажҳул нисбатдадир. Аммо *ювинди, таранди, кийинди, безанди* феъллари ўзлик нисбатиди келган. Уларни ўзаро қиёслаш мумкин.

Биргалик нисбати феълларида иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарувчиси икки ва ундан ортиқ шахс ёки предмет бўлиб, улар шу иш-ҳаракат ёки ҳолатни биргаликда бажарган бўлади. Улар феъл ўзақларига *-(и)ш* қўшимчасини қўшиш воситасида ясалади. Масалан: *Қарилари кутишар меҳмон (Ҳ. Олимжон.)* гапидаги *кутишар* феъли биргалик нисбатиди келган. Чунки бу феъл *-иш* қўшимчасини олган ва феълдан англашилган ҳаракатни кўпчилик биргаликда бажарган.

Орттирма нисбат феълларида бошқа бирор шахс ёки шахсларни мажбур қилинганлиги, ундалганлиги ёки йўл қўйилганлиги учун, улар иш-ҳаракат ёки ҳолатни бажарганлиги англашилади. Яъни бундай феъллардан иш-ҳаракат ёки ҳолатни бажарувчи шахс уни кимдандир буйруқ олгани, мажбурлангани ёки шунга йўл топганлиги учун бажарганлиги тушунилади. Улар феъл ўзақларига *-(и)т, -(и)р, -тир, -ар, -(и)з, -гиз, -киз, -қиз, -ғиз, -сат* қўшимчаларидан бирини қўшиш воситасида ясалади. Масалан: *У бармоқларини кўрсатди (А. Убайдуллаев.)* гапидаги *кўрсатди* феъли орттирма нисбатда, чунки у *-сат* қўшимчаси билан келган ва феълдан англашилган сезгини кимдир бажариши учун бошқа одам имкон берган.

Кўринадик, аниқ нисбатгина ўз қўшимчасига эга бўлмай, қолган ўзлик, мажҳул, биргалик, орттирма нисбатлари ўз қўшимчасига эга ва грамматик маъноси ҳам ўзига хосдир.

Феълнинг гапдаги асосий вазифаси кесим бўлишдир. Бироқ у эга, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол вазифаларида ҳам келаверади. Бунинг учун эса у турли шаклларида ишлатилади. Унинг бу шакллари **функционал шакллар** дейилади. Феълнинг функционал шакллари тўртта: 1) соф феъллар; 2) сифатдошлар; 3) равишдошлар; 4) ҳаракат номлари.

Соф феъллар деб қайсибир майл шакли ва қайсидир замон шаклида бўлиб, шахс-сон билан келган феъл-

лар тушунилади. Қўринадикки, юқорилда асосан соф феъллар ҳақида фикр юритилди.

Сифатдошлар деб предметнинг белгиси бўлган иш-ҳаракат ёки ҳолатни англатадиган феъллар тушунилади. У феъл сингари иш-ҳаракат ёки ҳолатни англатиб, замон кўрсаткичи билан қўлланади, нисбатни, бўлиш-бўлишсизликни билдиради ва сифат каби отга боғланиб, унинг белгисини кўрсатади. Улар, асосан, *-ган* (*-қан, -қан*), баъзан келаси замонни англатганда *-ар* ва бўлишсизликни англатганда эса *-ма + с* қўшимчалари воситасида ясалади. Масалан: *У миясига келган бу ўйдан қўрқиб кетди.* (С. Аҳмад.) Бу гапдаги *келган* феъли сифатдош бўлиб, *-ган* қўшимчаси билан қўлланган. Шунингдек, у *ўй* отига боғланиб, *ўй*нинг қандайлигини ифода этган. Сифатдош таркибида келадиган замон қўшимчалари ва бошқа бўлишсизлик каби қўшимчалар ҳам сифатдош ясовчи қўшимчадан аввал қўлланади. Масалан, *Бирлашган ўзар, бирлашмаган ўзар* (Мақол) гапидagi *бирлашган* сифатдошида биргаллик нисбати қўшимчаси *-и* ва *бирлашмаган* сифатдошида биргаллик нисбати қўшимчаси *-и* ҳам бўлишсизлик қўшимчаси *-ма* эса *-ган* сифатдош ясовчисидан аввал келган.

Равишдошлар деб иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг белгисини, унинг мақсадини, пайтини билдирадиган феъллар тушунилади. У гапда феълларга боғланиб келади, бўлишли-бўлишсизлик ва нисбатни кўрсата олади. Улар феъл ўзагига *-(и)б, -а(й), -гач* (*-кач, -қач*), *-гунча* (*кунча, -қунча*), *-гани* (*-кани, -қани*) каби қўшимчаларни қўйиш билан ясалади. Масалан, *Ботирали жангалларни шикомлар оралаб бошлади* (Ҳ. Фулом.) гапидagi *оралаб* феъли равишдошидир. Чунки у *бошлади* соф феълига боғланган, унинг ҳолатини билдирган ва *-б* қўшимчаси билан ясалган. Эскини *ямагунча эсинг кетади* (Мақол) гапидagi *ямагунча* феъли ҳам равишдош бўлиб, у *кетади* соф феълига боғланган, унинг белгисини билдирган. У *-гунча* қўшимчаси воситасида ясалган.

Ҳаракат номи деб иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг номлигини билдириб, замон ва шахс-сонни кўрсатмайдиган феълларга айтилади. Улар феъл ўзагига *-(и)ш, -(у)в, -моқ* қўшимчаларини қўйиш билан ясалади. Масалан, *Уқимоқ — юксалмоқ* гапидagi *ўқимоқ* феъли ҳаракат номи бўлиб, ном каби эга эзифасида қўлланган.

У -моқ қўшимчаси билан ясалган. Ҳаракат номи отларга яқин тургани ва от каби вазифа бажаргани учун ҳам от туркумига хос келишик, шахс-сон қўшимчаси билан турлана олади. Масалан: *Шундан сўнг бутун хаёлим қочишда бўлди (Ғайратий.)* гапидаги *қочишда* сўзи ҳаракат номи бўлиб, *-иш* қўшимчаси билан ясалган ва ўрин келишиги бўлган *-да* қўшимчаси билан турланган.

Кўринадики, соф феъллар тўла туслана олиши билан: сифатдош, равишдош ва ҳаракат номлари ўз ясовчилари билан ажралиб туради. Шунингдек, уларнинг ифодаси ва гапдаги вазифаси ҳам ўзига хосдир.

Кўринадики, феълларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг бўлишли-бўлишсизлик, майл, замон, шахс-сон, нисбат қўшимчалари билан туслана олишидадир. Уларнинг функционал шакллари эса ўз қўшимчалари билан ажралиб туради. Уларнинг ўзаги ҳамма вақт *-моқ* қўшимчасини олиб, ҳаракат оти шаклига кира олади.

РАВИШ

Равиш туркумига онд сўзларнинг маъносига кўра ва тузилишига кўра қандай равишлиги, қандай даражага эгаллиги кўрсатилади.

Равишлар маъносига кўра бир неча турга бўлинади: 1) **ҳолат равишлари**; 2) **пайт равишлари**; 3) **ўрин равишлари**; 4) **миқдор равишлари**.

Ҳолат равишлари иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг қандай ҳолатда ёки қай тарзда бажарилганлигини билдиради. Улар асосан *аста, секин, жим, яёв, чиндан, аранг, ниёда, очик-тўкин, хомлигича, дарров, дарҳол, бирдан, қўққисдан, мажбуран, тасодифан, астойдил, яққол, кўпинча, янгича, қаторасига, бирма-бир, битталаб* каби сўзлардан иборат. Масалан: *Иўлчи бошини қуйи солиб жим ўтирди (Ойбек.)* гапидаги *жим* равиши ҳолат равишидир. Чунки у *ўтирди* сўзига боғланиб, ундан англашилган ҳолатнинг қандайлигини ифода этган.

Пайт равишлари иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажариллиш пайтини билдиради. Улар асосан *эрта, энди, эрталаб, илгари, сўнгера, кейин, ҳануз, ҳали, ҳамиша, кеча, бугун, аввал, кеч, аллақачон, олдин, ҳамон, кечаси, тездан, яқинда, дастлаб, кундузи, ҳар куни, ҳозир* каби сўзлардан иборат. Масалан: *Иигит бир он тикилди (Ойбек.)* гапидаги *бир он* сўзи пайт равишидир. Чунки у *тикилди* феълига боғланиб, ундан англашил-

ган ҳолатнинг пайтини, қанча давом этганлигини ифода этган.

Ўрин равишлари иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиш ўрнини билдиради. Улар асосан *аллақаерда, аллақаерга, аллақаердан, қуйида, бу ерда, бу ёққа, шу ерда, узоққа, узоқдан, ҳар қаерда, юқорида, олдинда, йртада* каби сўзлардан иборат. Масалан: *Хафа қилмаганингизда ҳеч ёққа кетмас эдим (Уйғун.)* гапидаги *ҳеч ёққа* равиши ўрин равишидир. Чунки у *кетмас эдим* феълига боғланиб, ундан англашилган ҳаракатнинг ўрнини билдириб келяпти.

Миқдор равишлари иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг, шунингдек, предметнинг ноаниқ миқдорини билдиради. Улар *мунча, талай, бир қанча, аллақанча, пича, мўл* каби сўзлардан иборат. Масалан: *Оз сўзла, кўп тингла (Мақол.)* гапидаги *оз* ва *кўп* равишлар миқдор равишидир. Чунки *оз* равиши *сўзла* феълига, *кўп* равиши *тингла* феълига боғланиб, улардан англашилган нутқ ва сезги жараёнларининг ноаниқ миқдорини кўрсатиб келган.

Равишлар ҳам тузилишига кўра икки турга бўлинади: 1) **содда равишлар**; 2) **қўшма равишлар**. Масалан, *тез, секин, янгича, ҳалигача* каби сўзлар содда равиш ҳисобланади, чунки улар таркибида бир ўзак бор. Улардан ҳам *тез, жим, кеч, эрта* каби содда равишлар туб равиш бўлиб, фақат ўзакдан иборат. Яна *янгича, хомлигича, кўнлаб* каби содда равишлар ҳам борки, улар ясама ҳисобланади. Чунки улар *янги+ча, хом+лигича, кўн+лаб* каби ўзак ва қўшимчалардан таркиб топган. Қўшма равишлар *ҳар вақт, ҳамма ёқ, шу ерда, у ёққа* каби икки ўзакдан тузилган бўлиб, ажратиб ёзиладиган; *аллақачон, аллақаерда* каби икки ўзакдан тузилиб, қўшилиб ёзиладиган равишлардан ташкил топган. Шунингдек, *аста-секин, очик-ойдин, ёнма-ён* каби жуфт равишлар ҳам бўлиб, улар ҳам икки ўзакдан таркиб топган.

Равишлар ҳам сифатлар каби даража кўрсаткичига эга бўлиб, у фақат озайтирма даражадан иборат. Масалан: *Бола уйига кечроқ қайтди* гапидаги *кечроқ* равиши озайтирма даражада келган. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, ҳамма равишлар ҳам даража қўшимчаси билан қўлланмайди.

КЎМАКЧИ

Кўмакчилар моҳиятига кўра икки турга бўлинади: 1) соф кўмакчилар; 2) кўмакчи вазифасидаги сўзлар.

Соф кўмакчилар фақат кўмакчи вазифасини бажарувчи кўмакчилар бўлиб, улар асосан, *учун, каби, сингари, сари, сайин, қадар, билан* ва бошқа сўзлардан иборат. Масалан: *Ғайрат билан минди отнинг белига* (Ф. Иўлдош.) гапидаги *билан* кўмакчиси соф кўмакчи бўлиб, у бундан бошқа туркум вазифасини ўтамайди. Булардан ташқари, *аввал, кейин, сўнг, илгари, бурун* каби равиш туркумидаги; эғалик ва келишиқ қўшимчасини олган *ён, ост, уст, ич, тена, ўрта, орқа, таг* каби от туркумидаги; *қараганда* сифатдоши; *қараб, бўйлаб* каби равишдошлар ҳам кўмакчи вазифасини бажариб келади. Бундай сўзлар эса **кўмакчи вазифасидаги сўзлар** деб қаралади. Масалан: *Қитоб столнинг устида турарди* гапидаги *устид* сўзи от туркумига оид бўлиб, у ўрин ҳоли вазифасида қўлланган, ўзича жой маъносини ифода этган. Аммо, *Мен иш устида ўтирдим* гапидаги *устид* сўзи эса кўмакчи вазифасидаги отдир. Чунки у ўрин ифода этмаган, балки *иш* сўзи билан бирга равиш ҳоли вазифасини ўтаган. Кўринадики, кўмакчи вазифасидаги сўзлар мустақил маъно бермаслиги билан ўзига хосдир.

БОҒЛОВЧИ

Боғловчилар вазифасига кўра икки турга бўлинади: 1) тенг боғловчилар; 2) эргаштирувчи боғловчилар.

Тенг боғловчилар гапнинг уюшиқ бўлақларини ва қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлаш учун қўлланади. Улар боғлаш моҳиятига кўра уч турга бўлинади: а) бириктирувчи боғловчилари, б) зидлов боғловчилари, в) айирув боғловчилари.

Бириктирув боғловчилари гапнинг уюшиқ бўлақларини ва содда гапларни бир-бирига боғлаш учун қўлланади. Улар эса *ва, ҳамда* боғловчиларидан иборатдир. Масалан: *Мен ва Али сайр этгали қўшини боққа чиқдик ҳали* (Қ. Ҳикмат.) гапидаги *ва* бириктирувчи боғловчи бўлиб, у мен билан Али сўзини бир гапнинг эгаси сифатида бириктириб, уюштириб келяпти. **Зидлов боғловчилари** гапнинг уюшиқ бўлақлари ва содда гапларнинг бир-бирига зидлигини, қарама-қаршилигини билдириш учун қўлланади. Аммо, *лекин, бироқ, балки* зидлов боғловчилари ҳисобланади. Масалан: *У бизни*

кита келди, лекин ичкари кирмади гапидаги лекин эидлов боғловчиси бўлиб, у келди феъли билан кирмади феълларидан англашилган ҳаракатнинг қарама-қарши қўйган. **Айирув боғловчилари** воқеа-ҳодисаларнинг бири бўлишини ёки уларнинг галма-гал амалга ошишини билдириш учун қўлланади. Улар *ё, ёки, ёхуд, баъзан* каби боғловчилардан иборатдир. Масалан, *У дам айвонга, дам ошхонага қатнаб, тинмай юради (Ойдин.)* гапидаги *дам* айирув боғловчиси бўлиб, у бориладиган жой *дам айвон* бўлса, *дам ошхона* эканлигини, йўналиш галма-галлигини билдирган.

Эргаштирувчи боғловчилар кўпинча қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига эргаштириш йўли билан боғлайди. Улар *шунинг учун, чунки* каби боғловчилардан иборат. Масалан: *Кечикдинг, шунинг учун кетдим* гапидаги *шунинг учун* эргаштирув боғловчиси бўлиб, *у кетдим* гапининг *кечикдинг* гапига эргаштиришни кўрсатган.

Кўринадики, боғловчилар сўз ёки гапларнинг ўзаро боғланишини ифода этиб, тенг боғловчилар гапдаги сўз ёки гапларнинг тенг вазифа бажаришини кўрсатса, эргаштирувчи боғловчилар бирини иккинчисига тобе қилиб ифодалайди.

ЮКЛАМА

Юкламалар маъноси ва тузилишига кўра бир неча турларга бўлинади: 1) сўроқ юкламалари; 2) таъкид юкламалари; 3) айирув юкламалари; 4) кучайтирув юкламалари каби.

Сўроқ юкламалари ўзи қўшилган сўз ёки гапга сўроқ маъносини илова қилиб, улар *-ми, -чи, -а (-я)* қўшимчаларидан иборат. Масалан: *Шунинг ҳаммаси ерга тушармикан? (А. Мухтор.)* гапидаги *-ми* юкламаси гапга сўроқ маъносини илова қилган. **Таъкид юкламалари** ўзи қўшилган гап бўлагига диққат қаратилганлик маъносини беради. Улар *-ку, -да, -у (-ю)* қўшимчаларидан иборат. Масалан: *Ёш бўлса-да бош эди (С. Абдулла.)* гапидаги *-да* юкламаси *ёш бўлса* бўлагига қўшилиб, ундан англашилган маънога диққатни қаратган. **Айирув юкламалари** гапдаги айрим бўлакни ажратиб, иш-ҳаракат ёки ҳолатининг ўшанга қаратилганлигини кўрсатади. Улар *фақат, ҳам* сўзлари ва *-гина (-кина, -қина)* қўшимчаларидан иборат. Масалан: *Она ўз ўғ-*

лини севади фақат (Ҳ. Олимжон.) гапидаги фақат юк-ламаси севмоқ феълидан англашилган сезгигина амалга ошувини ажратиб кўрсатган. **Кучайтирув юкламалари** гапда бирор бўлакдан англашилган маънони кучайтириб ифодалайди. Улар *ҳатто (ҳаттоки)* сўзи ва *-оқ (-ёқ)* қўшимчасидан иборат. Масалан: *Ҳаттоки иш шу қадар жиддий бўлди (А. Мухтор.)* гапидаги *ҳаттоки* сўзи кучайтирув юкламаси бўлиб, у ишнинг жиддийлигини кучайтириб ифода этапти.

Юкламалар тузилишига кўра икки турга бўлинади:

1) **сўз юкламалар**; 2) **қўшимча юкламалар**.

Сўз юкламалар луғавий бирликни ташкил қилиб, улар *фақат, ҳатто, ёлғиз* каби сўзлардан иборатдир. **Қўшимча юкламалари** (*-ми, -чи, -ю, -да, -гина* ва ҳоказо) эса маълум сўзга қўшилиб келиб, ё у билан бирга, ё ундан дефис билан ажратиб қайд этилади.

МОДАЛ СЎЗ

Модал сўзлар турли маъноларни билдириб келади:

1) фикрнинг аниқлигини билдиради. Булар *албатта, шубҳасиз, ҳақиқатан, ўз-ўзидан, табиий, дарҳақиқат* каби сўзлардан иборат. Масалан: *Бу, шубҳасиз, бизнинг ютуғимиз (А. Қаҳҳор.)* гапидаги *шубҳасиз* сўзи кесимдан англашилган ҳолат аниқ эканлигини билдиради.

2) гумон, ноаниқликни билдиради. Булар *эҳтимол, чиқар, балки, ҳойнаҳой, чоғи, афтидан, мазмунан, чамаси, шекилли* каби сўзлардан иборат. Масалан: *Ҳа, яна бир таъзирингни берадиган бўлдим, чамаси. (Уйғун.)* гапидаги *чамаси* сўзи гапдан англашилган ҳаракат ижроси гумон эканлигини ифода этган.

3) мақсад, талаб, шарт кабиларни билдиради. Улар *керак, лозим, зарур, даркор* каби сўзлардан иборат. Масалан: *Кўзларимга суртмоғим керак (Ҳ. Пўлат.)* гапидаги *керак* сўзи гап кесимидан англашилган ҳаракат ижроси шарт эканини ифода этган.

4) мавжудлик ёки тасдиқни билдиради. Улар *бор, майли, кўп, тўғри, тузук, яши* каби сўзлардан иборат. Масалан: *Майли дейман ва қилмайман гаши (Ҳ. Олимжон.)* гапидаги *майли* сўзи гапдан англашилган воқеликнинг тасдиғи ифодасини берган.

5) маъқуллашни билдиради. Улар *дуруст, бўлибди, бас* каби сўзлардан иборат. Масалан: *Юрагимни бериб*

кетсанг бас! (Уйғун.) гапидаги *бас* сўзи гап кесимидан англашилган ҳаракат ижроси маъқулланганлигини ифода этган.

б) якунлаш ва таъкидни билдиради. Улар *демак, хуллас, модомики, кўринадики* каби сўзлардан иборат. Масалан: *Хуллас, ҳалол бўлиш мақсадим (С. Жўра.)* гапидаги *хуллас* сўзи гап кесимидан англашилган иш ижросини таъкидлаб келган.

УНДОВ

Ундовлар фақат маъносига кўра тасниф қилиниб, у икки турга бўлинади: 1) **ҳис-ҳаяжон ундовлари**; 2) **ҳайдаш-чақириш ундовлари**.

Ҳис-ҳаяжон ундовлари, одатда, ҳис-ҳаяжон, буйруқ, нетак, хитоб, табрик каби маъноларни билдиради. Улар *эх, оҳ, уҳ, бе, ҳо, ҳе, э, эй, ҳа, уф, туф, дод, вой, ҳоҳ, оббо, ура, ўхў, ие, ҳов, ҳув, ҳов, ҳай, ҳей, тс, мари, бас, ҳорманг, раҳмат, қани, алла, салом, хайр, офарин, ба.ли, баракалла, э-ҳа* ва бошқа сўзлардан иборат. Масалан: *Оҳ! Мен нима қилдим?! (Ҳ. Ҳақимзода.)* гапидаги *оҳ* ундови эса кўркўв-ҳаяжон ифода этган.

Ҳайдаш-чақириш ундовлари ҳайвон ва паррандаларга бирор иш-ҳаракатни бажариш ёки шу ҳаракатни тўхтатиш, тинчитиш, чақириш ва ҳайдаш учун берилган буйруқни билдирувчи сўзлардир. Улар *кишит, чўх, беҳ-беҳ, хиҳ, иш, қурей-қурей, гаҳ* каби сўзлардан иборат. Масалан, — *Чу, жонивор!— деди кимдир шўхлик билан (А. Мухтор.)* гапидаги *чу* ундови отга юриш учун қилинган буйруқдир.

ТАҚЛИД СЎЗ

Тақлид сўзлар моҳиятига кўра икки турга бўлинади: 1) **товушга тақлид сўзлар**; 2) **ҳолатга тақлид сўзлар**.

Товушга тақлид сўзлар одам, ҳайвонлар ҳаракати, табиатдаги нимагадир хос товушларга тақлидни билдирувчи сўзлар бўлиб, улар *гумбур-гумбур, дўп-дўп, дук-дук, шиқ-шиқ, гув-ғув, қий-чий, говур-ғувур, шилдир-шилдир, шарақ-шуруқ, тақ-туқ* каби сўзлардан иборат. Масалан, *Толда каптарларнинг ҳу-ғув, ҳу-ғувлари эшитилиб қолди (Ойбек.)* гапидаги *ҳу-ғув* сўзи парранда товушини билдирган.

Ҳолатга тақлид сўзлар табиатдаги хилма-хил шуъла, ҳаракат кўринишларини товушга образли кўчириш ҳисобланади. Улар *лим, лим-лим, биж-биж, лик-лик,*

ялт, ярқ, гир-гир, лапанг-лапанг, апил-тапил каби сўзлардан иборат. Масалан: *Ертўлада одамлар... данг қотиб ухлашарди (Ойбек.)* гапидаги *данг* сўзи одамнинг қаттиқ уйқусидаги ҳолатини товушда образли ифода этган.

Тақлид сўзлар якка ёки жуфт ҳолатда учрайди. Масалан, *ялт, лип, тап* каби тақлид сўзлар якка қўлланиб, *тарс-турс, апир-шапир, гангур-гунгур* каби тақлид сўзлар жуфт ҳолда нутққа киритилади.

СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ

Синтактик таҳлилда, аввало, сўзлар бирикувиغا эътибор берилади, кейин гап ва гап турларига диққатни қаратиб, шу гапнинг қурилиши ва бўлаклари таҳлил этилади.

СЎЗЛАРНИНГ СИНТАКТИК АЛОҚАСИ

Сўзларнинг ўзаро синтактик алоқага киришуви сўзлар қўшилмасини юзага келтиради. Сўзлар қўшилмасида уларнинг маъно жиҳатидан ҳам алоқага киришиши бўлади. Масалан: *Қушлар кўпайишар ва шўх чирқирашарди* гапида *қушлар кўпайишар, қушлар чирқирашарди, шўх чирқирашарди, кўпайишар ва чирқирашарди* ҳолатидаги тўрт сўз қўшилмаси бор. Бу қўшилма икки сўзнинг ҳам грамматик, ҳам маъно жиҳатдан алоқага киришуви орқали юзага келган. Уларнинг биринчиси, *қушлар кўпайишар* бўлиб, улар III шахс ва кўнликда эканлиги билан ўзаро мослашиб алоқага киришган. Қушлар ҳаракат қилиши нуқтан назаридан ҳам бу сўзлар ўзаро алоқадор, боғлиқдир.

Сўзларнинг бундай боғланиши икки хил бўлади. 1) **тенг боғланиш**; 2) **тобе боғланиш**.

Тенг боғланишда сўзлар бир-бири билан санаш оҳанги ёки тенг боғловчилар ёрдами билан боғланади. Масалан, юқорида келтирилган гапдаги *кўпайишар ва чирқирашарди* сўз қўшилмаси тенг боғланиш деб қаралади. Чунки улар *ва* тенг боғловчиси воситасида ўзаро алоқага киришган бўлиб, уларнинг бири иккинчисига тобе эмас, балки иккиси ҳам гапнинг кесими, тенг муносабатда уюшиб келган. **Тобе боғланиш** эса бир сўз иккинчисига тобеланиб боғланишидир. Масалан, юқорида келтирилган гапдаги *шўх чирқирашарди* қўшилмаси тобе боғланиш деб қаралади. Чунки *шўх* сўзи *чирқирашарди* феълига тобе бўлиб, унинг ҳолатини

билдирган, унинг маъноси ҳам феълдан англашилган ҳаракат орқали тушунилади. Бир-бирига шундай тобе боғланган сўзлар **сўз бирикмаси** дейилади.

Сўз бирикмаси таркибида бош сўз ва эргаш сўз бўлади. Сўз бирикмасидаги маъноси тўғридан-тўғри, бевосита англашилмайдиган, иккинчисининг маъноси ҳам уни яққоллаштириб келадиган сўз **бош сўз** бўлиб, маъноси бош сўз маъносига аниқлик киритиш, тўлдириш, изохлаш учун хизмат қиладиган сўз **эргаш сўз** ҳисобланади. Масалан, *шўх чирқирашарди* бирикмасида *чирқирашарди* сўзи бош сўз бўлиб, у бирикмадаги *таянч* маъноси ифода этган, бевосита англашилади ва *шўх* сўзининг маъноси ҳам унинг белгисини билдириш, аниқлаштириш учун хизмат қилади. *Шўх* сўзи шунинг учун эргаш сўздир. Савол берилганда ҳам эргаш сўзга таяниб бош сўзга эмас, бош сўзга таяниб эргаш сўзга савол берилади. Яъни *шўх нима қилинади?* деб эмас, балки *қандай чирқиради?* деб савол бериш мумкин.

Бош сўз қайси сўз туркумига мансублигига қараб, сўз бирикмалари уч хил бўлади: 1) **отли бирикма**; 2) **феълли бирикма**; 3) **равишли бирикма**.

Отли бирикма деб бош сўз, от, сифат, сон, олмош ёки ҳаракат номидан иборат бирикмага айтилади. Масалан, *қора қалам*, *қизғин қора*, *учдан тўрт*, *ҳосилнинг ҳаммаси ва самимий кулиш* каби. Бош сўз фақат феълдан иборат бирикма **феълли бирикма** дейилади. Масалан, *тез чопди* каби. **Равишли бирикмаларнинг** эса бош сўзи равиш туркумига оид бўлади. Масалан, *оздан оз*, *ҳаммадан кўп* каби.

Сўз бирикмалари таркибидаги сўзларнинг ўзаро бирикishi уч хил кўринишга эга: *бошқарув*, *мослашув*, *батишув*.

Бошқарув бош сўзнинг талаби билан эргаш сўзнинг маълум грамматик воситани олишидир. Бунда эргаш сўз келишик қўшимчалари ёки кўмакчиларни олади. Масалан, *ручкада ёзди* ёки *ручка билан ёзди* бирикмаларидаги тобе сўз бош сўз талаби билан биринчисида ўрни келишиги қўшимчасини, кейингисиди *билан* кўмакчисини олган. Бу боғланиш, шундай бўлганидан кейин, **бошқарув** деб қаралади. **Мослашув** эргаш сўзнинг бош сўзга қаратқич келишиги қўшимчаси ёрдами билан бирикishi ва эга ҳам кесимнинг шахс-сонда бир хиллениб бирикishiдир. Масалан, *мактабнинг ҳовлиси*, *мен олдим* кабилар мослашув йўли билан бириккан.

Чунки *мактабнинг* сўзи қаратқичли бўлгани учун ҳолисиси қаралмиши бўлиб мослашган. *Мен* олмоши I шахс бирликда бўлиб, *олдим* феъли ҳам I шахс бирликда ва шу мосликка кўра улар бириккан. **Битишув** эргаш сўзининг бош сўз билан грамматик воситасиз, фақат ўрнашув ўрнига кўра бирикишига айтилади. Масалан, *кўрпа чит* бирикмасида *чит* бош сўз бўлиб *кўрпа* сўзи эргаш сўздир, яъни *кўрпа* сўзи *чит* сўзининг белгисини билдирган. Бу ўринда *чит* мато бўлиб, кўрпабоп эканлиги ифода этилган. Агар бирикмадаги сўзлар *чит кўрпа* ҳолида ўрин алмашса, кўрпа ҳақида гапирилган бўлиб, у *читдан* қилинганлиги англашвилади. Яъни битишув боғланишида бош сўз ҳамма вақт кейин, эргаш сўз олдин берилади.

ГАП ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Синтаксис, эсосан, гап ва унинг бўлақлари ҳақида баъзе юритишдан иборат экан, аввал гапнинг ўзи ҳақида тушунчага эга бўлиб олиш керак. У аввало алоқа-аралашувнинг энг кичик бўлаги бўлиб, унда нисбий тугалланган фикр ифодаси, грамматик шаклланиш, тугал оҳанг ўз аксини топади. Яна энг муҳими предикативлик бўлиши шарт. Хўш, предикативликнинг ўзи нима? Предикат — кесим дегани. Предикативлик атамаси остида эса гапнинг умумий мазмунини ўзида акс эттирган ўзига ҳос эга ва кесим бирлиги тушувилади. Аммо гапда бу қайд этилмай, мантиқан англашилдиб туриши ҳам мумкин. Шунда ҳам гапда предикация мазжуд деб ҳисобланади. Масалан: *Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади* (*Ҳ. Олимжон.*) бир гапдан иборат бўлиб, унда баҳорнинг қандай ўтиши ҳақидаги нисбий тугал фикр бор. Шунингдек, у грамматик шаклланган, яъни эга ва кесим, иккинчи даражали бўлақлар ўзаро грамматик боғлиқ, кесим эса замон, шахс-сон жиҳатидан тугал, гап тугал оҳангга эга. Ундаги предикация *баҳор* ва *ўтади* сўзлари муносабатида ўз ифодасини топган, яъни баҳор ҳақидаги маълумот *ўтади* феълида акс этган. Бу гап мазмунини умуман ўзида қамрайди. Қолган бўлақлар уни тўлдиради. Масалан: *Ўз вақтида етиб кел!* (*А. Қаҳҳор.*) гапга эътибор берайлик. Бунда ҳам фикрнинг нисбий тугаллиги, грамматик шаклланганлик ва тугал оҳанг бор. Аммо гап предикациясида эга қайд этилмаган. Шунга қарамай, гап кесими *етиб кел* феълидан эганинг II шахс бирликда эканин англашвилади.

Шунга кўра, ўз предикациясига эга ва шунинг учун гап деб қаралади.

Гаплар мақсадга, ҳис-ҳаяжон ифода этишига кўра, тузилишига кўра турларга бўлинади.

Гаплар мақсадга кўра уч турга бўлинади: 1) дарак гап; 2) сўроқ гап; 3) буйруқ гап.

Дарак гап орқали бирор нарса маълум қилинади ёки хабар берилади. Унинг охирига нуқта қўйилади. Масалан: *Унсин беихтиёр эшикка югурган эди (Ойбек.)* гапи дарак гап бўлиб, унда Унсиннинг қилган ҳаракати ҳақида хабар берилаяпти, агар гап номи билан атасак, дарак берилаяпти. Шунинг учун гап охирига нуқта қўйилди.

Сўроқ гап орқали сўзловчи ўзи баён қилган фикрга тингловчини фикр билдиришга ундайди: шу фикрни тасдиқлаш ёки инкор этишни талаб этади, шунингдек, бирор нарса ҳақида хабар бериш ёки маълумот келтиришни сўрайди. Унинг охирига сўроқ белгиси қўйилди. Масалан: *Нима овқат қилсак экан-а? (М. Исмоиллий.)* гапи сўроқ гап бўлиб, унда қандай овқат қилиш ҳақида тингловчини фикр билдиришга ундаляпти. Шунинг учун унинг охирига сўроқ белгиси қўйилган. Сўроқ гапнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, унинг таркибида ё сўроқ олмоши ё сўроқ юкламаларидан бири қўлланади, ё у сўроқ оҳанги билан айтилади. Юқоридаги гапда эса сўроқ олмоши бўлган *нима* сўзи ва *-а* сўроқ юкламаси қўлланган. Сўроқ юкламаси ҳамма вақт гап кесимига қўшилдиб келади.

Буйруқ гап орқали тингловчини нимадир қилишга ундаш мақсад қилиб қўйилади. Ундаш эса илтимос, чақирқиқ, буйруқ, таклиф, маслаҳат, ялиниш кабилардан иборат бўлиши мумкин. Улар охирига ундов белгиси қўйилади. Масалан: *Қўлинг баланд бўлсин! (М. Исмоиллий.)* гапи буйруқ гап бўлиб, унда сўзловчи тингловчига қарата чақирқиқ билан мурожаат қилляпти. Шунинг учун унинг охирига ундов белгиси қўйилган. Буйруқ гапларнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларнинг кесими феъл бўлса, улар деярли буйруқ-истак майлида келади ва гапнинг эгаси кўпинча қайд этилмайди. Унда нутқ II шахсга қаратилган бўлиб, ҳамма вақт келаси замонни кўрсатади.

Гаплар оҳангига, ҳис-туйғуни ифодалашига кўра икки турга бўлинади: 1) ҳис-ҳаяжонсиз гап; 2) ҳис-ҳаяжонли гап.

Ҳис-ҳаяжонсиз гапларда ҳис ёки ҳаяжон бўлмайдиган улар дарак, сўроқ ёки буйруқ оҳанги билан айтилади. Юқорида келтирилган *Унсин беихтиёр эшикка югурган эди. Нима овқат қилсак экан-а? Қўлинг баланд бўлсин!* гаплари ҳис-ҳаяжонсиз гаплар деб қаралади. Уларда сўзловчининг ҳис ёки ҳаяжони ифода этилмаган. **Ҳис-ҳаяжонли гапларда** ифода этилган мақсаддан ташқари сўзловчининг ҳис ёки туйғуси ҳам ўз ифодасини топади. Бундай гаплар **ундов гаплар** деб ҳам аталади. Масалан, *Нақадар бахтлидир она бечора!* (*Ҳ. Олимжон.*) гапи ҳис-ҳаяжонли гап деб ҳисобланади. Чунки бу гапларда она ҳолати ҳақида маълумот бериши баробарида сўзловчининг воқеликка нисбатан ҳаяжонли туйғуси ҳам берилган. Шунга кўра гап охирига ундов белгиси қўйилган. Одатда ҳис-ҳаяжонли гаплар охирида ундов белгиси бўлади. Ҳис-ҳаяжонли гапларда оҳангнинг роли катта. У баланд товуш билан нисбатан чўзиқроқ вақтда талаффуз этилади. Мақсадга кўра гап қандай гап бўлмасин, унга ҳис-ҳаяжон оҳанги берилса, у ҳис-ҳаяжон гапига айланади. Бундай гаплар охирига мақсадига кўра қандай гап бўлса, шу гап тиниш белгиси ҳам, ундов белгиси ҳам қўйилади. Масалан: *Фарзанд қандай оқлар она ҳаққини?! (Шукрулло.)* гапи мақсадга кўра сўроқ ва ҳис-ҳаяжон ифодалашига кўра ҳис-ҳаяжонли гап. Шунинг учун ҳам гап охирида сўроқ ва унинг кетидан ундов белгиси қўйилган.

Гаплар тузилишига кўра икки турга бўлинади:

1) **содда гап**; 2) **қўшма гап**.

Содда гап бир эга-кесим боғланишига асосланган гаплардир. Бир эга ва кесим боғланиши дейилганда, таркибида бирдан ортиқ эга ёки бирдан ортиқ кесим бўлмайдиган, деган тушунча бўлмаслиги керак. Содда гаплар таркибида бирдан ортиқ эга ва бирдан ортиқ кесим бўлгани ҳолда, шу эгалар ўзаро уюшиб, ўзаро уюшган кесимлар билан ягона боғланишни таркиб топтиради. Содда гапнинг моҳияти мана шу эга ва кесимнинг ягона боғланишига асосланади. Масалан: *Машина Фарҳод тоғи этагига келиб тўхтади (Ойдин.)* гапиде машина эга бўлиб, келиб тўхтади кесимдир. Гапнинг қолган *Фарҳод тоғи этагига* бўлаклари кесимга боғланган. Яъни бир эга ва кесим боғланиши, тўғрироғи, машина ва келиб тўхтади боғланиши бўлиб, қолган бўлақлар шу боғланишга марказлашган. *Атиргул ва картошкагўл кузнинг биринчи изғиринларини писанд*

қилмайди, чидайди (Ойбек.) гапда атиргул ва картошлагаул эга бўлиб, писанд қилмайди ва чидайди феъллари кесимдир, яъни унда икки эга ва икки кесим бор. Икки эга ўзаро уюшган ҳолда уюшган икки кесим билан бир боғланишни ҳосил қилган. Гапдаги кузнинг биринчи изғиринлари бўлаклари эса кесимга боғланиб келган.

Қўшма гап деб таркибида бирдан ортиқ содда гап бўлиб, умумлашган фикр билдирувчи, ягона оҳангга эга гапга айтилади. Кўринадики, қўшма гапга хос характерли хусусият унинг бирдан содда гапга бўлина олишидир. Масалан: *Ариқдан майин оҳанг билан сув оқар ва шамол эсар эди (Ойбек.)* гапи таркибида икки содда гап бўлиб, биринчиси *Ариқдан майин оҳанг билан сув оқар*, иккинчиси эса *шамол эсар эди* ҳисобланади. Биринчи содда гап *сув* ва *оқар* эга ва кесим боғланишига, иккинчи содда гап эса *шамол* ва *эсар* эга-кесим боғланишига марказлашган. Бу икки содда гап ва боғловчиси воситасида бир гапга бирлашиб, ягона оҳангга эга бўлган.

Содда гаплар иккинчи даражали бўлаклари бор ёки йўқлигига қараб икки турга бўлинади: 1) **содда йиғиқ гап**; 2) **содда ёйиқ гап**.

Содда йиғиқ гаплар фақат эга ва кесимдан иборат бўлади. Масалан, *Пахта очилди* гапи содда йиғиқ бўлиб, унда эга *пахта* сўзи, кесим *очилди* сўзигина бор. Унинг таркибида бошқа бўлак йўқ. **Содда ёйиқ гаплар** эга ва кесим, шунингдек, иккинчи даражали бўлақлардан таркиб топади. Масалан, *Бунда булбул китоб ўқийди (Ҳ. Олимжон.)* гапи содда ёйиқдир. Бу гапда эга *булбул* сўзи бўлиб, кесим *ўқийди* сўзидир. Гапдаги *бунда* ва *китоб* сўзлари эса иккинчи даражали бўлак ҳисобланади. Шунга кўра, содда ёйиқ гап ҳисобланади.

ГАП БУЛАКЛАРИ

Содда гаплар эга ва кесим боғланишига марказлашган бўлади, деб айтилди. Демак, қолган бўлақлар шу эга ёки кесимдан бирига боғланиб келади. Шунинг учун ҳам гапнинг эга ва кесими бош бўлак деб, гапдаги қолган бўлақлар эса иккинчи даражали бўлак деб қаралади. Яъни гапнинг бош бўлаги эга ва кесимдан иборат.

Эга деб гапнинг ким ва нима ҳақида эканлигини билдириб, бошқа бўлақларга грамматик тобе бўлмаган бўлакка айтилади. Масалан: *Бунда қуртлар ипак*

тўқийди (Ҳ. Олимжон.) гапидаги *қуртлар* сўзи эга ҳисобланади. Чунки гап мазмуни *қуртлар* (нима)га қаратилган. Гапдан англашилган хабар шу қуртлар ҳақидадир. **Кесим** эса эга ҳақидаги хабарни билдириб, унга грамматик тобе бўлган бўлак ҳисобланади. Масалан, юқоридagi гапда *тўқийди* сўзи кесимдир. Чунки у эгадан англашилган қуртлар иши ҳақидаги хабарни англаган.

Эганинг ифодаланиши унинг қайси туркумдаги сўздан иборатлигидир. Эга, асосан, от туркумидаги сўз билан ифодаланади. Масалан: *Шамол эди*. У от ўрнида кўлланган олмош бўлиши мумкин: *Мен келдим*. Отланган сўзлардан иборат бўлади: *Яхшилар кўпайсин*. Бу ўрнида сифат отланган. Эга ибора билан ифодаланади: *Эс-ҳушини йиққанлар сайланади*. Бу гапда *эс-ҳушини йиққанлар* ибора бўлиб, эга вазифасида келган.

Кесимлар икки хил бўлади: **феъл-кесим**; **от-кесим**. **Феъл-кесимлар** соф феълдан иборат бўлиб, замон ва шахс-сон билан тусланади. Масалан: *Шоҳида беҳилар осилиб ётарди* (М. Исмоилий.) гапида *осилиб ётарди* соф феъли феъл-кесим ҳисобланади. Чунки у замон ва шахс-сон қўшимчаси билан тусланган. **От-кесимлар** эса соф феълдан бошқа туркумдаги сўзлар билан ифодаланган кесимлардир. Масалан: *Яхшининг гапи — мой* (Мақол.) гапида *мой* оти кесим вазифасини бажарган. От-кесим вазифасида яна сифат, сон, олмош, равиш, сифатдош, ҳаракат номи ва ҳатто ёрдамчи сўзлар ҳам кўлланиши мумкин.

От-кесимларнинг эга билан боғланишида **боғлама** ҳам роль ўйнаши мумкин. Бунда боғлама замон ва шахс-сон кўрсаткичини олиб келади. Масалан: *Қишлоқлардан боғлар оралаб келувчилар усти қор эди*. (Ҳ. Олимжон.) гапидаги *эди* тўлиқсиз феъли гапнинг боғламаси ҳисобланади. У ўтган замон ва III шахс бирликини ифода этиб келган.

Гапнинг бош бўлагидан қолган бўлақлари иккинчи даражали бўлақлар бўлиб, улар уч турга бўлинади: **тўлдирувчи**, **аниқловчи** ва **ҳол**.

Тўлдирувчи гапнинг бирор бўлаги, асосан кесимни тўлдириб, унга бошқарув йўли билан боғланиб келган иккинчи даражали бўлақ бўлади. У кўпроқ *ким*, *нима* ўзакли саволга жавоб бўлади. Масалан: *Ботирдан ўлим ҳам қўрқади* (Мақол.) гапидаги *ботирдан* сўзи тўлдирувчи вазифасида келган. Чунки у *қўрқади* феъл-ке-

симга боғланиб, уни тўлдириб келган ва ким ўзакли кимдан саволига жавоб бўлган. Одамнинг юзи офтобдан иссиқ (Мақол.) гапидаги офтобдан сўзи ҳам тўлдирувчи вазифасида келган. Чунки у иссиқ от-кесимни тўлдириб, нима ўзакли нимадан? саволига жавоб бўлади.

Тўлдирувчилар икки турга бўлинади: **воситасиз тўлдирувчи, воситали тўлдирувчи.** Воситасиз тўлдирувчи ҳаракат ўтган бўлакни кўрсатувчи кимни ва нимани саволига жавоб бўлган тўлдирувчидир. Масалан: *Бўлинганни бўри ер* (Мақол.) даги *бўлинганни* сўзи воситасиз тўлдирувчи ҳисобланади. Чунки кесимдан англашилган *емоқ* ҳаракати *бўлинган* сўзидан англашилган шахсга ўтган ва бу сўз кимни? саволига жавоб бўлади. **Воситали тўлдирувчи** эса ҳаракат бажарилишида восита бўлувчи ва кимга?, нимага?, кимда?, нимада?, кимдан?, нимадан?, ким билан?, нима билан?, ким ҳақида?, нима ҳақида?, ким учун?, нима учун? каби сўроқларга жавоб бўладиган тўлдирувчи ҳисобланади. Масалан: *Қўрққанга қўша кўринар* (Мақол.) гапидаги *қўрққанга* сўзи воситали тўлдирувчидир. Чунки *қўша кўриниш* ҳаракатининг бажарилиши учун *қўрққан* сўзидан англашиладиган шахс восита бўлади ва кимга? саволига жавоб бўлади.

Аниқловчи деб гапдаги бирор бўлакнинг белгисини ёки бир предметнинг бошқасига қарашлигини билдирган иккинчи даражали бўлакка айтилади. Масалан: *Йўқолган пичоқнинг сопи — олтин* (Мақол.) гапидаги *йўқолган* ва *пичоқнинг* сўзлари аниқловчи ҳисобланади. Чунки *йўқолган* сўзи *пичоқ* сўзидан англашилган буюмнинг қандайлигини ва *пичоқнинг* сўзи эса *сопи* сўзидан англашилган қисм ўзидан англашилган буюмга қарашлилигини ифода этган. Аниқловчилар ҳам моҳиятига кўра уч турга бўлинади: **қаратқич-аниқловчи, сифатловчи-аниқловчи, изоҳловчи аниқловчи.** **Қаратқич-аниқловчи** ўзи англаган предметга нимадир қарашли эканини билдирган аниқловчидир. Масалан: *Йигитлар болаларнинг орқасидан кичкина кўчага қайрилиши* (Ойбек.) гапидаги *болаларнинг* сўзи қаратқич-аниқловчи ҳисобланади. Чунки у ўзи англаган болаларга орқа сўзидан англашилган тараф қарашли эканлигини билдирган. **Сифатловчи-аниқловчи** эса бирор бўлакдан англашилган предметнинг белгисини билдирган аниқловчи ҳисобланади. Масалан: ... *у беор еллар мени ал-*

даб кетади (Ҳ. Олимжон) гапидаги *беор сўзи* *еллар* сўзининг аниқловчисидир. Чунки *у еллар* сўзидан англашилган воқеликнинг белгисини ифода этиб келяпти. **Изоҳловчи-аниқловчи** гапдаги бирор отнинг характерли хусусият, лавозим, аталиш каби томонларини билдириб келган аниқловчидир. **Изоҳловчининг ўзи ҳам деярли** от туркумида бўлади, бироқ **изоҳланмиш ифода этган тушунчани** торайтириб, аниқлаштириб беради. Масалан: *Ҳар мақом-у ҳар созга Гулчеҳра қиз ўйнасин* (Ғ. Ғуллом.) гапидаги *қиз сўзи* **изоҳловчи** ҳисобланади. Чунки *у Гулчеҳра* оти билан келиб, унинг ифода доирасини торайтириб берапти ва ундан англашилган шахснинг жинси ва ёши ҳақида **изоҳ келтиряпти**. **Изоҳловчи-аниқловчилар турли ташкилот ва бошқа нарсаларга берилган шартли атамани** («Ёшлик» *журнали*), **касб номи** (*ҳамшира қиз*), **ўхшатиш билан аталган ном** (*она-Ватан*) кабиларни ҳам билдиради.

Ҳол деб кесимга боғланиб, ундан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг амалга ошишидаги **ўрин, белги, сабаб, мақсад, пайт** кабиларни билдирган бўлакка айтилади. Масалан: *Дарахт бир ерда кўкаради* (*Мақол.*) гапидаги *бир ерда сўзи* **ҳол** вазифасида қўлланган. Чунки *у гапдаги кесимдан* англашилган **ҳаракатнинг ўринини** ифода этиб келган. **Ҳоллар маъносига кўра олти турга бўлинади: ўрин ҳоли, пайт ҳоли, равиш ҳоли, миқдор ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли. Ўрин ҳоли** гапнинг кесимидан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг ўринини билдириб келади. Юқоридаги мисолни эслаш бунинг учун kifойадир. **Пайт ҳоли** гап кесимидан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиш пайтини билдиради. Масалан: *Бугун мактабим ёнидан ўтдим* (*Ойбек.*) гапидаги *бугун сўзи* **пайт ҳоли**дир. Чунки *у кесим вазифасидаги ўтдим* феълидан англашилган **ҳаракатнинг бажарилиш пайтини** ифода этган. **Миқдор ҳоли** гапнинг кесимидан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг **миқдори ёки давомийлигини** билдириб келади. Масалан: *Кўп ўйла, оз сўйла* (*Мақол.*) гапидаги *кўп* ёки *оз* равишлари кесимдан англашилган **жараённинг давомийлиги қандайлигини** ифода этган. Шунинг учун улар **миқдор ҳоли** деб қаралади. **Равиш ҳоли** эса гапнинг кесимидан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг белгисини билдиради. Масалан: *Онам кулиб юборди бирдан* (*Уйғун.*) гапидаги *бирдан* равиши **кулмоқ** феълидан англашилган ҳолатнинг белгиси-

ни билдирган. У равиш ҳоли ҳисобланади. **Сабаб** ҳоли гапнинг кесимидан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиши сабабини билдиради. Масалан: *шодлигидан қул Гарлон тўхтамади йиғидан* (Ҳ. Олимжон.) гапдаги *шодлигидан сўзи йиғидан тўхтамади* феълидан англашилган ҳаракатнинг давом этиши сабабини кўрсатган. Шунинг учун у сабаб ҳоли ҳисобланади. **Мақсад ҳоли** гапнинг кесимидан англашилган иш ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиши учун қўйилган мақсадни билдиради. Масалан: *Жаббор ... кўришгани қўл узатди* (О. Ёқубов.) гапдаги *кўришгани сўзи* гапда мақсад ҳоли вазифасини ўтаган. Чунки у *узатди* феълин бажариш учун мўлжалланган мақсадни ифода этган.

Ҳол турларини савол бериш орқали ва қўшимчаларига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, ўрин ҳоллари *қаерда?*, *қаерга?*, *қаердан?*, *қайёққа?* каби саволларга жавоб бўлади. У ўрин равишларининг ҳаммаси ва ўрин, чиқиш, жўналиш келишикли, жой ифодаловчи сўзлардан иборат ҳолда шаклланади. Пайт ҳоллари эса *қачон?*, *қачонгача?*, *қачондан бери?*, *қачондан буён?*, *қайвақт?* каби саволларга жавоб бўлиб, пайт равиши ва ўрин, чиқиш, жўналиш келишикли ҳаракат ифодаловчи сўзлардан таркиб тонади. Миқдор ҳоллари *қанча?*, *қанчалаб?*, *нечалаб?*, *неча марта?* каби сўроқларга жавоб бўлади. Улар кўпроқ миқдор равиши, сон ва миқдор билдирувчи сўз бирикмаларидан таркиб топди. Равиш ҳоллари *қандай?*, *қай ҳолда?*, *қай тарзда?* каби саволларга жавоб бўлади. Ҳолат равишлари, шунингдек, *-дек*, *-дай*, *-ча* қўшимчаларини олган сўзлар ҳам равиш ҳоли вазифасида келади. Сабаб ҳоллари эса *нима сабабдан?*, *нима сабабли?*, *нима учун?*, *нимага?*, *нега?* каби саволларга жавоб бўлади ва унинг вазифасида *-лин*, *-сиз + лик*, *-ган-лик* қўшимчасини олган отлар, сифатдошлар чиқиш келишиги билан қўлланади. Шунингдек, сўзлар *-гани*, *-ганлиги* қўшимчасини олган, *сабабли*, *туфайли*, *учун* кўмакчилари воситасида сабзб ҳоли сифатида ифодаланади. Мақсад ҳоллари эса *нима мақсадда?*, *нима учун?*, *нима қилгани?*, *нега?* каби саволларга жавоб бўлади. Ҳолнинг бу турини ҳаракат номи *учун* кўмакчиси ва *мақсадиди*, *мақсади билан* сўзлари воситасида, I шахс бирликдаги феъл *деб* сўзи воситасида, шунингдек III шахс бирлик эгалик қўшимчасини олган сифатдошлар ифода этади.

БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

Гаплар, иккинчи даражали бўлақларидан қатъи назар, ҳам эгаси, ҳам кесимга эга бўлса, улар **икки бош бўлакли гаплар** деб қаралади. Масалан, *куз келди* гапи икки бош бўлакли гапдир. Чунки ундаги *куз* сўзи эга бўлиб, *келди* сўзи кесим ҳисобланади. Яъни гапда эга ва кесим мавжуд. *Эл оғзига элак тутиб бўлмайди* (*Мақол.*) гапи эса бир бош бўлакли гап ҳисобланади. Чунки унда *тутиб бўлмайди* феъли кесим бўлиб, эга йўқ. *Эл оғзига элак* аниқловчи, воситали тўлдирувчи ва воситасиз тўлдирувчилардан иборат иккинчи даражали бўлақлардир. Яъни гапда бош бўлақлардан эга бўлмагани учун бир бош бўлакли деб қаралади.

Бир бош бўлакли гаплар тўрт турга бўлинади: 1) **шахси маълум гап**; 2) **шахси умумлашган гап**; 3) **шахси топилмас гап**; 4) **атов гап**.

Шахси маълум гапларда эга қайд этилмагани ҳолда, у кесимдаги шахс-сон қўшимчасидан англашилиб туради. Масалан: *Толзор тарафга ўтиб кетди* (*С. Аҳмад.*) гапида эга қайд этилмаган, бироқ у *ўтиб кетди* кесимидан англашилиб туради. Кесим эса III шахс бирлик билан тусланган бўлиб, шунга кўра, гапнинг эгаси *у* олмоши бўлиши керак. Яъни бу гап шахси маълум гап деб қаралиши керак. Эгаси қайд этилмагани учун бир бош бўлакли гап деб ҳисобланади.

Шахси умумлашган гапларда гап мазмуни ҳар уч шахсга, яъни I шахсга ҳам, II шахсга ҳам, III шахсга ҳам қаратилган бўлади, аммо гапнинг кесими II шахс бирлик билан туслангани кузатилади. Масалан: *Экканингени ўрасан* (*Мақол.*) гапидаги *ўрасан* кесими II шахс бирликда келган, бироқ гап мазмуни умумга, ҳаммага қаратилган. Шунинг учун шахси умумлашган гап деб қаралади. **Шахси топилмас гап** деб эгасини топиб бўлмайдиган гапларга айтилади. Масалан: *Ойни этак билан ёпиб бўлмас* (*Мақол.*) гапидаги кесим *топиб бўлмас* бўлиб, унинг эгаси топилмайди. Одатда, феъл-кесими мажҳул нисбатдаги гаплар; кесими таркибида *бўлади* (*бўлмайди*), *тўғри келади* (*тўғри келмайди*) феъллари бўлган гаплар; кесими таркибида **-мас** қўшимчаси бўлган феълли гаплар; *керак*, *зарур*, *лозим*, *мумкин* каби модал сўзлар билан қўлланган ҳаракат номи кесим бўлиб келган гаплар шахси топилмас деб ҳисобланади. **Атов гапларда** грамматик асос орқали предметнинг борлиги, мавжудлиги ифодалана-

ди. Унинг грамматик асоси, одатда, бош келишикдаги отдан иборатдир. Улар кўпинча бадий ва публицистик асарларда пайт ёки ўрини ифодалаш учун қўлланади. Масалан: *Куз. Изғирин шабада хуштак чалиб турибди. (Н. Раҳим.)* Бу икки гапдан иборат бўлиб, биринчиси *куз* гапидир. У бош келишикда бўлиб, вақт *куз* эканлигини ифодалаган. Шунинг учун у атов гап деб қаралади. Юқоридаги гапларнинг кейинги уч тури ҳам биринчиси каби бош бўлақларидан биригина қайд этилган бир бош бўлақли гаплардир.

Сўз-гаплар борлиққа нисбатан тасдиқ ёки инкорни ифода этувчи *ҳа, йўқ, ҳўп* сўзларидан иборат гаплардир. Масалан: *Бизникига борасанми?—Йўқ.* Бу ўриндаги кейинги гап инкор ифода этиб, сўз-гап ҳисобланади. Ундовлар ҳам гап-сўз ҳисобланади. Бироқ улар кишининг турли ҳолатдаги ҳаяжонини ифода этади. Масалан: *Уҳ, баданим ёниб боради (Ойбек.)* Бу гапнинг биринчиси ундовдан иборат сўз-гап ҳисобланади. У кишининг чарчоғи, бетоқатлигини ифода этган. Яна *офарин, раҳмат, ташаккур, борақалло, балли, бош устига, салом, ассалому алайкум, ваалайкум ассалом, марҳамат, марҳабо, бемалол, узр, кечирасиз, хайр* каби сўзлар билан ифодаланган миннатдорлик, саломлашиш, кечирим, илтимос каби мазмунни билдирган гаплар ҳам сўз-гаплар ҳисобланади.

Тўлиқсиз гаплар бир ёки бир неча гап бўлаги туширилган, шу бўлақларни олдинги гаплардан англаш мумкин бўлган гаплардир. Уларда бош бўлақлардан ҳам, иккинчи даражали бўлақлардан ҳам туширилиши мумкин. Масалан: — *Қаерда яшайсиз? — Тошкентда* диалогига эътибор берсак, ундаги биринчи гапда эга, иккинчи гапда ҳам эга, ҳам кесим туширилган. Бироқ улар нутқнинг умумий мазмунидан англашиларилидир. Агар бу гаплар нутқдан ажратилган ҳолда қайд этилса, мазмунини ноаниқ бўлиб қолади. Кўринадики, тўлиқсиз гаплар ҳамма вақт ўз контексти, нутқ таркибида ҳаётдир, ундан ажратилган ҳолда яшай олмайди. Тўлиқсиз гапларга тўлиқ гаплар қарама қарши қўйилади. Уларнинг эса нутқда англашилиши керак бўлган барча бўлақлари қайд этилган бўлади. Масалан, юқоридаги диалог — *Сиз қаерда яшайсиз?—Мен Тошкентда яшайман,* деб тузилса, улар тўлиқ гаплардан иборатдир, деб қаралади.

Уюшиқ бўлақлар гапнинг ўзаро тенг боғловчилар

ёки санаш оҳанги ёрдами билан боғланган бўлаклари-дир. Улар гапнинг бир хил бўлаги: ё эга, ё кесим, ё аниқловчи, ё тўлдирувчи, ё ҳол бўлиб, ганда бирдан ортиқ бўлади; шунингдек, тенг ҳуқуқли ҳолда бирор бўлакка биргалашиб боғланади. Масалан: *Йўлда баъзан оқ, пушти, сариқ ва қизил гуллар учрайди* (Ё. Шукuroв.) гапидаги *оқ, пушти, сариқ ва қизил* сўзлари аниқловчи вазифасида келган. Кўринадикки, аниқловчи вазифасидаги бу сўзлар — тўртта, улар ўзаро санаш оҳанги билан, шунингдек, *ва* тенг боғловчи билан боғланган; гапнинг эгаси бўлган *гуллар* сўзига эса биргаликда тобеланиш йўли билан бириккан. Шунинг учун улар аниқловчи уюшиқ бўлаklar деб қаралади. Қўйидаги: *Қўшни богда олма, жийда, шафтолилар пишган жуда* (Қ. Ҳикмат.) гапидаги *олма, жийда, шафтолилар* эса уюшган эга; *Ҳулкар кулиб, қувнаб йўинга тушди* (П. Қодиров.) гапидаги *кулиб, қувнаб* эса уюшган ҳол; *Улардан учтасини: Утани, Орловни, Раззоқни таниди* (Ҳ. Фулом.) гапидаги *Утани, Орловни, Раззоқни* эса уюшган тўлдирувчи; *Пашшалар шоҳи ялдинди, ёлборди* (А. Қаҳҳор.) гапидаги *ялдинди, ёлборди* эса уюшган кесим вазифасини бажариб келган. Шуллардан: *Улардан учтасини: Утани, Орловни, Раззоқни таниди* гапида уюшган тўлдирувчи бўлишига қарамай, уюшган бўлаklarни умумлаштирувчи сўз ҳам мавжуд. У эса *улардан учтасини* бирикмасидир. Чунки бу бирикма маъносида уюшган бўлаklar маъноси ҳам ифодасини топган, қамраб акс эттирилган; яъни *улардан учтаси* дейилганда шу *Утан, Орлов, Раззоқларнинг* ўзи тушунилади. Демак, умумлаштирувчи сўз маъносида уюшган бўлаklar маъноси жамланиб акс этади.

Аниқловчилар бирдан ортиқ бўлган ҳолда маълум бир бўлак фақат уюшиб боғланиши шарт эмас, у уюшмаган бўлиши ҳам мумкин. Масалан: *Машина катта текис йўлга чиқди* гапида *йўлга* тўлдирувчисининг аниқловчиси *катта* ва *текис* сўзларидир. Улар уюшган аниқловчи эмас, уюшмаган аниқловчидир. Чунки улар бир хил характердаги турли белгиларини эмас, турли характердаги бирдан ортиқ белгиларни кўрсатиб келган ва шунинг учун гапда санаш оҳанги билан қайд этилмайди.

Ажратилган иккинчи даражали бўлак деб маъно аҳамиятини таъкидлаш учун ажратиб айтилган гап бўлагига айтилади. Улар талаффузда ўздан олдинги бўлақдан пауза билан ўзига хос оҳангда ажратиб ай-

тилади. Ёзувда эса гапдан вергул ёки тире билан ажратилади. Масалан: *Энди одамлар — отлик, пиеда, ёшқари — учрай бошлади (Ойбек.)* гапидаги *отлик, пиеда, ёшқари* ажратилган бўлак ҳисобланади. Чунки у *одамлар* сўздан иборат эгани алоҳида изоҳлаб, таъкидлаб кўрсатяпти. Талаффузда *одамлар* бўлагидан кейин пауза берилган ва ажратилган бўлак ўзига хос паст оҳангга эга. У икки томондан тире билан ажратилган. Ажратилган бўлак тўлдирувчи бўлиши мумкин: *Бу гапим ҳаммага, сенга ҳам, тегishли гапидаги сенга ҳам* ажратилган тўлдирувчидир. *Умарали сув ёқалаб юргандан сўнг ўннга, кичкина кўчага, бурилиб довлисига кирди (Ойбек.)* гапидаги *кичкина кўчага* ажратилган ҳол ҳисобланади. Ажратилган бўлақлар учун биринчи келтирган мисолимизда эса ажратилган аниқловчи кўрсатилган эди. Қўринадик, ажратилган бўлақлар эга ва кесимдан иборат бўлмайди, улар тўлдирувчи ҳам, аниқловчи ҳам, ҳол ҳам бўлиши мумкин.

Ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни билдирган сўзdir. У, олатда, нутқдаги айтилаётган фикрга тингловчининг диққатини тортиш учун қўлланади. Шунинг учун ундалма ҳам, ундалма қўлланган гап ҳам II шахсга, яъни тингловчига қаратилган бўлади. Деярли ҳолда гапда эга қайд этилмайдди. Чунки у ундалмадан англашилиб туради. Масалан: *Алишер, кўйингга яширган китобингни менга кўрсат-чи (Ойбек.)* гапида *Алишер* сўзи ундалмадир. У шахс ифода этиб, II шахсга қаратилган, шунингдек, гап ҳам II шахсга қаратилган. Гапда эга қайд этилмаган. Ундалма тингловчи диққатини тортиш учун айtilган. Шунинг учун ундан кейин тингловчи диққати тортилгунча муддат пауза берилиб, кейин унга қаратилган гап айtilган. Ундалма шахс ифода этади, деб юқорида қайд этдик, лекин бу шартлидир. У ҳайвонлар номидан, қушлар ва бошқа жонсиз нарсалар номидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Аммо нутқ қаратилган предмет бўлиши керак. Масалан: *Ҳай еллар! Теграмда ўйнаган еллар! Бироз жим тулинг! гапидаги Ҳай еллар! Теграмда ўйнаган еллар!* ундалма ҳисобланади, бироқ у шахс ифода этмайди. У табиат ҳодисасини ифода этгани, лекин унга нутқ қаратилган. Ундалмалар гап бўлиши ҳам, ўртада ҳам, охирида ҳам келиши мумкин ва у олдиндан пауза билан ажратилмайди.

Кириш сўз сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга

муносабатини билдирган сўздир. Бу муносабат ишонч, тасдиқ, гумон, шодлик, ачинини: фикрнинг кимга қарашлилигини, тартибини олдинги фикрига алоқасини кўрсатиш кабилардан иборатдир. Масалан: *Албатта, бугун футбол ўйинида учрашамиз* гапида албатта сўзи кириш сўздир. Чунки у айтилган фикр қатъийлигини кўрсатган. Кириш фақат сўз эмас, у бирикма ёки гапдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Бунда у кириш бирикма, кириш гап деб қаралади. Масалан: *Менинг билишимча, сен ноҳақсан* гапида менинг билишимча кириш гап ҳисобланади. Чунки у фикр ўзига хос эканлигини кўрсатиб келган.

Кўчирма гап мазмуни ва шакли ўзгаришсиз берилган ўзгаларнинг гапидир. У муаллиф гапи билан бирга қўлланади. Шу муаллиф гапи кўчирма гапнинг чегарасини, кимга тегишли эканлигини ва ҳимматини белгилайди. Усиз кўчирма гап кўчирма гап ҳолида ифода топа билмайди. Масалан: — *Майли!*— *дейман ва килмайман гап* (*Ҳ. Олимжон.*) гапи қўшма гап бўлиб, муаллиф ўз гапини кўчириб, муаллиф гапи олдиндан келтирган. Кўчирма гап «*Майли!*» бўлиб, бир бош бўлакдир. Қолган қисми муаллиф гапи ҳисобланиб, *дейман* сўзи кўчирма гап чегарасини ва I шахсга тегишлилигини кўрсатиб берган. Муаллиф гапи эса кўчирма гап билан келтирилган сўзловчининг ўзи томонидан берилган, кўчирма гапни чегаралаб, кимга тегишлилигини кўрсатиб келувчи гапдир. Кўчирма гап бор ўринда камида икки гап бор: кўчирма гап ва муаллиф гапи. Яна бир мисол: «*Яхши ётдингми, лочиним?*»— *деб тойнинг пешонасини, бўйини силади Шерали* (*Е. Шукуров.*) ичидаги кўчирма гап *Яхши ётдингми, лочиним?* бўлиб, муаллиф гапи эса *тойнинг пешонасини, бўйини силади Шерали* ҳисобланади, *деб* сўзи кўчирма гап чегарасини белгилаган.

Кўчирма гап гапнинг юқоридагига ўхшаш, олдиндан ҳам, ўртасида ҳам, кетидан ҳам, икки томонидан ҳам келиши мумкин. Мисоллар: *Раъно поездга қўл силтаб қичқирди: «Тез қайтиб келинг, ойижон!» «Абдужалил!— деди ота саломлашини унутиб, — Машина бер, кўчаман».* Буларнинг биринчисида кўчирма гап муаллиф гапидан кейин, иккинчисида икки томонидан келган.

Ўзлаштира гап шакли ўзгартирилиб, мазмуни сақланган ҳолда муаллиф гапига сингдириб берилган ўз-

гаплар гапидир. Бундай гаплар ҳамма вақт дарак гап ҳолида берилади. Масалан: *Раҳбар конкурсга пухта тайёрланиш зарурлигини айтди*. Бу ерда *раҳбар айтди* муаллиф гапи бўлиб, *конкурсга пухта тайёрланиш зарур* ўзга гапидир. Кейинги гапга *-лигини* қўшимчасини қўшиқ орқали аввалги гап таркибига сингдирилган ва ўзлаштира гап шаклланган.

ҚЎШМА ГАП

Қўшма гап деб нимага айтилиши ҳақида юқориде айтилди. Қўшма гаплар эса таркибидеги содда гапларнинг ўзаро боғланиш усулига кўра уч турли бўлади: 1) боғланган қўшма гап; 2) эргашган қўшма гап; 3) боғловчисиз қўшма гап.

Боғланган қўшма гаплар содда гапларнинг ўзаро тенг боғловчилар ёрдами билан боғланишидан тузилган қўшма гаплардир. Боғланган қўшма гаплар таркибидеги содда гаплар ўзаро тенг боғловчилар билан боғланади. Тенг боғловчилар, морфологияда қайд этилганидек, бириктирув, зидлов ва айирув боғловчиларига бўлинади. Мана шу боғловчиларнинг қайси бири қўлланишига кўра, боғланган қўшма гаплар уч турга бўлинади: а) бириктирув боғловчили боғланган қўшма гаплар; б) зидлов боғловчили боғланган қўшма гаплар; в) айирув боғловчили боғланган қўшма гаплар.

Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гаплар таркибидеги содда гаплар ўзаро *ва, ҳамда* боғловчилари ёрдамида боғланади. Улар бир пайтда ёки кетма-кет рўй берган воқеа-ҳодисаларни ифодалайди. Масалан: *Ташқарида чақмоқ ялтирар ва баҳор ёмғири салобатли шовилларди* (П. Қодиров.) гапи бириктирув боғловчиси воситасида ўзаро боғланган икки содда гапдан иборат. Бу гаплар бир вақтда рўй берган икки ҳодисани ифода этган. **Зидлов боғловчили боғланган қўшма гаплар** таркибидеги содда гаплар ўзаро *аммо, лекин, бироқ* каби боғловчилар ёрдамида боғланади. Улар бир-бирига зид, қарама-қарши воқеа-ҳодисаларни ифода этади. Масалан: *Ҳаво булут бўлди, лекин ёмғир ётмади* гапида зидловчи боғловчи қўлланган. Бу боғланган қўшма гап таркибидеги содда гаплар эса қарама-қарши ҳодисаларни ифода этган. **Айирув боғловчили боғланган қўшма гаплар** таркибидеги содда гаплар ўзаро *ё, ёки, гоҳ, баъзан, дам* каби боғловчилар ёрдами билан боғланади. Бу боғловчилардан *ё,*

ёки якка ҳолда қўлланиши мумкин, умуман эса улар ҳар бир содда гап бошида такроран келади. Улар воқеа-ҳодисаларнинг галма-гал бўлишини ёки улардан бири амалга ошишини ифодалайди. Масалан: *Гоҳ ём-гир ёғади, гоҳ қор ёғади* қўшма гапи таркибидаги содда гаплар олдидан *гоҳ* боғловчиси такроран қўлланган ва содда гаплардан англашилган ҳодисалар галма-гал бўлаётганлиги ифодаланган.

Эргашган қўшма гаплар содда гапларнинг мазмуни жиҳатидан бирининг бошқасига эргашшидан тузилган қўшма гаплардир. Яъни улар таркибда бош гап ва эргаш гап бўлади. **Бош гап** ўзинча мустақил бўлиб, бошқа гапга эргашмаган гап ҳисобланади. **Эргаш гап** эса бош гапга эргашиб, уни изоҳлаб келган гапдир. Масалан: *Водийларни яёв кезганда, бир ажиб ҳис бор эди менда* (*Ҳ. Олимжон.*) гапи эргашган қўшма гапдир. Чунки унинг *бир ажиб ҳис бор эди менда* содда гапи бош гап бўлиб, ўзинча мустақил маъно ифода этган, бошқа гапга эргашмаган. Унинг *Водийларни яёв кезганда* содда гапи эргаш гап бўлиб, ўзинча маъно англамайди, бош гапга эргашган ҳолда маъно беради. У бир ажиб ҳиснинг мавжудлиги, яъни бош гапдан англашилган мавжудлик пайти эргаш гапда ифода топган, эргаш гап бош гапдаги кесимга боғланган ҳолда унга боғлиқ пайтни кўрсатган.

Эргаш гаплар мазмуни ва бош гапга боғланишига кўра қуйидаги турларга бўлинади: 1) тўлдирувчи эргаш гап; 2) аниқловчи эргаш гап; 3) ўрин эргаш гап; 4) пайт эргаш гап; 5) равиш эргаш гап; 6) ўхшатиш эргаш гап; 7) мақсад эргаш гап; 8) сабаб эргаш гап; 9) шарт эргаш гап; 10) тўсиқсиз эргаш гап; 11) натижа эргаш гап.

Тўлдирувчи эргаш гап деб бош гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган тўлдирувчини изоҳлаган эргаш гапга айтилади. У қўпинча *ни м а ни?*, *ни м а г а?* каби сўроқларга жавоб бўлади, одатда, бош гапга **-ки** эргаштирувчи боғловчиси ёрдами билан боғланади. Тўлдирувчи эргаш гапни қўшма гапларнинг бош гапи таркибида қўпинча *шун*, *шунча* каби кўрсатиш олмошлари билан ифодаланган тўлдирувчи бўлади. Масалан: *Шуни истайманки, шоирнинг орзулари, умидлари туш эмас, ҳақиқатга айлансин* (*Ойбек.*) гапида *шун* *истайманки* гапи бош гап бўлиб, *шун* сўзи тўлдирувчи вазифасида келган. Олмош, одатда, мавҳум ифода бера-

ди. Унга аниқлик бериш учун эса эргаш гап келтирилган, яъни эргаш гап уни тўлдириб, изоҳлаб келган. Шунинг учун ҳам бош гапдаги тўлдирувчига бериладиган нима ни? сўроғи эргаш гапга ҳам берилади, яъни эргаш гап ҳам тўлдирувчи вазифасида қўлланган — тўлдирувчи эргаш гапдир. Баъзан эса бош гапда кўрсатини олмоши билан ифодаланган тўлдирувчи қўлланмайди. Масалан: *Мен ишонаманки, сиз тилагингизга етасиз* (П. Турсун.) гапда бош гап мен ишонаманки бўлиб, у содда йиғиқ гап, яъни эга ва кесимдан иборат. Унинг таркибида тўлдирувчи қайд этилмаган, аммо, бош гап мазмунидан у ҳақдаги хабар талаби англашилди турибди. Яъни кесимга боғлаб нимага ишонасанки? саволи берилиши табиий. Бу саволга эса фақат эргаш гап жавоб бўлади. Эътибор қилинг:— *Нимага ишонасанки?— Сиз тилагингизга етасиз* (га). Демак, савол тўлдирувчига бериладиган бўлгандан кейин, эргаш гап ҳам тўлдирувчи эргаш гап бўлади. Шунинг учун ҳам шу саволга жавоб бўлувчи *шунга* кўрсатиш олмошидан иборат тўлдирувчини бош гапга киритиш мумкин: *Мен шунга ишонаманки* каби.

Аниқловчи эргаш гап деб бош гапдаги олмош билан ифодаланган аниқловчини изоҳлаган эргаш гапга айтилади. У эса қандай?, қайси?, қанақа?, кимнинг?, ниманинг? каби сўроқларга жавоб бўлади ва бош гапга **-ки** эргаштирувчи боғловчиси ёрдами билан боғланади. Бу боғловчи эса бош гап кесимига қўшилиб келади. Бунда бош гап таркибида кўпинча *шундай* сўзи, эргаш гап таркибида эса *бу, унинг, бундай* каби олмошлар бўлади. Масалан: *Шундай инсон ҳақида хабар келтирдимки, унинг ҳар бир сўзи бебаҳо гавҳардир.* (Ойбек.) Бу гапдаги *шундай инсон ҳақида хабар келтирдимки* содда гапи бош гап бўлиб, унинг кесими **-ки** юкламасини олиб келган ва шу юклама воситасида эргаш гапни ўзига эргаштирган. Эргаш гап бу гапда *унинг ҳар бир сўзи бебаҳо гавҳардир* содда гапдир. Бош гапда *шундай* олмош ўзакли сўз қўллангани ҳолда, у шу гапдаги тўлдирувчи *инсон* сўзининг аниқловчиси вазифасида келган ва қандай? саволига жавоб бўлади. Бу саволга эргаш гап ҳам жавоб бўлади, яъни у ҳам аниқловчи вазифасини ўтаган. Шунинг учун ҳам эргаш гапда бош гапдаги *шундай инсон* бирикмаси маъносини такрорловчи *унинг* олмоши бор. Тўғрироғи, эргаш гап шу олмош билан бошланган. Қў-

ринадики, аниқловчи эргаш гап бош гаптаги аниқловчи билан боғлангани ҳолда, унинг маъносини тўлдириб, уни изоҳлаб, аниқлаб келган. Яна эргаш гап кесими шарт майл қўшимчаси **-са** билан қўлланиши ва гапта *шундай, шу, ўша, унинг* каби олмошлар келиб, эргаш гапта эса кўпинча *қандай, қайси, кимнинг, қим* каби олмошлар бўлиши кузатилади. Масалан: *Қандай бўйи бўлса, шундай кийим олиши керак* гаптаги *шундай кийим олиши керак* содда гапи бош гап бўлиб, унинг таркибида *шундай* олмоши қўлланган. Унга қўлланилган қандай? саволига *Қандай бўйи бўлса* эргаш гапи ҳам жавоб бўлади. Бу ўринда ҳам бош гаптаги аниқловчинини эргаш гап изоҳлаб, унинг маъносига аниқлик киритиб келган. Қўринадики, содда гаплар ўзаро **-ки** юклагаси билан боғланса, кейинги содда гап; **-са** майл қўшимчаси билан боғланса, аввалги содда гап аниқловчи эргаш гап бўлади.

Урин эргаш гап бош гаптаги ўрин ҳолини изоҳлаб келган эргаш гапдир. *У қаерга?, қаерда?, қаердан?* каби сўроқларга жавоб бўлади ва унинг таркибида *қаерга?, қаерда?, қаердан?* каби сўзлар бўлиб, бош гапта эса *у ерга, у ерда, у ердан, шу ерга, шу ердан, ўша ердан* каби сўзлар қўлланади. Унинг кесими шарт эргаш гапнинг **-са** қўшимчаси, буйруқ майли билан келган феъл билан ифодаланади. Масалан: *Кўпчилик қаерда бўлса, сен ҳам шу ерда бўл* содда гапи бош гап бўлиб, унинг кесимидан англашилган ижронинг амалга ошириш ўрнини *шу ерда* ҳоли ифода этган. *У қаерда?* саволига жавоб бўлади. Шу саволни эргаш гапга ҳам бериши мумкин. Яъни, *Қаерда бўлса?*—*Кўпчилик қаерда бўлса*. Демак, эргаш гап ўрин эргаш бўлиб, бош гаптаги кесимдан англашилган ҳаракат ўрнини кўрсатган. Унинг таркибидаги *қаерда* сўзи эргаш гапнинг бош гаптаги *шу ерда* бўлаги билан боғланишини таъминлайди. Эргаш гап кесими эса, ўрин эргаш гап шартига кўра, шарт майлида келган феълдан иборат. Баъзан эса бош гап таркибидаги *у ерда, шу ердан* каби сўзлар қўлланмаслиги, тушириб қолдирилган бўлиши ҳам кузатилади. Лекин у бош гап мазмунидан англашилдиб туради.

Пайт эргаш гап бош гаптаги иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг пайтини билдирган эргаш гапдир. *У қачон?, қачонгача?, қачондан буюён?* каби сўроқларга жавоб бўлиб, бош гапга феъл кесими **-гач - (қач, -қач)**,

ёки **-гунча (-кунча, -қунча)** қўшимчали равишдош, **-да** қўшимчали сифатдош шаклида қўлланиши орқали боғланади. Масалан: *Бог, қўрғонлар орқада қолгач, оқсой бўйига чиқилади (С. Анорбоев.)* гапидаги *Оқсой бўйига чиқилади* содда гапи бош гап бўлиб, унинг кесими *чиқилади* феълдан англашилган ҳаракатнинг пайти *Бог, қўрғонлар орқада қолгач* эргаш гапида ифодаланган. Пайт шу боғ, қўрғонларнинг орқада қолиш пайтидир. Эргаш гап бош гапга феъл кесими **-гач** равишдош қўшимчаси билан қўлланиши орқали боғланган. Эргаш гапнинг феъл кесими сифатдош функционал шаклида келиб, чиқиш келишигининг **-дан** қўшимчаси *ва буён, бери, сўнг, кейин* пайт равиши билан қўлланиши ҳам мумкин. Масалан: *Қанча вақт ўтгандан кейин, тугун ечилди (У. Умарбеков.)* гапидаги бош *Тугун ечилди* бўлиб, унинг феъл-кесими ифода этган ишнинг бажариллиш вақти *қанча вақт ўтгандан кейин* эргаш гапида ифодаланган. Эргаш гапнинг кесими эса **-дан** чиқиш келишинги олган сифатдошдан иборат. Ундан кейин эса *кейин* пайт равиши қўлланган. Пайт эргаш гапнинг кесими сифатдош бўлгани ҳолда, ундан кейин *экан, эди* тўлиқсиз феъллари ёки *пайтда, чоғда, вақтда* каби сўзлар қўлланиши ҳам кузатилади. Масалан: *Еллар ўйнаган чоғда, дилда ҳавас уйғонди (Р. Бобожон.)* қўшма гапида эса *еллар ўйнаган чоғда* содда гапи эргаш гап бўлиб, у бош гапдаги *уйғонди* феъл-кесимдан англашилган ҳолатга онд пайтни ифодалаган. Эргаш гап кесими сифатдошдан иборат бўлиб, *чоғда* сўзи билан қўлланган.

Равиш эргаш гап бош гапдан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг қайтарзда бажарилганлигини билдирган эргаш гапдир. *У қандай?, қайтарзда?, қандай қилиб?* каби сўроқларга жавоб бўлади ва бош гапга **-(и)б** қўшимчаси билан ҳосил бўлган равишдош орқали боғланади. Бу равишда эса эргаш гапнинг кесими бўлиб келади. Масалан: *Севинчларим дарёдай тошиб, юрагимда ҳавасим ортар (Уйғун.)* қўшма гапида *Юрагимда ҳавасим ортар* бош гап бўлиб, унинг феъл-кесимидан англашилган ҳаракатнинг қайтарзда бажарилганлигини эргаш гап ифодалаган, яъни ҳавас ортини севинчлари дарёдай тошгани ҳолатидадир. Эргаш гап кесими эса, юқорида кўрсатилгандай, **-(и)б** қўшимчали равишдошдан иборат.

Ушшатиш эргаш гап бош гапдан англашилган иш

ҳаракат ёки ҳолатнинг қайтарзда бажарилишини ўхшатиш, қиёслаш орқали билдирган эргаш гапдир. У қандай?, нимадек? сўроқларига жавоб бўлиб, бош гапга *худди, гўё* сўзлари билан боғланади. Бунда бош гапнинг кесими **-ки** юклагаси билан қўлланиши ҳам мумкин. Масалан: *Жаҳон дўстликдан нурланиб борур, гўё ерга бирдан қўнгандек қуёш*. Бу қўшма гапнинг *Жаҳон дўстликдан нурланиб борур* содда гапи бош гап бўлиб, унга *гўё* сўзи воситасида *ерга бирдан қўнгандек қуёш* эргаш гапи боғланиб келган. Эргаш гап мазмунига эса бош гапнинг *нурланиб борур* кесими маъноси қиёс қилинган ва кесимдан англашилган маъно тўлдирилган. Эргаш гапнинг бош кесимдан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг қайтарзда бажарилишини кўрсатишга кўра ўхшатиш эргаш гап ҳам равиш эргаш гапдан деярли фарқ қилмайди. Лекин ўхшатиш эргаш гап асосида ўхшатиш ёки қиёс қилиш ётганига кўра у ўзига хосдир. Баъзан эса ўхшатиш эргаш гап кесими сифатдошдан иборат бўлиб, у **-дек (-дай)** қўшимчасини орттириб келиши ҳам мумкин. Юқоридаги мисолда ҳам шунини кузатилади.

Мақсад эргаш гап бош гапдан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг нима мақсадда юзага келишини билдирган эргаш гапдир. У *нима мақсадда?, нима учун?* сўроқларига жавоб бўлиб, бош гапга буйруқ майлидаги феълдан кейин боғловчи вазифасидаги *деб* ёки *учун* сўзини келтириш билан боғланади. Масалан: *Одамлар яшасин деб, тинчликка имзо чекдим (Ғ. Ғулом.)* гапидаги *Одамлар яшасин деб* содда гапи эргаш гап бўлиб, у бош гапнинг *имзо чекдим* кесимдан англашилган ишнинг бажарилишидан мўлжалланган мақсадни ифода этган. Эргаш гап бош гапга *деб* феъли воситасида боғланиб, тўғрироғи, эргашиб келган.

Сабаб эргаш гап деб бош гапдан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг юзага келиш сабабини билдирган эргаш гапга айтилади. У *нима учун?, нима сабабдан?* сўроқларига жавоб бўлиб, бош гап билан сифатдош вазифасидаги кесими эгалик қўшимчаси ва *учун* эргаштирувчи боғловчилари ёрдами билан боғланиб келади. Масалан: *Тавтил вақтида боролмаганим учун, кампир бир оз ранжиган бўлибди (Ғ. Ғулом.)* қўшма гапида *Тавтил вақтида боролмаганим учун* содда гапи эргаш гап бўлиб, бош гапдаги *ранжиган бўлибди* кесимдан англашилган ҳолатнинг сабабини ифода этган.

Эргаш гапнинг кесими сифатдош бўлиб, I шахс бирлик эгаллик қўшимчасини олиб келган ва *учун* кўмакчиси билан бош гапга боғланган. Сабаб эргаш гап *чунки, шунинг учун* эргаштирувчи боғловчилари ёрдами билан ҳам бош гапга боғланиб келиши мумкин. Масалан: *Хар кун ортар кўзларимда нур, шунинг учун йўқ асло ғамим* (Ҳ. Олимжон.) қўшма гапнинг бош гапи *йўқ асло ғамим* бўлиб, гапнинг йўқлигига сабабни *хар кун ортар кўзларимда нур* эргаш гапи ифода этган. Эргаш гап бош гапга *шунинг учун* боғловчиси қўшимчаси орқали боғланган.

Шарт эргаш гап деб бош гапдан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг қандай шарт билан бажарилиши, бажарилишида қўйилган шартни ифода этган эргаш гапдир. У қандай шарт билан?, нима қилса? сўроқларига жавоб бўлиб, бош гапга шарт майлидаги феъл ёрдамида боғланади. Масалан: *Шамол бўлмаса, дарахнинг учи қимирламайди* (Мақол.) қўшма гапида эргаш гап *шамол бўлмаса* бўлиб, у кейинги бош гапнинг кесими *қимирламайди* феълидан англашилган ҳаракатнинг бажарилиши учун қўйилган шартни ифода этган. Эргаш гап кесими эса шарт майлидаги *бўлмаса* феълидан иборат.

Тўлиқсиз эргаш гап деб бош гапнинг мазмунига зид бўлса ҳам, унда ифодаланган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг юзага келишига тўсиқ бўла олмайдиган фикрни англатган эргаш гапга айтилади. У бош гапга шарт майлидаги феълдан кейин **ҳам** ёки **-да** юкламасини келтириш орқали боғланади. Баъзан эса эргаш ва бош гапларнинг мазмунидаги зидликни таъкидлаш учун, эргаш гап бошида *гарчи* юкламаси, бош гапда *аммо, лекин, бироқ* зидлов боғловчилари қўлланиши ҳам мумкин. Масалан: *Қўрғонимиз кичик бўлса ҳам, ичида бир туп ўриги бор эди* (Ойдин.) гапидаги тўсиқсиз эргаш гап *Қўрғонимиз кичик бўлса ҳам* бўлиб, у бош гапдан англашилган ўрикнинг мавжудлигига зид маъно англатади, бироқ унинг мавжудлигига тўсиқ бўла олмаслиги ҳам ифода топган. Бу эргаш гап олтидан *гарчи* юкламаси ва бош гап олтидан *лекин* боғловчисини келтириш ҳам мумкин. Бунда қўшма гап таркибидаги бош ва эргаш гаплар маъноси ўртасидаги зидликка алоҳида диққат қаратилган бўлади.

Шарт эргаш гап билан тўсиқсиз эргаш гап маъно ва характери жиҳатидан ўзаро жуда яқин туради. Би-

роқ шарт эргаш гаплар бош гапнинг ифодасидаги иш-ҳаракат ёки ҳолат бажарилишига қўйилган шартни англатгани ва бу шарт ҳал этувчи эканлиги ҳолда, тўсиқсиз эргаш гаплар эса бош гапнинг ифодасидаги иш-ҳаракат ёки ҳолат бажарилишига қарши қўйилган ҳолатни ва бу ҳолат эса ҳал қилувчи эмаслигини англатади.

Натижа эргаш гап деб бош гапдан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг натижасини билдирган эргаш гапга айтилади. *У натижада нима бўлди?* сўроғига жавоб бўлиб, бош гапга **-ки** юкзамаси воситасида боғланади. Бундай эргаш гапни қўшма гаплардаги бош гап таркибида кўпинча *шундай, шу қадар, шунчалик, шу даражада, шунча, чунон, чунонам* каби сўзлар бўлади. Натижа маъносини таъкидлаш учун эса эргаш гап олдида *натижада, оқибатда, ҳатто* каби сўзлар берилди. Масалан: *Ҳаво шу қадар иссиқ, дим эдики, эрталаб ўрилган ўт кечгача қуриб қолди* (С. Анорбоев.) гапдаги бош гап *Ҳаво шу қадар иссиқ, дим эдики* содда гапи бўлиб, у англатган ҳолат натижасини *эрталаб ўрилган ўт кечгача қуриб қолди* эргаш гапи ифода этган. Бош гапдаги *шу қадар* сўзи бош гапда ифодаланган ҳолатни кучайтириш вазифасини ўтаган. Ҳолатнинг шу кучайтириб ифодаланиши эса эргаш гапда изоҳланган, аниқ қилиб кўрсатилган, яъни шу қадар иссиқ эканлик эрталаб ўрилган ўтнинг кечгача қуриладиган даражадалиги тасвир этилган. Эргаш гап олдида *натижада* сўзини келтириш ҳам мумкин. Унда натижа воқеага диққат тортилган, яъни эрталаб ўрилган ўт кечгача қуриганлиги алоҳида уқтирилган бўлади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кўпгина кирувчилар сабаб эргаш гап билан натижа эргаш гапни ажратиб олмайдилар. Бу кўпроқ бош гап билан эргаш гапни ўзаро қориштириш ёки сабаб ва натижа эргаш гапни қайси биридан қидириш кераклигини билмай қолишдан келиб чиқади. Одатда, ҳар қандай сабабнинг натижаси бўлади ва натижа маълум сабабга кўра келиб чиқади. Масалан: *У келмагани учун, иш бошланмади* гапида *у келмагани учун* эргаш гап бўлиб, бош гапдан англашилган иш бошланмаганлик сабабинини ифода этган. Гапни иккинчи томонидан олиб қарасак, эргаш гапдан англашилган ҳаракат сабаби билан унинг натижаси бош гап ифодалаган иш амалга ошмаган. Яъни бош гапда натижа ифода этилган. Шунга кўра, бу

Ўринда натижа эргаш гапни излаш нотўғри. Натижа эргаш гапни қўшма гапдаги фақат эргаш гапдан излаш керак. Масалан: *Шундай кулдирдимки, у қорини ушлаб қолди* гапда *у қорини ушлаб қолди* эргаш гап бўлиб, бош гап кесими *кулдирдимки* ҳаракати натижасидаги ҳолатни ифода этган. Бу ўринда бош гап— сабаб. Шунга қарамай, бу қўшма гапда сабаб эргаш гап изланмайди. Яна қизиги шундаки, қўшма гаплардаги сабаб эргаш гап биринчи содда гап, натижа эргаш гап иккинчи содда гап бўлади. Бу ҳам адаштирмаслиги керак. Аввал эргаш гап аниқланади. У олдинда бўлса сабаб, кейинда бўлса натижа эргаш гап бўлиши керак. Лекин эргаш гап моҳиятига эътибор берish мақсадга тўғри олиб боради.

Эргашган қўшма гаплар фақат бир эргаш гап ва бир бош гапдан иборат бўлмайди. Улар таркибида бир бош гап ва бирдан ортиқ эргаш гап бўлиши ҳам мумкин. Ундаги эргаш гаплар бош гапга тўғридан-тўғри эргашган бўлиши ҳам, кетма-кет эргашган бўлиши ҳам мумкин. Эргаш гаплари бош гапга тўғридан-тўғри эргашган эргаш гапли қўшма гаплар ҳам икки кўринишли бўлади: 1) уюшиқ эргаш гаплар; 2) уюшмаган эргаш гаплар.

Уюшиқ эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гаплар бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил эргаш гапдан иборат бўлади. Масалан: *Мана бу канал битса, янги ер очилса, пахта ҳам кўп бўлади* (А. Қаҳҳор.) гапидаги 1- ва 2- содда гаплар эргаш гап бўлиб, улар бир хил нима қилса? сўроғига жавоб бўлади. Улар тўғридан-тўғри бош гапга боғланган. Уюшмаган эргаш гапли қўшма гапларда эса эргаш гаплар турли хил эргаш гаплардан иборат бўлиб, уларга турли хил сўроқлар берилади. Масалан: *Поезд тўхтаганда, вақт зиқ бўлса, ҳам, мен тамбурга чиқдим* (Ҳ. Умарбеков.) гапидаги 1- ва 2- содда гаплар эргаш гап бўлиб, 1-си пайт эргаш гап, 2-си тўсиқсиз эргаш гапдан иборат. Пайт эргаш гап *қачон?*, тўсиқсиз эргаш гап эса *қандай ҳолда ҳам?* сўроқларига жавоб бўлади. Лекин шунга қарамай, ҳар икки эргаш гап ҳам бош гапга тўғридан-тўғри боғланган.

Эргашган қўшма гап таркибида эргаш гап бир-биринга ва иккинчиси бош гапга эргашган бўлиши мумкин. Масалан: *Кеч бўлса-да, у бориб табрикламаса, кўнгли жойига тушмайди* (Ҳ. Умарбеков.) гапидаги 1- эргаш гап тўсиқсиз эргаш гап бўлиб, у 2- шарт эргаш

гапга боғланиб келган ва бу эргаш гап охириги бош гапга боғланган. Яъни бу эргашган қўшма гапдаги эргаш гаплар кетма-кет ҳолда бош гапга боғланган.

Боғловчисиз қўшма гап деб содда гапларнинг ўзаро боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги сўзлар ёрдамсиз, мазмун ва оҳанг жиҳатдан боғланишидан тузилган қўшма гапга айтилади. Улар таркибидаги содда гаплар бир пайтда содир бўлган воқеа-ҳодисани ифодалаш, бири иккинчисини изоҳлаш ва воқеа-ҳодисаларни бири-бирига қиёслаган ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин. Масалан: *Оқшом тушган, осмон юлдузларга тўлиб кетган (Ойбек).* *Унинг бутун бадани жунжикиб кетди, пешанасида совуқ тер ялтиради (У. Умарбеков).* *Кўз қўрқоқ — қўл ботир (Мақол).* Бу қўшма гапларнинг биринчисида содда гап иккинчисининг пайтини; иккинчисида бир пайтда бўлган воқеа-ҳодисани; учинчисида биринчиси иккинчиси англатган ҳодиса учун тўсиқ бўлмаган ҳолатни ифода этган. Яъни улар таркибидаги содда гаплар ўзаро маъно жиҳатдан боғлиқ, шунингдек, оҳанг жиҳатдан ҳам бир бутундир.

Ҳар хил боғланган гаплардан тузилган қўшма гаплар ҳам мавжуд. Улар таркибидаги содда гаплар ўзаро бир ўринда тенг боғловчилар билан, бир ўринда эргаштирувчи боғловчилар билан, бир ўринда боғловчи вазифасидаги сўзлар билан, бир ўринда қўшимчалар воситасида, бир ўринда боғловчисиз боғланиб келади. Масалан: *Авжи қиш вақти бўлса ҳам, ерда сира қор йўқ, ҳаво худди баҳор ҳавосидай юшоқ эди (С. Зуннуова).* Бу қўшма гап таркибида уч содда гап бор. Уларнинг биринчиси эргаш гап бўлиб, иккинчи бош гапга эргаштириш йўли билан боғланган. Эргаш гап эса бош гапдан англашилган ҳолатнинг юзага келиши зид, лекин тўсиқ бўла олмайдиган мавсумни ифода этган. Бош гап вазифасида келган иккинчи гап 3- гап билан боғловчисиз боғланган. Яъни бу қўшма гап таркибида уч содда гап ўртасида икки тур боғланиш бор.

1- текширув иши

Берилган мисоллар фақат морфологик жиҳатдан таҳлил этилади. Бунда гапдаги ҳар бир сўзга алоҳида ёндашилади. Сўзларга эса таҳлил учун икки жиҳатдан қараш керак: 1) сўзларнинг маъноли қисмлари ажратилиб, шу қисмлари қандай ном билан аталиши кўрсатилади; 2) сўзларнинг қайси туркумга оидлиги кўрсатилади.

тилиб, шу туркумнинг қайси маъно турига хослиги, ундаги қўшимчалар қандай қўшимчалар эканлиги қайд этилади.

Сўзларнинг маъноли қисмларга бўлиниши таҳлилида қуйидаги икки жиҳат эътиборда тутилади:

1) Гапдаги ҳар бир сўзга эътибор қилинг ва улар маъноли қисмларга бўлинса, тик чизиқча (/) билан ажратиб кўрсатинг.

2) Сўзнинг ҳар бир маъноли қисми қандай номланади?

Қуйидаги намуна асосида гапдаги ҳар бир сўз маъноли қисми таҳлил этиб кўрсатилади:

Нам/чил	хиёбон/лар/да	шамсия	тут/ган	ошиқ/лар
ўзак	ўзак	ўзак	ўзак	ўзак
форм.	форм.	форм.	форм.	форм.
ўз. қ.	ўз. қ.	ўз. қ.	ўз. қ.	ўз. қ.
оҳиста	кел/ар	эди		
ўзак	ўзак	ўзак		
	форм.	форм.		
	ўз. қ.	ўз. қ.		

Сўзларнинг қайси туркумга оидлиги кўрсатилиб, шу сўзни ўз туркумига хос характерлаганда қуйидагиларга эътибор берилди:

I. Гапдаги сўзлар алоҳидадан олиниб, юқоридан пастга рўйхат қилинади ва ҳар бири қаторига туркум номи ёзилади.

II. Сўз от туркумида бўлса, қуйидаги саволларга қилинган жавоблар туркум номи қаторига бирма-бир қайд этилади.

1. Маъносига кўра қандай от?
2. Тузилишига кўра қандай от?
3. Қайси шахс қўшимчаси билан келган?
4. Қайси келишикда келган?
5. Бирликдами, кўпликдами?

III. Сўз сифат туркумида бўлса, қуйидаги саволларга қилинган жавоблар туркум номи қаторига бирма-бир қайд этилади:

1. Маъносига кўра қандай сифат?
2. Тузилишига кўра қандай сифат?
3. Сифатнинг қайси даража кўрсаткичига эга?

IV. Сөн туркумида бўлса, қуйидаги саволларга қилинган жавоблар туркум номи қаторига тиркалади.

1. Маъносига кўра қандай сон?

2. Тузилишига кўра қандай сон?

V. Сўз олмош туркумида бўлса, қуйидаги саволларга қилинган жавоблар туркум номи қаторига тиркалади:

1. Маъносига кўра қандай олмош?

2. Тузилишига кўра қандай олмош?

VI. Сўз феъл туркумида бўлса, қуйидаги саволларга қилинган жавоблар туркум номи қаторига бирма-бир қайд этилади:

1. Тузилишига кўра қандай феъл?

2. Ҳтимлими ёки Ҳтимсизми?

3. Бўлишлими ёки бўлишсизми?

4. Қайси замон билан тусланган?

5. Қайси шахс шаклида?

6. Бирликдами ёки кўпликдами?

7. Қайси нисбат шаклида?

8. Қайси майл билан тусланган?

9. Қайси функционал шаклда?

VII. Сўз равиш туркумида бўлса, қуйидаги саволларга қилинган жавоблар туркум номи қаторига тиркалади:

1. Маъносига кўра қандай равиш?

2. Тузилишига кўра қандай равиш?

VIII. Сўз кўмакчи бўлса, унинг қандай кўмакчи эканлиги туркум номи қаторига тиркалади.

IX. Сўз боғловчи бўлса ҳам, унинг қандай боғловчи эканлиги туркум номи қаторига тиркалади.

X. Сўз юклама бўлса, қуйидаги икки саволга қилинган жавоб туркум номи қаторига тиркалади:

1. Маъносига кўра қандай юклама?

2. Тузилишига кўра қандай юклама?

XI. Модал сўзлар бўлса, унинг маъносига кўра қандай модал сўз эканлиги туркум номи қаторига тиркалади.

XII. Ундов сўзлар бўлса, унинг маъносига кўра қандай ундов эканлиги туркум номи қаторига тиркалади.

XIII. Тақлид сўзлар бўлса, унинг маъносига кўра қандай тақлид сўз эканлиги туркум қаторига тиркалади.

Қуйидаги намуна асосида гапдаги ҳар бир сўз туркуми ва шу туркумга ҳос турланиш-тусланиш бўйича таҳлил этиб кўрсатилади:

Хира меҳмон шунда ҳам нари кетмади.

Хира — сифат, аслий, туб;

меҳмон — от, турдош, содда, аниқ, бош қ., бирлик, III ш;

шунда — олмош, кўрс. ол. -н- орттирилган товун, ўрин к. да;

ҳам — юклама, сўз юк., таъкидлов юк.;

нари — равиш, ўрин р., туб. р.;

кетмади — феъл, туб ф., ўтимсиз, соф. ф. аниқлик нисб., бўлишсиз, ўтган замон, III шахс, бирлик, аниқлик майлида.

Берилган гапдаги сўзларни морфологик жиҳатдан таҳлил этиш юқорида кўрсатилган икки намуна асосида қилиниши ва биз санаган саволларга тўла жавоб берадиган бўлиши керак. Қабул имтиҳонига келган кўпчилик кирувчилар сўз қаторига қандай саволга жавоб бўлиниши ҳам қўшиб ёзадилар, баъзан шу билан чегараланиб ҳам қоладилар. Бу нотўғри. Сўроқни топиб қўйиши билимни белгиламайди. Уни грамматик билимни йўқ одам ҳам топа билиши мумкин. Сўроқ фақат туркумни топиб олиш учун ёрдам беради. Шундай экан, уни дилда қўллаш жонз. «Жавоб қоғози»га қайд этиш керак эмас. У жой эгаллайди ва зарур жавоблардан диққатни четга тартади.

Қуйидаги гапларни морфологик (ҳар икки жиҳатдан ҳам) таҳлил этинг.

1. Бу воқеа ажойиб кунларнинг бирида рўй берган эди.

2. Лекин бари бир бу ажойиб бир кун эди.

3. Лекин мен бугун шу ерда тунашим керак.

4. Маъмура уларни бир-бир очиб кўрди-ю, бирдан тутақиб кетди.

5. Маъмуранинг кўзларида қув бир учқун чақнади.

6. Бироқ бу табассумидан кўра бояги хўмрайиши афзалроқ эди.

7. Мана шу сиз савлат тўкиб ўтирган зални ҳам мен сувоқ қилганман.

8. Лекин бу меҳмонхонани ростдан ҳам мен қурганман.

9. Шу иморатда бош қўймоқ энди мен учун бениҳоя муҳим.

10. Ана икки қадам нарида жиянимнинг ўрдадек уйи бор.

11. Чунки ҳаммамиз ҳам аслида бу дунёга меҳмонмиз.

12. Бу ерга сўнги бир паниж билан келган эдим.

13. Ун етти йил ичида бу шаҳри азимга озмунча келмадим.

14. Шу ажал нақ остонада эгарланган отдай кутиб турибди.

15. У бир оқшом палатада мана шундай ёлғиз эди.

16. Мусиқанинг нозик оҳанглари ним қоронғи хонани тўлдирди.

2- текширув иши

Берилган мисоллар фақат синтактик нуқтаи назардан таҳлил этилади. Бунда гапга уч нуқтаи назардан ёндашиш керак. 1) гапдаги сўзларнинг ўзаро муносабатига қараб, уларнинг бирикма ҳосил қилиши ва ўзаро муносабатига қараб, уларнинг бирикма ҳосил қилиши ва ўзаро боғланиши таҳлил этилади; 2) гапнинг турли нуқтаи назардан турлари кўрсатилади; 3) гапнинг бўлаклари ва уларнинг турлари аниқлаб берилади.

Гапдаги сўзларнинг ўзаро муносабатига қараб, уларнинг бирикма ҳосил қилиши ва ўзаро боғланиши таҳлил этилганда қуйидаги шартлар амалга оширилади:

1) гапдаги ҳар бир сўз ўзи боғланган сўз билан олиниб, рўйхат қилинади;

2) шу рўйхатдаги ўзаро боғланган сўзлар қаторига қандай бирикма эканлиги кўрсатилади, яъни отли бирикма, феълли бирикма, равишли бирикма деб.

3) боғланган сўзлар билан бирга бирикма номидан кейин сўзлар қандай боғланишга эга эканлиги қайд этилади, яъни: бошқарув боғланиши, мослашув боғланиши, битишув боғланиши деб.

Қуйидаги намуна асосида гапдаги сўзларнинг ўзаро муносабатига қараб, уларнинг қандай йўл билан боғланганлиги ва қандай бирикма ҳосил қилганлиги белгиланади.

Мен манави дуб эшикларингизни елкамда ташиб келганман.

Мен келганман — феълли бирикма, мослашув б.;

манави дуб — отли бирикма, битишув б.;

дуб эшикларингизни — отли бирикма, битишув б.;

эшикларингизни ташиб — феълли бир., бошқарув б.;

елкамда ташиб — феълли бирикма, бошқарув б.;

ташиб келганман — феълли бирикма, битишув б.; Гапнинг турли нуқтан назардан турлари кўрсатилганда қуйидаги саволларга жавоб берилади:

1) мақсадга кўра қандай гап?

2) тузилишига кўра қандай гап?

а) агар у содда гап бўлса, йиғиқ гапми ёки ёйиқ гапми?

б) агар у қўшма гап бўлса, қайси турига киради: боғловчили боғланган қўшма гапми, боғловчисиз боғланган қўшма гапми, эргаш гапми қўшма гапми? Содда гапларга ажратинг.

в) мураккаб гап бўлса, таркибиди қандай содда гаплар борлигини кўрсатинг.

3) Неча бош бўлакли гап? Агар у бир бош бўлакли гап бўлса, унинг қайси турига киради.

Қуйидаги намуна асосида гапни турли нуқтан назардан турларини кўрсатиб, гап тагига бирма-бир рўйхати қайд этилади.

Тили бўлса, мана шу деворлар айтсин!

Мақсадга кўра — буйруқ гап.

Тузилишига кўра — қўшма гап, шарт эргаш гапми қўшма гап.

Шарт эргаш гап — *тили бўлса*.

Баш гап — *мана шу деворлар айтсин*.

Шарт эргаш гап қисми — йиғиқ гап бўлиб, икки бош бўлакли.

Бош гап қисми — ёйиқ гап бўлиб, у ҳам икки бош бўлакли.

Гапнинг бўлаклари ва уларнинг турлари аниқлаб берилганда қуйидаги саволларга жавоб берилади:

1. Гапнинг эга ва қисми қайси? Эга тагига бир, қисим тагига икки чизиқ тортинг!

2. Эга нима билан ифодаланган ва тузилишига кўра у қандай?

3. Қисим от-қисимми ёки феъл-қисимми? Тузилишига кўра қандай қисим?

4. Гапнинг иккинчи даражали бўлакларини номланг. Устига номини қисқартириб ёзиб қўйинг!

5. Агар у аниқловчи бўлса, қандай аниқловчи: қаратқичми, сифатловчи ёки изоҳловчи?

6. Агар у тўлдирувчи бўлса, қандай тўлдирувчи: воситасизми ёки воситали? Қисимга нима воситасида боғланган?

7. Агар у ҳол бўлса, қандай ҳол: ўрин ҳоли, пайт

ҳоли, миқдор ҳоли, равиш ҳоли, сабаб ҳоли ёки мақсад ҳоли?

8. Гапда ажратилган бўлак, ундалма, кириш сўз кесиблардан бири келган бўлса ёки бирор уюшиқ бўлса, улар ҳам белгиланиши керак.

Қуйидаги намуна асосида гап бўлаklarини аниқлаб, турларини кўрсатиб таҳлил этилади:

кириш с.	эга	сиф. ан.	вос-сиз тўл.	вос-ли тўл.
Қани эди,	мен	ичимдаги	бор гапни	унга

рав. ҳоли	қўш. феъл. кес.
бир йўла	тўқиб солсам.

Берилган гапни синтактик жиҳатдан таҳлил этиш юқорида кўрсатилган уч намуна асосида қилиниши ва биз санаган саволларга тўла жавоб берадиган бўлиши керак. Бу ўринда ҳам бўлаklarларга бериладиган саволлардан фақат дилда фойдаланиш мумкин, бироқ «жавоб қоғози»да қайд этилмаслиги керак.

Қуйидаги гапларни синтактик (ҳар уч жиҳатидан ҳам) таҳлил этинг:

1. Инсон хоки тuroб бўлиб кетса-ю, унинг меҳнат самари яшайверса.

2. Меҳмон ортига қарамай, лифт томон юрди.

3. У сўкинганча даф бўлди, лекин галваси даф бўлмади.

4. Ҳа, буларнинг ишларидан, қора қилмишларидан қўрққилик, оғайни, лекин сен қўрқма!

5. Бошқача натижа кутмаган бўлсанг-да, негадир юрагинг бирданига ҳувиллаб қолди.

6. Фигонинг фалакка чиқиб, гиналардан қоқиласурила пастга тушдинг.

7. Йўлда кетиб бораркансан, хаёлингга шундай бир фикр келди.

8. Наҳотки, шу тариқа жимгина таслим бўлиб кетаверсанг.

9. Йиллар ўтиб, соғинган бу фазилатларни хотини Ойнисадан топди.

10. Кўнгли алдамаган экан: узоқдан аллақандай бир кўланка қорайиб кўринди.

11. У, юраги орқага тортиб, қадамини жадаллатди.

12. Сандиқда мнинг сўм бор, аммо Алаш карвон унга тегмайди.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Имло масалалари	5
Айрим ҳарфлар имлоси	5
Сўзларни бугунга ажратини имлоси	12
Негиз ва қўшимчалар имлоси	15
Сўз ясаш билан боғлиқ имло	17
Бош ҳарфлар имлоси	23
Имло масалалари юзасидан текширув ишлари	25
Услуб ҳақида	30
Сўз ишлатиш	30
Қўшимчалар вазифасини фарқлаш	33
Галдаги бўлақлар мослиги	44
Гал бўлақлари тартиби	49
Услуб масалаларига оид текширув ишлари	56
Тиниш белгилари имлоси	53
Ҳозирги ўзбек адабий тили	101
Имтиҳон учун қўлланма	101
Морфологик таҳлил. Морфемика	101
Морфология	103
От	103
Сифат	115
Сон	117
Олмош	120
Феъл	122
Равиш	131
Қўмакчи	133
Боғловчи	133
Юклама	134
Модал сўз	135
Ундов	135
Тақлид сўз	135
Синтактик таҳлил	138
Сўзларнинг синтактик алоқаси	138
Гал ва унинг турлари	139
Гал бўлақлари	142
Бир бош бўлақли галлар	147
Қўшма гал	152